The products of automation have primarily been used in the automobile industry where they are integrated into the machining and improving press operating processes. They have also been used in the healthcare, private and public sectors of IT. The majority of businesses in the private sector employ equipment and motor components to shape their products into the desired shapes [6]. In many instances, a number of activities are

combined to carry out a particular task and provide the intended automated result. An automated transfer line is thought to be the most cost-effective form of production when the technology sector generates a large number of products [15]. In the private sector, press working entails the creation of pieces from a metal sheet. Machines are deployed in succession during the procedure [12]. Today, a wide range of sectors have adopted the use of computers to manage intricate IT procedures. Automation is regarded as a technique that reduces the need for labor. It means that the technology used only needs a little help from people [6]. When used in the healthcare, public and private sectors of life, automation covers a wide range of topics. It also regulates the degree of complexity of the impacted areas ranging from simpler controls like the on-off mode to more complicated multivariable system algorithms. The controller can compare the values measured on a particular process to a predetermined target quantity in the simple form of automation control. Additionally, the procedure processes any resulting error signals to change the task's input [3]. In this way, the process is able to continue unaffected by outside influences. Work mentioned in reference numbered [19] states that automation in these spheres of life has been accomplished in a variety of ways including mechanical in the private sector, electronic and electrical devices in the healthcare industry and hydraulic in the public sphere which occasionally coordinate to increase the effectiveness of IT. One of the numerous reasons for the rise of nationalists and protectionists in many other nations has been the loss of jobs and the decline in mobility brought on by technology. It is because it has reduced the need for human intervention in the control and management of expansive and numerous institutions, such as the healthcare system [17]. Accordingly, it appears that the automation of technology in these industries creates more promising and dynamic regions when they depend on technology to provide the required results and finish processes in a desired manner [11]. The responsibility attribution becomes more challenging as human input declines since social interventions no longer serve as the decision-making points [2]. When IT is automated, dysfunctions are also removed from the systems, boosting the accountability and efficiency of the arrangements.

CONCLUSION

We need to develop our theoretical understanding of how the implementations of IT automation interact with the arrangements that are responsible in the industries if we are to understand the automation of IT in the healthcare, private and public sectors. The first step in conceptualizing potential outcomes that may be unfavorable and connected with IT in the sectors is to understand the framework of a proposed IT automation in the

industries. Examining further instances of automation in the public, commercial and healthcare sectors helps to improve the foundation for comprehending the responsibility and efficiency of automation. Information flow and automated process improvements lead to efficiency that is highly desired and transparency that should balance out the dysfunctions of automation. The implementation of automation in the public, private and healthcare sectors of life necessitates various types of accountable mechanisms as the paper has demonstrated. These mechanisms must be based on an evaluation that is carefully done on the effects that will arise when the technology is implemented in a particular context. The process is based on a key question that is asked about the degree of responsible arrangements for implementation and the activities that should be held accountable in the automation. According to the examples given in the article, numerous services are needed in the various industries to improve an accountable process. The promise of an expanding, intelligent technology is always in opposition to the worries expressed about the pervasive development in IT automation in the healthcare, public and private sectors. They are able to operate in the areas without constantly needing a human to oversee the activities. It demonstrates the alluring aspect that IT automation on computer-controlled systems performs progressively difficult and dangerous duties and necessitates careful monitoring with time.

REFERENCES

- [1]. Abu-Shanab, E., & Estatiya, F. (2017, May). Utilizing Cloud Computing in public sector cases from the world. In 2017 International Conference on Applied System Innovation (ICASI) (pp. 1702-1705). IEEE.
- [2]. Acemoglu, D., & Restrepo, P. (2018). Artificial intelligence, automation and work (No. w24196). National Bureau of Economic Research.
<https://www.nber.org/papers/w24196.pdf>
- [3]. Arntz, M., Gregory, T., & Zierahn, U. (2017). Revisiting the risk of automation. *Economics Letters*, 159, 157- 160.
<https://www.skynettoday.com/assets/img/editorials/ai-automation-job-loss/Revisiting%20the%20Risk%20of%20Automation.pdf>
- [4]. Bermejo, J., Chibani, A., Gonçalves, P., Li, H., Jordan, S. R., Olivares, A., ... & Sanz, R. (2018). Collaboratively working towards ontology-based standards for robotics and automation. In 2018 IEEE/RSJ International Conference on Intelligent Robots and Systems (pp. 79- 79). IEEE.
- [5]. Eubanks, V. (2018). *Automating inequality: How high-tech tools profile, police, and punish the poor*. St. Martin's Press.
- [6]. Fernandez, D., & Aman, A. (2018). Impacts of robotic process automation on global accounting services. *Asian Journal of Accounting and Governance*, 9, 123- 132.
<http://ejournal.ukm.my/ajac/article/download/25271/8771>

- [7]. Furman, J. (2018). Should we be reassured if automation in the future looks like automation in the past? *The Economics of Artificial Intelligence: Information technology, information systems and public sector accountability*. In *Information Technology in Context: Studies from the Perspective of Developing Countries* (pp. 201-219). Routledge.
- [8]. Isa, E., & Sklavos, N. (2017). Smart Home Automation: GSM Security System Design & Implementation. *Journal of Engineering Science Technology Review*, 10(3).
- [9]. Kurfess, T. R. (Ed.). (2018). *Robotics and automation handbook*. CRC press.
http://thuvienso.bvu.edu.vn/bitstream/TV_DHBRVT/19121/1/Robotics-and-automation-handbook-P1.pdf
- [10]. Lazarus, J., Shaheen, S., Young, S. E., Fagnant, D., Voege, T., Baumgardner, W & Lott, J. S. (2018). Shared automated mobility and public transport. In *Road Vehicle Automation 4* (pp. 141-161). Springer, Cham.
<https://escholarship.org/content/qt6589k2h1/qt6589k2h1.pdf>
- [11] Li, X., Li, D., Wan, J., Vasilakos, A. V., Lai, C. F., & Wang, S. (2017). A review of industrial wireless networks in the context of Industry 4.0. *Wireless networks*, 23(1), 23-41.
- [12] Milakis, D., Van Arem, B., & Van Wee, B. (2017). Policy and society related implications of automated driving: A review of literature and directions for future research. *Journal of Intelligent Transportation Systems*, 21(4), 324-348.
<https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/15472450.2017.1291351>
- [13]. Mohammad, Sikender Mohsienuddin, *Cloud Computing in IT and How It's Going to Help United States Specifically* (October 4, 2019). *International Journal of Computer Trends and Technology (IJCTT) – Volume 67 Issue 10 - October 2019*. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3629018>
- [14]. Nedelkoska, L., & Quintini, G. (2018). Automation, skills use and training.
- [15]. Northcote-Green, J., & Wilson, R. G. (2017). *Control and automation of electrical power distribution systems* (Vol. 28). CRC press.
- [16]. Parasuraman, R., & Mouloua, M. (Eds.). (2018). *Automation and human performance: Theory and applications*. Routledge.
- [17]. Salomons, A. (2018). Is automation labor- displacing? Productivity, growth, employment, and the labor share (No. w24871). National Bureau of Economic Research.
<https://www.nber.org/papers/w24871.pdf>
- [18]. Scheepers, R., Lacity, M. C., & Willcocks, L. P. (2018). Cognitive Automation as Part of Deakin University's Digital Strategy. *MIS Quarterly Executive*, 17(2).
- [19]. Tabor, D. P., Roch, L. M., Saikin, S. K., Kreisbeck, C., Sheberla, D., Montoya, J. H & Amador-Bedolla, C. (2018). Accelerating the discovery of materials for clean energy in the era of smart automation. *Nature Reviews Materials*, 3(5), 5-20.
<https://www.osti.gov/pages/servlets/purl/1461992>

ПОРШЕНЛИ ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛАРНИ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ

Ачилов Вадим Эльмурадович

подполковник., Узбекистон Республикаси Куролли Кучлари Кичик мутахассислар тайёрлаш маркази “Техник тайёргарлик” цикли катта ўқитувчиси, Самарканд шаҳри.

***Калим сўзлар:** ички ёнар двигателлари, ёнувчи аралашма, поршень, цилиндр, двигатель, яратди.*

Ички ёнув двигатели ёнилғини ёқиш ҳисобига механик энергия ҳосил қилишга мўлжалланган иссиқлик машинаси тушунилади. Бунда ёнилғининг ёнишида иссиқлик ажралиб чиқишга олиб келувчи химиявий реакциялар ва ажралган иссиқликнинг механик ишга айланиши цилиндр деб аталган иш органига амалга оширилади. Цилиндрнинг ичида поршень ҳаракатланади, шу сабабли ички ёнув двигателлари поршенли двигателлар деб аталади.

Энг кўп тарқалган иссиқлик двигателлардан – бу ички ёнар двигателлардир. Дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган қувватнинг 80 фоизи ички ёнув двигателлар хиссасига тўғри келади. Ички ёнув двигателларнинг ихчамлиги, мустаҳкамлиги, чидамлилиги ва тежамкорлиги учун ҳалқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида қўлланилмоқда.

Францияда 1-поршенли ички ёнув двигателли 1860 йилда Ленуар томонидан яратилган. Бу двигатель икки тактли бўлиб, тақсимлаш механизми золотникли бўлган, ҳаво-ёқилғи аралашмаси ташқи манба энергияси орқали ёндирилган, ёқилғи сифатида ёруғлик беручи газ (светильный газ) ишлатилган.

1876 йили немис конструктори Н.Отто 4 тактли газда ишлайдиган двигатель яратди. Бу двигателда ёниш олдидан аралашма сиқилган, бунинг натижасида двигателнинг тежамкорлигини Ленуар двигателига қараганда оширишга имкон берди. Оттонинг двигатели саноатда ишлатилган.

1889 йили Россияда И.С.Костович томонидан суюқ ёқилғида ишлайдиган (бензин) двигатель яратилган, бу двигатель дирижабелларга ўрнатиш учун мўлжалланган.

1897 йили немис инженери Р.Дизел биринчи бўлиб сиқиш натижасида аланга оладиган двигатель яратди. Россияда ёнилғини сиқиш натижасида аланга олиб

ишлаш қобилиятига эга бўлган биринчи двигатель 1899 йилдан бошлаб яратила бошланди.

1901 йили Россияда Г.В.Тринклер томонидан 1- компрессорсиз дизель қурилган. Рус инженер Я.В.Мамин 1910 йили тракторлар учун яратган компрессорсиз двигатели ахамиятга моликдир.

ИЁД ларни ишлаб чиқариш ортиб бориши билан уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам такомиллашди. Бунда асосан ёнилғининг эксплуатацион сарфни камайтириш, ҳавони цилиндрга босим остида киритиш усулини қўллаш ҳисобига куч мосламаларининг агрегат қувватини ошириш, двигателларнинг моторресурсини ошириш билан бир қаторда унга сарф бўладиган металлни камайтириш, экологик характеристикаларни яхшилаш, техник хизмат кўрсатишга сарф бўладиган вақтни қисқартириш, сошлаш жараёнларини автоматлаштириш, ишлатиладиган ёнилғи турларини кўпайтиришдан иборат.

Двигателларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан биргаликда, двигателларнинг назарияси ҳам ривожланди. Двигателларни назариясини ривожлантиришга В.И.Гриневецкий, Н.Р.Брилинг, Е.К.Мазинг, Стечкин Б.С. ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшишган.

Улуғ рус олими В.И.Гриневецкий буғ машиналарида, қозонлар агрегат-ларида ва ички ёнар двигателларида кечадиган иш жараёнларини тадқиқот қилган.

В.И.Гриневецкий ўзининг “Ички ёнар двигателларининг иш жараёнини иссиқлик ҳисоби” китобида двигателнинг иссиқлик ҳисоби тўғрисидаги услубини биринчи бўлиб таклиф қилди.

Н.Р.Брилинг Россия ФА мухбир аъзоси, Россияда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, техника фанлари доктори, профессор, автотрактор двигателларининг назарий асосчидир. Двигателларда иссиқликни узатишни ўрганиш бўйича қилган тадқиқотлари маълумдир. Унинг раҳбарлигида келажаги порлоқ тезюар дизеллар, авиация ва автомобиллар двигателлари ихтиро қилинган. У биринчи бўлиб рус тилида ички ёнув двигателлари тўғрисида дарслик ёзган. Ўзини қилган тадқиқот ишларини умумлаштири биссиқ бериш коэффициентини топиш формуласини таклиф қилди.

Россияда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, техника фанлари доктори Е.К.Мазинг ўзининг устози В.И.Гриневецкийнинг таълимотини ривож-лантирди. У двигателлар иссиқлик ҳисобини такомиллаштирди, газни генерироват қилиш ва уни ички ёнув двигателларда ишлатиш масалалари бўйича тадқиқот ишлари олиб

борди. Унинг қаттиқ ва суюқ ёқилғиларнинг ёниши масалаларига бағишланган илмий асарлари ички ёнар двигателларни лойиҳалашда қўлланилади.

Академик, профессор, меҳнат қахрамони Б.С.Стечкин «Гидроаэромеханика ва теплотехника» бўйича машхур олимдир, Н.Е.Жуковскийнинг шогирди. Унинг машиналарнинг термодинамика (иссиқлик динамика) ва газ динамикаси соҳаси бўйича қилинган илмий ишлари поршенли ва бирлашган ички ёнув двигателларнинг назариясида ва тажрибасида кенг қўлланилмоқда. Б.С.Стечкин индикатор жараёнини тадқиқот қилишга катта ҳисса қўшган, ҳаво-реактив двигателларини назарий асосини ишлаб чиққан.

Ички ёнув двигателларни яратиш ва такомиллаштириш билан биргаликда уларнинг ишлаши самарадорлигини ошириш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ички ёнув двигателларини таснифлаш

ИЁД лар бир неча характерли белгилар бўйича таснифланади:

1. вазифаси бўйича: кўчмас (стационар) ва транспортга ўрнатиладиган;
2. газ алмашиш усули бўйича: 4 ва 2 тактли;
3. Ишлатиладиган ёқилғини турига қараб:
 - а) енгил суюқ ёқилғид айшлайдиган (керосин, бензин);
 - б) оғир суюқ ёқилғида ишлайдиган (мазутда, соляр мойида, дизель ёнилғисида, газда);
 - в) газ ҳолдаги ёқилғида (генератор газида, табиий газда, пропан-бутанда);
 - г) икки ёнилғили (газ ҳолдаги ёнилғи билан суюқ ёқилғида);
 - д) кўп ёнилғили. Бу махсус вазифа бажаридиган дизеллар бўлиб, улар турли характеристикали енгил ва оғир суюқ ёнилғиларда ишлашга мослаштирилган.
4. Ёнувчи аралашмани алангалатиш усули бўйича: сиқиш натижасида алангаланиш (дизеллар) ва учкун ёрдамида мажбуран алангалатиш (бензинли ва газда ишлайдиган двигателлар).
5. Ёнувчи аралашма ҳосил қилиш усули бўйича: цилиндрдан ташқарида ва унинг ичида аралашма ҳосил қилиш.
6. Совитиш усули бўйича: суюқлик ва ҳаво билан совитиш.
7. Цикл давомида бериладиган иссиқлик миқдорини ростлаш (созлаш) усули бўйича: сифат, миқдор жиҳатдан ва аралаш усулларда ростланади.
8. Янги зарядни цилиндрларга киритиш усули бўйича: атмосферадан табиий ҳолда киритиладиган ва босим остида киритиладиган.

9. Поршень ҳаракатининг тури бўйича: поршенли ва ротор-поршенли, ротор-поршенли двигателларда поршень корпус ичида планетар (мураккаб) ҳаракат қилади.

10. Цилиндрларнинг жойлашиши бўйича: бир қаторли тик, қия ва горизонтал жойлашган; икки қаторли Vшаклида ва қарама-қарши жойлашган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қодиров С.М., Никитин С.Е. «Автомобил ва трактор двигателлари». - Тошкент: 1992.
2. Автомобильные двигатели. М.С.Ховах таҳрири остида. - Москва: 1977.
3. Двигатели внутреннего сгорания. Теория рабочих процессов. В.Н.Луканин таҳрири остида. - Москва: 1995.
4. Двигатели внутреннего сгорания. Теория поршневых и комбинированных двигателей. А.С.ОрлинваМ.Г.Круглов таҳрири остида. - Москва: 1983.
5. Ховах М.С., Маслов Д.С. «Автомобиль двигателлари». - Тошкент: 1977.
6. Двигатели внутреннего сгорания В3 кн.Кн.1. Теория рабочих процессов: Учеб: /В.Н.Луканин и др. –М.: Высшая школа, 1995. – 368с.
7. Двигатели внутреннего сгорания В3 кн.Кн.2. Динамика и конструирование: Учеб: /В.Н.Луканин и др. –М.: Высшая школа, 1995. – 319с.
8. Двигатели внутреннего сгорания В3 кн.Кн.3. Компьютерный практикум: Учеб: /В.Н.Луканин и др. –М.: Высшая школа, 1995. – 368с.

ЎЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК МАТЕРИАЛЛАРДА ЭФТАЛИЙЛАР ДАВЛАТИ ТАРИХИНИНГ АКС ЭТИШИ

**Камолов Жаҳонгир Мамасидиқович,
Рахматова Малика Шерзодовна**
Тошкент Давлат Педагогика Университети
E-mail: jahongir.kamolov.88@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада Эфталийлар давлатчилигига оид ёзма ва моддий манбалар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган бўлиб, бунда араб, форс, византия, хитой ва сурия ёзма манбалари, шунингдек илк ўрта асрларда мавжуд бўлган Марказий Осиё ҳудудидаги археологик объектлар ва уларнинг Эфталийлар ҳаётида тутган ўрни очиқ берилган.

Калим сўзлар. Манба, қўрғон, кўшк, мудофаа иншооти, ёзги қароргоҳ, қишки қароргоҳ, сарой, қўшингоҳ, қўналға, пойтахт, диний марказ, маъмурий марказ.

REFLECTION OF THE HISTORY OF THE EPHTALIAN STATE IN WRITTEN SOURCES AND ARCHAEOLOGICAL MATERIALS

Abstract. This article contains information about the written and material sources of the Ephthalite statehood, in which Arabic, Persian, Byzantine, Chinese, and Syrian written sources, as well as archaeological objects in Central Asia that existed in the early Middle Ages and their role in the life of the Ephthalites, were revealed.

Keywords. Source, fortress, castle, defense structure, summer residence, winter residence, palace, outpost, military base, capital, religious center, administrative center.

Марказий Осиё ҳудудида турли даврларда фарқли этнослар яшаб ўтиб, тарихда ўзига хос из қолдириб кетганлар. Улар орасида туркий ва шарқий эроний тилли элатлар устуворлик қилган. Минтақанинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг илк ўрта асрлар даврига оид бўлган давлатчилик тарихига назар солсак, бу даврда кўплаб майда ва йирик давлатларнинг шаклланиши, юксалиши ҳамда уларнинг тарих саҳнасидан кетганлигига гувоҳи бўламиз. Қадимги даврларда бўлганидек, илк ўрта асрларда ҳам минтақанинг марказий ҳудудларига, айниқса, бугунги Ўзбекистон ҳудудига турли халқларнинг кириб келиши давом этди.

Илк ўрта асрларда, хусусан, V асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларидан Сирдарё ва Орол бўйлари орқали кўчманчи аҳоли – кидарийлар (юе-чжи ёки тохарларнинг авлоди) кириб келади. Айрим тадқиқотчилар кидарийларнинг кириб келишини Шарқий Туркистондан дастлаб Помир-Бадахшон орқали бўлган, деб ҳисоблашади⁶. Кидар исмли ҳукмдор йўлбошчилик қилгани учун улар кидарийлар номи билан тилга олинади. Кидарийлар билан Сосонийлар ўртасида зиддиятлар кучайиб, улар ўртасида бир неча марта қуролли тўқнашувлар бўлади. 456 йилда бўлган навбатдаги жангда Кидарийлар Сосонийлардан қақшатғич зарбага учрайдилар. Айни пайтда, шимолдан жанубга силжиб келаётган эфталийлар босимида дуч келиб, Шимолий Ҳиндистон томон чекинишга мажбур бўладилар ва у ерда 75 йил давомида ҳукмронлик қилдилар. Эфталийларнинг этник таркиби, давлат ташкил этишлари хусусида тарихий манбаларда турли хил маълумотлар мавжуд. Улар эрамизнинг V-VI асрларида катта ҳудудни қамраб олган улкан давлатга асос соладилар. Эфталийлар давлатининг энг юксалган даврида давлат чегаралари шарқдан ғарбга томон -Хўтандан (Шарқий Туркистон) Эрон чегараларигача, шимолдан жанубга томон – ҳозирги Қозоғистон чўлларида Шимолий Ғарбий Ҳиндистонга, яъни Марказий Осиёнинг катта қисми, Афғонистон, Покистон Ҳиндистон ва Хитойгача бўлган ҳудудларга етиб борганлар.

Эфталийлар турли тиллардаги ёзма манбаларда турлича, жумладан, арман манбаларида «heptal», «hettal», «tetal»; юнон манбаларида «eftalit», «abdel», «eftal», «oq hunlar», араб манбаларида «xaytal», «xetal» каби номлар билан тилга олинади. Ҳинд манбаларида «xuna», араб манбаларида гарчи «xaytal» номи билан тилга олинсалар-да, баъзи ҳолларда улар турклар деб ҳам тилга олинган. Арман манбаларида эса кушонларнинг авлоди деб эслатилади. Хитой манбаларида эфталийлар «e-da», «e-di-yen», «i-dan», «e-ta-i-lito» деб тилга олинади. Юқорида тилга олинган номлардан Эфталий номи илмий муомалага қабул қилинган⁷.

Эфталий сўзи “Habtal” ва “Hebatile” шаклида бўлиб, “b” номи араб манбаларида “y” тарзида ёзилган ва бу ном Фирдавсийда “Haytal” сифатида берилган. Лекин баъзи араб кўлёмаларида “b” билан ёзилган. Бошқача айтганда, “b” араб ва форс манбаларида “y” га айланган. Шунинг учун Эфталит сўзининг тўғри шакллари аслида “Hebtal”, “Hebatila” дир⁸.

⁶ Бобоёров Ғ. Эфталитларнинг этник келиб чиқиши тарихшунослиги. – Тошкент. 2019. – Б. 9.

⁷ Бобоёров Ғ. Эфталитларнинг этник келиб чиқиши тарихшунослиги. – Тошкент. 2019. – Б. 10.

⁸ Çeliktaş.М. Ak hunlar tarihi üzerine türkiye ve dünyada yapılan çalışmaların değerlendirilmesi. Ankara-2011. – S. 1.

Ушбу даврга тааллуқли манбалар хитой, суғдий, бактрий, пахлавий, юнон, арман, сурия, араб, форс, ҳинд тилларидаги ёзма манбалар ва археологик (асосан, нумизматик ва эпиграфик) материалларга мурожаат қилинди.

Дастлабки манбалар хитой йилномалари, хитой тарихчиларининг асарлари бўлиб, ушбу тилдаги йилномаларда бу давлатни ташкил этган элатлар хун қабилалари иттифоқига мансуб бўлганлиги айтилади⁹. VII аср хитой муаррихи Вей-Чие ўзининг “Си-фан-чи” асарида – “Эфталийларнинг келиб чиқишини аниқлаш учун улар ҳақидаги маълумотларнинг узок мамлакатлар манбаларида келтирилгани ва ўзга тилларда уларнинг бузиб талаффуз этилиши ва қадимийлиги туфайли анча қийин ва имкони йўқлигини” таъкидлайди¹⁰. Бундан кўринадики, эфталийлар шаклланган ҳудуд Хитойдан унчалик узок бўлмаган.

VII аср бошларида Ли Яншоу томонидан ёзилган хитой солномаси «Вей-ши»да, – “Йеда хонадони Катта Юечжиларнинг бир авлодидан келиб чиққан” деб таъкидланади. Улар ҳақидаги маълумотларни 518 йилда эфталийлар шоҳи Миҳиракул даргоҳига элчи бўлиб келган сайёҳ Сун Йун ҳамда 629-645 йилларда Ҳиндистон будда ибодатхоналари зиёратига келган будда коҳини Сюан Цзян асарларида ҳам учратиш мумкин. Сюан Цзяннинг асосий мақсади буддавийлик зиёрати бўлса-да унинг Хитойга қайтгач ёзиб қолдирган “Да Тан Сиюй Сзи” (Буюк Тан даври ғарбий ўлкалари ҳақидаги ёзишмалар) номли асарида ўнлаб ўша давр давлатлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Марказий Осиё давлатлари ҳақидаги қизиқарли, лекин тўлиқсиз маълумотларни 727 йилда шимолий Ҳиндистонга саёҳат қилган Вей Цзе ҳамда Хой Чао ёзишмаларида ҳам учратиш мумкин¹¹.

Суғдий тилли битиктош, ҳужжат ва нумизматик материалларда эфталлар тарихининг айрим жиҳатларига доир маълумотлар сақланиб қолган бўлиб¹², айниқса, нумизматик материаллар эфтал ҳукмдорларининг танга зарби, ҳокимият рамзлари, айрим ҳукмдорларнинг исм ва унвонларига доир маълумотларга эга (VI-

⁹ Бобоёров Ф. Эфталитларнинг этник келиб чиқиши тарихшунослиги. – Тошкент. 2019. – Б. 11.

¹⁰ Илясов Дж. Некоторые замечания к проблеме эфталитов // *Transoxiana. История и культура. Сб. статей. Ташкент, 2004.* – С. 117.

¹¹ Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I-III. – М.-Л., 1950; Кюннер Н. В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М.: Вост. лит., 1961; Материалы по истории древних кочевых народов группы дунху / Введение, перевод и комментарии В. С. Таскина. – М.: Наука, 1984; Зуев Ю. А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы: Дайк-пресс, 2002; Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Тошкент: Маънавият, 2001.

¹² Кляшторный С. Г., Лившиц В. А. Согдийская надпись из Бугута // *СНВ.* – Москва, 1971. – Вып. X. – С. 121-146; Ртвеладзе Э. В. История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в. н. э.). – Ташкент, 2006; Ишоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992; Баратова Л. С. Древнетюркские монеты Средней Азии VI–X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация): Дис.... канд. ист. наук. – Ташкент, ИААНРУз, 1995.

VII асрлар) бохтарий тилли ҳужжатларда (VII-VIII асрлар) хоқонлик бошқарувига доир айрим муҳим маълумотлар акс этган¹³; юнон, сурия ва арман манбаларида (VII-VIII асрлар) Византия тарихчиси Прокопий Кесарский эфталийларни хун халқлари деб юритса-да, лекин ташқи кўриниш жиҳатдан катта фарқ борлигини таъкидлайди. Бошқа яна бир VI аср Византия тарихчиси Агафий Миринский “Эфталийлар – бу хунлардир” деб таъкидлайди. Эфталийлар тўғрисидаги маълумотлар бошқа Византия муаллифлари, жумладан Приск Панийский (V аср), Менандр Протектор (VI аср), Захарий Ритор (VI аср), Козьма Индикоплов (VI аср), Феофилат Симокатта (VI аср) асарларида учрайди¹⁴. Феофан Византийскийнинг маълумот беришича эфталийларнинг ҳукмдори Вахшунвор Эфталон бўлиб, халқ унинг номи билан юритилган¹⁵.

Византия тарихчиларининг кўпчилиги эфталларни хунлардан келиб чиққанлиги, бу икки халқ бир бирига жуда ўхшаш эканлигини қайд этади. Аммиан Марцеллин ўзининг “Рим тарихи” асарида эфталийларнинг ташқи кўриниши, уларнинг дафн маросимлари, сосонийлар билан алоқалари ҳақида қимматли маълумотларни келтириб ўтади¹⁶; араб ва форс тилидаги тарихий асарларда (VIII-IX асрлар) эфталлар тарихининг айрим жиҳатлари, Эфталийларнинг сосонийлар билан, жумладан Пероз билан бўлган жанги ҳақида, бундан ташқари Абу Ханифа ад-Динаворийнинг “Китаб ал-ахбар ат-тивал” номли (IX аср), Абу Жафар ат-Табарийнинг (839-923), “Тарих ар-русул вал-мулук” (Пайғамбарлар ва шоҳлар тарихи), Абу Райхон Берунийнинг (973-1048) “Ал-асар ал-бакия ан ал-курун ал-халия” (Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар), Абул Қосим Фирдавсийнинг (X-XI аср) – “Шоҳнома”, Мирхонднинг (1433-1498) “Равзат ус-сафо” (Поклик боғи) каби асарларда ўрин олган¹⁷. Араб ва форс манбалари Эфталийларни Марказий

¹³ Sims-Williams N. From the Kushan-shahs to the Arabs. New Bactrian documents dated in the era of the Tochi inscriptions // Coins, Art and Chronology Essays on the pre-islamic History of the Indo-Iranian Borderlands. – Wien, 1999. – P. 245–258; Bactrian Documents from Northern Afghanistan, I: Legal and Economic Documents. – Oxford University Press, 2000.

¹⁴ Гумилев Л.Н. Эфталиты и их соседы в IV веке // Вестник древней истории. 1959. № 1 – С. 129; Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь: Древность и раннее средневековье. – Ташкент. 1999. – С.271

¹⁵ Тревер К.В. Эфталитское государство (V–VI вв.) // История народов Узбекистана. – Ташкент. 1950. – Т.1. – С. 126; Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. – М., 1972. – С.50.

¹⁶ Пигулевская Н. В. Сирийские источники по истории народов СССР. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1941; Тер-Мкртчян Л. Х. Армянские источники о Средней Азии V–VII вв. – М.: Наука. 1979; Тревер К. В. Кушаны, хионы и эфталиты по армянским источникам IV-VII вв. (К истории народов Средней Азии) // СА. – Москва, 1954. – № XXI. – С. 131-147; Тер-Мкртчян Л. Х. Армянские источники о Средней Азии V-VII вв. – М.: Наука, 1979.

¹⁷ История ат-Табари. Избранные отрывки (Пер. с араб. В. И. Беляева. Допол. к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова). – Т.: Фан, 1987; Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. Форсчадан А. Расулев таржимаси. – Т.: Фан, 1966; Бируни. Памятники минувших поколений / Пер. с араб. и прим. М. А. Салье // Бируни. Избранные произведения. – Т. I. – Т.: АН УзССР, 1957.

Осиёнинг тубжой аҳолиси билан, айниқса, Зобулистон, Кобулистон, Гаржистон, Бақтрия-Тохаристон, Бухоро ва Самарқанд аҳолиси билан боғлайди. Улар Бақтрия-Тохаристонни Эфталийларнинг асл яшаш жойи деб кўрсатадилар¹⁸.

Эфталлар тарихига оид маълумотлар ўрта аср арман тарихчилари асарларида ҳам мавжуд бўлиб, уларда Эфталийлар ва улар билан боғлиқ воқеалар кўплаб ўрта аср манбаларида ҳам учрайди, лекин уларнинг аксариятида эфталийларни кушонлар билан бирдек ифодалядилар. Фавстос Бузанд ўзининг “История Армении” асарида Сосонийлар шоҳи Шопурнинг шарқдаги жанглари ҳақида жуда қизиқ маълумотларни келтиради. Эгише Вардапет эса шахсан ўзи ушбу воқеаларнинг гувоҳи сифатида сосоний подшо Яздигирд II нинг шимолий-шарқий элатлар, жумладан эфталийлар билан бўлган жангини тасвирляйди. Шунга ўхшаш яна бошқа маълумотлар Лазар Парпецийнинг “Арманистон тарихи” асарида учрайди. Эфталийлар ҳепталк шаклида Анании Ширакацийнинг “География” ҳамда Себеоснинг “Император Иракл тарихи” асарида учрайди. Арман манбаларда Эфталийлар Тохаристон ва Хуросондаги ҳукмрон тоифа ўлароқ тилга олинади¹⁹. Арман манбалари орқали бизгача етиб келмаган иккита асар ҳақида маълумотга эга бўламиз, улар форс муаллифининг “Растсахун” (Ишончли ҳикоя), ҳамда юнон тилида ёзилган “Эфталийлар тарихи” асаридир. Эфталийларнинг сосонийлар шоҳи Пероз билан жанги ҳақидаги маълумотларни сурия манбаларида, жумладан Ийешу Стилитнинг “Хроника” асарида учратиш мумкин.

Эфталийлар тўғрисидаги маълумотлар ҳинд манбаларида ҳам учраб улар «хун» деб юритилган. Эфталийларга қарши харбий ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар Бхитар, Кур, Мандасор ва Гвалиордаги тош устунларда учрайди. Ҳинд эпослари “Махабҳорат” ва “Рамаяна” ҳамда VI аср ҳинд астрономи Варахамихирнинг “Брхат Самхит” асарида оқ ва қора хунлар ҳақида маълумотлар учрайди. Эфталий шоҳлар ҳақидаги маълумотлар Калхан томонидан жамланган “Раджатарангин” номли Кашмир тарихий солномасида ҳамда IV-VI асрларга оид Пракритининг “Кувалаямала” ва “Пуран” асарларида келтирилган. Ҳинд манбаларида улар Шимолий Ҳиндистонга шимолдан, Марказий Осиёдан келган кўчманчи элат ўлароқ тилга олинади²⁰. Юқоридаги манбалар яқин давр тарихчилари томонидан ўрганилган бўлиб, биз ушбу маълумотларни таҳлил

¹⁸ Исоматов М.М. Эфталитское государство и его роль в истории Центральной Азии / Автореф. дисс. на соискание ученой степени д.и.н. Душанбе: ТГПУ им. С. Айний, 2009. – С.45.

¹⁹ Тер-Мкртчян Л. Х. Армянские источники о Средней Азии V – VII вв. – М: Наука, 1979. – С. 40, 49, 55.

²⁰ Çeliktaş.M. Ak hunlar tarihi üzerine türkiye ve dünyada yapılan çalışmaların değerlendirilmesi. Ankara-2011. – S. 5-6.

қилишда имкони борича қиёслаб, солиштириб, танқидий кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

Ўрта Осиёда кўчманчи халқларга хос маданият Эфталийларнинг кириб келиши билан янада рангбаранглашди. Шу билан бирга уларнинг ўзлари ҳам жанубий минтақадаги эроний тилли халқлардан турли маданият намуналарини қабул қилди. Эфталийлар даврида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида дехқонларнинг қаср-кўрғонларидан бир қанча шаҳарлар пайдо бўлади. Бу шаҳарларнинг архитектураси кўпроқ ерли халқларга тегишли бўлсада, бироқ уларда кўчманчи қабилаларнинг излари сақланиб қолган.

Илк ўрта асрларга оид йирик шаҳарлар жумласига қадимдан мавжуд бўлган Афросиёб, Бухоро, Пойканд, Тошкент, Термиз, Болаликтепа, Варахша каби шаҳарларни киритиш мумкин. Ўзбекистон ҳудудидаги илк ўрта асрларга мансуб шаҳарларнинг майдони унча катта бўлмаганлигини таъкидлаш лозим. Бу вақтда Самарқанднинг айланаси 3,5 км, Пойкандники 1,8 км, Фарғонадаги Косон шаҳриники 2 км ни ташкил этган. Мазкур даврга оид археологик топилмаларни ҳудудлар бўйича кўрилганда қуйидаги манзара ҳосил бўлади. Илк ўрта аср Суғд ёдгорликлари жумласига Афросиёб, Варахша, Пойканд, Панжикент, Маймуғ, Таллу Барзу, Тоҳаристон ёдгорликларига Болаликтепа, Кофирқалъа, Фарғона ёдгорликларига Қува, Ахсикат, Косон, Тошкент воҳасида Бинкат, Шоштепа, Юнусобод Оқтепаси, Мингўрик, Хоразм ҳудудида Фир қалъаси, Барактом, Куюққалъа, Тешиққалъа ва бошқалар мавжуд бўлган. Мазкур даврда аҳолининг ўтроқлашуви натижасида сунъий суғориш иншоотлари қурилади. Булар жумласига Бўзсув, Зоғарик, Дарғом каналларини киритиш мумкин.

1948 йилда археолог А.Тереножкин Афросиёбнинг илк ўрта асрларга оид қатламларини текширади. 1958 йилдан буён Афросиёбни ўрганиш давом этмоқда ва ҳозиргача турли даврларга оид бир қанча бошқа ёдгорликлар ҳам ўрганилди. VI асрга мансуб Таллу-Барзу ёдгорлигидаги қазув ишлари жараёнида VIII асрга оид сопол идишлар мажмуи, сосонийлар тангалари, қуйи қатламидан эса антик ва Кушон даврига оид темирчилик чархи, сопол идишлар, ҳайкалча топилди²¹. VII асрларда Афросиёбда махсус сарой девори қурилади ва шаҳарнинг тўртинчи ташқи девори бутунлай қайта қурилади. Сарой деворининг ичида йирик иншоотлар алоҳида бинолар қурилган. Илк ўрта асрларга хос Самарқанднинг қуйидаги бинолари мавжуд бўлганлиги аниқланган:

²¹ Тереножкин А.И. Раскопки на городище Афрасиабе // КСИИМК. — 1951. — Вып. XXXVI. — С. 136-140.

а) ўртаҳол шаҳарликларнинг турар жойлари деворлари қалинлиги 1,1 м, уй майдони 11,8х 6,45 м, кўпчилик ҳолларда 2,6 х 2,5 м бўлган.

б) Шаҳар киборлари турар жойлари деворларига расмлар ишланган.

в) Жамоат бинолари.

г) Ибодатхона.

д) Сарой бир неча хоналардан иборат бўлган.

Шаҳар аҳолиси касб-корлари бўйича маҳаллаларга бўлинган. Шундай қилиб VI-VII асрларда Суғд пойтахти бўлган Самарқанд кўп асрлик тарихида ўз тараққиётининг юқори даражасига кўтарилди.

Афросиёб Эфталийлар даврида ҳам Суғднинг маъмурий маркази сифатида муҳим ўрин тутган. Шаҳар Ипак йўлида савдо карвонлари кириб ўтадиган стратегик аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам Эфталийлар давлатининг марказлари билан мустаҳкам алоқада бўлган.

Илк ўрта асрларга тегишли ёдгорликлардан Кофирқалъа бўлиб, бири Самарқандда Афросиёбдан унча узоқ бўлмаган ерда жойлашган бўлса, яна бири Тожикистонда Вахш вилоятининг маркази Ҳаловард шаҳри ўрнида бўлган. 1956-57 йилларда Самарқанддаги Кофирқалъа ўрганила бошланади. У ерда олиб борилган қазув ишлари натижасида IV-V асрларда Самарқанд тушкунликка учраганлиги аниқланди. Унинг ривожланишидаги янги давр VI асрдан бошланади. Арк янги девор билан ўраб олиниб, VI асрда узунлиги 1,5 км тўртинчи девор қурилади. Шаҳар жанубга қараб кенгайиб боради ва узунлиги 3 км ички девор қурилади. III-IV асрларга оид кулоллар ва мискарлар маҳаллалари топилган. Кофирқалъадан топилган буллалардаги тасвирларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга одамлар тасвири, иккинчи гуруҳга ҳайвонлар ва қушлар тасвири, учинчи гуруҳга тамға ёки ҳар хил геометрик тасвирлар туширилган. Одам боши тасвирланган буллаларда ёзув битилган бўлиб, тасвир анчайин аниқ ифодаланган²². Ушбу буллаларни таҳлил қилган олимларнинг фикрича, бу тасвирларда ҳукмдор, вазир ва йирик амалдорларнинг асл қиёфаси акс эттирилган.

Тожикистондаги Кофирқалъа тадқиқ қилинганда III-IV асрлардан VIII асрларгача фаолият юритганлиги аниқланди. Майдони 12 гектар бўлиб, шаҳар Арк, шаҳристон ва рабоддан иборат. Археологик маълумотларга кўра, Кофирқалъа Кушон подшолиги даврида вужудга келган ва илк ўрта асрларда ҳам ривожланишда давом этган. Кофирқалъа араблар истилосига қадар мавжуд бўлган. Шаҳар икки

²² С. Хмельницкий. Между Кушанами и Арабами. Архетектура Средней Азии V-VIII вв. 2000, - С. 23-24.

қисмдан иборат бўлиб, марказий шахристонни ғарбий дарвозасидан шарқий дарвозаси томонга асосий ва марказий кўча ўтган. Бу кўча шаҳарни қисмларини ажратиб турган. Шахристон пахсадан ишланган 2 қатор мудофаа девори билан ўраб олинган. Арк шахристоннинг шимолий-шарқий томонида жойлашган. Бу ерда VII асрда қурилган ҳукмдор саройи қолдиқлари сақланиб қолган. Қадимги сарой V асрда сўнгги кушон даври иншооти ўрнида бунёд этилган.²³ Айни шу сарой Эфтал ҳукмдорининг қароргоҳи сифатида қаралади. Эфталлийлар давлатининг марказий ҳудудлари ҳисобланган Тохаристоннинг Вахш дарёси атрофлари хусусан давлат пойтахти Бадиён ҳам шу минтақада жойлашганлиги ушбу ҳудудни муҳим стратегик аҳамият касб этганлигидан далолат беради.

Маймурғда археологик тадқиқотлар дастлаб А.Ю.Якубовский бошчилигида 1946 йилда бошланган. Хитой манбаларида Ми деб номланган Маймурғ ҳам Суғд ҳокимлигининг муҳим шаҳарларидан бири бўлиб, Эфталлийлар давлатининг сўнгги йилларида сиёсий аҳамият касб этган. Абулқосим Фирдавсийнинг “Шохнома” асарида Турк хоқони ва Сосонийлар иттифоқининг Эфтал ҳукмдори Гатфарга қарши кураши акс этган²⁴. Шу жойда Маймурғ Турклар ва Сосонийларга қарши курашда Эфталлийларга қўшин етказиб турганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Варахша шаҳар харобасида ўтказилган археологик қазилар туфайли Эфталлийлар даврида шаҳарни тубдан қайта қурилиш ишлари олиб борилганлиги аниқланди. Варахша Бухоро ҳукмдорлари (*бухорхудотлар*) нинг қароргоҳи бўлиб, бу ердан сарой қолдиқлари билан бир қаторда деворга ишланган расмлар ҳам топилди. Мазкур ёдгорлик 1938-1953 йилларда текширилди. Варахша деворларига лой сувоқдан сўнг елимли ранг билан суратлар солинган. Уларда подшо саройи ҳаёти тасвирланган. Шунингдек Варахшадан ганчдан ишланган ҳайкаллар ҳам топилган. Қашқадарё воҳасида ҳам илк ўрта асрларга оид ёдгорликлар рўйхатга олинган. Айниқса С.К.Кабанов томонидан Қарши воҳасида жойлашган 300 дан ортиқ тепаликлар рўйхатга олиниб харитаси тузилади. 1946 йилдан бошлаб илк ўрта асрларга оид ёдгорликлари тадқиқ этила бошланди ва бу борада катта ютуқларга эришилди. 70-йиллардан бошлаб Ғузор ва Деҳқонобод туманларидаги, шунингдек, Юқори Қашқадарё воҳасидаги илк ўрта асрларга оид ёдгорликлар КАТЭ (Кешская археолого-топографическая экспедиция) аъзолари томонидан ўрганилди. Панжикент харобасини текшириш 1946 йилдан буён олиб борилмоқда.

²³ Ш. С. Камалиддинов. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996. — Б.

²⁴ А.Н.Сандибоев. Маймурғ илк ўрта асрларда. Т. “Zamin nashr”. 2021 й. — Б. 10.

Тадқиқотлар натижасида V, VI, VII асрларга оид бўлган турар жойлар текширилди²⁵. Турар жойлар жумласига Диваштич саройи, бой ва оддий шаҳар аҳолиси уйлари киради. Бой хонадон уйлари мураккаб режа асосида қурилган. Бу ерда ҳам ижтимоий уйлар 2 та ибодатхона очиб ўрганилди. Сарой ва йирик биноларнинг деворларига ҳаётий ва диний мавзудаги расмлар солинган.

Самарқанд, Варахша, Панжикент расмлари илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда тасвирий санъат юқори даражада бўлганлигини кўрсатади. 1953-1954 йилларда Сурхондарёда қазиб ўрганилган Болаликтепа қалъаси Эфталийлар даврининг диққатга сазовор ёдгорликларидан биридир. Болаликтепа баланд пойдевор устига қурилган бино бўлиб, унинг ички деворларига турли расмлар ишланган. Фарғонадан топилган Қува будда ибодатхонаси икки бинодан иборат бўлиб, уларнинг эшиклари алоҳида бўлган. Айвонга кираверишда отларнинг, соқолли маъбуднинг катта ҳайкали бўлиб, унинг пешонасида одамнинг бош суяги тасвирланган. Бу ердан турли ҳайкалчалар ҳам топилган. Хитой манбаларида Иштихон шаҳри ибодатхоналарида Будданинг олтиндан ясалган катта ҳайкали бўлганлиги ҳақида маълумот берилади.

Тошкент воҳасидан илк ўрта асрларга мансуб Мингўрик, Юнусобод Оқтепаси ёдгорликлари топилган. V-VII асрларда Тошкент воҳасида шаҳар маркази сифатида Мингўрик муҳим аҳамият касб этган. Кўчманчи аҳоли билан муносабатлар бу ернинг ҳаётига ўз таъсирини кўрсатган. Турар жойлар катта-кичиклигига қараб фарқланади. Феодалларнинг турар жойларидан ҳоким қароргоҳларидан кичикроқ Оқтепадаги уйлар қурилиши жиҳатдан бошқа ерлардаги уйларга ўхшаш. Мингўрик арки ва шаҳристони 18 га эгаллайди. 200 м кв майдондан VII-VIII асрларига оид сарой ва ибодатхона қолдиқлари топилган²⁶. Деворлар пахса ва хом ғиштдан қурилган. Шош Ўрта Осиёнинг бошқа ерлари билан савдо алоқаларини олиб борган. Милодий V-VIII асрларда Шош воҳасида Юнусобод ҳам муҳим рол ўйнаган. Майдони 100 га бўлган мазкур ёдгорлик қўрилаётган даврида Шош воҳасининг энг муҳим марказларидан бири бўлган. Хоразм ҳудудидан илк ўрта асрлар даврига оид шаҳар ва мустаҳкамланган қўрғонча қолдиқлари топиб ўрганилган. Фир саройи, Бургутқалъа, Тешиққалъа, Куюққалъа, Миздақхон ва бошқалар ўрганилган. Бургутқалъа, Тешиққалъа қаср истехкомлари VI-VII асрларга мансубдир. Мазкур даврда қалъалар баландлиги 4-8 м бўлган мустаҳкам

²⁵ С.К. Кабанов. Археологические работы 1948 г. в Каршинском оазисе. // Тр. ИИА АН УзССР. Т. 2. Ташкент: 1950. - С. 82-134.

²⁶ Ю.Ф. Буряков. Городище Мингүрюк в Ташкенте//Труды САГУ, вып.81.Ташкент,1956. – С. 76-78.

тагкурси (платформа) устига қурилган. Тешиққалъа майдони 1 га эгаллайди. Қалъа мудофаа иншоотларига эга бўлган, унга фақат кўтарма йўл орқали кирилган. Бу ердан деворларга ишланган расмлар, гилам парчалари, тангалар топилган. Қалъа VII-VIII асрларда қурилган. V-VI асрларда қурилган Куюққалъа 41 га майдонни эгаллаган. Унинг ички қисмида иккита қаср бўлганлиги аниқланди. Илк ўрта асрлар деворида Хоразмда ҳам хўжалик ва маданий ҳаёт юксак бўлганлигини моддий ашёлар тасдиқлайди. Бу ернинг ёдгорликлари араблар истилоси арафасида тушкунлик бўлганини кўрсатади. VI-VII асрларда янги кўринишдаги қишлоқлар катта-катта оилалар яшайдиган мустаҳкамланган қаср-қўрғонлар пайдо бўла бошлади. Бундай қаср-қўрғонлар Хоразмда яхши ўрганилган. Дехқончилик билан шуғулланган эркин аҳоли мустаҳкамланган майда қўрғончаларда яшаганлар. Хоразмда ана шундай қўрғонларнинг 200 дан ортиғи топилди. Улар бир-биридан 200 м масофада жойлашган ва 34 км кв майдонни эгаллаган. Ҳар бир қўрғоннинг атрофи девор билан ўраб олинган. Араб тарихчиси Ал-Макдисийнинг маълумотига кўра Миздақхон атрофида илк ўрта асрларда 12 мингта қўрғонлар бўлган²⁷.

Илк ўрта асрларда ҳайкалтарошлик санъати кенг қўлланилган. У думалоқ ва бўртма тасвир шаклида меъморчилик комплексларида ишлатилган. Бу ҳайкалларда диний ва афсонавий образлар билан бир қаторда реал ҳаётни акс эттирувчи образлар ҳам учрайди. Ҳайкаллар махсус тайёрланган лойдан, ёғоч, албастер ва тошдан ишланган. Амалий ҳайкалтарошлик санъатининг ёрқин намуналари IV-V асрларга оид Тоҳаристоннинг Куёвқўрғон қалъа қўрғонидан топилади. Куёвқўрғон ҳайкаллари зийнатли безакларга бой енгил кийимлардаги эркак ва аёл персонажларидан иборат бўлган. Маълумки, илк ўрта асрларда ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши яъни феодаллашиш жараёнининг ривожланиши меъморчиликнинг характери ва мазмунига таъсир этади. Бу ҳол дастлаб қўрғон-қасрлар, кўшқлар қурилишида кўзга ташланади. Кейинчалик подшоларнинг саройлари, шаҳарлардан ташқаридаги ҳашаматли ва улуғвор қароргоҳлари кенг тарқалади. Бу бинолар кўп ҳолларда сунъий тепаликлар устига қурилиб, уларнинг меъморий ечимлари маҳобатли бўлишига катта эътибор беради. Бинолар ҳам ғиштдан ва пахсадан қурилган. Деворлари ганч билан пардозланган, хона деворлари деворий сурат ва нақшлар билан безатилган.

Илк ўрта асрлар даври монументал меморчилигида ноёб ганч нақшинкорлиги кенг қўлланилган. Дарҳақиқат, илк ўрта асрларда ганч ўймакорлик санъати ўзининг

²⁷ В.Н. Ягодин. Т.К. Ходжайов. Некрополь древнего Миздахкана. // Ташкент: «Фан». 1970. – С. 254.

юқори даражасига кўтарилган эди. Унинг ҳатто дастлабки намуналарида ўз замонасига хос янги услубий йўналиш шаклланган эди. Буни Афросиёб, Варахша ва Думалоқтепа қаср безакларида учратиш мумкин. Илк ўрта асрларда амалий санъатнинг барча йўналишлари ривожланади. Улар шаҳарларнинг ўсиши ва шаҳар хунармандчилигининг тараққиёти билан узвий боғланган эди. Олтин ва кумушдан ҳар хил идишлар ясаш кўлами кенгайди. Айниқса, бу масалада Хоразм ва Суғдда катта ютуқларга эришилади.

Ўрта Осиёда илк ўрта асрлар даврида ягона дин бўлмаган. Араблар истилоси билан боғлиқ ҳолда ислом дини кенг тарқалгани маълум. Фарғона водийсида яъни Қувадан топилган ибодатхона харобаси буддавийлик дини билан боғлиқ бўлиб, у 2 хонали, олд хонаси айвон шаклида қурилган. Хоразмда ҳам кўмиш маросимлари билан боғлиқ бўлган оссуарийлар ёки оstadон деб номланган тўртбурчак шаклидаги тобутчалар оташпарастлик эътиқоди билан боғлиқ бўлган. Оstadонлар Суғд, Шош ҳудудларидан ҳам топилган. Зардуштийлик дини билан боғлиқ бўлган ибодатхоналар тепаликка қурилиб, олд томони эса қуёш чиқиш томонга қаратилган. Илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда Суғд, хоразм, эфталий, турк битиклари пайдо бўлди. Мазкур ёзувлар тарихий манба бўлиши билан бирга ноёб илмий манба ҳисобланади.

Аҳолининг диний эътиқоди турлича бўлган: Тоҳаристон ва Шарқий Туркистон аҳолиси буддизм, Суғд ва Хоразм аҳолиси оташпарастлик динига эътиқод қилганлар. Шу даврда Ўрта Осиёга монийлик таълимоти ва христианликнинг несторианлик оқими ҳам тарқала бошлаган. Ургут яқинида топилган христиан дини ибодатхонаси шу ўтмишни тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобоёров Ғ. Эфталитларнинг этник келиб чиқиши тарихшунослиги. – Тошкент. 2019. – Б. 9.
2. Бобоёров Ғ. Эфталитларнинг этник келиб чиқиши тарихшунослиги. – Тошкент. 2019. – Б. 10.
3. Çeliksaş.M. Ak hunlar tarihi üzerine türkiye ve dünyada yapılan çalışmaların değerlendirilmesi. Ankara-2011. – S. 1.
4. Бобоёров Ғ. Эфталитларнинг этник келиб чиқиши тарихшунослиги. – Тошкент. 2019. – Б. 11.

5. Илясов Дж. Некоторые замечания к проблеме эфталитов // Transoxiana. История и культура. Сб. статей. Ташкент, 2004. – С. 117.
6. Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I-III. – М.-Л., 1950; Кюннер Н. В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М.: Вост. лит., 1961; Материалы по истории древних кочевых народов группы дунху / Введение, перевод и комментарии В. С. Таскина. – М.: Наука, 1984; Зуев Ю. А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы: Дайк-пресс, 2002; Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Тошкент: Маънавият, 2001.
7. Кляшторный С. Г., Лившиц В. А. Согдийская надпись из Бугута // СНВ. – Москва, 1971. – Вып. X. – С. 121-146; Ртвеладзе Э. В. История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в. н. э.). – Ташкент, 2006; Ишоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992; Баратова Л. С. Древнетюркские монеты Средней Азии VI–X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация): Дис.... канд. ист. наук. – Ташкент, ИААНРУз, 1995.
8. Sims-Williams N. From the Kushan-shahs to the Arabs. New Bactrian documents dated in the era of the Tochi inscriptions // Coins, Art and Chronology Essays on the pre-islamic History of the Indo-Iranian Borderlands. – Wien, 1999. – P. 245–258; Bactrian Documents from Northern Afghanistan, I: Legal and Economic Documents. – Oxford University Press, 2000.
9. Гумилев Л.Н. Эфталиты и их соседы в IV веке // Вестник древней истории. 1959. № 1 – С. 129; Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь: Древность и раннее средневековье. – Ташкент. 1999. – С.271
10. Тревер К.В. Эфталитское государство (V–VI вв.) // История народов Узбекистана. – Ташкент. 1950. – Т.1. – С. 126; Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. – М., 1972. – С.50.
11. Пигулевская Н. В. Сирийские источники по истории народов СССР. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1941; Тер-Мкртчян Л. Х. Армянские источники о Средней Азии V–VII вв. – М.: Наука. 1979; Тревер К. В. Кушаны, хионы и эфталиты по армянским источникам IV-VII вв. (К истории народов Средней Азии) // СА. – Москва, 1954. – № XXI. – С. 131-147; Тер-Мкртчян Л. Х. Армянские источники о Средней Азии V-VII вв. – М.: Наука, 1979.
12. История ат-Табари. Избранные отрывки (Пер. с араб. В. И. Беляева. Допол. к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова). – Т.: Фан, 1987; Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. Форсчадан А. Расулев таржимаси. – Т.: Фан, 1966; Бируни.

Памятники минувших поколений / Пер. с араб. и прим. М. А. Салье // Бируни. Избранные произведения. – Т. I. – Т.: АН УзССР, 1957.

13. Исоматов М.М. Эфталитское государство и его роль в истории Центральной Азии / Автореф. дисс. на соискание ученой степени д.и.н. Душанбе: ТГПУ им. С. Айний, 2009. – С.45.

14. Тер-Мкртчян Л. Х. Армянские источники о Средней Азии V – VII вв. – М: Наука, 1979. – С. 40, 49, 55.

15. Çeliktaş.M. Ak hunlar tarihi üzerine türkiye ve dünyada yapılan çalışmaların değerlendirilmesi. Ankara-2011. – S. 5-6.

16. Тереножкин А.И. Раскопки на городище Афрасиабе // КСИИМК. — 1951. — Вып. XXXVI. — С. 136-140.

17. С. Хмельницкий. Между Кушанами и Арабами. Архетектура Средней Азии V-VIII вв. 2000, - С. 23-24.

18. Ш. С. Камалиддинов. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996. – Б.

19. А.Н.Сандибоев. Маймурғ илк ўрта асрларда. Т: “Zamin nashr”. 2021 й. – Б. 10.

20. С.К. Кабанов. Археологические работы 1948 г. в Каршинском оазисе. // Тр. ИИА АН УзССР. Т. 2. Ташкент: 1950. - С. 82-134

21. Ю.Ф. Буряков. Городище Мингурюк в Ташкенте//Труды САГУ, вып.81.Ташкент,1956. – С. 76-78.

22. В.Н. Ягодин. Т.К. Ходжайов. Некрополь древнего Миздахкана. // Ташкент: «Фан». 1970. – С. 254.

ҚАЛМОҚҚИР КОНИ БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ МАЪДАН НАМУНАСИНИНГ МИНЕРАЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Хакимов Камол Жўраевич

т.ф.ф.д. Термиз муҳандислик-технология институти
Нефть-газ ва кончилик иши кафедраси мудири

Қаюмов Ойбек Азамат ўғли

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
Кончилик иши кафедраси ассистенти

Абдисоатов Сардор Зулфиқор ўғли

Термиз муҳандислик-технология институти
Нефть-газ ва кончилик иши кафедраси ассистенти

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда дунё миқёсида XXI асрнинг ривожланиши стратегияси «Барқарор ривожланиши моҳияти» деб ном олган бўлиб, иқтисодиётнинг ривожланиши - биосфера барқарор мувозанатини бузмаган ҳолатда, табиий иқлимни ва ривожланиб бораётган муҳитни бузмаган ҳолатда олиб борилишини назарда тутлади. Бу ўринда, техноген чиқиндилар жсаҳон иқтисодиёти барқарор ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммо сифатида қаралиб, техноген чиқиндиларни ҳосил қилувчи етакчи корхоналар сифатида рангли металлургиянинг энг жадал ривожланувчи соҳаси мис, олтин ва кумуш ишлаб чиқариши саноати пешқадамлик қилади. Бунда техноген чиқиндиларни қайта ишлаб рангли ва нодир металлларни ажратиб олиш технологияларини яратиши ҳамда амалиётга қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: *дифрактометрлик, минералогик таҳлиллар, гилли фракция, балансдан ташқари маъдан, сульфиди халькопирит, донадорлик, Серицит ва мусковит.*

ABSTRACT

Today, the development strategy of the 21st century on a global scale is called the "essence of sustainable development", referring to the fact that the development of the economy - in a state that does not violate the stable balance of the biosphere, does not violate the natural climate and the developing environment. In this place, man-made waste is considered as a problem that prevents the sustainable development of the world economy, and the most dynamically developing industry of non-ferrous metallurgy, as the

leading enterprises producing man-made waste, is the leading copper, gold and silver manufacturing industry. It is important to create and apply technologies for the extraction of non-ferrous and rare metals by recycling man-made waste.

Keywords: diffractometric, mineralogical analyzes, clay fraction, off-balance ore, sulfide chalcopyrite, granulate, sericite and Muscovite.

Исследованиями установлено, что обоснование и выбор рациональной технологической схемы открытой разработки месторождений фосфоритов с пологопадающими пластами малой мощности в отечественной и зарубежной литературе не освящены, решение которых является актуальной научной задачей, имеющей важное народнохозяйственное значение.

Варианты технологических схем сводятся к поиску такой схемы, которая обеспечила бы максимальный экономический эффект для условий карьера Ташкура Джерой-Сардаринского месторождения фосфоритов Центральных Кызылкумов, представленного двумя пологозалегающими пластами малой мощности.

Рациональные параметры бестранспортной и транспортно-отвальной систем разработки для различных технологических схем определены по известным методикам из условий обеспечения минимальных объемов переэкскавации при максимальном использовании оборудования по линейным параметрам и производительности. Для этого применительно к условиям карьера Ташкура разработаны компьютерные программы и рассчитаны показатели работы оборудования и коэффициенты переэкскавации при различной высоте разрабатываемых уступов, углов откосов отвала и ширине заходки в зависимости от конструктивных параметров вскрышного оборудования. [1,2,3]

Результаты расчетов показывают, что рациональной схемой для условий карьера Ташкура является усложненная схема с бестранспортной системой разработки пород внешней и внутренней вскрыши двумя последовательными заходками с установкой экскаватора на промежуточном вскрышном уступе. При этом радиус разгрузки экскаватора должен быть не менее 110-120 м. Тогда коэффициент переэкскавации составит 0,1-0,25 при ширине заходки от 35-45 м до 75 м.

Наиболее приемлемые технологические схемы при транспортно-отвальной системе разработки предусматривают создание резервной полосы вскрытого рудного пласта, что позволяет организовать работу комплекса без холостых перегонов, одновременно уменьшив длину фронта горных работ в карьере. Анализ расчетов показывает, что высота отвала и, соответственно, требуемая высота разгрузки отвалообразователя увеличиваются с ростом высоты вскрышного уступа и уменьшением длины фронта работ, что объясняется несоответствием длины отвального и вскрышного фронта работ. [4,5,6]

При высоте вскрышного уступа $H_y=20$ м рациональное значение длины фронта работ $L_\phi=1500$ м, а при $H_y=40$ м, соответственно, $L_\phi=2500$ м.

Исследованиями установлено, что при заданной мощности вскрыши уменьшение длины фронта работ ведет к увеличению радиуса разгрузки отвалообразователя. Так, при высоте уступа 40 м уменьшение длины фронта работ с 2500 м до 1000 м влечет за собой увеличение радиуса разгрузки отвалообразователя с 120 м до 140 м. Изменение радиуса разгрузки в зависимости от ширины заходки незначительно.

Выполненные исследования показали возможность применения на карьере Ташкура транспортно-отвальных систем разработки с роторными экскаваторами и консольными отвалообразователями.

Исследованиями установлено, что эффективность транспортных технологических схем во многом зависит от расположения фронтов вскрышных, добычных и отвальных работ, которые могут располагаться последовательно друг за другом или параллельно друг другу, а вскрышные уступы соединяются с внутренними отвалами с помощью транспортных съездов, располагаемых во флангах карьера. При этом в обоих случаях важным параметром является расстояние перевозки вскрышных пород, для определения которого разработана методика, предусматривающая выбор основных параметров технологической схемы разработки по критерию минимума удельных затрат. Разработанная методика реализована в компьютерных программах, по которым выполнены расчеты, позволяющие при заданной мощности вскрыши определить рациональные параметры транспортной системы разработки для условий карьера Ташкура. [7,8,9]

Полученные результаты показывают, что технологическая схема с последовательным расположением вскрышных и добычных фронтов работ характеризуются более высокими удельными затратами и незначительной шириной отрабатываемой панели (15÷20 м) по сравнению с технологической схемой с параллельным расположением фронтов работ. При параллельном расположении фронтов работ рациональная ширина отрабатываемой панели значительно выше (70÷80 м), что позволяет разместить в рабочей зоне карьера значительное количество экскаваторов и увеличить мощность карьера. Поэтому для условий карьера Ташкура наиболее приемлема технологическая схема с параллельным расположением фронтов вскрышных и добычных работ. Энергетическими расчетами установлено, что наилучшие показатели в этом случае имеет комплект оборудования: электрогидравлический экскаватор RH-200 и автосамосвалы МТ-3300.

Однако эффективность системы разработки определяется не только горно-геологическими, [10,11] горнотехническими условиями и экономическим факторам, но и их изменением в зависимости от срока эксплуатации карьера и

объема вскрышных пород при различных технологических схемах, графическая зависимость которого представлен на рис. 1.




Рис. 1. Изменение удельных затрат в зависимости от срока эксплуатации карьера и объема вскрышных пород при различных технологических схемах разработки месторождений фосфоритов

Поэтому в условиях месторождения Ташкура следует принять транспортную технологию с экскаваторно-автомобильными комплексами. При этом наилучшие экономические показатели имеет комбинация гидравлического экскаватора RH-200 и автосамосвала МТ-3300.

Разработаны технологические схемы для пологопадающих месторождений фосфоритов с применением ТОП и скользящих чередующихся съездов с целью сокращения расстояния транспортирования горной массы, в которых учитываются особенности залегания двух маломощных пластов, предопределяющих применение гибких технологических схем для обеспечения синхронного ведения производственных процессов. [12,13,14,15]

При этом существенное значение имеет организация рациональных транспортных связей между вскрышными уступами и внутренними отвалами. В этих условиях такие транспортные связи могут быть разработаны на основе технологических схем ведения работ с ТОП и скользящими чередующимися съездами, адаптированных к высокой скорости, синхронно развивающихся вскрышных и добычных уступов и внутренних отвалов, а также малой мощности рудных пластов.

Список литературы

1. Малышева Н.А., Томаков П.И. и др. Разработка маломощных и сложных угольных пластов открытым способом. М.: Недра, 1975.
2. Малышева Н.А., Сириенко В.Н. Технология разработки месторождений строительных материалов, М.: Недра, 1977.
3. Новожилов М.Г. Технология открытой разработки месторождений полезных ископаемых. М.: Недра, 1971
4. Емельянов В. И. Открытая разработка россыпных месторождений. М., Недра, 1985.
5. Трубецкой К.Н., Потапов М.Г. и др. Справочник: открытые горные работы. М.: Горное бюро, 1994
6. Хохряков В.С. Проектирование карьеров. М.: Недра, 1980.
7. Хохряков В.С. Проектирование карьеров. М.: Недра, 1992.
8. И.Т Мислибаев, З.С Назаров, О.М Гиязов Методика расчета изменения давления в цилиндрических полостях для исследования истечения продуктов детонации при взрыве удлиненных зарядов в в шпурах и скважинах. Экономика и социум, 2021
9. Мельников. Н.В. Краткий справочник по открытым горным работам. М.: Недра, 1982.
10. Мельников Н.В. Краткий справочник по открытым горным работам. М.: Недра, 1985.
11. У.Б. Ермекбаев, А.Р. Нематов, И.Г. Ходжиев Ташкура фосфорит карьерада фойдали казилмални казиб олишда рационал технологик схемани асослаш. International Journal of Advanced Technology and Natural Sciences 2022
12. З.С. Назаров, У.Б. Ермекбаев, О.М. Гиязов Разработка программы и аппарата выполнения исследований по обоснованию параметров и показателей разработки сложноструктурных месторождений фосфоритофых руд - Innovative Development in Educational Activities, 2023
13. Хакимов Ш.И. Обоснование оптимальных параметров тонкослоевой селективной разработки фосфоритовой руды.//Горный вестник Узбекистана». №1, 2004. С. 31-33.
14. Назаров З.С., Ермекбаев У.Б., Гиязов О.М. Международной научно-практической конференции «Интеграция науки, образования и производства –залог прогресса и процветания», посвященной 5-летию основания навоийского отделения академии наук Республики Узбекистан в трёх томах. 199-200 ст. том I 9-10 июня 2022 года, город Навои, Республика Узбекистан.
15. Otabek Muxitdinovich Giyazov “Experimental-Industrial Tests and Industrial Implementation Of The Developed Design Of The Locking Hole Of Explosive Charges When Passing Underground Mining Works”. The American Journal of Engineering and Technology, vol. 3, no. 10, Oct. 2021, pp. 16-19, doi:10.37547/tajet/Volume03Issue10-04.

AFG`ONISTONDA TOLIBLAR HUKMRONLIGI DAVRIDA DINIY GURUH VA HARAKATLAR (1996-2001)

Kurolova Umida Maxmud qizi,
TDSHU, 1-kurs magistratura talabasi,
Tarix (mamlakatlar va mintaqalar) yo`nalishi.

imumidakm.02@gmail.com

Ilmiy rahbar: t,f,n **S.M.Tursunova**

ANNOTATSIYA

Afg`oniston tarixi murakkab davrlarni o`z ichiga oladi, xususan, okkupatsiya davri, fuqarolar urushi davri va siyosiy beqarorlik davri. Afg`onistonda Sovet bosqinidan so`ng boshlangan fuqarolar urushi mujohidlar hokimiyat tepasiga kelguniga qadar davom etadi, mujohidlar davridan keyin Afg`onistonda Toliblar hukmronligi davri boshlanadi. Ushbu maqola Toliblar davrida – 1996-2001-yillarda Afg`onistonda mavjud bo`lgan diniy guruh va harakatlar haqida ma`lumot beradi.

Kalit so`zlar: *Toliblar, mujohidlar. Kommunistlar, Hikmatyor, Shimoliy Alyans, “Peshovar yettiligi”, NATO, AQSH.*

ANNOTATION

The history of Afghanistan includes the difficult periods of conflict and turmoil, such as occupation, civil war and “political instability”. The “Civil war” that started after the Soviet Union`s invasion of Afghanistan lasted until the Mujahideen comes to power, after the period of Mujahideen Afghanistan ruled by Taliban organization. This article provides information about the religious parties and movements in Afghanistan during the period of 1996-2001.

Key words: *Taliban, Mujahideen, communists, Hekmatyor, Northern Alliance , Peshawar Seven (Alliance of Seven), NATO, USA.*

Afg`onistonda XX asrning 90-yillaridan boshlab “Tolibon” harakati hokimiyat tepasiga keladi. Uning hokimiyatni qurolli vosita yordamida egallashga intilishi mamlakatda murakkab ijtimoiy-siyosiy vaziyatni yanada keskinlashtiradi, iqtisodiyotni taranglashtiradi. Mamlakatda esa hokimiyat uchun kurashni yanada avj oldiradi. Natijada ko`plab anti-tolibon harakatlar va guruhlar shakllanadi va faoliyatini rivojlantiradi. Ular

uzoq yillar davomida Afg`onistonning turli hududlarda harakatlangan va ayrimlari bugungi kunda ham harakatlanib kelmoqda.

Hizb-e Islomi-ye Hikmatyor

Ushbu radikal islomiy partiya tashkil topganidan beri muxolifatchi pozitsiyani qabul qildi va 1978 yildan hozirgi kungacha barcha hukumatlarga qarshi kurashadi. 1977 yilda Gulbiddin Hikmatyor “Hizb-e Islomi” partiyasining asoschilaridan biri edi. Muslim birodarlari kabi, Hizb-e islomchilar sof islomiy davlat qurishga chaqirdi va o`qimishli kichik bir elita guruh atrofida tashkiliy jihatdan yuqori intizomga ega bo`lgan tuzilma barpo etdi. 1979 yilda “Hizb-e islom” partiyasi yo`lboshchilari nomi bilan ikki qismga bo`lindi – “Hizb-e Islomi-ye Hikmatyor” (HIH yoki HIG), va “Hizb-e Islomi-ye Holis”. Sovetlarga qarshi kurash davrida “Hizb-e Islom” sovetlarga va kommunistlarga qarshi kurashgan uch yoki to`rt yirik harbiy kuchlardan biri hisoblangan.²⁸ Peshovar urushi davrida Hikmatyor Pokistonning xavfsizlik kuchlari bilan, xususan, Pokiston Idoralararo Razvedkasi maxsus bo`limi (ISI – Inter-Services Intelligence) bilan mustahkam aloqalar o`rnatdi va AQSH va O`rta Sharq mamlakatlaridan katta miqdorda qurol yarog`ni qo`lga kiritdi. Mujohidlar davrida – 1992-1996 yillarda Hikmatyor Mujohidlar bilan kelisholmadi. 1992 yilda Najibullohning Kobuldagi kommunistik hukumati inqirozga uchradi. Hikmatyor Rabboniy hukumatiga qo`shilib, bosh vazir bo`lishni rad etdi va bu yangilanayotgan poytaxtni halokatga uchratgan qonli urushga sabab bo`ldi. Hikmatyorning Kobul hukumati bilan kelishishga intilishi hech qanday natija bermadi. 1992 yil oxirida, Hikmatyor o`zbeklar yo`lboshchisi Abdul Rashid Do`stum va Hazoralarning “Hizb-e Vahdat” partiyasi bilan Kobul hukumatiga qarshi umumiy front tuzishga kelishdi.²⁹ Hikmatyor 1993 yilda hukumatga qo`shilishga rozi bo`lgach, 1994 yilda Kobul provinsiyasining Chohor-Asyab hududidan poytaxtni o`qqa tutishni boshladi. Hikmatyorning Kobul kuchlarini boshqaryotgan Ahmad Shoh Ma`sudga qarshi kurashining muvaffaqiyatsiz yakun topishi, uni Pokiston tomonidan qo`llab quvvatlanishini to`xtatdi. Pokiston hukumati 1994-yilda Hikmatyor bilan aloqalarni uzganligi va endi Tolibonni qo`llab quvvatlashini e`lon qildi. 1996 yilda Tolibon Kobulni egallagach Hikmatyor qo`l ostidagi “Hizb-e islom” jangchilari yoki Pokiston yoki Tolibon tomoniga o`tib ketdi. “Hizb-e islom”chilarning Pokistondagi tayyorlov lagerlari Tolibon tomonidan egallandi. Hikmatyor 1997 yilda Eronga qochib ketdi. 2001 yilda AQSHning

²⁸ См. подробнее: Марчуков В.Ф., Зобова И.Ю. Социально-политические системы стран Среднего Востока (Турция, Иран, Афганистан). Казань, 2007.

²⁹ Elliot A. Political Party Development in Afghanistan: Challenges and Opportunities ‘Policy Options for StateBuilding in Afghanistan’ [Электронный ресурс]. – Электрон. текстовые данные. – SAIS Spring, 2009.

Afg`onistonga bosqinidan so`ng, Eron Hikmatyorni mamlakatdan chiqarib yuborilishini va 2002 yil fevralda uni yoki Afg`onistonga yoki Peshovar, Pokistonga qaytarib berishni xabar beradi. 2002 yil dekabrda tashqi kuchlarga qarshi jihod va Tolibon bilan birgaligini e`lon qiladi.³⁰

Hizb-e Islomi-ye Holis

“Hizb-e Islomi-ye Holis” – 1979 yilda “Hizb-e Islomi-ye Hikmatyor” dan ajralib chiqqan islom partiyasi hisoblanadi. Bu partiyaning dasturi siyosiy va ideologik jihatdan Hikmatyor partiyasiga o`xshash bo`lsa-da, u Mujohidlar harakati bilan yaqinlikda bo`lgan. Keksa diniy mutaassib Yunus Holis boshchilik qilgan ushbu partiya ikki asosiy harbiy yo`lboshchilari Abdulhaq va Jaloliddin Haqqoniyning qobiliyati tufayli harbiy jihatdan Hikmatyor partiyasidan ancha ustun edi. 1992 yilda Kommunistlar yengilgandan so`ng Holis va Abdul Haq Nangarhorda Shu`aroni 1996 yilda Tolibon bosib olguncha boshqardi. 1994-1996 yillardan boshlab “Hizb-e Islomi-ye Holis”ning ko`pgina a`zolari Tolibonga qo`shiladi – xususan, Mulla Muhammad Umar ham Qandahordagi “Hizb-e Islomi-ye Holis” partiyasining a`zosi bo`lgan.³¹ Tolibon tomonidan Abdul Haqning o`ldirilishi va Haqqoniyning sotqinligi tufayli ko`pgina jangchilarning Haqqoniy tarmog`iga o`tganligi sababli partiya 2001-yildan boshlab zaiflashishni boshlaydi. “Hizb-e Islomi-ye Holis” partiyasi ikkiga – hukumat tarafdori va hukumatga qarshi bo`lgan fraksiyalarga bo`linadi. Birinchi fraksiya Nangarhor provinsiyasi boshqaruvida katta qismni tashkil qiladi.³² Bu fraksiya partiya sifatida ro`yxatdan o`tmagan bo`lsa-da, ammo u Jalolobodda o`tkaziladigan BMT ning Afg`onistonga yordam missiyasining uyg`unlashtiruvchi maxsus komissiyaning yig`ilishlarida ishtirok etishni davom etgan. Keyingi partiyaning tarixiy yo`lboshchisi – Yunus Holisning o`g`li – Anvar ul-Haq Mujohid boshchiligidagi fraksiya esa 2003-2005 yillarda Karzay hokimiyatiga qarshi jihod e`lon qildi.

³⁰ *Hezb-e Islami* (Hekmatyar) (post 2001) in Sec.2 of *RRT Background Paper: Political Parties and Insurgent Groups in Afghanistan 2001-2013*.

³¹ Saikal, A. & Maley, W. 1991, *Regime Change in Afghanistan : Foreign Intervention and the Politics of Legitimacy*, pp.58-60.

³² Adamec, Ludwig 2011, *Historical Dictionary of Afghanistan*, 4th Ed., Scarecrow Press, London.

Islom Inqilobi Harakati (Nabi)

Ushbu diniy guruh 1960 yillardan to Tolibon kuchaygan, 1995-1996 yillargacha mavjud bo`lgan. Asoschisi Muhammad Nabi Muhammadi, general Yahyo Navruz esa mashxur harbiy yo`lboshchilardan biri hisoblangan. Ushbu harakatning ta`siri asosan markaziy va shimoliy Afg`onistonning ayrim qismlarida, xususan, **G`azna, Log`ar va Helmand vodiysi, shuningdek Faryob, Farah, Zabul, Badgis and Samangon hududlarida** kuchli bo`lgan. Partiyaning asosini an`anaviy islomchilar va pushtunlar tashkil qilgan. O`tgan asrning 80-yillari boshlarida partiya mujohidlar harakatining eng yirigi bo`lgan, ammo 1990 yillarning o`rtalarida ko`pgina tarafdorlari Tolibon tomoniga o`tib ketadi.³³ 1992 yilda “Peshovar yettiligi” ga va “Jamiyat” va “Ittihod” bilan birgalikda hukumatga qo`shildi, lekin jang boshlangandan so`ng chekinishga majbur bo`ldi. 1995 yilda yo`lboshchi Muhammad Nabi Muhammadi ko`pgina talabalari singari Tolibonga qo`shildi. 2001 yildan boshlab partiya faoliyati deyarli sezilmaydi. Xuddi shu yili yo`lboshchi Muhammad Nabi Muhammadi vafot etgandan so`ng hokimiyatni o`g`li Ahmad Nabi Muhammad qo`lga kiritdi va partiya nomini biroz o`zgartirdi.³⁴ Endilikda partiya **“Harakat-e inqilab-e islami va melli-ye Afghanistan” (Afg`oniston milliy va islomiy inqilobiy harakati)** yoki **“Afg`oniston islomiy va milliy inqilobiy harakati” deb ataladigan bo`ldi. 1990 yillarning o`rtalarida ko`pgina tarafdorlari Toliblar tomon o`tib ketdi.**

Mahaz-e Milli Islami (G`ayloniy)

Pir Sayid Ahmad G`ayloniy boshchiligidagi 1979 yildan to shu kungacha mavjud bo`lgan **“Mahaz-e Milli Islami (G`ayloniy)”** – Afg`oniston Milliy Islom Fronti Afg`onistonning janubi va janubi-g`arbida, xususan, Paktiyo, Paktiko, Qandahor va G`azna hududlarida mavjud bo`lgan. Bu partiya liberal, milliy, rivojlantiruvchi islom partiyasi hisoblanadi.³⁵ Asosan, ushbu partiya faoliyatida afg`on armiyasi, mahalliy zodagon va qabilalar va so`fiy rahnamolari ishtirok etgan. Partiya xususan, ruslar, kommunistlar va Hikmatyorga (1992 yil urush boshlangandan so`ng) qarshi kurashgan. G`ayloniy va uning o`g`illari tomonidan boshqarilayotgan AMIF 2001-yil hukumat va umumiy saylovlardan oldin Karzay hukumatiga qarshi pushtunlar va **“Davlat-e Islomiy”** hamda **“Hizb-e Islomiy”** partiyasining radikal islomchilari, shuningdek, **“Afg`on millati”**

³³ Самые влиятельные политики Афганистана: апрель 2013 года // М.: ЦИСА, 2013.

³⁴ See Sec.1.1 of *RRT Background Paper: Political Parties and Insurgent Groups in Afghanistan 2001-2013*.

³⁵ Amstutz, J.B. 1986, *Afghanistan: the first five years of Soviet occupation*, National Defense University Press, Washington, p111.

bilan birgalikda koalitsiya tuzdi.³⁶ Bugunda kunda AMIF boshqa tanzimlardan farqli ravishda o'z milliy rivojlanish tizimiga ega, AMIF "Peshovar yettiligi"ning a'zosi hisoblanadi.

Rabboniy boshchiligidagi "Jamiyati Islomiy" partiyasi

Afg'oniston Islom Jamiyati 1973-yildan boshlab shu kungacha faoliyat yuritayotgan tashkilot, 2011-yil sentabrda Burhoniddin Raboniy o'ldirilguniga qadar partiyaning yo'l boshchisi hisoblangan. Uning mashhur rahnamolari Panjsher vodiysidagi Ahmad Shoh Masud va Hirot hududidagi Ismoilxondir. Partiya asosan tojiklar, o'zbeklar va pushtun qavmlari tomonidan qo'llab quvvatlangan. Harakat 1971-yilda tuzilgan va Kobul universiteti teologiya professori Burhoniddin Rabboniy boshchilik qilgan.³⁷ Mujohidlar harakatining dastlab tashkil topgani bo'lgan bu guruh, shuningdek eng yirik hamda eng yaxshi tashkil qilingani ham edi. Harakat a'zolarining aksariyati pushtunlar emas, dariylar edi. Ular o'z faoliyatini Afg'onistonning shimoli (Panjsher vodiysi va tolibonlar ham sovetlar ham bosib ololmagan Afg'onistonning shimoli-g'arbi va shimoli-sharqidagi – Hirot, Samangan, Faryob, Farah va Nimroz hududlarida o'z faoliyatini olib borgan, hattoki janubiy Afg'onistonda ham kuchli ta'sirga ega bo'lgan.³⁸ Sovetlar bilan olib borilgan janglarda Hikmatyor guruhidan farqli ravishda AQSH yordamlarini kutmagan va amerikaliklardan yordam olmagan. "Jamiyat-e Ittifoq" 1978-1992-yillarda Sovetlar va Kommunistlarga, hukumatning 1992-1996 yillarda eng yirik partiyasiga aylandi va 1996-2001 yillarda "Shimoliy Alyans"ning asosiy qismiga aylanib Tolibonga qarshi kurashadi.³⁹ 2001-yilning so'nggida, AQSH ko'magida "Shimoliy Alyans" Tolibonni mamlakatdan surib chiqardi va yangi hukumat tuzish uchun sharoit yaratdi. 2001 yildan boshlab partiya hukumatda faol ishtirok etib kelmoqda va uning a'zolari ko'pgina muhim lavozimlarga ega.⁴⁰

³⁶ Saikal, A. & Maley, W. 1991, *Regime change in Afghanistan : foreign intervention and the politics of legitimacy*, pp.58-60.

³⁷ 'Anti-Soviet Mujahideen' 2011, *GlobalSecurity.org*, 7 November

<http://www.globalsecurity.org/military/world/para/Mujahideen.htm>.

³⁸ Adamec, Ludwig 2011, *Historical Dictionary of Afghanistan*, 4th Ed., Scarecrow Press, London.

³⁹ Ruttig, Thomas 2006, *Islamists, Leftists – and a Void in the Center. Afghanistan's Political Parties and where they come from (1902-2006)*, Konrad Adenauer Foundation paper.

<http://www.kas.de/db_files/dokumente/7_dokument_dok_pdf_9674_2.pdf> Accessed 11 December 2012.

⁴⁰ For information on the party since 2001, see '*Jamiat-e Islami Afghanistan* (post-2001)' in Sec.1.1 of

Sho`ro-ye Nazar

Ahmad Shoh Ma`sud boshchiligidagi partiya Asli Panjsherdan boshlangan va partiyani asosan shimoliy hududlarda yashovchi tojiklar qo`llab quvvatlaydi. “Sho`ro-ye Nazar” partiyasi Shimoliy Afg`onistonda faoliyat olib brogan eng yirik tojik harbiy siyosiy harakati hisoblanadi. 1988-yil o`rtalarida Ma`sud sovet qo`shinlaridan Tohar provinsiyasini ozod qilgandan so`ng Taluqon hududi partiyaning bazasiga aylantirildi. “Sho`ro-ye Nazar” ning a`zolari turli partiya, etnik guruh va millatlardan iborat edi. U harbiy uyushma bo`lishdan tashqari, siyosiy jarayonlarga, shuningdek sog`liqni saqlash va qurilish sohalarida ham faol bo`lgan. Bu harakat demokratiya tamoyillari asosidagi boshqaruvga ega bo`lgan, va bu partiyaning boshqa diniy guruh va harakatlardan ajralishiga imkon bergan. Ahmad Shoh Ma`sud 2001-yil 9-sentabrda suiqasd asosida o`ldirilgandan so`ng, partiya faoliyati uning vakillari va o`rinbosarlariga qoladi.⁴¹ 2001-yilning so`nggida Shimoliy Alyans va NATO tomonidan Toliblar hokimiyatdan chetlatilgandan so`ng, “Sho`ro-ye Nazar” Birlashgan Frontga qo`shildi va partiya sifatida rasman tugatildi.

Afg`oniston Milliy Islom Harakati

1992-yilda tuzilgan ushbu harakatning asoschisi va yo`lboshchisi, asli o`zbek bo`lgan Abdul Rashid Do`stum dastlab Juzjonda neft zavodida ishlaydi va 1980 yilda Sovet davlatiga ketadi. Keyinchalik kommunistlar qo`l ostida bo`lgan Davlat Xavfsizlik Vazirligida ishlaydi va Juzjonda 374-bo`limning harbiy yo`lboshchisiga aylanadi.⁴² Harakat Shimoliy Afg`onistonning Juzjon, Faryob, Saripul shuningdek Balx va Mozori Sharif hududlarida faoliyat olib borgan va asosan mamlakatdagi o`zbeklar va qisman turkmanlar tomonidan qo`llab quvvatlangan. Dastlab bu harakat kommunistlarga qarshi tuzilgan bo`lib, 1992-yilda “Shimoliy Alyans”ga qo`shilgan edi, keyinchalik partiya sifatida tuziladi.⁴³ 1980-yillar davomida o`z safida Juzjon, Faryob va Saripul

⁴¹ ‘Anti-Soviet Mujahideen’ 2011, *GlobalSecurity.org*, 7 November

<<http://www.globalsecurity.org/military/world/para/Mujahideen.htm>> Accessed 9 November 2012.

⁴² Peszkowski, Robert 2012, *Reforming Jombesh*, *Afghan Analysts Network*, 31 August

<http://aanafghanistan.com/uploads/20120831Peszkowski-Jombesh-final.pdf>.

⁴³ Ruttig, Thomas 2006, *Islamists, Leftists – and a Void in the Center. Afghanistan’s Political*

Parties and where they come from (1902-2006), **Konrad Adenauer Foundation paper**

<http://www.kas.de/db_files/dokumente/7_dokument_dok_pdf_9674_2.pdf> Accessed 11 December 2012.

hududlaridagi 20 ming harbiyni (asosan o'zbeklarni) birlashtirgan "Do'stum qo'shini" ni tuzadi. U "Afg'oniston Respublikasining qahramoni" unvonini oladi va Kommunistik Partiya Markaziy kengashi a'zosiga aylanadi. 1992 yilda Abdul Rashid Do'stum va bir nechta generallar prezident Najibullohga qarshi bo'ladi va mujohidlarga hoikimiyatni egallashda yordam beradi. Do'stunga ergashuvchilar keyinchalik asosan Balxdan boshqarilgan va sovetlar bosib olgunicha Juzjon, Faryob va Samanganda harakat olib borgan partiya tuzadi. Burhoniddin Rabboniy Do'stum egallab turgan o'rinni qonuniylashtirishni paysalga solgandan so'ng, u ma'lum vaqt Hikmatyor bilan harakat olib boradi. 1996 yilda u Tolibonga qarshi kurashishda Shimoliy Alyansga qayta qo'shiladi, ammo uning o'rni boshqa bir o'zbek – Abdul Malik tomonidan egallanadi. Abdul Malik keyinchalik Mozori Sharifdan Tolibonga qarshi kurashgan payti, Do'stum qaytib keladi ammo ma'lum bir kelishmovchiliklar sababli 1998-yilda mamlakatdan chiqib ketishga majbur bo'ladi. 2001-yilda Abdul Rashid Do'stum Afg'onistonga qaytadi Tolibon va "Al-Qoida"ga qarshi hujum qilgan Amerika havo kuchlarini qo'llab-quvvatlaydi va shundan keyin u markaziy Afg'onistonning shimoliy qismida o'z o'rnini tiklashga muvaffaq bo'ladi. Afg'oniston Muvaqqat Hukumatida mudofaa vazirligi deputati sifatida faoliyat yuritgan, u bu lavozimni Hamid Karzay davrida yo'qotgan edi. 2005-yil 1-martda, Do'stum hukumat boshlig'i sifatida saylanadi, ammo 2008-yil fevralda Akbar Bayni o'g'irlab ketganlikda ayblanib, o'z lavozimidan tushiriladi. Turkiyaga siyosiy qochoq sifatida chiqib ketadi, 2009-yilgi prezidentlik saylovlaridan oldin Karzay Do'stunga mamlakatga kirishga ruhsat beradi.⁴⁴

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, Afg'onistonda 40 yildan ortiq davom etib kelayotgan o'zaro to'xtovsiz urushlar tufayli mamlakatda barcha sohalar singari siyosiy soha ham tanazzulga yuz tutmoqda. Markazlashgan hokimiyatning tashkil etilmaganligi mamlakatda turli siyosiy va diniy tashkilotlarning tashkil topishiga va faoliyat yuritishiga va turli tashkilotlarning xilma xil qarash va g'oyalarga ega bo'lganligi mamlakatning siyosiy tomondan turli xil guruhlariga ajralishiga va bu o'z navbatida beqarorlikka sabab bo'lmoqda. Bu omillar shuni ko'rsatadiki, guruhlar va tashkilotlar o'rtasidagi hukumat uchun kurashlar mamlakatda davom etayotgan notinchlik va beqaror vaziyatning asl sababidir.

⁴⁴ See Sec.1.1 of *RRT Background*

Adabiyotlar ro`yxati:

1. Background Paper Afghanistan: Political Parties and Insurgent groups 1978-2001, Australia, 2013-2014.
2. Adamec, Ludwig 2011, *Historical Dictionary of Afghanistan*, 4th Ed., Scarecrow Press, London (under PDPA, Taraki, Amin, Karmal, Najibullah, Saur Revolution, Khad, Soviet Invasion).
3. Ruttig, Thomas 2006, *Islamists, Leftists – and a Void in the Center. Afghanistan's Political Parties and where they come from (1902-2006)*, Konrad Adenauer Foundation paper
<http://www.kas.de/db_files/dokumente/7_dokument_dok_pdf_9674_2.pdf>
Accessed 11 December 2012.
4. Peszkowski, Robert 2012, *Reforming Jombesh*, Afghan Analysts Network, 31 August <http://aanafghanistan.com/uploads/20120831Peszkowski-Jombesh-final.pdf>.
5. Amstutz, J.B. 1986, *Afghanistan: the first five years of Soviet occupation*, National Defense University Press, Washington, p.111.
6. Марчуков В.Ф., Зобова И.Ю. Социально-политические системы стран Среднего Востока (Турция, Иран, Афганистан). Казань, 2007 .
7. Самые влиятельные политики Афганистана: апрель 2013 года // М.: ЦИСА, 2013.
8. Kaushik Roy, *Military manpower, armies and warfare in South Asia*, London 2013, 38 p.
9. Saikal, A. & Maley, W. 1991, *Regime Change in Afghanistan : Foreign Intervention and the Politics of Legitimacy*, pp.58-60.
10. Elliot A. Political Party Development in Afghanistan: Challenges and Opportunities 'Policy Options for StateBuilding in Afghanistan' [Электронный ресурс]. – Электрон. текстовые данные. – SAIS Spring, 2009.

“VATAN” KONTSEPTINING O‘ZBEK TILIDA BADIY MATNLARDA VOQEALANISHI

Ismatullayeva Iroda Izatullayevna

Toshkent Davlat Transport Universiteti, Toshkent,

ismatullaeva.i.i.03@gmail.com

ANNOTATSIYA

“Vatan” kontseptining o‘zbek tilida badiiy matnlar yordamida voqealanishi o‘rganilgan. Maqolada Rasul Gamzatovning ijodiga mansub she‘r va badiiy matnlar tahlil qilingan. Muallif Vatan kontseptining yadrosini va pereferiya sinonimik qatorlarini matnlarda ko‘rsatib taxlil qilgan.

Kalit so‘zlar: kontsept, sinonimik birliklar, vatan, matn, leksema, taxlil.

ANNOTATION

This article discusses the concept of “Vatan / Homeland” in the literary texts of Uzbek language. The article analyzes poems and literary texts related to the oeuvre of Rasul Gamzatov. The author analyzed the core of the concept “Vatan / Homeland” and the synonymous series of its periphery.

Key words: concept, synonymic units, motherland, text, lexeme, analysis.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается концепт “Родина” с помощью художественных текстов на узбекском языке. В статье проанализированы стихотворения и художественные тексты, относящиеся к творчеству Расула Гамзатова. Автор проанализировал ядро концепта “Родина” и синонимические ряды периферии.

Ключевые слова: концепт, синонимичные единицы, родина, текст, лексема, анализ.

KIRISH

O‘zbek xalqining boy, shonli tarixi davlatchilik an‘analari milliy va diniy qadriyatlaridan bizga ma‘lumki, Vatan-bu ulug‘ va muqaddas tushuncha hisoblanadi. Xadisi sharifda “Vatan-sajdagoh kabi muqaddasdir” deb yozib qo‘yilgan. Xadislarning musulmon kishi uchun Qur‘oni Karimdan keyin turadigan eng ishonchli manba ekanligini eslasak kifoya. Demak, bu mo‘min kishi uchun dasturul amal deganidir. Xadislarning ishonchliligi shundaki, bu qoidalar Payg‘ambarimiz tomonidan buyurilgan sunnat amallar

hisoblanadi. Tarixdan ma'lumki, Rasululloh sallolohu alayhi vasallamga ilk bor vahiy nozil bo'lganda, Varaqa ibn Navfal Payg'ambarimiz alayhissalomga, hali shunday vaqtlar kelib, u zotni qavmlari o'z yurtlaridan haydab chiqarishlarini aytganlarida, Rosululloh sallolohu alayhi vasallam mahzun bo'lib, "*ular meni haydab chiqarishadimi*" , deyishlari hamda Rosululloh sallolohu alayhi vasallam tug'ilib o'sgan vatanlaridan chiqib ketishga majbur bo'lganlarida, "*Ey Makka sendan ko'ra menga sevimliroq va suyuqliroq shahar yo'q! Agar qavmim meni sendan chiqarmaganida, aslo sendan boshqa joyni makon tutmasdim*", deyishlari har bir insonni tug'ilib o'sgan o'z yurtini sevishiga yorqin misol bo'la oladi. Ushbu o'gitlarga amal qilish musulmon kishisining nafaqat madaniyatini anglatadi, balki xulqi va odobining ham go'zal bo'lishini ta'minlaydi. Boshqa bir xadisga yuzlanadigan bo'lsak, "Vatanni sevmok iymondandir" deyiladi. Iymonning inson uchun naqadar muhimligi o'z - o'zidan ayon narsa. Zero, iymonsiz bo'lib kolishdan-da sharafsizrok holat yo'qdir. Iymonsiz degan aybni ajdodlarimiz eng og'ir xaqorat deb bilishgan. Demak, shu xadisning o'ziyoq mo'min kishi uchun juda katta mas'uliyatni yuklab qo'yadi. Ibn Abbosdan rivoyat qilingan hadisda Payg'ambarimiz alayhissalom; "Ikki ko'z egasini do'zax otashi kuydirmas: biri bu – Allohdan qo'rqib yig'lagan, ikkinchisi – Alloh yo'lida poyloqchilik qilib uxlamagan kishini", – deb aytganlar (Termiziy rivoyati). Islom dini falsafasining go'zalligi ham shunday misollarni keltirganimizda ko'zga yaqqol tashlanadi.. Dinimiz bizga, har birimizga Vatanni sevishni muqaddas burch kilib belgilab bergan. Ajdodlarimiz qoldirgan boy ma'naviy va madaniy merosda ham bularning isbotini topishimiz mumkin.

ADABIYOTLAR TAXLILI VA METODOLOGIYASI

Mazkur maqolaning yozilishida turli hil adabiyotlardan, hamda internet saytlardan foydalanildi va tahlil qilindi. Qiyosiy metod, ma'noning komponent analiz metodi hamda kontseptual analiz metodlaridan foydalanildi.

NATIJALAR

Mazkur maqolada "Vatan" kontseptining o'zbek tilida badiiy matnlar yordamida voqealanishi o'rganilgan va ushbu birlikni turli shery asarlarda tahlil qilindi.

MUHOKAMA

O'zbek xalqining dunyo xalqlari ichida o'z so'ziga, mukammal tiliga ega bo'lishida tamal toshini qo'ygan bobomiz Alisher Navoiy "Tilga ehtiyotsiz - elga e'tiborsiz" deganlar. Talqin qilishga urinib ko'radigan bo'lsak, bobomiz o'zbek tili haqida ya'ni Ona tilimiz haqida gapirmoqda. Har bir suveren davlatning muhim atributlaridan biri bu Davlat tili-ku. El kim, nima? El-bu xalq, davlat, Vatan. Navoiy bobomizning qaysi asarini olmaylik, Vatan, el tinchligi, omonligi, obodligi, farovonligi haqida kuyinib ijod

qilganliklarini ko‘rishimiz mumkin. Shaxsan o‘zlarining tashabbuslari bilan tolibi ilmlar uchun madrasalar qurish, elning uzog‘ini yaqin, og‘irini yengil bo‘lishi uchun o‘nlab ko‘priklar qurish, suv chiqarish, bog‘-rog‘lar yaratish ishlarida bosh-qosh bo‘lganlar. Eng muhimi el tinchligi yo‘lida, qon to‘kmaslik, urushmaslik uchun, muqaddas zaminga, begunox insonlarga ozor yetkazmaslik uchun bor aqlu-idroki, iqtidori, kerak bo‘lsa jonlarini ham qurbon qilmoqqa tayyor bo‘lganlar. Yurtimizda tug‘ilib o‘sib ta’limu-tahsil olgan, taqdir taqozosi bilan umrining so‘nggi yillarini Hindistonda o‘tkazgan bobomiz Zahiriddin Bobur asarlarida ham Vatan ishq, Vatan sog‘inchi bosh mavzulardan biri bo‘lgan. Tug‘ilib voyaga yetgan yurti Andijonni tark etgach, “Anda jonim qoldi manim” deb nola qilganlari, tabiati va iqlimi yot bo‘lgan hind zamini mevalaridan xuzur topmagan kezlari Farg‘onaning shirin qovunlarini qumsagani “Boburnoma” da o‘z aksini topgan. Shuningdek, Hindistonda o‘z Vatandek obidalar qurish maqsadida Samarqand va Buxorodan ustalarni olib ketgani o‘zga zaminda ham o‘z Vatanining siymosini ko‘rish orqali, ayriliq azoblariga chora izlash bilan, Ona Vatanga bo‘lgan cheksiz hurmati, sadoqatini aks ettirmoqchi bo‘lgan. Ushbu holatni quyidagi g‘zalda ko‘rishimiz mumkin:

Ne yerda bo‘lsang ey gul, andadur chun joni Boburing,

G‘aribinga tarahhum aylagilkim, andijoniydur.

Shoirona yurtsevarlik, vatanfidoyilik Bobur shaxsida shunchalik tantana qiladiki, buyuk imperator Bobur endi Andijondan yiroqlikni, garchi bu martaba Hindiston taxti bo‘lsa ham, qismatdagi yuz qarolig‘, deb hisoblaydi:

Tole‘ yo‘qi jovimga balolig‘ bo‘ldi,

Har ish niki ayladim xatolig‘ bo‘ldi.

O‘z yerni qo‘lib, Hindistoni yuzlandim, Yo Rab,

Netayin, ne yuz qarolig‘ bo‘ldi?!

Yuqorida keltirilgan she‘rni taxlil qilar ekanmiz, Bobur vatan so‘zining o‘rniga *gul va yer* so‘zlarini ishlatib, ushbu nasrni yanayam bo‘yoqdor, hamda o‘zbek adabiyotining asl durdona asaridan biri ekanligiga amin bo‘lamiz.

Mashhur Dog‘istonlik yozuvchi va ko‘plab she‘rlar muallifi Rasul Gamzatovning ijodiga yuzlanar ekanmiz, Vatan uning hayoti va ijodining ajralmas qismi ekanini ko‘rishimiz mumkin. R. Gamzatov asarlari to‘plamining muqaddimasida tarjimon Piter Tempest quyidagi so‘zlarini keltiradi: «My father named me Rasul, which in Arabic means “representative” otam meni Rasul deb atagan, bu Arabcha" vakil " degan ma’noni anglatadi". Shoir o‘zining barcha asarlarida o‘z vatani, Dog‘iston, avar vatandoshlari, ifodalaydi. Rasul Gamzatovning badiiy dunyosida "Vatan" tushunchasi alohida o‘rin egallaydi. Shoirning uy, ona, ona

avar tili haqidagi bolalik xotiralari Vatan bilan bog'liq. Dog'iston tabiati fonida R. Gamzatov qahramonlari – ovul aholisi, dono oqsoqollar, jasur jigitlar, chiroyli qizlar hayotida muhim voqealar ro'y beradi. Avarlarning hayoti shoirni hayot va o'lim, do'stlik va xiyonat haqidagi falsafiy mulohazalarga olib keladi.

Biz R. Gamzatovning "Tanlangan asarlar" to'plamidan badiiy matnlarni ko'rib chiqdik va ulardagi "Vatan" kontseptni namoyish etish xususiyatlarini taxlil qildik.

R. Gamzatovning "Tanlangan asarlar" to'plamidagi "Vatan" kontseptining asosiy representi "Vatan" leksemasidir. Asosiy leksemadan foydalanishning statistik tahlili shuni ko'rsatadiki, ushbu leksik-semantik maydonga kiruvchi boshqa leksemalarga nisbatan kam, balki ikki holda ishlatilgan. Biroq, bu leksema dominant hisoblanib, kuchli nominativ ma'noga ega, yuqori hissiy jihatdan boshdan kechiriladi, keng assotsiativ qatorga egadir.

Leksemalardan foydalanish chastotasini tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, shoir uchun Vatan Dog'iston tog'lari bilan bog'liq. Tog'lar shoir uchun Vatan ramzidir. "Tog'lar" leksemasi 18 marta uchraydi. "Tog'lar" leksemasi *cho'qqilar, qoyalar, daralar, jarliklar, balandliklar, toshlar* tog' so'zining kontekstual sinonimlari bilan ifodalanadi.

Ushbu *tog'* leksemaning kognitiv sinonimlari landshaftning bir qismi bo'lgan *tog' yonbag'irlar*dir (*tog' yonbag'irlari, bulutli cho'qqilardan qoya jarlik tomon siljiydi*), *tog'lar* Vatan sifatida (*tog' cho'qqilari bilan himoyalangan*), jonli mavjudot sifatida (*jim, sukut ichra va qattiqo'l*), tug'ilgan joy (*men tog'larda tug'ilganman*), *tog'lar* odamlar sifatida (*tog'larning aholisi, tog' yigiti, tog'lik, bizning tog'larimizda*), *tog'lar* madaniy va axloqiy turmush tarzi sifatida (*tog' urf-odatlari, tog'liklarning nafratlanishi*), *tog'lar* abadiylik ramz sifatida (*yuz asrluk sukunatdagi tog'lar*) – *tog'larning* ramziy qiyofasini axloqiy, axloqiy va madaniy qadriyat sifatida yaratadi. "Tog'lar" leksemasi "Vatan" kontseptning ikkinchi asosiy representi hisoblanadi.

R. Gamzatovning she'rlarida "Vatan" kontseptining asosiy qatlami joy nomlari va etnonimlarni o'z ichiga oladi. Shunday qilib, "Dog'iston" leksemasi 4 marta, "dog'istonlik" va "dog'istonliklar" bir marta uchraydi.

Dog'iston — mening muhabbatim, mening kelajagim, mening tavbam, mening ibodatim!

Dog'iston — hayotimning mazmuni, barcha she'rlarimning bosh mavzusi.

Aslida Dog'iston hamma dog'istonliklar uchun bitta. Lekin, o'ylab ko'rsam, har birining o'z Dog'istoni bor ekan. Mening ham o'z Dog'istonim bor. Bu mening ko'zimdagi, mening xayolimdagi, mening yuragimdagi Dog'iston. Men Dog'istonda nimaiki ko'rgan bo'lsam, nimaiki kechirgan bo'lsam, men bilan yashayotgan, mengacha yashagan odamlar nimaiki kechirgan bo'lsa barchasidan, qo'shiqlardan va daryolardan, qoyalardan va

maqollardan, lochinlardan va taqolardan, tog' so'qmoqlaridan va hatto aks-sadolardan barchasi va barchasidan mening tasavvurimdagi Dog'iston, mening Dog'istonim yaralgan.

She'rni rus va o'zbek tilida o'qiganimizda shoir o'zi hurmat qiladigan tirik mavjudot sifatida murojaat qiladigan Dog'istonni his qilishimiz mumkin: bu sintaktik (Dog'istonga to'g'ridan-to'g'ri murojaat qilish funksiyasida) va semantik jihatdan (ibodat qilish, sevish, sharaf, shon-sharaf kabi leksik birliklar bilan birgalikda) ifodalanadi. Ingliz tilidagi tarjimasida bu holat kuzatilmaydi.

Kichik Vatanining haqiqiy vatanparvari sifatida R. Gamzatov o'z ona yurtini, ona qishlog'ini, o'z oulini kuylaydi. "Tanlangan she'rlar" to'plamida "Ona yurt" leksemasi 3 marta, "tug'ilgan yurtim" 1 marta ishlatilgan. "Yer" leksemasi *sevmoq, ibodat qilmoq, bo'lmoq* fe'llari bilan aks ettirilgan, buning natijasida ijobiy ma'no yaratiladi, ona yurt nafaqat sevgi ob'ekti, balki sajda qilish, ilohiylashtirish ob'ekti hisoblangan. Vatanga muxabbatni shoir quyidagi iboralar bilan ifodalagan: fe'l shakllari bilan birgalikda *yodga olsin, qalbmida ko'raman ko'ying tanimni, yodga olsin*, sifatlar bilan *masix, hur*, olmosh bilan – *o'sha*, qiyosiy konstruksiyada – *yer ona kabi*. Bunday leksik qator yordamida shoir yerning jonli qiyofasi ya'ni, omon qolgan, ammo sabr-toqat bilan o'zgarishlarni kutayotgan ona obrazi orqali aks ettirgan.

Ona tili shoir uchun Vatan obrazini bilan chambarchas bog'liqdir: "til" leksemasi 6 marta, "so'z"(nutq ma'nosida) 1 marta ishlatiladi, *avar, aziz, suyuk, muqaddas, hur, buyuk* so'zlari bilan belgilanadi. I. Sandomirskayaning fikricha, "Ona tili hech narsa bilan ifoda qilinmaydi, faqat o'z Vatanimizni ko'rsatib, o'zimizni namoyon qiladi". Shoir uchun esa Ona tili *jonga masix*, uning yo'q bo'lib ketishi xalqning yo'q bo'lib ketishini anglatadi *Erta ona tilim agar yo'qolsa, men bugun o'lishga bo'lurman rizo*, ushbu juftlikdan ko'rishimiz mumkinki, R. Gamzatov uchun avar tili o'lsa hayot ham to'xtaydi, bu esa o'z o'zidan bu insonni qanchalik yurtsevar va vatanparvar ekanini isbotlaydi va aynan ona tili orqali o'z halqini, elini, diyorini kuylaydi.

R. Gamzatovning asarlarini tahlil qilarkanmiz, "Vatan" kontseptini quyidagi joy ma'nolar orqali ifodalanganligini ko'rishimiz mumkin 1) Vatanni- uy, qush uyasi, 2) Vatanni kichik, ixcham, mahalliyashtirilgan narsa sifatida aniq ajratish mumkin, 3) Vatan mintaqa, mamlakat sifatida 4) Vatan kichik birliklardan tashkil topgan yaxlit bir narsa sifatida. Binobarin, R. Gamzatov ijodida "Vatan" tushunchasi quyidagi leksemalar bilan ifodalanadi: *ota uy, ovul, yer, vodiy, tog'lar, gulshan, tikanzor Dog'iston, Sovet Ittifoqi*.

"Vatan" kontsepti vaqt, ya'ni tarix bilan ham bog'liq bo'lib, uni "o'tmish izini o'zida

saqlaydigan madaniy artefakt" sifatida tahlil qilish mumkin. Shoir o'z mamlakatining boy tarixiga, uning ko'p asrlik urf-odatlarini va madaniyatiga qoyil qoladi.

YON DAFTARDAN. Kalkuttada buyuk Robindranat Tagorning uyida ajoyib bir qushning suratini ko'rdim. Bunaqa qush dunyoda yo'q, bo'lgan ham emas. U Tagorning xayolida paydo bo'lgan, uning fikr dunyosida yashagan. Agar Robindranat oddiy qushlarni ko'rmaganda bu g'aroyib qushini chizolmagan bo'lardi.

Mening ham ajoyib bir qushim bor. Bu mening Dog'istonim. Shuning uchun kitobimning nomi aniqroq bo'lsin deb, uni "DOG'ISTONIM" deya atamoqchiman. U meniki bo'lgani uchun emas, u haqdagi mening tasavvurim boshqalarnikidan farqli bo'lgani uchun shunday demoqchiman. Shunday qilib, masala hal bo'ldi. Muqovaga "Dog'istonim" deb yoziladi.

Dog'iston — mening muhabbatim, mening kelajagim, mening tavbam, mening ibodatim!

Dog'iston — hayotimning mazmuni, barcha she'rlarimning bosh mavzusi.

Hamzat Sadasa oddiy mehnatkash edi, qalbida avar xalqining sha'ni va qadriyatlarini yashardi. U shu fazilatlarini pok saqlashni sharaf deb bildi.

XULOSA

R. Gamzatovning asarlarini tahlil qilib ushu xulosaga keldik: 1) shoirning lirikasidagi "Vatan" kontsepti joy-vaqt tushunchalari bilan bo'g'liq hamda muallif tomonidan jonlantiriladi. 2) "Vatan" kontseptining yadroviy representi "tog'lar" leksemasidir. Yaqin perefiriyani "qush", "ota uyi", "ota so'qmog'i", "daryolar", "darcha": Dog'iston toponimi va Avar etnonim leksemasi ifodalaydi. Vatan kontseptining uzoq perefiriyasini "til, so'z, kirdi menga jon, Jonimga masix, jonim fido, o'lishga bo'lurman rizo, va, kuyladi, jon fido, yodga olsin". 3) "Vatan" kontsepti "aziz", "do'stlik", "erkinlik", "buyuk", "hur", "suyuk", "muqaddas", "tirik", "kelajagim", "tavbam", "ibodatim" leksemalari bilan ifodalangan ijobiy konnotativ ma'noga ega bo'lgan.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Ashurova D.U. Zamonaviy tilshunoslik va xorijiy tillar o'qitishning dolzarb masalalari. Ilmiy-amaliy anjuman masalalari. Toshkent, 2010.
2. Ismatullaeva, Iroda Izatullaevna (2022). CONCEPT AS THE BASIC TERM OF THE COGNITIVE LINGUISTICS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (9), 533-538. educational sciences, 3 (10), 621-628
3. Iroda Izatullaevna Ismatullaeva, Liliya Yurevna Filimonova, & Achilov Oybek Rustamovich (2022). SOCIOLINGUISTICS AND ITS DEVELOPMENT AS AN

INDEPENDENT SCIENCE. Academic research in educational sciences, 3 (10), 621-628

4. Fauconnier G., Sweetser E. Cognitive Links and Domains: Basic aspects of Mental Theory// Spaces, Worlds and Grammar. Chicago and London: University of Chicago Press, 1996. P. 1-28.
5. Слышкин, Г. Г. Лингвокультурные концепты и метаконцепты : дис.... д-ра филол. наук / Г.Г. Слышкин. — Волгоград, 2004
6. Тер-Минасова С.Г. Язык в межкультурной коммуникации. Язык и люди выбрать книгу [www/abroad.ru/english/termin/9/htm/](http://www.abroad.ru/english/termin/9/htm/)
7. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. М.:Слово, 2000.- 264с.
8. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик-Жиззах:Сангзор,2006.-926.;
9. Ismatullayeva, I. I. (2020). SOME WAYS OF TEACHING VOCABULARY THROUGH INTERACTION AT THE ENGLISH LESSON. *Theoretical & Applied Science*, (1), 563-566.

VEBSAYTLAR

1. http://ferlibrary.uz/f/rasul_hamzatov_mening_dogistonim.pdf
2. <https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/8-sentabr-rasul-hamzatov-tavalludining-90-yilligi.html>

JUSTIFICATION OF THE DISTANCE BETWEEN SHORT TOPS ON THE WORKING HORIZONS OF THE MINE WHEN USING LOADING AND DELIVERY MACHINES

Khakimov Shadiboy Ikmatullayevich

Navoi State University of Mining and Technologies
Associate Professor of the Department of Mining

Qobilov Olimjon Sirojovich

Navoi State University of Mining and Technologies
Doctoral student of the Department of Mining
E-mail: olimjonkobilov@gmail.com

Abruyev Samandar Shodmon o'g'li

Navoi State University of Mining and Technologies
13a-21 KI (OKI) group student

Abstract: *To the article the worked out is driven on the basis of researches, methodology of choice of optimal distance between crossheadings in mine horizon at development of high-dipping tendon deposits of different power with the use of self-propelled technique and offered graphic results for engineering calculations.*

Keywords: *mining-and-geological terms, development of ore with earthing up, transport and deliverable making, crossheading, distance deliveries and transporting, specific expenses.*

SHAXTA ISHCHI GORIZONTIDA YUKLAB-YETKAZUVCHI MASHINALARNI QO'LLAGANDA QISQA KVERSHLAGLAR ORASIDAGI MASOFANI ASOSLASH

Annotatsiya: *maqolada tik-qiya joylashgan, har xil qalinlikdagi tomirli konlarni yer osti usulida qazib olish ishlarida yuklab yetkazuvchi mashinalar qo'llanilganda, shaxta gorizontida ma'dan tanalariga yo'lak ochish uchun o'tiladigan kvershlaglar orasidagi samarador masofalarni aniqlash bo'yicha yaratilgan uslub va olingan hisob kitob natijalarini jadval holatiga keltirilgan va muxandislik ishlarida qo'llash uchun tavsiya etilgan.*

Kalit so'zlar: *kon geologik sharoit, shaxtagorizonti, qazilmani magazinlarda uyumlab qazish, qavatchalardan maydalab qazish, to'ldiruvchi materiiallar bilan bo'shagan maydonni to'ldirib qazish, transport va eltuvchi lahimlar, kvershlag, tashish va eltish masofalari, solishtirma xarajatlar.*

The basis of the applied technology for excavation of steeply dipping veins is the mining system – with stacking and sublevel breaking of ore, as well as mining systems with goaf backfilling [1].

One of the main directions for improving the development of vein deposits is the use of self-propelled mining and transport equipment, which causes [2-4] to change the traditional technological schemes for opening and preparing horizons. Economic efficiency of mining work in this case depends on the parameters of technological schemes and requires a reasonable choice. So, in particular, reducing the distance between the so-called “short crosscuts” used to access the vein ore bodies (Fig. 1.) will lead to a decrease in the ore delivery distance, but at the same time, the volumes will also increase due to the cost of mining operations [5-14].




Fig. 1. Scheme of the working horizon for choosing the distance between short crosscuts and delivery of ore: L_{to} – the distance between the crosscuts, m; 1 – “capital crosscut”; 2 – transport and delivery drift; 5 – short crosscuts; 6 – ore bodies.

The rational distance between the crosscuts must be determined by searching for the minimum sum of the reduced unit costs for the sinking of the crosscut and the delivery of ore according to the expression:

$$\sum Z_{uc} = Z_{uc.cr} + Z_{uc.d} \rightarrow \min \tag{1}$$

where $Z_{uc.cr}$ – unit costs for driving a short crosscut, sum/m

$$Z_{uc.cr} = \frac{S_c \cdot I_{cr} \cdot C_s}{m \cdot h_f \cdot L_{cr} \cdot \gamma} \tag{2}$$

where S_c – cross sections, m^2 ;

I_{cr} – crosscut length, m;

C_s – the cost of sinking $1m^3$ crosscut, sum/m^3 ;

m – is the thickness of the ore, m;

h_f – floor height, m;

L_{cr} – distances between crosscuts, m;

γ – ore density, t/m³;

$$Z_{uc.d} = Z_{d.r} + Z_{rsm} + Z_{z.p} + Z_{a.s} \quad (3)$$

Where, $Z_{d.r}$ – the cost of depreciation and restoration of load-dump machines, is determined by the formula, sum/ton;

$$Z_{d.r} = \frac{S_{lm} * n_a + S_{lm} * p_{v.r}}{P_{lm}} \quad (4)$$

Where S_{lm} – Cost of loading and hauling machines, sums;

n_a – annual rate of depreciation deductions, more units;

$p_{v.r}$ – the annual norm for repair and restoration, more than a unit;

P_{lm} – annual productivity of load-and-delivery machines, tons/year;

$$P_{lm} = \frac{60 * q_{lm} * T_{dsh} * k_u * N_{nm}}{T_{ft}} \quad (5)$$

Where q_{lm} – load capacity of LHM, tn;

T_{dsh} – is the duration of the shift, hour;

k_u – coefficient of use of time in a shift;

N_{nm} – the number of working shifts LHM, shift;

T_{ft} – flight time LHM, min;

$$T_{ft} = t_{ma} + t_{sd} + t_u + t_{eo} + t_{aw} \quad (6)$$

Where t_{ma} , t_{sd} , t_u , t_{eo} , t_{aw} – respectively, the time of ore mass accumulation, the time of movement in cargo and strike directions, the time of unloading and the time for exchange operations when moving along workings, min;

C_{fl} – the cost of fuel and lubricants is determined, sum/ton;

$$C_{fl} = \frac{q_{mh} * T_{dsh} * C_f + 0,03(q_{mh} * T_{cm} * C_r)}{\Pi_{пдм}} ; \quad (7)$$

Where is the fuel q_{mh} – consumption per 1 moto hour work, kg;

C_f – is the cost of fuel, amounts/kg;

C_{wd} – wage costs are determined by:

$$C_{wd} = \frac{A_{so} * N_{nm}}{P_{lm}} ; \quad (8)$$

A_{so} – the average shift salary of the operator of the LHM; sum/shift;

C_{td} – the cost of tires is determined, sum/ton;

$$C_{td} = (q_{qt} * c_{qt}); \quad (9)$$

where q_{qt} – is the consumption of tires, set;

$$q_{qt} = \frac{P_{lm} * L_{KB.}}{q_{lm} * 1000 * p_{st}} \tag{10}$$

where p_{st} – mileage set of tires;

c_{qt} – cost of tires, sum/set;

Thus, a methodology has been developed based on a technical and economic analysis of the change in the specific reduced costs per tons of ore transported through the crosscut, depending on the change in the distance between the crosscuts, in conjunction with other parameters of the development system used.

In accordance with this methodology using the Microsoft program Excel calculations were made and graphs were built (Fig. 2).




Fig.2. Graph of the change in the specific reduced costs for crosscutting and delivery of ore mass depending on the change in the distance between the crosscuts, the total thickness of the ore bodies and the height of the floor.

6. Salimov B. S., Daminov A. S., Qurbonov Sh. X., Otaboev X. E. Trematodalar (filogeniya, sistematika, morfologiya, biologiya, ekologiya). Samarqand, 2018. 166 b. RESEARCH AND EDUCATION ISSN: 2181-3191 vOLUME 1| ISSUE 9| 2022 Scientific Journal Impact Factor 2022: 4. 628 <http://sjifactor.com/passport.php?id=22258> https://t.me/ResearchEdu_Journal Multidisciplinary Scientific Journal December, 2022 264
7. Salimov B. S., Otaboev X. E. Fastsiolyoz qozǵawtıwshıları, olardıń aralıq xojayınları hám rawajlanıwı. //«Veterinariya meditsinasi» jurnalı, Tashkent, 2018. №11.- B. 19 -22.
8. Oripov A. O., Mámleketov R. B., Yuldashev N. E. Veterinariya gel'mintologiyasi. Tashkent, 2016.-242 b.

TARBIYACHILARNI MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISHDAGI PEDAGOGIK TAYYORGARLIGINI SHAKLLANTIRISH

Rahmatova Nargiza

Termiz davlat Pedagogika instituti magistranti.

ANNOTATSIYA

Maktabgacha ta'lim tizimida olib borilayotgan yangilanishlar, bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda nutqning to'g'ri shakllanganligining ahamiyati va Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida nutqni rivojlantirish faoliyatini olib borishda tarbiyachining nutq odobi va unga qo'yilgan talablar haqida atroflicha so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: *Maktabgacha ta'lim, nutq, rivojlanish, faoliyat, ravon nutq, vazifalar, talablar, ma'daniyat, diqqat, idrok.*

Maktabgacha ta'lim uzluksiz ta'limning boshlang'ich qismi hisoblanadi. U bolaning sog'lom va rivojlangan shaxs bo'lib shakllanishini ta'minlab, o'qishga bo'lgan ishtiyoqini uyg'otib, tizimli o'qitishga tayyorlab boradi. 6-7 yoshgacha bo'lgan maktabgacha ta'lim davlat va nodavlat bolalar maktabgacha ta'lim tashkilotlarida va oilada amalga oshiriladi. Maktabgacha ta'limning maqsadi - bolalarni maktabdagi o'qishga tayyorlash, bolani sog'lom, rivojlangan, mustaqil shaxs bo'lib shakllantirish, qobiliyatlarini ochib berish, o'qishga, tizimli ta'limga bo'lgan ishtiyoqini tarbiyalashdir. Shularni hisobga olib, "Maktabgacha ta'lim tizimini boshqarishni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 3955-sonli qarori¹

hamda "Maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi" tasdiqlandi. Bu qonun hujjatlarida Maktabgacha ta'lim tizimini yaxlit uzluksiz ta'lim tizimining muhim bo'g'ini sifatida yanada takomillashtirish, maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarmog'ini kengaytirish hamda moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, ularni malakali pedagog kadrlar bilan ta'minlash, bolalarni har tomonlama intellektual, ma'naviy-estetik va jismoniy rivojlantiruvchi zamonaviy ta'lim dasturlari va

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 30 sentyabrdagi "Maktabgacha ta'lim tizimini boshqarishni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3955-sonli qarori

texnologiyalarini ta'lim-tarbiya jarayoniga joriy etish, ularning maktabga tayyorgarlik darajasini tubdan oshirish kabi masalalar o'z ifodasini topgan.¹

Mamlakatimizda olib borilayotgan mazkur siyosat maktabgacha ta'lim tizimida faoliyat ko'rsatayotgan tarbiyachi-pedagoglardan g'oyat katta ma'suliyat hamda o'qitishning yangi texnologiyalaridan keng foydalanishni talab etadi. Shularni hisobga olib, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bola har tomonlama maktab ta'limiga tayyorlash, ular orasida bola nutqini rivojlantirish masalasi eng asosiylaridan hisoblanadi. Ularning so'z boyligi oshishi ravon gapirishi va o'z fikrini to'lik ifoda etib, aytib bera olishga o'rgatish masalaning dolzarbligini ko'rsatib beradi. Nutq o'stirish metodikasi fani maktabgacha ta'limda bolalarni og'zaki nutqini o'stirish, tengdoshlari va kattalar bilan nutqiy muomala malakalarini shakllantirish orqali nutqda so'zdan to'g'ri va o'rinli foydalanish, ya'ni nutq va xulq egasi bo'lish kabi ma'naviy axloqiy sifatlarni, so'zlash odobini egallashni shakllantiradi. Nutq o'stirish metodikasi pedagogik fan sifatida rivojlantiruvchi vazifani bajaradi, ya'ni bolalar nutqini o'stirish orqali ularning nutq a'zolarini anatomik-gimnastik mashq qildirish orqali nutqning ravon tushunarli bo'lishini ta'minlaydi: bolalar tafakkuri, aqliy faoliyatini rivojlantiradi, ularda nutq odobi, ma'naviy barkamollikni shakllantiradi. Chunki yaxshi rivojlangan nutq tushunarli ta'sirchan bo'ladi, bola o'z nutqini tuzatib boradi. Nutqni rivojlantirish nafaqat bolani atrof-olam bilan tanishtirish tomoni, balki umumiy psixik rivojlanish ustuni hisoblanadi. Bola nutqining rivojlanishi umuman shaxsni va shu bilan birga barcha psixik jarayonlarni shakllantirish bilan bog'liqdir.

«...Tilni egallash jarayoni - bu faqat va shunchaki bilimlar, mahorat hamda ko'nikmalarni berish jarayoni emas. Bu eng avvalo tarbiyadir. Qalbni tarbiyalash, aqlni tarbiyalash, fikrlar tuzishni shakllantirish, inson ruhiy qiyofasining eng nozik qirralariga chidam bilan ishlov berishdir» (K.D.Ushinskiy). Bola nutqiy rivojlanishining, bir tomondan, tashqi ta'sirlar bilan belgilanishi, ikkinchi tomondan esa uning to'satdan yuz berishi, "o'z-o'zidan harakatga kelishi" bilan tavsiflanishini tushunish nutq ontogenezi haqidagi zamonaviy tasavvurlarga xos holatdir. Nutqni rivojlantirishning ana shu qonuniyatlari va mexanizmlarini tushunib yetish ularni batafsil ko'rib chiqishni talab qiladi.

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 maydagi "O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PQ-4312-sonli qarori

Kattalar bilan bevosita muloqot qilish bola nutqiga katta ta'sir ko'rsatadi. Maktabgacha yoshdagi bolalar atrofdagilarga taqlid qilganlari holda nafaqat to'g'ri talaffuz, so'zlarni tog'ri qo'llash, iboralar tuzish sirlarini, balki kattalarda atrofdagi bolalarda uchrab turadigan nutq nomukammalliklarini ham o'zlashtirib oladi. Bolalarning nutq madaniyati pedagogning nutq madaniyatiga bevosita bog'liq bo'ladi.¹

Doimo kichkintoylarning diqqat-e'tibori markazida turadigan va ular bilan muloqot qiladigan tarbiyachining nutqi bolalar uchun ona – tili, nutq madaniyati na'munalarini oladigan asosiy manba hisoblanadi, shuning uchun u nafaqat to'g'ri so'zlashi, ona tilining barcha tovushlarini aniq va tushunarli qilib talaffuz etish balki u muayyan balandlikdagi ovozda bosiqlik bilan so'zlashi, uning nutqi intonatsion jihatdan ifodali, grammatik jihatdan to'g'ri rasmiylashtirilgan, ravon, tushunush uchun oson bo'lishi hamda so'z bilan belgilash to'g'ri va aniq amalga oshirilishi lozim. Tarbiyachining ifodalilik vositalari foydalangan holda o'qigan hikoyasi bolalarda qiziqish uyg'otadi, ularda qayg'urish so'z kuchini his qilish, uning mazmunini anchagacha yodda saqlab qolish imkonini beradi. Biroq o'z nutqining kamchiligini aniqlash har doim ham oson kechmaydi chunki muloqot jarayonida so'zlovchining diqqat e'tibori eng avvalo nutqning shakliga emas balki uning mazmuniga qaratilgan bo'ladi. Bundan tashqari o'z nutqiga nisbatan beparvolik bilan munosabatda bo'lish natijasida ayrim kamchiliklar tilga qattiq o'rnashib qolishi va keyinchalik so'zlovchi uni sezmay qolishi mumkun. Masalan, nutqning shoshqaloqligi, tushunarsizligi, bir ohangdaligi, monotonligi, ovozning kuchliligi, ayrim tovushlar so'zlarni noaniq talaffuz qilish kabi nuqsonlar sezilmasdan qoladi.

Nutqda aniqlangan kamchilik (nomukammalliklar) larni tarbiyachi maxsus daftarga qayt etadi, so'ngra reja ishlab chiqadi va ularni bartaraf etishga doir ishlarni tashkil qiladi. Pedagog-tarbiyachi bolalarga kundalik hayotda, o'yinlarda, mashg'ulotlarda, birgalikdagi mehnat faoliyatida va ular bilan bo'ladigan muomalada ta'sir ko'rsatadi. U har bir bolani diqqat bilan o'rganishi, uning shaxsiy xususiyatlarini, qobiliyatlarini bilishi, pedagogik nazokatini namoyon qilishi, bolalarning xulq-atvorini, ish natijalarini haqqoniy baholashi kerak, ularga o'z vaqtida yordam ko'rsata olishi, oiladagi ahvoli bilan qiziqishi zarur. Hozirgi zamon tarbiyachisining asosiy fazilatlaridan biri o'z kasbiga sadoqatliligi, g'oyaviy e'tiqodliligi, o'z kasbini sevishi va bu kasbga

¹ Bolalar nutqini o'stirish nazariyasi va texnologiyalari fanidan o'quv – uslubiy majmua Guliston davlat universiteti Maktabgacha ta'lim kafedra 2021-yil

bo'lgan cheksiz sadoqati bilan o'qituvchi – tarbiyachi boshqa kasb egalaridan ajralib turadi. Pedagog – tarbiyachi shaxsiga qo'yiladigan muhim talablardan biri shuki, u o'z predmetini, uning metodikasini chukur o'zlashtirgan bo'lishi zarur.¹ Predmeti va uning nazariyasini chuqur bilishi, bolalarni bilishga bo'lgan qiziqishlarini oshiradi. Bu pedagog – tarbiyachining obro'sini oshiradi. Bolalarni sevish, ularning hayoti bilan qiziqish, har bir shaxsni xurmat qilish tarbiyachi kasbiga xos bo'lgan muhim fazilatlardan, talablaridan hisoblanadi. Bolalar bilan ishlash orqali pedagog-tarbiyachi quyidagilarga e'tiborini qaratishi lozim:

- ❖ ona tilining barcha tovushlarni to'g'ri talaffuz qilish, nutqdagi mavjud kamchiliklarni bartaraf etish;
- ❖ aniq, tushunarli nutqqa, ya'ni yaxshi diktsiyaga ega bo'lish;
- ❖ o'z nutqida adabiy talaffuzlardan foydalanish, ya'ni orfoepik qoidalarga rioya qilish;
- ❖ ifodalilikning intonatsion vositalaridan bildirilgan fikrlarni hisobga olgan holda to'g'ri foydalanishga intilish;
- ❖ bolalar bilan muloqotda biroz sekinlashtirilgan sur'atda, ovozni sal pasaytirgan holda nutq so'zlash;
- ❖ matnlar mazmunini so'zlar va grammatik tuzilmalardan foydalangan holda ravon hamda imkonli shaklda hikoya qilish va bolalarga yetkazish;
- ❖ bolalar va xodimlar bilan suhbatda ovozni balandlatish va qo'pol muomalaga yo'l qo'ymaslik.

Nutqning to'g'riligi uning adabiy til normalariga mosligidir. Adabiy til normalari ko'p tarmoqli bo'lgan uchun nutqning to'g'riligi ham bir qancha shartlarni o'zida qamraydi. To'g'ri nutq o'zida adabiy tilning fonetik talaffuz, lug'ayviy so'z yasalishi, grammatik (morfologik, sintaktik), uslubiy normalarini mujassamlashtirilgan bo'lishi lozim. Bularning birortasidan biroz chetlashgan nutq ham to'g'ri bo'la olmaydi. Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib quyidagi xulosalarni bildiramiz: Tarbiyachining nutqi – bu bolalar ona tili va madaniy nutq namunalarini o'zlashtirib oladigan asosiy manba hisoblanadi. Bolalar bog'chasi tarbiyachisi uchun namunali nutqqa ega bo'lish – bu uning kasbiy tayyorlik darajasidir. Nutqni takomillashtirish haqida qayg'urish – har bir

¹ Bolalar nutqini o'stirish nazariyasi va texnologiyalari fanidan o'quv – uslubiy majmua Guliston davlat universiteti Maktabgacha ta'lim kafedrasida 2021-yil

pedagogning axloqiy va ijtimoiy burchidir.¹ Bolani sevgan butun kuch va bilimni bolalarni kelajagi buyuk vatanga sodiq fuqaro qilib tarbiyalashga safarbar qila oladigan odamgina haqiqiy tarbiyachi pedagog bo'la oladi. Bolaga befarq, uning kelajagi bilan qiziqmaydigan, tarbiyachilik kasbiga loqayd odam haqiqiy pedagog – tarbiyachi bo'la olmaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 30 sentyabrdagi "Maktabgacha ta'lim tizimini boshqarishni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3955-sonli qarori
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 maydagi "O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PQ-4312-sonli qarori
3. M.Berdiyeva Maktabgacha va boshlang'ich ta'limda nutq o'stirish mashg'ulotlari orqali bolalarning mustaqil fikrlash qobiliyatlarini shakllantirishning samarali usullari "Science and Education" Scientific Journal-2021
4. Bolalar nutqini o'stirish nazariyasi va texnologiyalari fanidan o'quv – uslubiy majmua Guliston davlat universiteti Maktabgacha ta'lim kafedrasida 2021-yil
5. F.R.Qodirova. Nutq o'stirish metodikasi, Darslik, Toshkent-2015 yil

¹ F.R.Qodirova. Nutq o'stirish metodikasi, Darslik, Toshkent-2015 yil

MADANIYATLARARO MULOQOT TURLARI VA XUSUSIYATLARI

Abdunazarov Feruz Kuchkorovich

O‘zbekiston jahon tillari universiteti

MUSTAQIL tadqiqotchisi (PhD)

Annotatsiya: “Madaniyat” so‘zi turli fanlarda turli xil ma’nalarni anglatadi va hayotdagi dastlabki ijtimoiylashuvimizning bir qismi sifatida madaniyat orqali har birimiz dunyoda muloqot qilish, harakat qilish, fikrlash, obyektlar va vositalardan foydalanish usullarini o‘rganamiz. Ushbu maqolada til, madaniyat, muloqot turlari, kommunikatsiya turlari va ularning xususiyati, madaniyatga moslashish, madaniyatlararo to‘siqlar va to‘qnashuvlar kabi masalalar yoritilgan. Hozirgi kunda tilshunoslik ilmida barchaning e’tiborini tortayotgan til va madaniyat tushunchasi bilan bog‘liq bo‘lgan lingvokulturologiya masalalari ko‘pchilik olimlar tomonidan tadqiq etilayotgan bo‘lsa-da, biroq o‘z yechimini topgan emas. Mazkur maqola ayni mana shu masala – tilshunoslikning yangi sohasi, chet tilini o‘qitish jarayonida madaniyatlararo munosabatiga qaratilganligi bilan e’tiborlidir.

Kalit so‘zlar: madaniyatlararo muloqot, ijtimoiy aloqa, madaniy aloqalar, madaniyatlararo aloqa, fikrni ifodalash, aloqa funksiyalari, kommunikativ harakat, muloqot ehtiyojlari.

Ключевые слова: межкультурная коммуникация, социальная коммуникация, культурные отношения, межкультурная коммуникация, выражение мнения, коммуникативные функции, коммуникативное действие, коммуникативные потребности.

Key words: intercultural communication, social communication, cultural relations, intercultural communication, expression of opinion, communication functions, communicative action, communication needs.

Umumiy - til yoki imo-ishoralar, shuningdek, boshqa aloqa vositalaridan foydalangan holda ma’lumot almashish, shuningdek, odamlar yoki ijtimoiy guruhlarining aloqa o‘zaro ta’siri. Muloqot ishtirokchilari o‘rtasidagi muloqot jarayonida turli xil ma’lumotlar almashinuvi sodir bo‘ladi.

An'anaga ko'ra, aloqaning uchta funksiyasi mavjud:

1. Axborot funksiyasi: g'oyalar, tushunchalar, fikrlarni ifodalash va ularni boshqa kommunikantlarga yetkazish.
2. Baholovchi: shaxsiy baho va munosabatlarni ifodalash;
3. Effektiv: his-tuyg'u va hissiyotlarni uzatish.

Roger T. Bell gumanitar fanlarning uchta sohasini ushbu funksiyalar bilan bog'laydi:

1. Tilshunoslik va falsafa (kognitiv funktsiya),
2. Sotsiologiya va ijtimoiy psixologiya (baholash funksiyasi),
3. Psixologiya va adabiy tanqid (affektiv funktsiya).

K.Byuler (1879-1963) tilning har qanday nutq aktida namoyon bo'ladigan uchta vazifasini ajratib ko'rsatdi: a) so'zlovchi bilan bog'liq bo'lgan ifoda (ifoda) funksiyasi; b) tinglovchi bilan bog'liq bo'lgan manzil (appellativ) vazifasi; v) nutqning predmeti bilan bog'liq bo'lgan xabarning (vakilning) vazifasi.

Muloqotning asosiy maqsadi xabarni yetkazishdir. Xabarni jo'natuvchi o'zini ifodalaydi, qabul qiluvchiga murojaat qiladi va aloqa mavzusini ifodalaydi. Muloqotning bir nechta maqsadlari bo'lishi mumkin. Masalan, film xabardor qilish, ko'ngil ochish, ogohlantirish, tushuntirish va hokazo. Muloqotning asosiy sababi - bu shaxs yoki bir guruh shaxslarning mos keladigan ehtiyojlari. Va keyin - muloqot maqsadlari shaxslarning turli ehtiyojlariga xizmat qiladi.

Kommunikativ harakatning funksional xarakteristikasi uning yo'nalishi va asosiy kommunikativ vazifasiga qarab berilishi mumkin. R. Dimpleby va G. Burton xabarlar va kommunikativ aktlarning oltita funksiyasini ajratib ko'rsatadilar: ogohlantirish, maslahat, ma'lumot, ishontirish, fikr bildirish, ko'ngil ochish. Funksiyalarning bunday tasnifi pragmatikdir, ya'ni ma'lum maqsadlarga erishish uchun kommunikativ vositalardan foydalanish bilan bog'liq. Muloqot nafaqat insonning ijtimoiy tizimlarida sodir bo'ladi. Muloqotning ma'lum bir turi hayvonlar uchun (qushlarning juftlash raqslari, asalarilarning tili va boshqalar) va mexanizmlar (quvurlar, transport, telegraf va telefon signallari, Internetdagi kompyuterlarning o'zaro bog'lanishi va boshqalar) uchun xosdir. Muloqot nafaqat so'zlar orqali bevosita muloqot jarayonida, balki yo'l belgilari, telematn, kitoblar, filmlar va boshqalar yordamida ham amalga oshirilishi mumkin.

Muloqotning quyidagi shakllari mavjud - yozma, og'zaki, vizual va boshqalar. Bu shakllar bir-biridan maxsus xabarlarini kodlash tizimlari bilan farqlanadi.

Aloqa vositalari - turli xil aloqa shakllarini birlashtiradi, ko'pincha xabarni jo'natuvchi va qabul qiluvchi o'rtasidagi vaqtinchalik va fazoviy masofani to'ldirish uchun ma'lum bir texnologiyadan foydalanadi (masalan, kitob: so'zlar, shriftlar, rasmlar, grafikalar).

Ommaviy axborot vositalari (MSK) turli xil aloqa shakllarini ham o'z ichiga olishi mumkin. Masalan, televidenie va kinoda og'zaki nutq so'zlari, rasmlar, musiqalar qo'llaniladi; gazeta - yozma tildagi so'zlar, shriftlar, rasmlar va boshqalar.

Amerikalik tadqiqotchi E.Sapir fundamental vositalar yoki birlamchi jarayonlar, kommunikativ xarakterga ega va aloqa jarayonini osonlashtiradigan ba'zi ikkilamchi vositalarni ajratdi. E.Sapirning fikricha, birlamchi aloqa vositalari quyidagilardir: *til, imo-ishora, jamiyat turmush tarziga kiritish jarayonida ommaviy xulq-atvorga taqlid qilish* va "ijtimoiy ishora" (yangi kommunikativ xatti-harakatlarning yashirin jarayonlari).

Ikkilamchi aloqa vositalari jamiyatdagi birlamchi kommunikativ jarayonlarni osonlashtirishga qaratilgan: *til o'zgarishlari, simvolizm va kommunikativ harakatni amalga oshirish uchun jismoniy sharoitlar yaratish*.

Til o'zgarishlari kodlarni almashtirish, ramziy "tarjima" (masalan, og'zaki tilni yozma tilga, Morze alifbosi va boshqalar) bilan bog'liq bo'lib, vaziyatga (masalan, vaqt va masofaga) bog'liq bo'lgan hollarda muloqotni amalga oshirish imkonini beradi.

Ramziy tizimlar (dengiz flotidagi bayroqlar-signallar, semafor va svetofor, armiya kommunikativ muhitidagi bugl va boshqalar) mumkin bo'lgan og'zaki xabarni ramziy emas, balki butun dunyo bo'ylab tarjima qiladi. Bu xabarni qabul qilish tezligi zarur bo'lgan hollarda, reaksiya tezligi, eng oddiy ha/yo'q javob kutilganda talab qilinadi. Masalan, harbiy xizmatda, "buyruqlar muhokama qilinmaydi" yoki yo'lda, yuqori tezlikda aylanish uchun ko'p vaqt bo'lmaganda, uzoq matnli xabarlar o'rinsiz bo'ladi.

E. Sapirning fikricha, muloqot qilish imkonini beruvchi jismoniy sharoitlarning rivojlanishi kiradi temir yo'llar, samolyot (muloqotchini yetkazib berish), telegraf, telefon, radio (xabarni etkazib berish yoki uning takrorlanishi). Shu bilan birga, vositalar sonining ko'payishi aloqa doirasini kengaytiradi.

Bu jarayonlarga qarama-qarshi ikki qarash M. Maklyuan va E. Sapirga tegishli. Maklyuhanning fikricha, vositalar asosan xabarning mazmunini belgilaydi. U bunga ishonadi zamonaviy madaniyat- o'z mohiyatiga ko'ra vizual, masalan, 19-20-asr boshlari madaniyatidan farqli o'laroq, asosan yozma (bosma). Muloqotning globallashuvi, Maklyuhanning fikricha, yagona kommunikativ makon – "global qishloq"ning vujudga kelishiga olib keladi.

Madaniyatlararo muloqot - turli insoniyat madaniyatlari vakillari o'rtasidagi muloqot (odamlar o'rtasidagi shaxsiy aloqalar, kamroq - bilvosita aloqa shakllari (masalan, yozma) va ommaviy aloqa).

Bu kontseptsiya 1950-yillarda amerikalik madaniy antropolog Edvard T. Xoll tomonidan AQSh Davlat departamenti uchun boshqa mamlakatlardagi amerikalik

diplomatlar va biznesmenlarni moslashtirish uchun ishlab chiqqan dastur doirasida kiritilgan.

Madaniyatlararo muloqotning xususiyatlari fanlararo darajada va madaniyatshunoslik, psixologiya, tilshunoslik, etnologiya, antropologiya, sotsiologiya kabi fanlar doirasida o'rganiladi, ularning har biri o'z tadqiqotida o'ziga xos yondashuvlardan foydalanadi.

Dastlab, madaniyatlararo muloqotni tavsiflash uchun madaniyatning klassik tushunchasi ongli va ongsiz qoidalar, me'yorlar, qadriyatlar, tuzilmalar, artefaktlar - milliy yoki etnik madaniyatning ko'p yoki kamroq barqaror tizimi sifatida ishlatilgan.

Ilmiy fan sifatida madaniyatlararo muloqot boshlang'ich bosqichida va ikkitasi bilan ajralib turadi xarakterli xususiyatlar: amaliy tabiat (maqsad turli madaniyatlar vakillari o'rtasidagi muloqotni osonlashtirish, nizolar potentsialini kamaytirish) va fanlararolik.

Ammo madaniyatlararo muloqot jarayonlarini tavsiflash va uning o'ziga xos xususiyatlarini tushunish uchun kelajakda biz foydalanadigan doiraviy model ko'proq mos keladi.

Doiraviy model quyidagi elementlardan iborat: jo'natuvchi (manba) - kodlash - xabar - kanal - dekodlash - qabul qiluvchi - fikr-mulohaza. Turli xil insoniyat madaniyatlari vakillari o'rtasidagi madaniyatlararo aloqa aloqasi (odamlar o'rtasidagi shaxsiy aloqalar, kamroq vositachi aloqa shakllari (masalan, yozish) va ommaviy aloqa).

Madaniyatlararo muloqotning xususiyatlari fanlararo darajada va madaniyatshunoslik, psixologiya, tilshunoslik, etnologiya, antropologiya, sotsiologiya kabi fanlar doirasida o'rganiladi, ularning har biri o'z tadqiqotida o'ziga xos yondashuvlardan foydalanadi. Taxminlarga ko'ra, bu tushuncha 1950-yillarda amerikalik madaniy antropolog Edvard T. Xoll tomonidan AQSh Davlat departamenti uchun amerikalik diplomatlar va biznesmenlarni boshqa mamlakatlarga moslashtirish bo'yicha ishlab chiqqan dastur doirasida kiritilgan.

Dastlab madaniyatlararo muloqot deb atalmish madaniyatlararo muloqotni tavsiflash uchun foydalanilgan. madaniyatni milliy yoki etnik madaniyatning ongli va ongsiz qoidalar, me'yorlar, qadriyatlar, tuzilmalar, artefaktlarning ko'p yoki kamroq barqaror tizimi sifatida klassik tushunish.

Ilmiy intizom sifatida madaniyatlararo muloqot boshlang'ich bosqichida va ikkita xarakterli xususiyati bilan ajralib turadi: amaliy tabiat (maqsad turli madaniyatlar vakillari o'rtasidagi muloqotni osonlashtirish, nizolar salohiyatini kamaytirish) va fanlararo.

So'nggi paytlarda globallashuv jarayonlari va intensiv migratsiya tufayli madaniyatlararo muloqot bo'yicha tadqiqotlar tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Aloqa turlari:

1. Ishtirokchilar soni va ular o'rtasidagi uzoq munosabatlar bo'yicha: a. shaxslararo (2 kishi, oila) - ishtirokchilarning minimal soni, yaqin munosabatlar. Rivojlanishning tabiati masofani toraytirish yoki kengaytirishdir. b. Guruhlararo/guruh ichidagi - masofa kattaroq, ishtirokchilar soni c. professional (biznesda) d. ommaviy (vositachi - ommaviy axborot vositalari, televidenie orqali) e. madaniyatlararo (turli madaniyatlar o'rtasida, yuqoridagilarning barchasini o'z ichiga oladi) 2. Funksional yondashuv bilan: a. ma'lumot beruvchi b. affektiv-baholovchi (hissiyotlar, fikrlar) v. rekreatsion (dam olish uchun ma'lumot, o'ynoqi shaklda) d. ishonarli (turli maqomdagi, mafkuraviy munosabatdagi odamlar o'rtasida) e. marosim (turli urf-odatlar, urf-odatlar) 3. Til qo'llanilishi bo'yicha: a. og'zaki (35%) - sof ma'lumot b. og'zaki bo'lmagan (65%) - his-tuyg'ularning shakllanishi 3. Noverbal muloqotning xususiyatlari 1. Og'zaki bo'lmagan muloqot og'zaki to'ldiradi 2. Og'zaki bo'lmagan muloqot og'zaki qarama-qarshi 3. Og'zaki bo'lmagan muloqot og'zaki o'rnini egallaydi 4. noverbal muloqot og'zaki tartibga soluvchi bo'lib xizmat qiladi. Og'zaki bo'lmagan aloqa vositalari:

1. kinesika (mimika, nigoh, imo-ishoralar, durush) 2. prosodik (ovoz va intonatsion vositalar) 3. takeika (tegishlar) 4. sensorli (sezgi orqali idrok etish, sezgilarning namoyon bo'lishi) 5. prosemika (muloqotning fazoviy tuzilishi) 6. xronemika (vaqtlik aloqa tuzilishi)

Odamlar avtomatik ravishda ularga muvofiq harakat qilishadi, ammo millatlararo muloqotda turli madaniyatlarda ular sezilarli darajada farq qilishi mumkinligini yodda tutish kerak. Muloqot paytida yaqin aloqaga bo'lgan yuqori ehtiyoj Lotin Amerikasi, arab mamlakatlari va Janubiy Evropa madaniyatlari uchun xarakterlidir, past daraja esa Shimoliy Evropa, Markaziy va Janubi-Sharqiy Osiyo madaniyatlarini ajratib turadi. Aloqa masofasini tanlash ongsiz ravishda amalga oshirilgan bo'lsa-da, sherik tanlagan masofa madaniyat me'yorlariga mos kelmasa, inson doimo reaksiyaga kirishadi. Madaniy masofalarning buzilishi salbiy qabul qilinadi, odamlar uni o'zgartirishga harakat qilishadi. Agar sheriklardan biri juda yaqin kelsa, ikkinchisi o'zi uchun qulay masofani saqlashga harakat qilib, bu vaqtda chekinadi.

Bizning muloqotimizning unchalik aniq bo'lmagan jihati - vaqt – og'zaki bo'lmagan muloqotning atributlaridan biri hisoblanadi. Muloqotning vaqtinchalik xususiyatlari ham madaniy jihatdan o'ziga xos o'zgaruvchanlikka ega. Hozirgi vaqtda madaniyat va siyosat, ta'lim va fan, sport va turizm sohalarida aloqalarning kengayishi, shuningdek, globallashtirish va ushbu aloqalar tufayli dunyoda jadal migratsiya jarayonlari madaniyatlararo muloqot muammolarini dolzarb, alohida nazariy nuqtai nazarga loyiq deb belgilamoqda. va amaliy ko'rib chiqish. Madaniyat o'zining ulkan salohiyati tufayli turli millat va kasblarga mansub, til va diniy jamoalar, yosh toifalari vakillarini birlashtira

oladi, ular muloqotni faqat o‘zaro tushunish asosida qura oladi. Xalqaro munosabatlar, biznes va siyosat sohasida madaniyatlararo muloqot masalalari professional xususiyat kasb etadi. Xalqaro ta‘lim va ilmiy aloqalar bugungi kunda madaniyatlararo muloqotning asosiy shakllari bo‘lib, ularni eng istiqbolli deb hisoblash mumkin, chunki talabalar va olimlar akademik harakatchanlik (stajirovka, almashinuv), yangi bilimlarni egallashga doimiy intilish bilan ajralib turadi. Sport chuqurlikka ega xalqaro hodisa sifatida tarixiy ildizlar, shuningdek, xalqaro turizm madaniyatlararo muloqot shakllari hisoblanadi. Madaniyatlararo muloqot (IC) - turli madaniyat vakillari o‘rtasidagi muloqot; “... turli milliy madaniyatlarga mansub kommunikativ aktning ikki ishtirokchisining adekvat o‘zaro tushunishi. Gap shundaki, agar ular bir tilda gaplashsalar ham, odamlar har doim ham bir-birlarini to‘g‘ri tushuna olmaydilar va buning sababi ko‘pincha madaniyatlarning tafovutidir.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, madaniyatlararo muloqot inson kasbiy madaniyatining ajralmas qismidir. Ishbilarmonlik muloqoti madaniyati biznes hamkorlari o‘rtasida samarali hamkorlikka yordam beradi. Qizig‘i shundaki, ko‘pgina xorijiy mamlakatlarda „muloqot (aloqa) fani“ kabi ilmiy yo‘nalish rivojlanmoqda. Ushbu ilmiy yo‘nalish tilshunoslik, psixolingvistika, sotsiolingvistika, ritorika, tilshunoslik va madaniyatshunoslik va boshqalar nuqtai nazaridan aloqaning turli turlari va shakllarini o‘rganadi. Ushbu mavzuni o‘rganish uzoq va mashaqqatli jarayondir, kundalik tuzilma va munosabatlar, ham shaxslararo, ham xalqaro, o‘zgarish jarayonidadir.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Bardos Canale va Swain. “Language”. 1980 54-55-b
2. Brock & Nagasaka . Pragmatic Content in Global and Local Textbooks. 2005; 34-40-b // [“Til o‘qitish asoslari” – 2005. 12-23]
3. Byram & Gerundy. Context and Culture in Language Teaching and Learning. 2003// GAO, 2006// Jiang, 2000// Malmaud, 2015// Tang, 2009// Xu, 2009; 210-b
4. Byram & Gerundy. Context and Culture in Language Teaching and Learning. 2003 – yildagi maqola - 57-b International scientific-practical conference on the topic of “Problems and perspectives of modern technology in teaching foreign languages” VOLUME 2 | SPECIAL ISSUE 20 ISSN 2181-1784 SJIF 2022: 5.947 | ASI Factor = 1.7 701 w February 2022 www.oriens.uz
5. Cefr, “Diskuss kompetensiyasi va funksional kompetentsiya”-2002- 101-130-b
6. E.Sheyn. “Til” // ” Madaniy elementlarni e‘tiborsiz qoldirishga moyil bo‘lgan til o‘rgatish muammosi”. 2004-32-76
7. Gee. Discover Book. 2008; 100- b
8. Kramersch. Language and Culture. 2006.- 101-b

ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Озода Абдусаттаровна Абдугаффарова

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат бошқаруви академиясининг стажёр-тадқиқотчиси
abduimom77@gmail.com

***Аннотация:** Мақолада жаҳон сиёсий жараёнларида аёлларни ўрни ва роли йилдан-йилга ортиб бораётганлиги таҳлил этилган. Турли давлатларни бошқараётган аёллар ва уларнинг ички ва ташқи сиёсатдаги муваффақиятли фаолиятларини далиллар асосида кўрсатиб берилган.*

***Калит сўзлар:** Халқаро муносабатлар, аёл президентлар, гендер тенглик, ижтимоий масалалар, аёллар ҳуқуқи, Юнифем, инсон ҳуқуқлари, Ангела Меркель, Камала Харрис, Халима Яқуб.*

THE ROLE OF WOMEN IN THE MODERN SYSTEM OF INTERNATIONAL RELATIONS

Ozoda Abdusattarovna Abdugaffarova

Trainee researcher at the Academy of Public Administration
under the President of the Republic of Uzbekistan
abduimom77@gmail.com

***Annotation:** The article analyzes the increasing role and role of women in world political processes from year to year. The women governing the various states and their successful domestic and foreign policy activities are shown on the basis of evidence.*

***Keywords:** International Relations, women presidents, gender equality, social issues, women's law, Yunifem, human rights, Angela Merkel, Kamala Harris, Halima Yaqub.*

КИРИШ

Бугунги кунда дунёда 200 ортиқ мамлакат мавжуд бўлиб, шулардан 193 та давлатлар Бирлашаган Миллатлар ташкилоти аъзоси ҳисобланади. Маълумотларга кўра, 2021 йил ҳолатига қарийб 30 та мамлакатда аёллар раҳбарлик қилмоқда[8].

Европа давлатларида йилдан йилга аёл президентлар сони ортиб бормоқда. Бунга мисол қилиб Словакия[3] тарихда биринчи марта аёл киши президент этиб сайланганида кўришимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Аёл раҳбарлар ичида мамлакатни жуда омадли бошқариб, унинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётганлари ҳам борлиги қувончлидир. Ана шундай кучли давлат раҳбарларидан бири 2005 йилдан буён Германияни муваффақиятли бошқариб келган канцлер Ангела Меркел бўлиб, нафақат ватанида балки халқаро миқёсдаги таъсирли сиёсатчи сифатида машҳур ҳисобланади. Тарихга эътибор қаратсак инсоният ўтмишида аёллар ҳар доим давлат ишларида турли даражаларда иштирок этиб келганларини кўриш мумкин. Бунга оид мисолларни Европа, Осиё, Африка тарихларидан кўплаб келтириш мумкин. Агар ўзимизнинг ватанимиз тарихга назар ташласак халқаро муносабатларда хотин-қизларнинг ҳам муносиб ўрни борлигига гувоҳ бўламиз. Амир Темур даврида Сароймулкхоним, Бобурий маликалардан Гулбаданбегим, Зебунисо ва Аржумандбонулар, Қўқон хонлиги бошқарувида муҳим рол ўйнаган Нодирабегим ўз даврининг обрўли бекалари ва зарур ҳолатларда ўз фикрлари ва маслаҳатлари билан ҳуқумдорларга ёрдам беришганлигини тари-хий манбалар тасдиқлайди. Европада ўз даврининг кучли императорларидан бўлган Юстинан ўз рафиқаси Феадора маслаҳати билан кўплаб муваффақият-ларга эришган. Ўрта асрларда инглиз-француз халқлари ўртасида юз йил давом этган урушни ҳал қилувчи жанги айнан французларнинг мард қизи - Жанна Дарк раҳбарлигида амалга ошганлиги, ва ҳалигача унинг тимсолида бутун Европа ва жаҳонда мардлик, ватанпарварликни ёрқин намунаси сифатида эътироф этилади. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари учун кураш-ни демократиянинг қарор топтириш учун олиб бориладиган ишларнинг муҳим бир қисми, дейиш мумкин. Хотин-қизларнинг эркаклар билан ижтимоий ҳаётда, сиёсатда тенг ҳуқуқлилиги борасида илк бор расмий даражада буюк француз инқилоби даврида, яъни XVIII асрда сўз юритила бошланган[6].

НАТИЖАЛАР

Бу Олимпия де Гурж томонидан 1789 йили эълон қилинган “Фукаро аёлнинг ҳуқуқлари баёноти(Декларацияси)”да ўз аксини топган. Европада 1918 йилга келиб, 30 ёшдан ошган аёллар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига эриша бошлади. 1906 йил Финландияда аёлларга сайланиш ҳуқуқини берган жаҳондаги биринчи давлат бўлди. 1921 йилда парламентнинг биринчи аёл депутати сайланди. Янги Зеландияда 1898 йили жаҳон тарихида биринчи бор хотин-қизларга сайланиш

хуқуқи берилди. Натижада жамиятда аёлларнинг фаоллиги кузатилди. Яқин тарихимизда ўз давлати ва жаҳон сиёсатига муносиб ҳисса қўшган аёл раҳбар-ларни кўришимиз мумкин. Британиянинг темир аёл деб, тан олинган собиқ бош вазири Маргарет Тэтчер ёки Ҳиндистоннинг Собиқ иттифоқ билан дўстлигини мустаҳкамлаган собиқ бош вазири Индира Гандини эслаш кифоя. Буюк Британияни 11 йил давомида бошқарган Маргарет Тэтчер олиб борган ислохот-лари “Тэтчеризм” номи билан тарихга кирди[5]. Унинг олиб борган ички ва ташқи сиёсати ҳақида бир қанча йирик тахлилий асарлар яратилган бўлиб, уларда Буюк Британияни халқаро муносабатлардаги ўрни ва роли кўрсатиб ўтилган[2]. Маргарет Тэтчер амалга оширган ислохотлар халқаро майдонда ўчмас из қолдирди. У оилада, жамиятда, хизмат вазифасида ҳам барчага ибрат бўла олди. Шу сабабдан ҳам “Дунёнинг энг кучли аёли” деган номига сазовор бўлди ва халқ томонидан берилган бу унвонни оқлади. Улар бошқа ҳамкасбларига нисбатан қаттиққўлроқ бўлишга мажбур бўлган. Айни пайтга келиб, президент ва вазирлик лавозимидаги аёллар сони кам, лекин уларни дунёнинг ҳар бир минтақасидан топиш мумкин. Осиё мамла-катлари давлат раҳбарлари қаторига Шри-Ланка президенти (1994-2005 йиллар) Чандрика Кумаратунга, Индонезиянинг (2001-2004 йиллар) Магавати Сукарнопурни, Ҳиндистонни (2007-2012 йиллар) бошқарган Пратибха Патил-нинг ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари мусулмон дунёсидаги биринчи аёл бош вазир - Покистон тараққиётига муҳим ҳисса қўшган, Беназир Бухуттони халқаро жамоатчилик эътирофи этган. Беназир Бухутто давлат бошқаруви фаолияти даврида Ўзбекистонга ташриф буюрган, икки давлат ва халқлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий, маданий соҳалардаги ҳамкорлик ривожига муносиб ҳисса қўшган давлат арбобидир.

Шу билан бирга жаҳонда ўзининг иқтисодий мўжизаси билан доврў таратаётган Сингапур давлати тарихида ҳам 2017 йилдан биринчи президент аёл - Халима Якуб сайланди[12]. Унинг даврида амалга оширилаётган самарали ислохотлар, Сингапурни янада тараққий этган давлат сифатида дунёга танит-моқда. Сингапур тажрибасини бутун дунё ўрганмоқда. Жаҳоннинг энг илғор давлати бўлган Америка Қўшма Штатлари ҳали ўзининг аёл президентини сайлагани йўқ, бироқ мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида, конгрессда, давлат хизматларида иш юритишда аёллар жуда фаол. Қолаверса, 2016 йил мамлакат тарихида илк маротаба аёл киши Хиллари Клинтон хоним навбатдаги президент сайловида ўз номзодини илгари сурди. Лекин ғалаба унга насиб этмади. Бироқ бу билан АҚШнинг сиёсатчи аёллари президентлик учун курашни тўхтатишмади. 2020 йил ноябрида бўлган

сайловларда, дастлаб президентликка номзод бўлган - Камала Харрис, АҚШ тарихидаги биринчи асли келиб чиқиши осиёлик бўлган қора танли аёл, шу билан бирга мамлакат тарихидаги биринчи вице-президент этиб сайланди. Демак, воқеалар ривожидан шуни башорат қилиш мумкинки, яқин йилларда АҚШда аёл президент сайланиши мумкин. Гендер тенглик масаласи халқаро даражадаги ташкилот-ларнинг ҳам асосий йўналишларидан ҳисобланади. Бундай фаолиятда БМТ ташкилоти ҳаммага намунадир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хотин- қизлар аҳволи борасидаги жамғармаси(ЮНИФЕМ) - ривожланаётган мамлакат-ларда хотин-қизларнинг сиёсий ва иқтисодий ролини оширишга кўмаклаша-диган кўнгилли жамғармадир[1]. Юнифем асосан уч соҳа бўйича фаолият кўрсатади: тадбиркор ва ишлаб чиқарувчи сифатида ишлашлари учун хотин- қизларнинг иқтисодий имкониятларини ошириш; қарорлар қабул қилишда хотин-қизлар иштирокини оширувчи бошқарув ва раҳбарликка ёрдамлашиш; хотин-қизлар борасида инсон ҳуқуқларига амал қилинишини таъминлаш. БМТнинг ижтимоий кенгаши тадқиқотида кўра, ҳар қандай давлатнинг қарор қабул қилиш даражасида аёллар иштирокининг юқорилиги билан мамлакат аҳолисининг турмуш даражасининг юксалиши орасида бевосита боғлиқлик мавжуд[4]. Агар бирор давлат парламенти таркибида аёллар 20 % кўпроқ бўлса, қонуншунослар болалар муҳофазаси ва манфаатлари тўғрисидаги қонун лойиҳалари ишлаб чиқишга киришар экан. Аёллар ҳуқуқларини тан олмай ва химоя қилмай, инсон ҳуқуқлари ҳақида гапириш, унга риоя қилиш ҳусусида сўз юритиш мумкин эмас. Ҳозирги кун нуқтаи назаридан жаҳон мамлакатларида аёллар парламент ўринларининг 23,4 % ни эгаллаган[9]. Бу кўрсаткич 1990 йилда 4 % ни ташкил этганди, холос. Бу рақам жаҳонда йилдан-йилга аёлларнинг сиёсий жараёнларда ўрни ортиб бораётганидан далолат беради. Бу борада юртимизда ҳам сезиларли ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда аёллар томонидан эгалланган ўринлар жаҳондаги даражага мос бўлиб, 2019 йилдаги сайловларда республикамизда биринчи марта Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасида аёллар улуши 32 фоиз, Сенат ҳамда маҳаллий Кенгашларда эса қарийб 25 фоизни ташкил этди[10].

МУҲОКАМА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқини муҳофаза этишга ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг устувор вазифаси этиб белгиланди. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳозир республикамизда 50 мингдан ортиқ аёл турли раҳбарлик лавозимларида хизмат

қилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, албатта бундай раҳбар-лик лавозимида ишловчи, ўз хизмат вазифасига виждонан ёндашадиган, фидойи, жонкуяр хотин-қизларимиз сафи тобора кўпайишга ҳаракат қилмоқда. Аёллар ҳуқуқи доимо долзарб масала бўлган, айниқса, соҳага бўлган эътибор Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврга тўғри келади, - дейди Фридрих Эрбет номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Рейхард Крум. - Тарихдан маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошдан кечи-раётган аксар мамлакатлар аёлларига қийин бўлган. Барча даражада қарорлар қабул қилиш жараёнида хотин-қизлар ва эркеклар тенглигини таъминлаш борасидаги бундай силжишларга қарамай, мазкур ишлар кўламини ҳали талаблар даражасида деб бўлмайди. Хотин-қизлар ҳамон барча даражада қарор қабул қиладиган жараёнларга тўла жалб этилмаган. Улар эришган ютуқларга жуда кўп ҳолларда эътибордан четда қолиб кетади. Айрим мутахассисларнинг фикрича, юқори лавозимларда кўплаб хотин-қизлар фаолият кўрсатади, уларнинг бошқарув курсларини эгаллаши қийин. Улар янада қаттиққўл ва фаол бўлишлари талаб этилади ва шундагина халқаро сиёсатга таъсир қилиш ҳам осон кечади. Бирлашган миллатлар ташкилотининг 1945 йил Сан-Франциско шаҳрида имзоланган Низоми эркеклар ва хотин-қизлар тенглиги инсон ҳуқуқларининг таъмал тоши сифатида эътироф этган дастлабки халқаро ҳужжат бўлади[7]. Ўшандан буён БМТ бутун жаҳонда хотин-қизлар аҳволини яхшилашга доир халқаро миқёсидаги келишув асосида қабул қилинадиган стратегиялар, андозалар, дастурлар ҳамда мақсадларнинг мазкур тамойилига мос бўлиши учун катта саъй-ҳаракат кўрсатиб келмоқда. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, 2020-2021 йилларда, пандемия шароитида муваффақиятли сиёсат юритган, халқини ушбу вирус хавфидан кам талофат билан олиб чиққан давлатларни аксариятини аёллар раҳбарлар бошқараётган-лиги кўплаб халқаро таҳлилчи-экспертлар томонидан фикрлар билдирилмоқда. Бунга асос қилиб, Германия, Янги Зеландия, Тайвань, Исландия каби давлат-ларни пандемияга қарши курашда эришган натижаларини келтириб ўтишган [11]. Бироқ бу ўринда, эркек раҳбарлар бошқараётган кўплаб давлатлар, жумладан Ўзбекистон, Туркия, Вьетнам каби давлатларни энг кам йўқотиш ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини сақлаган ҳолда 2021 йилга қадам қўйилган-лигини бутун дунё сиёсатчи ва экспертлари эътироф этаётганини ҳам эътибордан қочирмаслик керак.

ХУЛОСА

Шуни таъкидлаш мумкинки, хотин-қизларнинг қарорлар ишлаб чиқиш-даги тенг иштирокига нафақт адолатпарварлик ва демократия тамойилларига шунчаки

амал қилиш, балки хотин-қизлар манфатларини инобатга олишнинг муҳим шarti сифатида ҳам қараш лозим. Барча даражада қарорлар ишлаб чиқиш жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштироки ва манфатларини ҳисобга олмасдан туриб, тенгликка ва тинчликка эришиб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ / REFERENCES

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Асосий омиллар.Т., 2001. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2008. - Б.12.
2. Замятин Л.М. Горби ва Мэгги. Записки посла и ученого о двух известных политиках - Михаиле Горбачёве и Маргарет Тэтчер.М., 1995; Перегудов С.П. Тэтчер и тэтчеризм. М., 1996;
3. Зузана Чапутова - 2019 йилдан Словакия Президенти этиб сайланди.
4. Интернет маълумоти: WWW. UN.ORG / WOMENWATCH
5. Попов В.И. Маргарет Тетчер: чеовек и политик. Взгляд российского дипломата. М., 2000;
6. Ҳусанов О. Каримова О. Инсон ҳуқуқлари. Т. Шарқ. 1997. -Б. 47.
7. Ҳусанов О. Каримова О. Инсон ҳуқуқлари..Т.; “ Шарқ” нашриёт- матбаа концерни. 1997. – Б.48.
- 8.<https://www.forbes.ru/forbes-woman/376063-v-kakih-stranah-prezidentami-yavlyayutsyazhenshchiny-pyat-vdohnovlyayushchi>
- 9.<http://news.un.org/ru/story/2018/03/1324811>
- 10.<https://yuz.uz/news/ozbekiston-respublikasi-gender-tenglikni-taminlash-masalalari-boyichakomissiyasining-yigilishi-bolib-otdi>
- 11.<https://www.bbc.com/uzbek/world-52417987>
- 12.<https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%AF%D0%BA%D0%BE%D0%B1,%D0%A5%D0%B0%D0%BB%D0%B8%D0%BC%D0%B0>

REFERENCES

1. United Nations: key factors.Т., 2001. UN mission in Uzbekistan. 2008. - В.12.
2. Zamyatin L.M. Gorbi va Maggie. Notes of an ambassador and a scientist about two famous politicians - Mikhail Gorbachev and Margaret Thatcher, М., 1995; Peregudov S.P. Thatcher and Thatcherism, М., 1996;
3. Zuzana Chaputova-2019 yildan Slovakia President of etib sailandi.
4. Internet information: WWW. UN.ORG / WOMENWATCH

5. Popov V.I. Margaret Thatcher: a man and a politician. Platoon of the Russian diplomat. M., 2000;
6. Khusanov O. Karimova O. Human lawyer. T. Vostok. 1997. - B. 47.
7. Khusanov O. Karimova O. The man is right..T.;" Vostok " publishing house - printing concern. 1997. - B.48.
8. <https://www.forbes.ru/forbes-woman/376063-v-kakih-stranah-prezidentami-yavlyayutsyazhenshchiny-pyat-vdohnovlyayushchi>
9. <http://news.un.org/ru/story/2018/03/1324811>
10. <https://yuz.uz/news/ozbekiston-respublikasi-gender-tenglikni-taminlash-masalalari-boyichakomissiyasining-yigilishi-bolib-otdi>
11. <https://www.bbc.com/uzbek/world-52417987>
12. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%d0%AF%D0>

TO‘QIMACHILIK SANOAT KORXONALARIDA INNOVATSION JARAYONLARNI RIVOJLANTIRISH

Abdurazzoq Abdusattarovich Abdujabborov

Standartlashtirish, sertifikatlashtirish va texnik jihatdan
tartibga solish ilmiy-tadqiqot instituti ilmiy xodimi

abduimom77@dmil.com

Annotatsiya: Maqolada to‘qimachilik sanoati korxonalarida ishlab chiqarilayotgan trikotaj mahsulotlarining innovasion jarayonlarini rivojlantirish yo‘llari korsatilgan. Shu bilan birga yangi mahsulotlar ko‘rinishida tikish sifatini, matolar va buyoqlarni yaxshilash, rang-barang matolarni qo‘llash takliflari ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: To‘qimachilik sanoati, tikuv-trikotaj sanoati, ko‘rgazma, raqobat, xaridorlar ehtiyojlarini o‘rganish, marketingi kontsepsiyasini ishlab chiqish

DEVELOPMENT OF INNOVATION PROCESSES IN TEXTILE INDUSTRIAL ENTERPRISES

Abdurazzok Abdusattarovich Abdujabborov

Standardization, certification and technical
Scientific Officer of the Regulatory Research Institute

abduimom77@dmil.com

Annotation: The article shows ways to develop innovation processes of knitted products produced at enterprises of the textile industry. At the same time, proposals were developed to improve the quality of sewing, fabrics and paints in the form of new products, apply colorful fabrics.

Keywords: textile industry, sewing-knitting industry, exhibition, competition, customer needs research, marketing concept development.

KIRISH

Mamlakatimizda to‘qimachilik sanoati va moda industriyasini rivojlantirish, innovasion texnologiyalarni shakllantirish va joriy etish, o‘zbek brendlarini dunyo

bozoriga yo'naltirish, ichki va tashqi integratsion aloqalarni mustahkamlash, milliylik singdirilgan raqobatbardosh tayyor mahsulotlarning yangilanishi hamda ularning marketingini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "To'qimachilik va tikuv-trikotaj sanoatini isloh qilishni yanada chuqurlashtirish va uning eksport salohiyatini kengaytirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2019-yil 12-fevraldagi qarori bu boradagi ishlar rivojida muhim huquqiy asos vazifasini o'tamoqda [1].

Kelgusida iqtisodiyotdagi tarkibiy o'zgartirishlarni davom ettirish, to'qima-chilik va tikuv-trikotaj sanoatini modernizatsiyalash, diversifikatsiyalash va jadal rivojlantirishni ta'minlash, paxta tolasi va ipak xomashyosini chuqur qayta ishlash, xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish yo'li bilan raqobatbardoshli, tashqi bozorlarda talab qilinadigan tayyor, eksportga yo'naltirilgan mahsulotlar ishlab chiqarish hajmlari va turlarini kengaytirish dolzarb masalalardan hisoblanadi [2].

O'zbekiston sharoitida qulay muhit yaratish bo'yicha choralari va nisbiy afzalliklarga ega bo'lgan sanoat tarmoqlari, ya'ni ko'p mehnat talab qiluvchi va mahalliy tabiiy resurslardan, shuningdek axborot texnologiyalaridan foydalanuvchi tarmoqlar rivojlanishi ustuvor yo'nalish etib tanlangan. Bu jarayonda innovatsion rivojlanishning tarmoq va sohalarga jadal tatbiq qilinishi ishlab chiqarish resurslaridan samarali foydalanish imkoniyatlarini yaratadi. Ko'pchilik to'qimachilik sanoat korxonalarini import o'rnini bosish va yangi ishchi o'rinlarini yaratish mumkin bo'lgan o'sish makonlari sifatida qo'rilishi lozim. O'zbekistonda bozor islohotlarini chuqurlashtirish va iqtisodiyotni erkinlashtirish jarayonining asosiy shartlari ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar raqobatdoshligini ta'minlash, ishlab chiqaruvchi va xaridorlar o'rtasidagi munosabatlarni samarali shakl va uslublarda tashkil etishdan iborat [3].

NATIJALAR

To'qimachilik sanoati mahsulotlari ishlab chiqarish hajmini ko'paytirish hozirgi davrning eng asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Chunki bu respublika byudjetiga valyuta tushumlarini ko'paytirishning muhim manbalaridan biridir. To'qimachilik sanoati korxonalarining o'rtacha yillik quvvati paxtani qayta ishlash bo'yicha 460 ming tonnani, ip-kalava ishlab chiqarish 325 ming tonnani, trikotaj ip ishlab chiqarish 80 ming tonnani, mato ishlab chiqarish 276 million kvadrat metrni, trikotaj mahsulotlarini ishlab chiqarish 256 million donani, tikuvchilik mahsulotlarini ishlab chiqarish 10 million donani, shoyi-ipak iplarini ishlab chiqarish 2 million tonnani tashkil etadi. Hozirgi davrda to'qimachilik

sanoati mahsulotlarining mahalliy bozorida iste'molchi uchun jiddiy kurash ketmoqda. Bugun iste'molchi tanlash huquqi paydo bo'ldi, unga chet el firmalarining qimmat va sifatli tovarlari, chet el savdo belgilariga o'xshash qalbaki tovarlarning katta hajmi hamda mahalliy tovar ishlab chiqaruvchilarning mahsuloti taqdim etilmoqda. Yuqorida ta'kidlanganidek, to'qimachilik sanoati respublika eksport salohiyatini oshirish nuqtai nazaridan eng istiqbolli soha hisoblanadi. Shuning uchun sohaga investitsiyalarni jalb qilish hamda ichki ishlab chiqarishni rag'batlantirish siyosati amalga oshirilmoqda. 2015-yildan 2018-yilgacha bu sanoatga qo'yilgan investitsiyalarning umumiy hajmdagi salmog'i - 22,4 foizdan 27,1 foizgacha, ya'ni 4,7 foizga ortdi. Assortiment siyosatini shakllantirishda katta ahamiyatga ega bo'lgan ko'rgazmalar va yarmarkalar ham axborot manbasi sifatida muhim o'rinni egallaydi. Zamonaviy sharoitlarda yarmarkalar, ko'rgazmalarining roli va ahamiyati shunchalik ko'p qirraga ega bo'lganligi sababli ularga mukammal kommunikatsiya vositasi sifatida qaraladi. Bu yerda yarmarka qatnashchilari, mehmonlari va tashkilotchilari o'rtasida o'zaro axborot almashinuvining amalga oshganligi sababli, qatnashchilarga jamoatchilik tomonidan xayrixoh munosabatlar shakllanadi. Yarmarkada korxonalar bozorni, raqobatchilarni, ularning mahsulotlarini o'rganadilar, o'zlarining stendlariga maqsadli xaridorlarni jalb qiladilar, vositachilarni qiziqtiradilar. Yarmarkada maqsadli iste'molchilarni har tomonlama o'rganish, ular bilan munosabatni yaxshilash, yangi mahsulotlarni taqdim etish, xaridorga bir turdagi mahsulotlarni sifat, narx va boshqa ko'rsatkichlarga ko'ra taqqoslash imkoniyatini berish mumkin. Xorijiy bozorlarni egallash uchun ishlab chiqarilayotgan mahsulotning sifatini oshirish, assortimentni kengaytirish zarur. Bozor assortiment siyosatini qayta ko'rib chiqishni talab etadi[3].

MUHOKAMA

O'tkazilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, to'qimachilik sanoatining yuqori qo'shilgan qiymatga ega bo'lgan mahsulotlarning bozori tashkil topish bosqichida turibdi. Shu bilan birga, to'qimachilik sanoat mahsulotlarining sifati qoniqarli emasligiga alohida e'tiborni qaratish lozim. Ya'ni, mahalliy ishlab chiqaruvchilar uchun import mahsulotlar birinchi galda sifat bo'yicha raqobat qilishini tavsiya etish mumkin. Taqdim etilayotgan mahsulotlar assortimenti haqida ma'lumotni olish, yangi tovarlarni izlash, mahsulotlarni narxlari hamda raqobatchi korxonalar bitimlari shartlari haqida ma'lumot yig'ish, yarmarka mehmonlarining asosiy maqsadlari bo'lib hisoblanadi. Shu bilan birga korxonalar vakillari ham, mehmonlar ham yarmarkaga oldindan ko'zlangan maqsad aniq bir korxonalar to'g'risida ma'lumot olish uchun keladilar. Mehmonlarni mahsulotlarning turli guruhlari qiziqtiradi va ular yarmarkalarda bevosita shartnomalar tuzish orqali tovarlarni

vositachilarsiz sotib olishni istaydilar. Ishlab chiqaruvchilar uchun yarmarkaning asosiy maqsadi - bu nafaqat bitimni imzolash, balki raqobatchilar haqida to'liq ma'lumot olish hamdir. Yarmarkada taqdim etilgan mahsulotlar assortimenti ommaviy iste'molchiga mo'ljallangan bo'lib, unga sifatli yangi mahsulotlar taqtsim etiladi. Yarmarkada maqsadli iste'molchining manfaatlarini ulgurji va chakana savdo korxonalari ifodalaydi. Ular mahalliy ishlab chiqaruv-chilarning mahsulotlaridan manfaatdor bo'lib, bu tovarlarni vositachilarsiz, o'zlari izlashni ma'qul ko'radilar. Bularning hammasi chakana savdo narxlarini iste'molchilar uchun qulay bo'lishiga yordam beradi[5]

Kalit so'zlar: *rus madaniyat, amerika madaniyati, «yoshlik», «keksalik», barqaror iboralar, frazeologizmlar, assotsiyatsiya, konnotatsiyalar, yosh guruhleri, umr, yosh, madaniy-tarixiy, ijtimoiy, semiotik, omillar, konkret tizim, til manzarasi, til, lotincha, yosh nominatsiyalari, qo'llash normalari, jamiyat, yosh strukturasi, xususiyat, yoshlik, keksalik, ijobiy, salbiy baho, milliy-madaniy.*

ABSTRACT

In this article, the difference in the connotations associated with stable phrases and phraseology representing the concepts of "youth" and "old age" in Western culture is briefly analyzed and enriched with the scientific views of linguists. According to the works of foreign historians, cultural scientists, and political scientists, interesting information is given about the fact that the concepts of "youth" and "old age" prevailing in the European culture of the 20th century are not universal and were created under the influence of many social and cultural factors.

Keywords: *russian culture, American culture, "youth", "old age", stable expressions, phraseology, association, connotations, age groups, age, age, cultural-historical, social, semiotic, factors, concrete system, language landscape, language, Latin, age nominations, application norms, society, age structure, characteristics, youth, old age, positive, negative evaluation, national-cultural.*

KIRISH

Rus va amerika madaniyatlarida «yoshlik» va «keksalik» tushunchalari bilan bog‘liq barqaror iboralar, frazeologizmlar bilan assotsiyatsiyaga kirishuvchi konnotatsiyalarning farqi shu bilan bog‘liqki, rus madaniyatida «hozirgi kun ko‘p jihatdan o‘tmish bilan bog‘liqlikda ko‘riladi, ayni paytda amerika madaniyatida hozirgi kun idrokida kelajakning boshlanishi va o‘tmish bilan bo‘sh aloqa ustunlik qiladi».

«Kelajakka amerikacha intilish, bu albatta, taraqqiyotning (progress va change so‘zlari aniq ifodalangan ijobiy konnotatsiyaga ega), harakatlarning uzoq muddatli rejalashtirishni (ba’zida bir necha yil oldinga), rejalashtirilgan barcha narsalarni amalga oshishiga va kommunikativ muomalaning tegishli ko‘rinishlariga (masalan, unashtirishning oldindan e‘lon qilinishi, homiladorlik va h.k. haqida) shubhaning yo‘qligini ifoda etadi. Kattalik qadriyat hisoblanmaydi. Joriy faoliyat o‘z-o‘zicha emas, balki bo‘lajak maksadlarga erishishning vositasi sifatida muhimdir».

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

«Ruslar ko‘p jihatdan o‘tmishning davomi bo‘lgan hozirgi kun bilan yashaydilar, o‘tgan bo‘g‘inlarning donoligini va madaniyat hodisalarini kommunikativ-muomalaning ustuni deb hisoblaydilar. Ular uchun kelajakka falsafiy, skeptik (ishonchsiz) va hatto xurofiy munosabat ko‘proq xosdir. Amerikaliklar uchun yangilik tushunchasi g‘oyat muhim hisoblanadi (...) Youth obsession («yoshlikdagi telbalik») tushunchasi ko‘p jihatdan kommunikativ harakatlarni ifodalaydi». G‘arb dunyosi tomonidan e‘tiqod qilinayotgan kelajakka talpinish yoshlikka sajda qilish bilan uzviy bog‘langan. Faylasuf N. Ribakovaning hisoblashicha, «g‘arb sivilizatsiyasi og‘ishmay «yosharyapti» va natijasi ahmoqlashayapti». Muallif o‘z kitobida keksalikni tan olish tajribasini yevropacha fikr bilan umumlashtiradi. Faylasuf shunga urg‘u beradiki, keksalik - bu mutlaqo «ijtimoiy patologiya» emas, «kasallik» hamdir. Bu eng avvalo ruhiy yuksalishdir. Chet ellik tarixchilar, madaniyatshunoslar, siyosatshunoslarning ishlarida qayd qilinishicha, XX asrning Yevropa madaniyatida ustunlik qilayotgan «yoshlik» va «keksalik» tushunchalari hammabop emas va juda ko‘p ijtimoiy va madaniy omillar ta’sirida yuzaga kelgan. Antik davr keksalikning mohiyatini «jonli tananing» aqlliligida, xristianlik - «inson va insoniyat o‘zgarishining transsedent chizig‘ida ko‘radi», «antik davr tanasi prinsipini o‘rta asrlarning shaxsiy prinsipi bilan birlashtiruvchi Uyg‘onish davri esa, birinchi bo‘lib keksalik muammosini Xudo va odamlar oldidagi shaxsiy xizmatlari sifatida aniq qo‘yadi». Yevropada hukmronlik qilgan va o‘sha davrlarning matnlarida qayd qilingan yoshlik va yoshlar haqidagi tasavvur hozirgidan farq qiladi. Italiyada XIII-XIV asrlarda yoshlikning asosan negativ obrazi shakllanadi, u jismonan rivojlangan inson hali yetarli

darajada ma'naviy va aqliy rivojlanishga erishmagan, boshqaruvsiz qolib, buzulikka beriladigan, qaror topgan ijtimoiy normalarni buzadigan davr sifatida idrok qilinadi, chunki u hali o'zini boshqarishni bilmaydi. Faqat XX asrda shaxsiy madaniyat katta yoshdagi kishilarning mangu yoshlik haqidagi utopik orzusini ifodalaydigan yoshlikning mutlaqo ijobiy obrazini yaratdi.

Faylasuflar M. Xaydegger, M. M. Mamardashvili, T. de Sherden va boshqalar zamon va makondagi inson hayotining muammolariga ko'p e'tibor berdilar. Falsafiy ishlarda «yosh» tushunchasi mavhumlik xarakteriga ega bo'lgan Hayot, Makon, Zamon, Harakat, Sifat, Miqdor, Holat va boshqalar bilan bevosita aloqadordir. Umuman olganda, semantik jihatdan yosh kategoriyasi zamon kategoriyasi bilan uzviy aloqador bo'lib, yosh tushunchasining mohiyati zamonda mavjudlik belgisidan ayro bo'la olmaydi. Aynan zamon kategoriyasi «yosh» tushunchasining mazmuniy murakkabligini belgilab beradi, chunki insonning zamon haqidagi bilimlari ko'p qirrali va rang-barangdir.

NATIJALAR

«Yosh» tushunchasi tilda verballashgan, shu sababli tushunchaning til sohiblari ongidagi mazmuni haqidagi tasavvurni olish uchun tushunchani ifoda qilishning barcha til vositalari majmuini: leksikografik manbalarni, paremiyalar to'plamlarini, mualliflik matnlarini va h.k. ko'rib chiqish zarur. Jamiyatning yosh strukturasi va u yoki bu yoshga oid guruhlarining o'ziga xos xususiyatlari haqidagi milliy, o'ziga xos tasavvur tilda va nutqda qayd qilinadi (til birliklari mazmunlarida, shuningdek, til sohiblarining konseptual tasavvurlari tizimida aks etadi). Masalan, yosh, keksa, bola kabi tushunchalar olam milliy-lisoniy manzarasining muhim elementlari hisoblanadi, demak, ular, shuningdek, o'ziga xos milliy-lisoniy xususiyatga ega.

Tartibga solingan ko'pdan-ko'p birliklar kabi yosh leksikasi ko'plab dissertatsiyalarning tadqiqot obyektiga aylandi.

MUHOKAMA

Ko'rsatilgan ishlar tilga umumiy yondashuv doirasida bajarilgan; ularning umumiy maqsadi struktur-semantik tadqiqotlar uchun an'anaviydir: leksikaning alohida sohasining tuzilishini tasvirlash, tizimli munosabatlarini aniqlashdir. N.N.Kuznetsovaning dissertatsiyasida rus xalq ertaklarida inson yoshini aniqlovchi sifatlar tahlil qilinadi. A.T.Ashxarovaning antropotsentrik yondashuv va kognitiv lingvistika prinsiplari doirasida bajargan ishi «yosh bola, go'dak» tushunchasiga bag'ishlangan. N.V.Kryuchkovaning ishida yosh tushunchasining milliy-madaniy o'zgarishini tadqiq qilishga, shuningdek, tushunchalarni bitta lingvomadaniy umumiylik

doirasida tadqiq qilishga diqqat jalb qilingan. Rus va fransuz tillari ma'lumotlari tadqiqot uchun material bo'lib xizmat qildi.

XULOSA

Tilshunoslikda «inson yoshi» ma'nosidagi leksikaga katta e'tibor berildi: shaxslarning yoshlari bo'yicha leksik-semantik guruh tavsiflandi, «inson yoshi» semantik maydonining strukturasi tushuntirib berildi, «Shaxslarning yoshi bo'yicha nomlari» guruhining tizimli munosabatlari hozirgi rus tili materialida, shuningdek, genetik, qiyosiy-chog'ishtirma aspektlarda tadqiq qilingan.

ADABIYOTLAR RO'YXATI (REFERENCES)

1. Askarova Sh.I. ЯВЛЕНИЕ ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКОЙ ИНТЕРФЕРЕНЦИИ ПРИ ИЗУЧЕНИИ НЕМЕЦКОГО ЯЗЫКА СТУДЕНТАМИ-УЗБЕКАМИ. *Eurasian Journal of Academic Research*, 3(2 Part 4), 185–189.
2. Ашхарова А. Т. Концепт «дитя» в русской языковой картине мира. Канд. дисс. ...филол. наук. – Москва: 2002. – 42 с.
3. Леонтович О. А. Время глазами русских и американцев: сопоставительный аспект // Языковая личность: проблемы креативной семантики. К 70-летию профессора И. В. Сентенберг. – Волгоград: Перемена. 2000. – С. 76.
4. Кузнецова О.Д. Актуальные процессы в говорах русского языка (лексикализация фонетических явлений). Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Москва: 1977. – 47 с.
5. Крючкова Н. В. Концепты возраста (на материале русского и французского языков). Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Саратов: 2003. – 46 с.
- 6.
7. Mamadodilovna, M. N. (2020). Psychological basis of development of speech in a foreign language. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 268-270.
8. Makhmudovna, A. Sh. (2022/3/30). The Opportunity of Motivation in Grammar Lessons. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 646-649.
9. Матвеев В.И. Структура семантического поля возраста человека (на материале русского, украинского и английского языков). – Киев: 1984. // Путягин Г.А. Семантический анализ слов, называющих человека по возрасту (на материале имён существительных). – Курск: 1975. // Кацкова Д. Имена

- возраста в русском и словацком языках. Канд. дисс. ... филол. наук. М: 1987. – 46 б.
10. Матвеев В. И. Структура семантического поля возраста человека (на материале русского, украинского и английского языков). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Киев: 1987. – 67 с.
 11. Путягин Г. А. Семантический анализ слов, называющих человека по возрасту (на материале имён существительных). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Курск: 1975. – 56 с.
 12. Рыбакова Н. Труд и досуг в культурно-исторической ретроспективе. Общество риска: цивилизационный вызов и ответы человечества. – Москва: Научная книга. 2006. – С. 203-207.
 13. Хайдеггер М. Прологомены к истории понятия времени / Пер. Е. В. Борисова. – Томск: Водолей. 1997. // Мамардашвили М. Кантианские вариации. – М.: Аграф. – С. 10. 1997. // Шерден Т де. Феномен человека. / пер. с фр. Н. А. Садовского. – М.: Наука. 1987. – 240 с.
 14. Хашимов А. Х. Формирование новых семейно-бытовых отношений у народов Средней Азии. – Душанбе: Ирфон. ПИ. 1972. – С. 186.

AutoCAD DASTURI YORDAMIDA 2D O'LCHAMLI PROYEKSION CHIZMALARNI CHIZISH VA QIRQIM BERISH TAHLILI

Jo'rayev Davron Amir o'g'li

v.b. dotsent. Termiz muhandislik-texnologiya instituti

Termiz, O'zbekiston

djurayevdavron27@gmail.com

ANNOTATSIYA: Bu maqola yordamida talabalar AutoCAD dasturi bilan ishlash, uni buyruqlaridan foydalanish, chizmalarni bo'yash, qirqim yuzasini shtrixlash, chiziq turlarini, rangini, qalinligini o'zgartirish va shu kabi amallarni bajarishni o'rganadi. Bundan tashqari maqolada proyeksion chizma tanlab olingan va shu chizmani yechilish algoritmi ketma-ketlikda tushuntirilgan. Quyida keltirilgan ma'lumotlar asosida talabalar chizmachilik fanlariga bo'lgan bilimlarini oshirib, ko'nikmalar hosil qilishiga yordam beradi.

KALIT SO'ZLAR. AutoCAD, proyeksion, buyum, ko'rinishlar, o'lcham, shtrixlash, bo'yash, fazo, qirqim, yuza.

ABSTRACT. With this article, students will learn how to work with AutoCAD, use its commands, paint drawings, hatch the cut surface, change line types, color, thickness, and the like. In addition, the article selected a projection drawing and successively explained the algorithm for solving this drawing. Based on the information below, it will help students improve their knowledge of drawing subjects and develop skills.


KEYWORDS: AutoCAD, projection, object, views, size, hatching, painting, space, cutting, surface.

KIRISH. Har qanday ob'ektning umumiy uchta o'lchami mavjud bo'ladi. Bular: OX-uzunlik, OY-eni va OZ-balandligi. Shu uch o'lcham orqali 2D o'lchamli va 3D o'lchamli chizmalar hosil bo'ladi. **2D** tushunchasi butun dunyoda va ilmiy adabiyotlarda keng ommalashgan hisoblanib, **d** harfi inglizcha **dimension** (o'lcham) so'zining bosh harfi bo'lib, 2D – ikki o'lchamli ma'nosini anglatadi. Kundalik hayotimizda olib boradigan yozma axborotlarimizning aksariyati 2D asosida olib boriladi. Ya'ni oddiy qog'oz varog'i ikki o'lchamli bo'lib shu qog'oz 2D modellashtirish uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Har qanday muhandis-loyihachi 2D modellashtirish asoslarini mukammal


bilishi zarur. 3D o'lchamli chizmada esa uzunlik, eni va balandlik o'lchamlari ishtirokida detalni yaqqol tasviri namoyon bo'ladi.




ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA. AutoCAD grafik muharririni “Классический AutoCAD” ishchi fazosi yordamida quyidagi 2D o'lchamli murakkab buyumni ikki ko'rinishiga qarab uchinchi ko'rinishi topishni, o'lchamlarini taqsimlab qo'yishini va kerakli chorak qirqim berishni tahlil qilib chiqamiz (1-rasm).


2D o'lchamli detallarni chizishda AutoCAD dasturini asosiy Рисование, Редактировать, Размеры va Объектная привязка panellari tarkibidagi buyruqlardan ko'proq foydalaniladi.



1-rasm. Berilgan: 2D o'lchamli murakkab detalni ikki ko'rinishi


1-bosqich: Рисование panelini  “Отрезок”-kesma chizish buyrug'i LM yordamida tanlanadi va grafik maydonga boshlang'ich A kiritiladi. Klaviatura yordamida detal old ko'rinishini uzunlik o'lchami (130 mm) kiritiladi va **Enter** tugmasi bosiladi. Shu holatda, berilgan detalni ko'rinishlari chizib olinadi. Detalni chizishdan oldin **H,V,W**-proyeksiya tekisliklarini chizib olib ichki qismiga ko'rinishlar joylashtiriladi. Bu esa

detalni uchinchi yon ko‘rinishini yanada aniqroq va osonroq topishga yordam beradi. Bundan tashqari detal ko‘rinishlari va qo‘shimcha nur chiziqlarga “Свойства”-“Ob’ektning xususiyatlari” paneli yordamida rangini, turini va qalinligini o‘zgartirsak, chizmadagi aniqlikni oshiradi. Berilgan detalni old ko‘rinishidagi barcha balandlik qirralaridan  “Отрезок”-kesma chizish buyrug‘i yordamida ingichka nur chiziqlari **W**-proyeksiya tekislikka proyeksiyalanib o‘tkaziladi. Detalni **H**-proyeksiya tekisligidagi ust ko‘rinishidan **OY**-o‘qqa nur chiziq o‘tkaziladi.  “Круг”-aylana chizish buyrug‘i yordamida **H** va **W**-proyeksiya tekisliklarining **OY**-o‘qlari tutashtiriladi. Alananing keraksiz qismini olib tashlash uchun “Редактирование”-“O‘zgartirish” panelining  “Обрезать”-ob’ektning ortiqcha qismini kesib tashlash buyrug‘i **LM** yordamida belgilanadi, **Enter** tugmasi bosiladi va olib tashlanadi. **W**-proyeksiya tekislikka **OY**-o‘qdan nur chiziq o‘tkaziladi. Natijada ikki ko‘rinish qirralaridan chiqarilgan nur chiziqlar kesishadi (2-rasm).




2-rasm. Detalni ikki ko‘rinishi HVW-proyeksiya tekisligida joylashuvi


NATIJARAR. 2-bosqich: Detalni ikki ko‘rinish qirralaridan chiqarilgan nur chiziqlar kesishib, **W**-profil proyeksiya tekisligida uchinchi-yonidan ko‘rinishni hosil qiladi (3-rasm). Detalni ichki, ko‘rinmaydigan qismlari shtrix, o‘q chiziqlari esa shtrix-punktr chiziqlarda chizib ko‘rsatiladi. Chizmani chizish jarayonida detal yoki proyeksiya tekisliklarini, ya’ni yopiq ob’ekt yuzalarini har xil ranglar bilan ajratib ko‘rsatishimiz mumkin bo‘ladi.



3-rasm. Detalni uchunchi, yon ko‘rinishini topish.

МУНОКАМА. 3-bosqich: Detalga qirqim berish va qirqim yuzasini shtrixlash. Detalni old va yon ko‘rinishlariga chorak qirqim beriladi. Chorak qirqim berish uchun detalni ko‘rinmaydigan ichki qismini ko‘rsatish uchun o‘tkazilgan shtrix chiziqlar to‘liq tutashtiriladi va qirqim yuzasi shtrixlanadi. Qirqim yuzani shtrixlash uchun **Рисование** panelining  “Штриховка”-kesim va qirqim yuzalarini shtrixlash buyrug‘idan foydalaniladi. U quyidagicha amalga oshiriladi.


 “Штриховка”- buyruqlaridan foydalanish.




4-rasm. Yopiq yuzani shtrixlash


		ВНАТЧ	КШТРИХ	Shtrix-lash	Kesim va qirqim yuzalarini shtrixlaydi.
---	---	--------------	---------------	--------------------	---

3.1. Tushuvchi menyular qatoridan **Рисование** paneli tanlanadi.


3.2. **Рисование** panelining  “Штриховка”-buyrug‘i **LM** yordamida yuklanadi (5-rasm).



5-rasm.  “Штриховка”-buyrug‘ini yuklash


3.3. Hosil bo‘lgan  “Штриховка”-buyrug‘i oynasining Образец qismidan **ANGLE**→**ANSI31** ga o‘zgartiriladi (6.-rasm).

3.4. Oynaning **Контуры** qismida **Добавить: точки выбора** LM yordamida belgilanadi (6-rasm).





6-rasm.  “Штриховка”-buyrug‘ining oynasi

3.5. Shtrixlanadigan ob’ekt ko’rsatkich nuqtasi belgilanadi va klaviaturadan **Enter** tugma bosiladi (7-rasm).




7-rasm. Ob’ektning yopiq yuzasini tanlash.


3.6. Hosil bo‘lgan  “Штриховка”-buyrug‘i oynasidan **OK** opsiyasi tanlanadi va oyna yopiladi (8-rasm).




9-rasm.  “Штриховка”-buyrug‘ining oynasi


Yuqorida berilgan ketma-ketlik orqali  “Штриховка”- buyrug‘i yordamida qirqim yuzi shtrixlanadi.



10-rasm.  “Штриховка”-buyrug‘i yordamida qirqim yuzani shtrixlash

4-bosqich: Detalni qirqim berilmagan yuzasi va **HVW**-proyeksiya tekisliklarini  “Градиент”-ob’ektlarni ranglash buyrug‘i yordamida bo‘yab, ranglar bilan ajratish mumkin.


 **_Gradient – Градиент – bo‘yash buyrug‘idan foydalanish.**

16		_GRADIEN T	ГРАДИЕНТ	Bo‘yash	Turli yopiq ob‘yektning rang bilan bo‘yaydi.
----	---	-----------------------	-----------------	----------------	--


Gradient buyrug‘i ham xuddi shu ketma-ketlikda bajariladi. Ikkalasini farqi shundaki, Shtrixlash buyrug‘i yopiq ob’ekt yuzasini shtrixlasa, Gradient buyrug‘i turli xil ranglar bilan bo‘yash imkonini beradi.





11-rasm.

4.1. Рисование panelining  “Градиент”-ob’ektlarni ranglash buyrug’i LM yordamida yuklanadi.

4.2. Hosil bo‘lgan oynadan **Один** yoki **Два цвета** tanlanadi va ko‘k rangli tasmada joylashgan nuqtalar **LM** yordamida tanlanadi. Natijada **Выбор цвета** muloqatlar oynasining **Вся палитра** bo‘limida rang tanlash va uni sozlash mumkin bo‘ladi.




12-rasm.  “Градиент”- buyrug’i **Выбор цвета** muloqatlar oynasining **Вся палитра** bo‘limida rang tanlash va uni sozlash.




13-rasm. Градиент muloqatlar oynasi. Bo‘yash usuli namunasi.


4.3. Kerakli rang tanlanadi va oynaning **Контур**ы qismida **Добавить: точки выбора** **LM** yordamida belgilanadi.


4.4. Ranglanadigan ob’ekt ko’rsatkich nuqtasi belgilanadi va klaviaturadan **Enter** tugma bosiladi.


4.5. Hosil bo‘lgan  “Градиент”-buyrug‘i oynasidan **ОК** opsiyasi tanlanadi va oyna yopiladi.




14-rasm. Выбор цвета muloqatlar oynasining **Номер цвета** bo‘limi.







15-rasm.  “Градиент”- buyrug’i oynasini boshqarish.




16-rasm. Yopiq ob’yektni turli ranglarda bo‘yash usullari.



17-rasm.  “Градиент”- buyrug‘i yordamida ob’ektni va proyeksiya tekisliklarini bo‘yash.

5-bosqich: Berilgan detalni ikki ko‘rinishiga qarab uchinchi ko‘rinishi topildi. Kerakli chorak qirqimlar berilib, qirqim yuzasi  “Штриховка”-buyrug‘i yordamida shtrixlandi. Qirqim berilmagan detal yuzasi  “Градиент”-buyrug‘i yordamida bo‘yaladi. Endi detaldan boshqa yordamchi ob’ektlarni barchasi “Редактирование”- “O‘zgartirish” panelining  “Стереть”-o‘chirish buyrug‘i yordamida yoki klaviaturadan **Delete** tugmasi yordamida o‘chiriladi. Detal o‘lchamlari uchta ko‘rinishiga teng taqsimlab, “Размеры”-“O‘lchamlar” panelining buyruqlaridan foydalaniladi. Panelning kerakli o‘lcham buyrug‘i **LM** yordamida belgilanadi va o‘bekt tomonlari tanlanadi.



18-rasm. Natija: Buyumni uch ko‘rinishi

XULOSA. Texnika sohasida tahsil olayotgan har bir talaba mohir muhandis bo‘lib yetishishi uchun chizma chizishni, detalni mos tomonlariga o‘lchamni tasdiqlab qo‘yishni, masshtab va chiziq turlaridan foydalanishni, tasavvurini boyitish bilan bir qatorda loyihalash dasturlaridan mohirona foydalana olishni bilishi lozim. Har qanday yangilik, ixtiro va g‘oya muhandis tomonidan qog‘ozga tushiriladi. Shu sababli chizmani chizishni o‘rganmasdan muhandis bo‘lib yetishmaydi.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. D.Jo‘rayev “Chizmachilik darslarida AutoCAD dasturi yordamida proyeksion chizmalarni bajarish ” Metodik o‘quv qo‘llanma. “Vneshinvestprom” Toshkent-2023 y. 210 bet.
2. P.Ismoilov, D.Jo‘rayev “Muhandislik va kompyuter grafikasi” Darslik. “Vneshinvestprom” Toshkent-2022 y. 523 bet.
3. P.Ismoilov, D.Jo‘rayev “Muhandislik va kompyuter grafikasi” O‘quv qo‘llanma. “Surxon Nashr” Termiz-2022 y. 160 bet.
4. Chizma geometriya va muhandislik grafikasi fanidan sirtqi ta’lim uchun metodik qo‘llanma S.S.Saydaliyev -Toshkent, TAQI, 2018, 103 b.
5. Juraev Davron Amir o‘glu, Safarov Davron Isayevich and Berdimuratov Javli Abdinazarovich. "Saw in the cleaner of raw cotton from large contaminants cleaning the distance between the chimneys in the working part of the drum analysis to study the effect on effectiveness." *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal* 12.4 (2022): 659-665.
6. Jurayev Davron Amir o‘g‘li, Ergashev Akrom Kholmominovich, and Abraykulov Fakhridin Amirovich. “Studying the effect of the cleaning distance between supply rollers and cotton drums on cotton cleaning equipment”. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL* 11.2 (2021): 194-202.
7. Jurayev, K. . (2022). USE AND DESIGN OF PALITE TOOLS IN AUTOCAD. *Academic Research in Educational Sciences*, 3(5), 442–446.
8. www.ziyonet.uz
9. www.autocad.ru
10. www.autocad.com

IVERMEKTIN VA CYFLUTHRIN PREPARATINI QO‘LLAB QORAMOLLAR PSOROPTOZINI DAVOLASHNING SAMARALI USULLARI

Arziyev Xidir Yuldashovich

v.f.n. SDVMCHBU NF katta o‘qituvchi,
arzievxitdir70@mail.ru

Arislonbekov Ihombek Arislonbekovich

Talaba SDVMCHBU NF
ilhambekarislanbekov65@gmail.com

Allambergenov Davletbay Muxtar uli

Talaba SDVMCHBU NF
qutulbayreymbekov@gmail.com

***Annotatsiya.** Ushbu maqola Qoraqalpog‘iston Respublikasi To‘rtko‘l tumanidagi Lochin chorva fermer xo‘jaligida qoramollarning pisaraptoz kasalligi bilan zararlanish darajasi va uni anti akaritsid preparatlari bilan davolash natijalari keltirilgan. Ushbu kasallikni aniqlash uchun kasallikga gumon qilingan hayvon terisining sog‘lom va zararlangan uchastkalari chegerasidan skalpel yordamida chuqur qirindi olinadi va mortal yoki vital tekshiruvdan o‘tkaziladi. Tajribalar shuni ko‘rsatdiki kasallangan hayvonlarga ivermektin1%+ cyflithrin preparati qo‘llanilganda ushbu dori vositalaring Pisaraptoz bovisga samarasi 100 % ni tashkil qildi. Shuning uchun ushbu kasallikni samarali davolash uchun ivermektin1%+ cyflithrin kombinatsiyasini qo‘llash zarur.*

***Kalit so‘zlar.** Psoroptes bovis, parazitiform, boophilus, hyalomma, dermacentor, rhipicephalus, ixodes, haemaphysalis, ivermektin, cyfluthrin.*

Kirish. Oxirgi yillarda qoramollar psoroptozi Qoraqalpog‘iston sharoitida keng tarqalib bormoqda. Ammo bu borada ilmiy tadqiqotlar va ilm fan yangiligini ishlab chiqarishga tadbiiq qilish borasida sohada biroz sustkashlikka yul qo‘yilmoqda. Keyingi 15 yil maboynida ivermektin preparatlarini ketma ket qo‘llanishi natijasida Psoroptoz bovis kanalarining avlodlari ushbu dori vositasiga o‘rganib qolishi natijasida ayrim holda qullanilgan preparatlarning samarasi pasayib kasallikning avj olishi kuzatilmoqda. Bu

kasalliklarga qarshi samarali kurashish ucun dori vositalarini kombinatsiya usulida qo'llash hozirgi davrning asosiy, dolzarb vazifalardan biri sanaladi.

Bunday amaliyotni veterinariya vrachlari qo'llashi uchun uni ilmiy va amaliy jixatdan tajribalar qo'yib isbotlab berish bizning oldimizga qo'ygan asosiy vazifa bo'lib hisoblanadi.

Ivermektin dori vositasini tasirchanligini oshirish maqsadida, ivermektin+ Cyfluthrin kontaktli insektitsid dori vositasini tajribalarda sinab ko'rdik.

Avvalo Psorptoz bovis kanalari haqida qisqacha tavsif beradigan bo'lsak, qo'yidagi xususiyatlariga tuxtalib o'tamiz. Parazitoformli kanalar uzlari alohida kasallik chaqirmaydi, lekin tanasida infeksiya va invazion kasallik qo'zg'atuvchilarini olib yurib bu kasalliklarni tarqalishiga sabab bo'ladi. Parasitoformes turkum vakillari 2 ta katta oila vakillaridan iborat. Bular Ixodoidea va Gamasoidea. Ixodoidea katta oilasiga ikkita oila, ya'ni Ixodidae (iqsodid) va Argasidae (argazid) kiradi.

Ixodidae oila vakillari quyidagi 6 ta avloddan tashkil topgan: Boophilus, Hyalomma, Dermacentor, Rhipicephalus, Ixodes, Haemaphysalis.

Yigirmanchi asrning 70-yillariga kelib ivermektin dorisi yaratildi. Ushbu preparat tuproq mikroorganizmlari Streptomyces avermitilis tomonidan ishlab chiqarilgan ekzotoksinlarning tarkibidan ajratib olingan - makrosiklik lakton birikmalaridan tayyorlangan. Ulardan veterinariya amaliyotida eng ko'p keng qo'llaniladiganlari qishloq xo'jalik hayvonlari gelmintlari va ektoparazitlariga qarshi kurash uchun ishlatiladigan-faol ivermektin hisoblanadi. Adabiyotlarda ivermektin asosli bir necha ming xil dori-darmonlarni turli parazitlarga muvaffaqiyatli qo'llash haqida ma'lumotlar bor. Biroq, muallifning ta'kidlashicha ivermektin mavjud in'ektsiya uchun erituvchilar sifatida glitseroformal, propilen glikol va polivinil, yuqori yopishqoqlikka ega pirolidon kabi vositalar bilan qullanilganda, preparatni tanaga yuborishni va organizmga surilishni qiyinlashtiradi. Emlangan, ya'ni inyeksiya qilingan joyini hayvonlar tirnashi va shish paydo bo'lishiga olib keladi, ayniqsa muskul orasiga yuborilganda. Bundan tashqari, bu preparat kumulyativ xususiyatlarga ega, zaharli moddalar jigarda to'planib organizmga zararli ta'sir qiladi. Shuning uchun tarkibida ivermektin saqlaydigan preparatlarni suvli eritmalarini qullash maqsadga muvofiqdir. Rossiyaning Saratov shahridagi "Nita Farm" kompaniyasi tomonidan ishlab chiqarilayotgan "Ivermec" preparati yuqoridagi talablarga mos keladi. [1]

Cyfluthrin (Cyflunit) - bu sintetik dorilar guruhining insektitsid preparati. Piretroidlar guruhiga kiradi. Kimyoviy nomi, IUPAC nomenklaturasiga ko'ra - (RS) - acyano - 4 - fluoro - 3 - fenoksifenil - metil - 3 - (2,2 - dikloroetenil) - 2,2 -

dimetilsiklopropan karboksilat. Mahsulot shaffof bo'lib 1% faol moddani o'z ichiga olgan sariq yog'li suyuqlik. [2]

So'ngi yillardagi adabiyotlarni taxlili shuni kursatadiki chet el olimlari har xil boshqa preparatlarni psoroptoz kasalligini davolashda qo'llab kelishmoqda, ammo bu preparatlarning kupchiligi hali Qoraqalpog'iston respublikasiga kirib kelmagan shu bilan birga ushbu preparatlar bizning sharoitda qanday samara berishi o'rganilmagan.

Cyfluthrin preparati kontaktli insektitsid va repellent ta'sirga ega, Diptera hasharotlariga qarshi faol: zoofil pashshalar, shu jumladan Wohlfahrtia magnifica, Haematobia irritans, Haematobia stimulans, Musca autumnalis, Stomoxys calcitrans, ot pashshalari (Tabanidae (H) gadzeplag'i (Hpodflus), junxo'rlar (Bovicola ovis), bitlar (Leio gnathidae ovillus va Leio gnathidae pedalis), chivinlar (Culicidae) va midges (Simuliidae), shuningdek, tarakanlar, chumolilar, qora qo'ng'izlarga letal ta'sir qiladi.

Siflutrinning tomchi dori vositasining kanalarga ta'sir mexanizmi asab impulslarining uzatilishini blokirovka qilishdan iborat bo'lib, bu harakatlarni muvofiqlashtirishning buzilishi, falaj va hasharotlarning o'limiga olib keladi. Siflutrin teriga surtilgandan so'ng, siflutrin hayvon tanasining yuzasiga tarqaladi, teri tomonidan oz miqdorda so'riladi, bu uning uzoq muddatli insektitsid va repellent ta'sirini ta'minlaydi. Siflutrinning himoya ta'siri bir martalik davolashdan keyin kamida 28 kun davom etadi. Tavsiya etilgan dozada teriga rezorbtiv-toksik, embriotoksik, teratogen, mutagen, immunotoksik va mahalliy tirnash xususiyati beruvchi ta'sir ko'rsatmaydi; Ko'z bilan aloqa qilganda engil tirnash xususiyati keltirib chiqaradi; asalarilar, shuningdek, baliq va boshqa suv organizmlari uchun zaharli. Ammo ushbu tomchi dorisi Psoroptes bovisga samaradorligi 79 %ni tashkil qiladi. Shuning uchun ushbu kasallikni samarali davolash uchun ivermektin 1%+ cyfluthrin kombinatsiyasini qo'llash zarur.

Tadqiqot maqsadi: Qoraqalpog'iston sharoitida keng tarqalgan qoramollar psoroptoz kasalligini samarali davolash usulini ishlab chiqish. Buning uchun quyidagi ilmiy tadqiqot ishlarini bajarish lozim.

Tadqiqot vazifalari: 1. Qoraqalpog'iston Respublikasi sharoitida keng tarqalgan qoramollar orasida psoroptoz kasalligini epizootologiyasini o'rganish.

2. Qoramollar psoroptoz kasalligini samarali davolash uchun kanalarga araritsid ta'sirga ega preparatlarni tanlash va mazkur hududda amaliyotda sinash.

Tadqiqot materiallari va usullari: Tajribalar Qoraqalpog'iston Respublikasi To'rtko'l tumanidagi 240 bosh maxalliy zotli qoramollari mavjud Lochin chorva fermer xo'jaligida o'tkazildi. Ushbu xo'jalikka qarashli qishloq xo'jalik hayvonlari

qoramollarning psoroptoz kasalligiga tekshirilganda 40 boshi Psoroptes bovis bilan zararlanganligi aniqlandi. Kasallikni aniqlash uchun Mortal usulidan foydalanildi.

Kasallikka aniq tashxis qo'yish uchun avvalo laborator tekshiruvlar utkazish zarur. Gumon qilingan hayvon terisining sog'lom va zararlangan uchastkalari chegerasidan skalpel yordamida chuqur qirindi olinadi va tekshiruvdan o'tkaziladi. Tekshirish ikki usulda amalga oshiriladi: mortal usul – bunda o'lgan kanalar yoki ularning bo'laklari topiladi va vital usul – bunda esa tirik harakatchan kanalar topiladi.

Dastlabki diagnoz qo'yishda odatda mortal usul qo'llaniladi. Mortal usullardan eng ko'p qo'llaniladiganlari - bu quyidagi ikki usuldi:

1. Olingan qirindi soat oynachasiga yoki Petri tavoqchasiga solinadi, yoki buyum oynachasining markaziga o'tkaziladi, ustiga hajmi jihatdan ikki marotaba ko'p 10%-li natriy yoki kaliy ishqori quyiladi va aralastirilib namunadagi qatqaloqlarni yumshatish va erib ketishi uchun 25-40 minut davomida saqlanadi. Tekshirishni tezlashtirish maqsadida aralashmani spirtovkada 60-70 gradus gacha qizdiriladi. So'ngra esa ozroqdan olinib buyum oynachasiga o'tkaziladi, qoplag'ich oyna bilan yopib (berkitib mikroskopning kichik kattaligida, biroz qorong'ilashgan holda tekshiriladi).

2. Dobichin M.P. usuli. Probirkaga 10%-li natriy ishqoridan 1 ml olinadi va ustiga olingan qirindidan solinadi va 1-2 minut davomida biroz qizdiriladi. So'ngra 3-5 minut o'tgach 55%-li shakar yoki 60%-li giposulfit eritmasi bilan to'ldiriladi va 5 minut tinch joyda saqlanadi. Ushbu muddat o'tgach namunaning yuzasidan simli ilmoq yordamida bir-ikki tomchi olib buyum oynachasiga o'tkaziladi, qoplag'ich oyna bilan yopib mikroskopda tekshiriladi. Bunda o'lgan kanalar yoki ularning bo'laklarini topishimiz mumkin.[3.4]

Tekshirishlarda psoroptoz aniqlangan 40 bosh qoramollar 10 boshdan 4 tajriba guruhiga bo'lindi va qo'yidagicha davolish usullari o'tkazildi.

Tadqiqot natijalar: Qoraqalpog'iston Respublikasi To'rtko'l tumanidagi Lochin chorva fermer xo'jaligida qoramollarning psoroptoz kasalligi epizootologik jihatdan o'rganilganda mavjud 240 boshdan 40 boshida, ya'ni 16,6 foizida kuzatildi. Kasallik laboratoriyada tekshirilib tashxis quyilgandan so'ng uch xil usulda davolash muolijalari olib borildi.

Qoraqalpog'iston Respublikasi To'rtko'l tumanidagi Lochin chorva fermer xo'jaligida qoramollarning psoroptoz kasalligiga chalingan tajriba hayvonlarining davolash natijalari 1-jadvalda keltirilgan.

Psoroptoz kasalligiga chalingan qoramollarni davolash natijalari

T/r	Tajribaga guruhlari	Hayvon bosh soni	Davolashda qullanilgan preparatlar, dozasi	Davolashdan oldin kanalar bilan zararlanish		Davolashdan keyin kanalar bilan zararlanish	
				soni	%	soni	%
1.	I-guruh	10	Ivermektin 1 %, 50 kg/ 1 ml	10	100	4	40
2.	II-guruh	10	Cyfluthrin 300kg/5 ml	10	100	2	20
3.	III-guruh	10	Ivermektin 1 %, 50 kg/ 1 ml + Cyfluthrin 300kg/5 ml	10	100	0	0
4.	IY-guruh	10	Preparat yuborilmadi	10	100	10	100

Jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki tajribadagi barcha hayvonlar davolashdan oldin pisaraptoz kanalari bilan zararlangan edi (100 %), Davolash o'tkazilgandan keyin 1 tajriba guruhida ivermektinning 1% preparati har 50 kg tirik vazniga 1 ml dan teri ostiga hafta oralatib 2 marotaba qilinganda 10 boshdan – 4 boshida, ya'ni 40 foizga, 2 tajriba guruhiga cyfluthrin tomchi dorisi 300 kg tirik vazniga 5 ml terisiga tomizilganda 10 boshdan – 2 boshida, ya'ni 20 foizga, 4 preparat yuborilmagan nazorat guruhida 10 boshdan – 10 boshida, ya'ni 100 foiz hayvonlar pisaraptoz kanalari bilan zararlanganligi aniqlandi. Ivermektin 1% + cyflithrin tomchi dorisi yuborilgan 3 tajriba guruhida 10 boshdan birortasida ham kanalar topilmadi, ya'ni preparatlarning samarasi 100 % ekanligi aniqlandi.

Xulosa: O'tkazilgan ilmiy tadqiqotlarga asosan qo'yidagi xulosaga keldik.

1. Qoraqalpog'iston Respublikasi To'rtko'l tumanidagi Lochin chorva fermer xo'jaligida boqilayotgan qoramollarning 16,6 foizi pisaraptoz kasalligiga chalingan.
2. Pisaraptoz kasalligiga chalingan qoramollar ivermektinning 1% preparati bilan davolanganda samarasi 60 % ga, cyflithrin preparati bilan davolanganda samarasi 80 % ga teng ekanligi aniqlandi. Ivermektin 1% + cyflithrin preparatlari bilan davolanganda samarasi 100 % ga teng bo'ldi.
3. Qoramollarning Pisaraptoz kasalligini samarali davolash uchun ivermektin 1% + cyflithrin kombinatsiyasini qo'llash zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Сидоркин В. А. Ивермек: фармакологические свойства и опыт применения // Российский ветеринарный журнал. 2006. №2. йский ветеринарный журнал. 2006. №2. URL:
2. Квичко Л.И., Абрамов В.Е., Панфилова М.Н., Сафарова М.И., Архипов И.А., and Бондаренко В.О.. "Методические положения по применению препарата цифлунит для защиты крупного рогатого скота от двукрылых насекомых" Российский паразитологический журнал, no. 2, 2013, pp. 114-115.
3. Кербабаев Э.Б., Василевич Ф.И., Катаева Т.С., Розовенко М.В. Арахноэнтомы сельскохозяйственных животных- М., 2000.
4. Гаврилова Н.А. «Хориоптоз крупного рогатого скота в хозяйствах Ленинградской области (эпизоотология, диагностика, меры борьбы)» / Автореф. дисс. канд. вет. наук. СПб., 2000.
5. Афанасьев Ю.И. Гистология, цитология и эмбриология. М., «Медицина».-2004.
6. Садчиков С.Ю. «Саркоптоидозы животных и усовершенствование мер борьбы с ними» : Дис. канд. вет. наук: 03.00.19 М., 2001.

УДК 621.01

ДИНАМИКА МАШИННОГО АГРЕГАТА С ШНЕКОВЫМ ПРИВОДОМ ДЛЯ ТРАНСПОРТИРОВКИ И ОЧИСТКИ ХЛОПКОВОГО ЛИНТА

Юлдашев Козимжон Комилжонович

Андижанский машиностроительный институт,

доктор философии технических наук

E-mail: kozimjon590@gmail.com,

Тешабоев Ойбек Абдуманноб угли

Андижанский машиностроительный институт, докторант,

E-mail: masterlevelteshaboyev@mail.ru,

Эшонходжаев Дилмурод Одилович

Андижанский машиностроительный институт, докторант,

E-mail: gpyudilmurod71@gmail.com

***Аннотация.** В статье приведены конструктивная схема и принцип работы конвейера с винтом с зигзагообразным профилем. На основе решения задачи динамики системы с учетом динамической механической характеристики двигателя, инерционных, упруго-диссипативных параметров, а также технологических нагрузках от транспортируемого и очищаемого хлопкового линта получены закономерности движения рабочего органа, обоснованы основные параметры конвейера. На основе производственных сравнительных испытаний рекомендуемого конвейера обоснована эффективность использования его на производстве.*

***Ключевые слова.** Конвейер, винт, зигзагообразный профиль, волокнистый материал, линт, транспортировка, очистка, динамика, закон движения, момент инерции, жесткость, диссипация, сопротивление, размах колебаний.*

***Annotation.** The article presents a constructive scheme and the principle of operation of the conveyor with a screw with a zigzag profile. Based on the solution of the problem of system dynamics, taking into account the dynamic mechanical characteristics of the engine, inertial, elastic-dissipative parameters, as well as technological loads from the transported and cleaned cotton lint, regularities of movement of the working body are obtained, the basic parameters of the conveyor are substantiated. Based on production comparative tests of the recommended conveyor, the efficiency of its use in production is recommended.*

Keywords. Conveyor, screw, zigzag profile, fibrous material, lint, transportation, cleaning, dynamics, law of motion, moment of inertia, stiffness, dissipation, resistance, oscillation range.

Введение. В существующих винтовых конвейерах при транспортировке волокнистых материалов, особенно хлопка, из-за недостаточного разрыхления материала выделяется недостаточное количество сора. Кроме того, из-за недостаточного трения между винтовой поверхностью и волокнистым материалом они отстают при транспортировке, что приводит к дополнительным механическим повреждениям волокнистого материала (хлопок и его отходы). Взаимодействие винтовой поверхности с волокнистым материалом происходит монотонно в одном направлении, с постоянной вынуждающей силой, что не обеспечивает эффективности их очистки.

Литература и методология. При этом, чтобы обеспечить достаточное разрыхление транспортируемого волокнистого материала, повысить очищающий эффект и требуемую производительность транспортировки, конструкция винтового конвейера была усовершенствована за счет увеличения площади контакта, увеличения силы трения, а также как изменение направления силы взаимодействия шнека с транспортируемым волокнистым материалом [4].

Кинематическая схема винтового конвейера для транспортировки и очистки хлопкового пуха представлена на рис.1. Движение от асинхронного двигателя 1 передается на винт 7 через ременную передачу 2, редуктор 3 и муфту 4 [5,6].




Рисунок 1. Кинематическая схема винтового конвейера.

где находится электродвигатель 1, ременная передача 2, редуктор 3, сцепление 4, конденсатор 5,6, серийный винт 7, винт с зигзагообразным профилем 8, сетчатая поверхность 9, пресс 10.

На кинематической схеме рис.1. шуруп представлен в двух вариантах, 7-серийный вариант, 8-рекомендованный шуруп с зигзагообразным профилем. Учитывая, что в кинематической схеме конвейера-очистителя используется ременная передача и сцепление.

Для составления системы дифференциальных уравнений, описывающих динамику движения рабочих органов винтового конвейера транспортирования и очистки хлопкового пуха, использовали уравнение Лагранжа второго рода [6,7]. Для трехмассовой системы приняты следующие обобщенные координаты: φ_d - угловое перемещение ротора асинхронного двигателя; φ_b - угловое перемещение входного вала коробки передач; φ_p - угловое смещение шнека конвейера. Асинхронный двигатель учитывался в виде механической динамической характеристики, полученной А.Е. Левиным [8,9]:

$$\begin{aligned} \dot{M}_d &= \psi(\omega_c - p\dot{\varphi}_d) - M_d \frac{1}{T_s}; \\ \dot{\psi} &= \frac{2M_k - \psi}{T_s} - (\omega_c - p\dot{\varphi}_d) - M_d; \end{aligned} \quad (1)$$

$$T_s = (\omega_c - S_k)^{-1}; \quad \psi = \frac{S_k}{S} (M_d + T_s M_d)$$

где, M_d - приводной момент двигателя; $\dot{\varphi}_d$ - угловая скорость ротора двигателя; p - количество пар полюсов; S, S_k - скольжение ротора и его критическая величина; T_s - электромагнитная постоянная времени; ψ - вспомогательная переменная; ω_c - круговая частота сети.

Упругость и диссипацию ремня и муфты следует учитывать в виде круговой жесткости и диссипации. При расчетах учитывались следующие выражения [10]:

$$c = \frac{aR^2 EF}{e_p}; \quad b = \frac{c}{2\pi(2\pi/T)} \quad (2)$$

где, c, b - коэффициент круговой жесткости и коэффициент рассеяния; a - коэффициент, учитывающий влияние предварительного натяжения; R - радиус

шкива; E — модуль упругости; F – площадь поперечного сечения; e_p - длина ремня; T - период колебаний.

Система дифференциальных уравнений, описывающих движение элементов винтового конвейера, имеет вид:

$$\begin{aligned}
 M_\delta &= f(\dot{\varphi}_\delta); \\
 J_\delta \ddot{\varphi}_\delta &= M_\delta - \epsilon_p \Delta \dot{\varphi}_{op} - C_p \Delta \varphi_{op}; \\
 J_{np} \ddot{\varphi}_{ред} &= u_{op} (\epsilon_p \Delta \dot{\varphi}_{op} + c_p \Delta \varphi_{op}) - \epsilon_m \Delta \dot{\varphi}_{mv} - c_m \Delta \varphi_{mv} - M_{тр}; \\
 J_{mv} \ddot{\varphi}_v &= u_{pv} (\epsilon_m \Delta \dot{\varphi}_{mv} + c_m \Delta \varphi_{mv}) - M_{mv} - M_c; \\
 \Delta \varphi_{op} &= \varphi_\delta - \varphi_{ред} u_{op}; \Delta \varphi_{mv} = \varphi_{ред} - u_{pv} \varphi_v; \\
 M_c &= M_1 + M_0 \sin \omega_\delta t \pm \delta M_1
 \end{aligned} \tag{3}$$

J_δ , J_{np} , J_{mv} - приведенные моменты инерции масс на валу двигателя, на входном валу редуктора, на карданном валу; c_p , c_m , b_p , b_m - коэффициенты круговой жесткости и коэффициенты рассеивания ременной передачи и сцепления; M_1 , M_0 , δM_1 - составляющие технологической нагрузки от транспортируемого и очищенного хлопкового пуха, M_{mv} - момент сил трения на валу шнека.

Численное решение системы (3) выполнялось на ПК с использованием стандартных программ при следующих значениях параметров: асинхронный двигатель Y132S-8, $P=2.2\text{kW}$; $n=710\text{об/мин}$; $u_{op}=1,27$; $u_{pv}=20$; $J_\delta=1,12\text{кгм}^2$; $J_{np}=2,89\text{кгм}^2$; $J_{mv}=7,14\text{кгм}^2$; $c_p=(200\div 250)\text{Нм/рад}$; $\epsilon_p=(5,0\div 5,5)\text{Нмс/рад}$; $c_m=(400\div 420)\text{Нм/рад}$; $\epsilon_m=(9,5\div 10,5)\text{Нмс/рад}$; $M_1=(46\div 65)\text{Нм}$; $M_0=(5.5\div 10)\text{Нм}$; $\delta M_1=(0,05\div 0,07) M_1$; $M_{TB}=(35\div 45)\text{Нм}$.

На основе решения системы дифференциальных уравнений (3) при следующих начальных условиях $t=0$; $\dot{\varphi}_g=0$; $\dot{\varphi}_{ред}=0$; $\dot{\varphi}_b=0$; $M_g=0$; $M_c=0$. получены закономерности изменения угловых скоростей ротора асинхронного двигателя, винтового конвейера, а также момента на валу двигателя.

Результаты и обсуждение. Построены графические зависимости параметров конвейера. На рис. 2 представлены графические зависимости изменения угловых скоростей ротора двигателя и шнека транспортера от увеличения нагрузки от транспортируемого ворса. Зависимости нелинейные.

При увеличении момента сопротивления до 125 Нм и силы трения до 35,0 Нм угловая скорость двигателя уменьшается до $63,1 \text{ c}^{-1}$ при $J_o/J_{op} = 0,85$, а при увеличении J_o/J_{op} до 1,15 угловая скорость ротор уменьшается до $60,3 \text{ c}^{-1}$. Соответственно угловая скорость винтового конвейера уменьшается до $24,9 \text{ c}^{-1}$ и $23,8 \text{ c}^{-1}$. Для обоснования значений моментов инерции ротора и винта построены соответствующие графики, представленные на рис. 3. Из них видно, что увеличение J/J_{op} от 0,25 до 1,5 приводит к увеличению нагрузка на двигатель. При этом момент на валу двигателя увеличивается до 20,9 Нм при $M_c = 47,0 \text{ Нм}$, а при увеличении нагрузки до 81,0 Нм момент на валу двигателя возрастает до 43,0 Нм. При этом размах колебаний шнека снижается до $(1,4 \div 1,6) \text{ c}^{-1}$, что недостаточно для встряхивания транспортируемого хлопкового линта. На основании экспериментальных данных для обеспечения $\Delta\dot{\phi}_e = (2,0 \div 2,5) \text{ c}^{-1}$ рекомендуемыми значениями являются $J_e/J_{op} = (0,6 \div 0,8)$.

$$1,3 - \dot{\phi}_o = f(M_c); \quad 2,4 - \dot{\phi}_e = f(M_c);$$

$$1,2 - \text{при } J/J_p = 0,85; \quad 3,4 - \text{при } J/J_p = 1,15;$$

$$M_{me} = 35,0 \text{ Нм}; \quad \delta\dot{\phi}_o \leq (5,0 \div 7,0)\% \text{ от } \dot{\phi}_o; \quad \delta\dot{\phi}_e \leq (5,0 \div 7,0)\% \text{ от } \dot{\phi}_e.$$




Рис. 2. Графические закономерности изменения угловых скоростей ротора двигателя и шнека конвейера при изменении технологической нагрузки

$$1,3-M_{\delta} = f(J/J_p); 3,5-\Delta\dot{\varphi}_{\delta} = f(J/J_p); 4,6-\Delta\dot{\varphi}_{\epsilon} = f(J/J_p);$$

$$1,5,6\text{-при } M_C = 47,0\text{Нм}; 2,3,4\text{-при } M_C = 81,0\text{Нм}.$$





Рис.3. Зависимости изменения размаха колебаний угловых скоростей воздушного винта и на валу двигателя, а также крутящего момента двигателя от изменения относительных значений моментов инерции масс.

Важно изучить параметры ременной передачи и муфты винтового конвейера. Полученные зависимости представлены на рис.4. Увеличение относительной круговой жесткости ремня и сцепления с 0,60 до 1,2 приводит к снижению $\dot{\varphi}_{\delta}$ с 73 С до $64,8\text{ с}^{-1}$ при $m_c=45$. При увеличении нагрузки до 60 Нм угловая скорость $\dot{\varphi}_{\delta}$ снижается до $62,7\text{ с}^{-1}$. При этом $\dot{\varphi}_{\epsilon}$ снижается до $23,7\text{ с}^{-1}$. Следует отметить, что увеличение c/c_p приведет к выравниванию угловых скоростей. Поэтому рекомендуемые значения $c/c_p = (0,75 \div 0,85)$, при которых обеспечивается требуемая неравномерность вращения шнека с зигзагообразным профилем.


Известно [9,10], что диссипативные характеристики в упругих элементах позволяют гасить колебания, особенно собственные, в переходных режимах. На рис. 5 представлены графические зависимости изменения M_{ϵ} и $\Delta\dot{\varphi}_{\epsilon}$ от увеличения v/v_p .



$$1,3-\dot{\phi}_o = f(c/c_p); 2,4-\dot{\phi}_e = f(c/c_p);$$

$$1,2-\text{при } M_C = 45\text{Нм}; 3,4-\text{при } M_C = 60\text{Нм}$$

Рис. 4. Зависимости изменения угловых скоростей шнека конвейера и ротора двигателя от изменения относительной жесткости на кручение упругих шестерен в приводе машины для транспортирования и очистки ворса.



$$1,2-M_o = f(\omega/\omega_p); 3,4-\Delta\dot{\phi}_e = f(\omega/\omega_p);$$

$$1, 4-\text{при } M_C = 55\text{Нм}; 2, 3-\text{при } M_C = 75\text{Нм};$$

Рис. 5. Закономерности изменения нагрузки и размаха колебаний угловой скорости шнека конвейера от относительных значений тепловых потерь муфты.

Анализ полученных графиков показывает, что при увеличении b/b_p от 0,62 до 2,1 нагрузка на вал конвейера увеличивается с 84,1 Нм до 118,3 Нм при $M_c = 55H \cdot м$ и $M_{тр} = 35$ Нм. С увеличением технологической нагрузки момент на валу конвейера увеличивается до (142÷145) Нм. Это приводит к увеличению требуемой мощности системы. Это значительно снижает $\Delta\phi_g$ с 2,7°C до 1,4°C при $M_c = 55H \cdot м$. Это нежелательно. Так как уменьшение $\Delta\phi_g$ снижает очищающее действие хлопкового пуха. Поэтому рекомендуемые значения $b/b_p = (0,6 \div 0,65)$.

Исходя из обоснованных параметров рабочих органов винтового конвейера, был спроектирован и изготовлен опытный образец, общий вид которого представлен на рисунке 6.



а)



б)

Рис.6. Общий вид винтового конвейера с зигзагообразным рабочим профилем для транспортирования и очистки хлопкового линта.

а — общий вид шнека с зигзагообразным профилем; б - Винт, установленный в корпусе машины.

Проведены испытания рекомендуемой конструкции конвейера с зигзагообразной поверхностью шнека в сравнении с существующим вариантом в условиях хлопкоочистительного завода. Результаты представлены в таблице 1.

Таблица 1

Технологические показатели сравниваемых конвейеров

№	Хлопок сорт	Влажность	Вес	Серийный конвейер						Рекомендуемый винтовой конвейер						Разница в среднем очищающем эффекте при транспортировке линта					
				Цельные семена	Пух	Кожица	Мелкий мусор	Угар	Общий мусор	Вывод линта	Цельные семена	Пух	Кожица	Мелкий мусор	Угар	Общий мусор	Вывод линта	грамм	%		
								грамм	%												
1	1	5,93	50	0,076	1,51	1,26	1,28	0,023	4,15	45,84	91,69	0,02	0,48	0,47	0,39	0,01	1,38	48,62	97,05	2,77	5,54
2	2	6,9	50	0,106	1,85	1,66	1,77	0,07	5,47	44,47	88,94	0,056	0,6	0,52	0,63	0,03	1,84	48,16	96,32	3,63	7,37
3	3	7,53	50	0,19	2,39	2,04	2,57	0,15	7,34	42,66	85,32	0,076	0,75	0,87	1,03	0,06	2,87	47,21	94,43	4,56	9,11

Анализ данных табл. 1 показывает, что при использовании шнека с зигзагообразным профилем выбрасываемый пух уменьшается в $(3 \div 3,5)$ раза, а также уменьшается повреждение семян (кожуры) хлопчатника. Отбор мелкого помета увеличен в $(2,0 \div 2,5)$ раза по сравнению с существующим конвейером. Общий очищающий эффект хлопкового линта увеличивается на $(6,0 \div 10,5)\%$ на рекомендуемом конвейере по отношению к серийной машине.

Выводы. Рекомендована новая конструктивная схема конвейера со шнеком с зигзагообразным профилем. В результате теоретических исследований получены законы движения ротора двигателя и шнека конвейера, обоснованы параметры и режимы движения системы. Производственные испытания показали, что рекомендованный зигзагообразный транспортер позволяет значительно увеличить эффект очистки от ворса.

Литература:

1. Мирошниченко Г.И. Основы проектирования машин первичной обработки хлопка. М. Машиностроение. 1972, 486 с.
2. Джураев А. и др. Теория механизмов и машин. Изд. Г.Гулом. 2004, 582 с.
3. Спиваковский А.О. и Дьячков В.К. Транспортирующие машины. Изд. 2-е перераб. И доп. М., Машиностроение, 1968 г., с. 356.
4. Джураев А., Ташпулатов Д.С., Элмонов С.М., Плеханов А.Ф., Жилисбаева Р.О. Разработка ресурсосберегающей технологии очистителя натурального волокна от примесей и обоснование параметров колосника на упругих опорах. Технология текстильной промышленности № 6. 2018, 76-79 с.
5. Джураев А., Юлдашев К., Хусанов Я., Махмудов Л. Винтовой конвейер. Патент. Рес. Узб. № IAP 06472, 31.05.2021, Бюл. №5.
6. Джураев А., Максудов Р. Теория механизмов и машин, учебник, часть, Изд. "Наука и технология". Ташкент, 2019, 300 с.
7. Djurayev A., Yunusov S.Z., Normatov E.A. Analysis of the surface of the arralious double plastic consolidated collector. Scopus. International journal of advanced research science. Engineering and technology. Volume-5, Issue-12, December 2018, p. 7578-7582.
8. Джураев А., Юлдашев К. "Dynamics of the Screw Conveyor for Transportation and Cleaning of Fiber Material" International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 29, No. 5, (2020), pp. 8557-8566. ISSN: 2005-4238.
9. Djurayev A., Daliyev Sh.I., Development of the design and justification of the parameters of the composite flail drum of a cotton cleaner. European sciences reiew scientific journal. № 7-8, 2017, p.96-100.
10. Djuraev A., Mamakhanov A., Yuldashev K., "Analysis of experimental studies of noise in a transmission with a belt-element chain and stars" FerPI, "Journal of Scientific Technology" 2020. 25-31.

CHET TILIDA OG‘ZAKI NUTQNI RIVOJLANTIRISHGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR

N.Merganova - pf.f.d. (PhD),
FarDU nemis tili o‘qituvchisi
parizod_de@mail.ru

M.Jaloldinova
FarDU nemis tili yo‘nalishi talabasi

***Annotatsiya:** Mazkur maqolada chet tilda og‘zaki nutqni rivojlantirishda ijtimoiy-siyosiy ta’sir, motivatsiya kabi omillarning roli, nutqni rivojlantirishdagi usul va texnologiyalar kabilar to‘g‘risida so‘z boradi.*

***Kalit so‘z va iboralar:** ruhlantirish, til tajribasi, motivatsiya, ta’lim strategiyalari, til qobiliyati, ziyolilik, ijtimoiy-siyosiy ta’sir.*

Farzandingiz qalamni to'g'ri ushlab tursa va charchamasa, u naqsh bosqichini boshlashga tayyor hisoblanadi. Kauchuk qalam tutqichlaridan foydalanish (bu qiziqarli narsalar kabi) juda katta farq qiladi, chunki ularning barmoqlari yoshligidanoq to'g'ri holatda bo'ladi. Qalamni ushlab - bu noto'g'ri odat paydo bo'lgandan keyin tuzatish juda qiyin bo'lgan yana bir narsa. Men birinchi sinfga dars berganimda, biz harflarga o'tishdan oldin yilning birinchi qismini naqshlar bilan o'tkazardik. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun yozishdan oldingi ko'nikmalarning ahamiyati To'g'ri qalam tutqichidan foydalaning. Harflar birinchi navbatda keng miqyosda kiritiladi - masalan, katta qog'ozga yoki doskaga yoziladi. Shakllantirish keng miqyosda qo'llanilganda, bola bir nechta qatorli maxsus qog'ozga yozishni boshlashga tayyor. Bolalar to'g'ri nuqtadan boshlashni va har bir harf uchun tartibni bajarishni o'rganishlari kerak (masalan, "b" harfini yuqoridan boshlash, pastga, yuqoriga va o'ngga aylanib, aylanani yopish). Shuningdek, ular harflar orasida bo'sh joy qoldirishni o'rganadilar. Keyingi bosqich so'zlarni hosil qilish uchun harflarni birlashtirib, keyin bo'shliqlar bilan ajratiladi. Keyin bu so'zlar jumlar hosil qiladi va oddiy tinish belgilarini kiritish mumkin, masalan, bosh harflar va nuqtalardan foydalanish. Harflarni to'g'ri

shakllantirish - to'g'ri joydan boshlab, to'g'ri yo'nalishda harakat qilish muhim hisoblanadi. Bola harflarni to'g'ri shakllantirish uchun etarli darajada nazoratga ega bo'lishidan oldin, ular harflardagi naqsh va shakllarni tushunishlari kerak. Bu harflar kiritilishidan ancha oldin, shakllar, boshqotirmalar, pegboards, chizma naqshlari va boshqalar bilan oddiy harakatlar orqali amalga oshiriladi. Keyin chiziqqa naqshlarni yozish, masalan, zig-zag chiziqlar yasash, aylana naqsh va chiziqlarni chizish kabilar kiritiladi. Ular harflarni shakllantirishda qo'llaniladigan shakllarga taqlid qiladi (masalan, ilon naqshlarini yasash "s" harfini shakllantirishga yordam beradi, zig-zaglar "A" bosh harfida, aylana va spiral naqshlar "c" harfini shakllantirishga yordam beradi). Qiziqarli mashg'ulotlardan tortib kundalik o'qish va yozish mashg'ulotlarigacha, bolalarning yozish ko'nikmalarini qanday yaxshilash bo'yicha ushbu maslahatlar farzandingizga qisqa vaqt ichida o'z mahoratini oshirishga yordam beradi. Ushbu oddiy va qiziqarli bolalar yozish faoliyati bilan bolangizning muloqot qobiliyatlarini yaxshilang.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Bondarenko A.K. Bolalar bog'chasida didaktik o'yinlar: bolalar bog'chasi o'qituvchisi uchun qo'llanma. - M: Ma'rifat, 1985. - 176s., kasal. - (B-ka "Qishloqdagi bolalar bog'i").
2. Venger L.A., Muxina V.S. Psixologiya: Pedagogika maktablari talabalari uchun 2002-sonli «Maktabgacha ta'lim» va 2010-sonli «Maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim» ixtisosligi bo'yicha o'quv qo'llanma. -M.: Ma'rifat, 1989. - 336-yillar.
3. Voloshkina M.I. Bolani maktabga tayyorlashda didaktik o'yin: Darslik. Ed. V. G.Goretskiy. Moskva-Belgorod. 1995. 152b.
4. Amonoshvili Sh.Ya. Shaxsni yaratgan - M:, 1982 yil.
5. Afonkina Yu. Maxsus kurs - pedagogik o'yinning psixologik-pedagogik muammolari. - Maktabgacha ta'lim No 9, 1998. - 91-b
6. Maktabgacha yoshdagi bolalarning rivojlanishiga qo'yiladigan davlat talablari 2018 yil 18.06
7. Takomillashtirilgan 'Ilk qadam' o'quv dasturi 2018 yil 7.07.
8. Majburiy bepul maktabga bir yillik tayyorlov guruhi uchun 'Ilm yo'li' o'quv dasturi 2020y
9. Entwisle, D. R. va Alexander K. L. (1993). Maktabga kirish: boshlang'ich maktabga o'tish
10. Uyda savodxonlik faoliyati va belgilari bolalarning rivojlanayotgan savodxonligi, 1993 va 1999. (NCES 2000-026). V. 1993 va 1999. (NCES 2000-026). V.

Jurnallar

11. Eshbekova G. Maktabgacha yoshdagi bolalarga yozishni o'rgatish vazifasini amalga oshirishda o'yinlardan foydalanish. journal of innovations in social sciences.: 01 | Jan - 2023 ISSN: 2181- Volume: 03 Issue 2594
12. Eshbekova G. Bolalarni maktabga tayyorlashning yozishga o'rgatish bosqichida psixofiziologik xususiyatlarini inobatga olish masalasi. Международный научный журнал № 6 (100), часть 3 «Новости образования: исследование в XXI веке» январь, 2023
13. Eshbekova G. Tarbiyachining ma'naviy qiyofasi hamda kasbiy mahoratining bolalar bilan muloqotni tashkil etish shakllariga ta'siri. Journal of innovations in social sciences Volume: 02 Issue: 01 | 2022 ISSN: 2181-2594

ҚАЛМОҚҚИР КОНИ ОКСИДЛАНГАН 9-УЮМДАГИ РУДА НАМУНАСИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИНИ ЎРГАНИШ

Хакимов Камол Жўраевич

т.ф.ф.д. Термиз муҳандислик-технология институти
Нефть-газ ва кончилик иши кафедраси мудири

Ёрматов Достонбек Ашурмамат ўғли

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
Кончилик иши кафедраси магистранти

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда дунё миқёсида XXI аснинг ривожланиш стратегияси «Барқарор ривожланиш моҳияти» деб ном олган бўлиб, иқтисодиётнинг ривожланиши - биосфера барқарор мувозанатини бузмаган ҳолатда, табиий иқлимни ва ривожланиб бораётган муҳитни бузмаган ҳолатда олиб борилишини назарда тутди. Бу ўринда, техноген чиқиндилар жаҳон иқтисодиёти барқарор ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммо сифатида қаралиб, техноген чиқиндиларни ҳосил қилувчи етакчи корхоналар сифатида рангли металлургиянинг энг жадал ривожланувчи соҳаси мис, олтин ва кумуш ишлаб чиқариш саноати пешқадамлик қилади. Бунда техноген чиқиндиларни қайта ишлаб рангли ва нодир металлларни ажратиш олиш технологияларини яратиш ҳамда амалиётга қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Калим сўзлар: *чиқинди, оксидланган руда, намуналарда углерод миқдори, кимёвий таркиби, Геологик-технологик хариталаш, Хлорит ва каолинит сульфат кислота, агдарма.*

ABSTRACT

Today, the development strategy of the 21st century on a global scale is called the "essence of sustainable development", referring to the fact that the development of the economy - in a state that does not violate the stable balance of the biosphere, does not violate the natural climate and the developing environment. In this place, man-made waste is considered as a problem that prevents the sustainable development of the world economy, and the most dynamically developing industry of non-ferrous metallurgy, as the leading enterprises producing man-made waste, is the leading copper, gold and silver manufacturing industry. It is important to create and apply technologies for the extraction of non-ferrous and rare metals by recycling man-made waste.

Keywords: *waste, oxidized ore, carbon content in samples, chemical composition, geological-technological mapping, chlorite and kaolinite sulfuric acid, overturning.*

Оксидланган 9 уюмдаги руда намуналарининг кимёвий таркиби берилган. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ даги оксидланган руда намуналарининг кимёвий таркиби 81,51–85,0% га литофилли компонентларда ифодаланган.

Ҳар хил намуналарда углерод миқдори 0,084 дан 0,295% гача ўзгариб туради яни углерод икки оксидининг масса улуши 0,30 дан 1,08% гачани ташкил этади.

Намуналарда карбонатларнинг нисбатан кам миқдори маъданларнинг кислотани ўртача истеъмол қилишидан дарак беради, бу мисни сульфат кислотали танлаб эритмага ўтказиш учун мақул ҳисобланади.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати АЖ даги оксидланган маъданлар намуналаридаги маъдан ҳосил қилувчи элементлар темир ва олтингугурт билан ифодаланган. Темир миқдори 4,0-7,10% даражада бўлади.

Оксидланган шаклдаги темир кўпдир. Олтингугуртнинг масса улуши 0,20-2,2% ташкил этади. Оксидланган маъданларда асосий қимматбаҳо компонентлар мис ва олтин ҳисобланади.

Намуналарда мис миқдори 0,120-0,7% чегараларда бўлади. 9 - уюм намуналарида Си деярли тўлиқ оксидланган шаклда бўлади, 92,0-95,0% ташкил этади. Айрим намуналарда сульфидли ва оксидланган Си нисбатан тенг ўзаро нисбатда бўлади. Барча намуналарда оксидланган Си эркин шаклда кўпроқ бўлади. Сульфидли Си кўпгина намуналарда нисбатан тенг ўзаро нисбатда ҳам бирламчи сульфидларда ҳамда иккиламчи сульфидларда учрайди.

Оксидланган 9 - уюм намуналарида олтин миқдори мос равишда 1,65 ва 1,4 г/т ташкил этади. Қолган намуналарда олтин миқдори 0,38 дан 0,49 г/т гача кумуш эса ўртача 1,5 г/т ўзгариб туради.

Геологик-технологик хариталаш намуналарининг қуйидаги минералли таркиби 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Оксидланган маъдан намуналарининг минерал таркиби

Минерал	Намунадаги масса улуши, %
	№ 9-уюм намунаси
Жинслар ҳосил қилувчи минераллар	
Кварц	52,5
Дала шпатлари	19,4
Мусковит, серицит, гидрослюда, каолинит	12,3
Хлорит	9,5
Карбонатлар (кальцит, доломит)	1,3
Гипс	-

Руда ҳосил қилувчи минераллар	
Пирит	0,25
Миснинг сульфидли минераллари	0,2
Миснинг оксидли минераллари	0,8
Соф ҳолдаги мис	-
Молибденит	Жуда кам
Бошқа сульфидлар (галенит, арсенопирит, сфалерит)	ўта кам
Темир гидроксидлари, ярозит	2,8
Акцессорлилар	0,9
Жами	100

Олмалик кон-металлургия комбинати АЖ даги оксидланган маъданларининг намуналари 93,1-95,6% жинс ҳосил қилувчи минераллардан ифодаланган. Слюдали минералларнинг (мусковит, серицит, хлорит) юқори улуши мавжудлиги рудани қайта ишлашда қийинчилик туғдириши мумкин, чунки бу минералларда шламланишга мойиллик мавжуд.

Маъданларда 0,65-1,8% миқдордаги карбонатлар ва темир гидроксидлари (2,0-5,0%) мисни уюмда танлаб эритмага ўтказиш жараёнида сульфат кислота билан ўзаро таъсирда бўлади.

Хлорит ва каолинит сульфат кислота билан қисман ўзаро таъсирда бўлиши мумкин. Ушбу минералларнинг эриши темир, магний, алюминий, кремний каби металллар-аралашмаларнинг эритмага ўтиши билан бирга кечади.

Оксидланган маъдан намуналарида маъданли минералланиш сульфидлардан ва темир ҳамда мис оксидлари билан ифодаланган. Пирит миқдори ҳар хил намуналарда 0,2 дан 3,5 % гача ўзгариб туради.

Мис сульфидлари улушига 0,2 дан 0,4% гача тўғри келади. Оксидланган 9-уюм намунасида мис сульфидлари ягона белгилар миқдорда белгиланади. Оксидланган 9-уюм намуналарида мис оксидлари 0,9-1,5% миқдорда бўлади. Айрим намуналарда уларнинг улуши 0,1-0,3% ташкил этади. Темир оксидлари 2,5-5,0% миқдорда бўлади. Мис бўйича 9-уюм намуналари оксидланиш даражаси маъданнинг оксидланган турини, темир бўйича оксидланишга яқин, аралаш турни ифодалайди.

Балансдан ташқари маъдан намунасининг кимёвий таркиби.

«Қалмоққир» кони маъдан намунасининг кимёвий таркиби таҳлилнинг оптик-эмиссияли, атомли-абсорбцияли, ИК-спектроскопик, гравиметрик, титриметрик ва фотометрик усулларида фойдаланиб аниқланди. Олтин ва кумуш миқдори бевосита пробали таҳлил усули билан аниқланди. Дастлабки маъдан намунасининг кимёвий таркиби 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

Дастлабки руда намунасининг кимёвий таркиби

Элемент, компонент	Масса улуши %	Элемент, компонент	Масса улуши %
SiO ₂	57,92	Fe _{сульфид}	1,81
Al ₂ O ₃	14,3	S _{общ}	2,48
CaO	2,86	S _{сульфат}	0,84
K ₂ O	3,48	Cu	0,4
Na ₂ O	<1,0	Zn	0,044
MgO	3,86	Pb	0,020
MnO	0,20	As	0,0056
P ₂ O ₅	0,18	Ba	0,040
TiO ₂	0,65	Mo	0,0050
C _{общ}	0,50	Co	0,0018
CO ₂	2,10	Sr	0,0096
Fe _{общ}	6,48	Au, г/т	1,54
Fe _{окисл}	4,76	Ag, г/т	2,10

Изоҳ: Sb, Cd, Cr, Ni, Sn, W, Bi, Hg, Se, Te, Re миқдори аниқланган чегарадан паст бўлади.

2-жадвалда берилган маълумотлар бўйича шу нарса аниқландики, «Қалмоққир» кони балансдан ташқари маъдан намунасининг кимёвий таркиби 85% литофилли компонентлардан ифодаланган. Улардан асосийларидан бири кремнезем ҳисобланади, унинг улушига 57,92 % тўғри келади. Ишқорли ва ишқорли ер металлариининг жами миқдори 11,8 % ташкил этади. Массаси бўйича ишқорли ер металлари устундир. Намунадаги натрий оксиди улуши аниқлангандан паст даражада бўлади.

Углерод миқдори 0,50 % ташкил этади. Углерод икки оксидининг масса улуши 1,6 % ташкил этади. «Қалмоққир» конининг дастлабки маъдан намунасида маъдан ҳосил қилувчи элементлар темир ва олтингугуртдан ифодаланган. Темир миқдори 6,48% даражада бўлади ва оксидланган шаклдаги темир кўп миқдорда бўлади. Олтингугуртнинг масса улуши 2,48% ташкил этади. 30% чамаси олтингугурт сульфатли шаклда бўлади, мутлақ миқдорда 0,84% ташкил этади ва қолган олтингугурт сульфидли минераллар таркибига киради.

«Қалмоққир» конининг руда намунасида рангли металллар орасида мис 0,175% миқдорда аниқланган. Мис учун фазавий таҳлил бажарилган. Таҳлил натижалари 3-жадвалда берилган.

3-жадвалда маълумотлари бўйича шу нарса аниқландики, мис 60% сульфидли шаклда ифодаланган, 48% мис оксидланган шаклда бўлади, бу мутлақ миқдорда 0,09% ташкил этади.

3-жадвал

Балансдан ташқари маъдан намунасида миснинг фазавий таҳлили

Миқдори	Мис шакллари				Жами
	Сульфидли		Оксидланган		
	Бирламчи Сульфидлар	Иккиламчи Сульфидлар	Боғланган	Эркин	
Мутлақ,%	0,085	0,010	0,019	0,053	0,164
Нисбий,%	50,8	7,0	12,0	30,2	100,0

Бошқа рангли металллар, шунингдек, мышьяк, сурьма ва симоб каби зарарли аралашмалар намунада фоизининг юз ва минг улушидан ошмаган миқдорда бўлади.

4-жадвалда паспорт маълумотлари бўйича балансдан ташқари маъдан намунасидаги мис ва молибден миқдори берилган.

4-жадвал

Балансдан ташқари маъдан намунаси паспорти маълумотлари

Элемент	Миқдори
Cu,%	0.168
Mo,%	0.0079

Балансдан ташқари маъдан намунасидаги олтин ва кумуш миқдори бевосита пробали таҳлил усули билан аниқланди. Натижалар ишончилигини ошириш учун таҳлил тўртта параллел тортилган миқдорларда бажарилди. Пробали таҳлил натижалари 5-жадвалда келтирилган. Пробали таҳлил маълумотлари бўйича намунада олтиннинг ўртача миқдори 0,46 г/т ташкил этади, намуна чегараларида ушбу кўрсаткич озроқ ўзгаради. Кумуш миқдори ўртача 2,24 г/т ташкил этади.

5-жадвал

Балансдан ташқари намунада олтин ва кумушнинг пробирли таҳлили натижалари

Тортилган руда рақами	Миқдори, г/т	
	Au	Ag
1	0.51	1.85
2	0.36	1.76
3	0.42	2.41
4	0.47	2.28
Ўртача	0.46	2.24

Кимёвий таҳлил маълумотлари бўйича балансдан ташқари маъдан намунасидаги мис миқдори паспортдаги маълумотларга мос келади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Xasanov A.S., Hakimov K.J Shukurov A.Yu., Boymurodov N. A. Nurxonov F.A. Features of involvement in the processing of industrial waste from mining and metallurgical industries // «International Journal of Creative Research Thoughts (IJCRT)». Impact Factor 7.97 (ISSN: 2320-2882) Volume 8, Issue 12, December 2020, pp.1315-1320

2. Хасанов А. С., Хакимов К. Ж., Хўжакулов А. М. Кончилик саноати техноген чиқиндиларини қайта ишлаш технологияси ва инновацион ёндашув таҳлили // Инновацион Технологиялар 2021/1(41)-сон, - Қарши, 2021, - С. 7-11 (05.02.01; №38).

3. Хасанов А.С., Хакимов К.Ж., Қаюмов О.А., Шукуров А.Ю., Соатов Б.Ш. Изучение химического вещественного состава шлаков медеплавильного производства, кеков, клинкеров и других отходов металлургических производств. // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. 2021, 2(83). URL: <https://7universum.com/ru/tech/archive/item/11313> (дата обращения: 25.02.2021. - С. **70-73 (02.00.07; №1)**).

4. Хасанов А.С., Хакимов К.Ж., Хўжакулов А.М., Шукуров А.Ю. Мирзанова З.А. Чодак кони техноген чиқиндиларини қайта ишлаш имкониятлари” // ФарПИ ИТЖ, НТЖ ФерПИ, 2021, Т.25, №5, - С. 227-231 (05.02.01; №20).

5. Hakimov K.J., Eshonqulov U.X., Amanov T.S., Umirzoqov A.A. Complex Processing Of Lead-Containing Technogenic Waste From Mining And Metallurgical Industries In The Urals The american journal of engineering and technology (TAJET) SJIF-5.32 DOI-10.37547 /tajet September 28, 2020 The USA Journals, USA. **P. 102-108.**

6. Хасанов А.С., Хакимов К.Ж., Қаюмов О.А., Эшонқулов У.Х., Соатов Б.Ш. Техногенные отходы – перспективное сырье для металлургии Узбекистана в оценке отвальных хвостов фильтрации медно-молибденовых руд» // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. Universum: технические науки Выпуск: 12(81), 12.2020, часть 1, - Москва, - С. **54-58 (02.00.07; №1)**.

7. Қаюмов О.А., Хакимов К.Ж., Эшонқулов У.Х., Боймуродов Н.А., Норкулов Н.М. Изучение химического, гранулометрического, фазового состава золотосодержащих смешанных руд» // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. Universum: технические науки, Выпуск: 3(84), 03.2021, часть 1, - Москва, - С. **71-75 (02.00.07; №1)**.

HOZIRGI KUNDA FOSFOGIPSDAN FOYDALANISH

Obitjonova Vazira Rustamxon qizi

Namangan davlat Universiteti

Noorganik, analitik va noir meallar kimyosi yo'nalishi magistranti

e-mail: vazirarustamovnaa@gmail.com

ANNOTATSIYA

Gipsni fosfogipsdan flotatsiya usuli bilan ajratish bir qator bosqichlarni o'z ichiga oladi. Birinchidan, fosfogips bo'lgan xom ashyo maydalanadi va mayda zarrachalarga aylanadi. Keyinchalik, tuproq materiali suv va flotatsiya agenti bilan aralashtiriladi, bu odatda sirt faol moddasi yoki kollektordir. Flotatsiya agenti suyuq aralashmaning yuzasida gips va fosfogips zarralarini o'z ichiga olgan ko'pik hosil qilishga yordam beradi. Keyin ko'pik ajraladi va gips zarralari fosfogips zarralaridan ajratiladi. Keyin ajratilgan gips zarralari yuviladi va qolgan suv yoki aralashmalarni olib tashlash uchun quritiladi. Bu jarayon gipsni fosfogipsdan ajratishning samarali usuli hisoblanadi, chunki flotatsiya agenti gips zarrachalariga tanlab biriktirilib, ularni fosfogips zarralaridan ajratish imkonini beradi. Umuman olganda, flotatsiya usuli gips mahsulotlarini ishlab chiqarishda muhim jarayon bo'lgan fosfogipsdan gipsni ajratishning samarali va tejamkor usuli hisoblanadi.

Kalit so'zlar: fosfogips, gips, flotatsiya, konsentrat, yog' kislotasi, pH, gidrofob, gidrofil.

ANNOTATION

The separation of gypsum from phosphogypsum by flotation method involves a series of steps. Firstly, the raw material, which is phosphogypsum, is crushed and ground into fine particles. Then, the ground material is mixed with water and a flotation agent, which is usually a surfactant or collector. The flotation agent helps to create a froth on the surface of the liquid mixture that contains the gypsum and phosphogypsum particles. The froth is then skimmed off and the gypsum particles are separated from the phosphogypsum particles. The separated gypsum particles are then washed and dried to remove any remaining water or impurities. This process is an effective method for separating gypsum from phosphogypsum, as the flotation agent selectively attaches to the gypsum particles, allowing them to be separated from the phosphogypsum particles. Overall, the flotation method is an efficient and economical way to separate gypsum from phosphogypsum, which is an important process in the production of gypsum products.

Key words: phosphogypsum, gypsum, flotation, concentrate, fatty acid, pH, hydrophobic, hydrophilic.


АННОТАЦИЯ

Отделение гипса от фосфогипса методом флотации включает ряд стадий. Во-первых, сырье, которым является фосфогипс, измельчается и измельчается до мелких частиц. Затем измельченный материал смешивают с водой и флотационным агентом, которым обычно является поверхностно-активное вещество или собиратель. Флотационный агент способствует образованию пены на поверхности жидкой смеси, содержащей частицы гипса и фосфогипса. Затем пену снимают, а частицы гипса отделяют от частиц фосфогипса. Отделенные частицы гипса затем промывают и сушат для удаления любой оставшейся воды или примесей. Этот процесс является эффективным методом отделения гипса от фосфогипса, поскольку флотоагент избирательно присоединяется к частицам гипса, позволяя отделить их от частиц фосфогипса. В целом, метод флотации является эффективным и экономичным способом отделения гипса от фосфогипса, что является важным процессом в производстве гипсовых изделий.

Ключевые слова: *фосфогипс, гипс, флотация, концентрат, жирная кислота, рН, гидрофобность, гидрофильность.*


KIRISH

Fosfogips fosforitdan fosfat kislotasi ishlab chiqarishdagi chiqindi mahsulotidir. Bu turli xil usullar yordamida fosfogipsdan ajratilishi mumkin bo'lgan turli xil darajadagi aralashmalarni, shu jumladan gipsni o'z ichiga olgan chiqindi materialdir. Hozirgi kunda fosfogipsning hosil bo'lishini hisobga oladigan bo'lsak, undan foydalanish uni yo'q qilish yoki tashish har tomolama: ekologik va iqtisodiy jihatdan samaralidir. Shu sababli, so'nggi yillarda FGni qayta ishlash, undan to'g'ri maqsadda foydalanish imkoniyatlari kengaymoqda. Nashrlar soniga ko'ra (1-rasm), fosfogipsga bo'lgan qiziqish ikkilamchi xom ashyo manbai sifatida so'nggi o'n yil ichida sezilarli darajada oshdi. Dastlab, fosfogips asosan qurilish, sement, yo'l qurilishi, qishloq xo'jaligi sanoatida foydalanilgan. Biroq, so'nggi 10-20 yil ichida atrof-muhitga berilgan antropogen bosimning kuchayishi va buning natijasida tabiiy inqiroz tufayli xomashyo manbalariga munosabat o'zgardi. Fosfogips ko'p foydali xususiyatlarga ega elementlar, jumladan kaltsiy, fosfor, nodir yer elementlarining manbai sifatida qaraladi, shu jumladan, texnologik jarayonlarda mineral resurs sifatida foydalaniladi.



1-rasm. Fosfogips tadqiqotlari sohasidagi nashr qilish tendentsiyalari (makolalar soni) (Scopus ma'lumotlar bazasidan foydalangan holda).

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlarga qaraydigan bo'lsak hozirgi kunda fosfogipsni o'rganishga bo'lgan e'tibor ancha ortgan. Jumladan AQSh, Germaniya, Xitoy va Yevropadagi ko'p davlat olimlari bu borada keng ishlarni amalga oshirishganva bu tadqiqotlar haligacha tugagani yo'q. Jumladan FG tarkibi o'rganilganda unda ko'plab birikmalar bilan birga nodir metallar aniqlangan. Jumladan, stronsiy, ittiriyl kabi elementlar spektrda topilgan.



2-rasm. Fosfogips namunasining element spektri.

FG flotatsiyasi

Gips ajratib olishning eng samarali usullardan biri flotatsiya usuli bo'lib, u ikki xil mineralni tanlab ajratish uchun kimyoviy reagentlar va fizik jarayonlardan foydalanishni o'z ichiga oladi. Flotatsiya jarayoni minerallarning qolgan qismini cho'kmada qoldirib, yuzaga qalqib chiqish uchun havo pufakchalarini muayyan mineral sirtlarga tanlab biriktirish printsipiga asoslanadi. Gipsni fosfogipsdan ajratishda kollektor reaktivi odatda yog ' kislotasi yoki uning tuzi bo'lib, gips zarralari

yuzasiga adsorbsiyalanadi va ularni gidrofobik qiladi. Gidrofobik zarralar havo pufakchalariga yaqinlik xususiyatiga ega va ularni havo flotatsiyasi orqali gidrofil zarrachalardan ajratish mumkin.

Flotatsiya jarayoni bir necha bosqichlarni o'z ichiga oladi, jumladan, namuna tayyorlash, konditsionerlash, ko'pikni flotatsiya qilish, ko'pikni yig'ish va suvsizlantirish. Birinchi qadam fosfogips namunasini quritish, maydalash va mayda kukunga aylantirishni o'z ichiga oladi. Keyin namuna suv va kollektor reaktivi bilan aralashtiriladi va gips zarralari yuzasida kollektorning to'g'ri adsorbsiyasini ta'minlash uchun ma'lum bir muddatga sovutiladi. Flotatsiyada eng yaxshi natijalarga erishish uchun pH, harorat va reagent dozasini sozlash orqali optimallashtirish mumkin.

Sovutilgandan so'ng, havo pufakchalari flotatsiya mashinasi yoki ko'pikli flotatsiya kamerasi yordamida aralashmaga kiritiladi. Havo pufakchalari gips zarrachalariga yopishadi va ular aralashmaning yuzasiga suzib, ko'pikli qatlam hosil qiladi. Gips bo'lmagan va boshqa minerallar tarkibiga kiruvchi zarralar eritmaning tubiga cho'kadi. Gips zarralarini o'z ichiga olgan ko'pikli qatlam yig'iladi va alohida idishga o'tkaziladi. Keyin to'plangan ko'pik ortiqcha suvni olib tashlash va gipsning quruq konsentratini olish uchun filtrlash yoki quritish jarayoni yordamida suvsizlantiriladi.

Flotatsiya usulida olingan gips konsentratining sifati va tozaligi turli omillarga, masalan, ishlatiladigan kollektor reaktivining turi va miqdori, aralashmaning pH darajasi, aralashmalar konsentratsiyasiga bog'liq. Konsentrat odatda tahlil qilinadi va kerakli xususiyatlarga mos kelishini ta'minlash uchun sifati uchun sinovdan o'tkaziladi.


Flotatsiya usulining afzalliklaridan biri shundaki, u sanoat dasturlari uchun osonlik bilan kengaytirilishi mumkin. Usul, shuningdek, juda selektiv bo'lib, turli xil minerallarni ajratish uchun ishlatilishi mumkin. Biroq, flotatsiya jarayoni murakkab bo'lishi mumkin, malakali operatorlar va maxsus jihozlarni talab qiladi. Jarayon, shuningdek, katta miqdorda oqava suv va boshqa ekologik muammolarni keltirib chiqarishi mumkin.

Olingan natijalar tahlili

Flotatsiya Wroclaw Fan va Texnologiyalar Universitetida FG namunasi 1 L XFD tipidagi flotatsiya mashinasida o'tkazilgan. Bunda 200g namunaga 1% li ohakdan 2g qo'shib 5 daqiqa davomida aralashtiriladi. Bundan ko'zlangan maqsad, eriydigan fosfor va ftorni cho'ktirish. Keyin qarag'ay yog'ini qo'shiladi. Namunalar filtrlanadi, 40 °C da quritiladi, tortiladi. Namuna oqligi Shanghai Yuefeng Instrument Co., Ltd SBDY-1P oqlik o'lchagichi tomonidan tekshirilgan. Namunadagi umumiy

fosfor to'liq uzunligi dispersiv rentgen floresansi yordamida o'lchandi. Spektrometr (XRF) va namunadagi eruvchan fosfor va ftor ion bilan aniqlandi.

Eriydigan fosfor va ftorning to'liq cho'kishi uchun ohak qo'shilgandagi (FG bilan massa nisbatida qo'shiladi) eruvchan fosfor konsentratsiyasiga ta'siri va FGdagi ftor tekshirildi va 3-rasmda ko'rsatilgan natijalarga erishildi.



3-rasm. Ohak tarkibining PGdagi eruvchan fosfor va ftor konsentratsiyasiga ta'siri.

Xulosa

Xulosa qilib aytganda, Fosfogips chiqindilarining shakllanishi, saqlanishi va haqiqiy yo'q qilinishi muammosi bugungi kunda to'liq hal etilmagan. Mavjud chiqindixonalar ifloslanishni keltirib chiqaradi. Atmosfera, yer osti suvlari, tuproq va qo'shni hududlarning o'simliklari begonalashishiga olib keladi. Shu bilan birga, ushbu chiqindilar hali ham foydali fizik, kimyoviy va biokimyoviy xususiyatlarga ega bo'lib, bu ularning atrof-muhitni muhofaza qilish doirasini kengaytirish imkonini beradi. Shu sababli, ushbu tadqiqotda FG chiqindilaridan samarali foydalanish usullari ko'rib chiqildi va tahlil qilinadi. Fosfogips bo'yicha hozirgi tadqiqotlar tahlili asosida biz uning tarkibiy qismlarini bilgan holda, fosfogipsdan eng samarali foydalanish imkonini berishini aniqlandi. Flotatsiya usuli gipsni fosfogipsdan ajratishning samarali va kamxarj usuli hisoblanadi. Usul ikkita mineralni tanlab ajratish uchun kimyoviy reagentlar va fizik jarayonlardan foydalanishni o'z ichiga oladi. Jarayonni eng yaxshi natijalarga erishish uchun pH, harorat va reagent dozasi kabi sharoitlarni sozlash orqali optimallashtirish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI: (REFERENCES)

1. Jinming Wang, Faqin Dong, Zhaojia Wang, Feihua Yang, Mingxia Du, Kaibin Fu, Zhen Wang A novel method for purification of phosphogypsum Wroclaw University of Science and Technology 2020
2. Yelizaveta Chernysh, Olena Yakhnenko, Viktoriia Chubur and Hynek Roubík Phosphogypsum Recycling: A Review of Environmental Issues, Current Trends, and Prospects Czech University of Life Sciences Prague 2021
3. Kasimov, A.M.; Leonova, O.E.; Kononov, Y.A. Utilization of phosphogypsum with available materials for the production of gypsum binders. In *Cooperation in Solving Waste Problems, Proceedings of the 4th International Conference, Kharkov, Ukraine, 31 January–1 February 2007*; EcoInform: Kharkov, Ukraine, 2007; pp. 120–122. (In Russian)
4. Sharipov, T.V. Processing Karate Phosphorites into Sodium Hexafluorosilicate. Dissertation, Bashkir State University, Kazan, Russia, 2014. (In Russian)
5. Donskikh, I.V. The influence of fluorine and its compounds on people’s health (literature review). *Acta Biomed. Sci.* **2013**, *3*, 179–185. (In Russian)
6. ATTALLAH M.F., METWALLY S.S., MOUSSA S.I., SOLIMAN MOHAMED A., 2019. Environmental impact assessment of phosphate fertilizers and phosphogypsum waste: Elemental and radiological effects. *Microchemical Journal*.146, 789-797.
7. ALCORDO I. S., RECHCIGL J. E., 1993. Phosphogypsum in Agriculture: A Review. *Advances in Agronomy*. 49, 55-118

BOSHLANG‘ICH TA‘LIMDA INTERFAOL DARSLARGA QO‘YILADIGAN TALABLAR

Xoldarova Iroda Valijonovna

FDU Boshlang‘ich ta‘lim uslubiyoti kafedراسi mudiri (PhD)

Barakayeva Mohigul Muzaffar qizi

FDU 2-kus magistranti

ANNOTATSIYA: Ushbu maqolada boshlang‘ich sinf ona tili va o‘qish savodxonligi predmetini o‘rganish jarayonida interfaol darslarni tashkil etish va unga qo‘yiladigan talablar yoritib berilgan. Interfaol darslarga qo‘yiladigan tarbiyaviy, psixologik, didaktik, gigiyenik talablarga alohida to‘xtalib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: An‘anaviy dars, interfaol dars, didaktika, faollashtirish, rivojlantirish, diolog, innovatsiya novatsiya.

REQUIREMENTS FOR INTERACTIVE LESSONS IN PRIMARY EDUCATION

ABSTRACT: This article describes the organization of interactive lessons in the elementary school process and requirements for it. Educational, psychological, didactic, hygienic requirements for interactive lessons are discussed.

Key words: Traditional lesson, interactive lesson, didactica, activation, development, dialogue, innovation novation.

KIRISH. Bugungi kun talabidan kelib chiqqan holda boshlang‘ich sinflarda interfaol metod asosida ona tili va o‘qish savodxonligi predmetini o‘rganish jarayoni va uni samaradorligini tashkil etish bo‘yicha ilmiy-metodik va amaliy tavsiyalar ishlab chiqish nihoyatda dolzarb masaladir. Shundan kelib chiqib, interfaol darsga qo‘yiladigan talablar xususida to‘xtalib o‘tamiz:

Interfaol darsga qo‘yiladigan talab asosan, jamiyatimizning ehtiyojlaridan kelib chiqadi. Jamiyatning rivoji hayotning barcha jabhalariga shu jumladan, ta‘lim mazmuniga, dars tuzilishiga, qolaversa, insonning kundalik faoliyatiga albatta, o‘z ta‘sirini o‘zkazishi tabiiydir. XX asrning oxiri va XI asr boshida jamiyatimizning mustaqillikka erishganligi, bozor iqtisodiyotiga asoslangan munosabatlarning shakllanishi, milliy istiqlol mafkurdasining vujudga kelishi, o‘z tilimiz, tariximiz va

ma'daniyatimizdagi tiklanish, axborotlar xajmining keskin ko'payishi, fan va texnika taraqqiyoti bu ta'lim tizimini, uning asosiy xalqasi bo'lgan darsni mazmunan isloh qilishni taqozo qiluvchi zaruriy omillardir. Keyingi yillarda metodik adabiyotlarda, "an'anaviy dars", "noan'anaviy dars", "interfaol dars" degan iboralarni ko'plab uchratamiz. Shu o'rinda "interfaol darsning o'zi nima?- degan savolga aniqlik kiritishimiz zarur".

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Interfaol dars haqida ba'zi bir olim, metodist, maktabda ishlayotgan o'qituvchilarning fikrini keltirmoqchimiz.

M.A.Danilov, M.N.Skatkinlar "Interfaol dars—o'quv jarayonini faollashtirishdir" deyilar.

V.V.Davidov va D.B.Elkonin "Interfaol dars—nazariy tafakkurni rivojlantirish" deyilar.

V.V.Shatalov "Interfaol dars—har bir o'quvchini va hammani o'qitish" deb hisoblaydi.

O'zbekistondagi pedagog, olimlar ham o'z tadqiqotlari davomida interfaol dars muammolariga e'tiborni qaratib "Interfaol dars –eng avvalo, o'quvchi shaxsining ta'lim olish ehtiyojlarini mustaqil tarzda qondirishga o'rgatuvchi usullar majmui" deb ko'rsatishadi. Mazkur fikrlar, darsdagi asosiy e'tiborni o'qituvchi faoliyatidan o'quvchilar faoliyatiga (ularning ta'lim olish jarayoniga) ko'chirish lozimligini ko'rsatib turibdi. O'qituvchi darsda o'zi "so'rab" o'zi "gapirib beruvchi" bo'lib, qolmasligi kerak, balki o'quvchilarga yangi bilimlarni o'zlashtirishida yaqindan turib ko'maklashuvi lozim. O'qituvchi bilim olish yo'lini ko'rsatibgina qolmasdan unga erishishda o'quvchiga hamkor bo'lishi kerak.

NATIJARLAR. Interfaollik bu o'zaro ikki kishi faolligi, ya'ni bunda o'quv-biluv jarayoni o'zaro suhbat tariqasida, dialog shaklida (kompyuter aloqasi) yoki o'quvchi-o'quvchining o'zaro muloqotiga asosan kechadi.

Interfaollik o'zaro faollik, harakat, ta'sirchanlik, u o'quvchi va o'qituvchi muloqotlarida sodir bo'ladi. Interfaol usulining bosh maqsadi o'quv jarayoni uchun eng qulay vaziyat yaratishdir. U o'zini intellektual salohiyatini, imkoniyatlarini namoyon etadi.

Interfaollik asosida o'tgan darsni tashkil etish shunday kechadiki, bu jarayonda birorta ham o'quvchi chetda qolmaydi, ya'ni ular ko'rgan, bilgan, o'ylagan fikrlarini ochiq-oydin bildirish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

O'quvchilar hamkorlikda ishlashga mavzu mazmunini bilish o'zlashtirishda o'zlarining shaxsiy xissasini qo'shish imkoniyatiga ega bo'ladilar. O'zaro bilimlar, g'oyalar, fikrlarni almashish jarayoni sodir bo'ladi. Bunday hollarda o'zaro

samimiylikni ta'minlaydi, yangi bilimlarni olish, o'zlashtirishga havas ortadi, shu jarayonda bir-birlarini qo'llab-quvvatlash, o'zaro do'stona munosabatlar vujudga keladi. Buning tarbiyaviy ahamiyati katta.

Dialog asosida kechgan o'quv jarayonlarida o'quvchi tanqidiy fikrlashga, murakkab masalalarni tahlil asosda yechimini topishga, shunga yarasha axborotni izlash, ayrim alternativ fikrlarni o'zaro munozaralarda erkin bayon qilishga o'rganadi va shunday ko'nikmalar shakllanadi.

Interfaol darslarni tashkil etishda o'quv jarayonining yakka tartibda, juft bo'lib ishlash, guruhlarda ishlash, izlanishga asoslangan loyihalar, rolli o'yinlar, xujjatlar bilan ishlash, axborot manbaalari bilan ishlash, ijodiy ishlashdan foydalanish mumkin.

MUHOKAMA. Interfaol darsga qo'yiladigan talablarni shartli ravishda 4taga ajratish mumkin.

1. Tarbiyaviy talablar.
2. Psixologik talablar.
3. Gigiyenik talablar.
4. Didaktik talablar.

Ko'rsatib o'tilgan talablar bilan bir qatorda interfaol metodlarga asoslanilgan talablar o'zaro uzviy bog'liq bo'lib, hisoblanadi. Shuning uchun yuqoridagi talablar bilan bir qatorda quyidagi talablar xam quyiladi.

*Birinchi*dan ta'lim oluvchilarning maksimal faolligini ta'minlash.

*Ikkinchi*dan maqsadlarning xarakter va amallarda to'g'ri foydalanishi.

*Uchinchi*dan dars boshida qo'yilgan maqsadning dars so'ngida to'la amalga oshishiga erishganlik.

To'rtinchi dan dars loyihasining maqsadlarga erishishda kafolat bera olishini ta'minlashi.

Darsga qo'yiladigan tarbiyaviy talablar.

O'quvchilarda mustaqil fikr yuritishni, eng yaxshi ahloqiy sifatlarini, olgan bilimni hayot bilan bog'lay olishni, vatanni uning tarixi, ma'daniyati, urf-odatlarini, eng asosiysi insonni xurmat qilishni, ilmiy dunyoqarashni, estetik didni, kasb-hunarga qiziqishni, iqtisodiy, xuquqiy, ekologik ma'daniyatni tarkib toptirishni tarbiyalash kerak.

Darsga qo'yiladigan psixologik talablar.

O'quvchilarning individual-psixologik xususiyatlarini bilgan xolda ularda xotira, ongli idrok etishni, mustahkam irodani, tasavvur qila olishni, mavhum xodisalarni tafakkurlay olishni, o'quvchilarda davlat ta'lim standartlari qo'ygan talablarni, ular yoshiga mosligini hisobga olishni ta'minlashdan iboratdir.

Darsga qo'yiladigan gigiyenik talablar.

Sinfdagi havo harorati, yorug'lik miqdori, uning tozaligi, estetik did bilan jixozlanishi, o'quvchilarga beriladigan topshiriqlarning ular yoshiga mosligini hisobga olish kabilarga rioya qilish shart.

Interfaol darsga qo'yilgan didaktik talablar.

1. Darsning ta'limiy-tarbiyaviy maqsadini aniq belgilash.
2. Dars mavzusini qiziqarli, ilmiy faktlar bilan boyitish.
3. Dars mavzusining mohiyatini o'quvchilarning o'zi mustaqil fikrlab o'zlashtirishiga erishish.
4. Darsda barcha o'quvchilarning faol ishtirokini ta'minlash.
5. O'quv materialini o'quvchilar tomonidan sodda tarzda qabul qilishga, hayot bilan chambarchas bog'lashiga erishish.
6. Mavzu mos ta'lim metodlarini tanlash. Bu metodlar asosan qisman izlanish hamda izlanish darajasida bo'lishi zarur.
7. Mavzu mazmuniga mos ta'lim vositalarini tanlash va ulardan ko'proq o'quvchilarning foydalanishiga erishish.
8. O'quvchilarning bilim manbalari bilan mustaqil ishlashga o'rgatib borish.
9. O'quvchilarni dars mazmuniga mos ravishda milliy istiqloq mafkurasi, o'z tarixi, tili, urf-odatlarini hamda boy ma'daniyatimiz bilan faxrlanishga o'rgatish.
10. Dars mavzusini boshqa o'quv fanlari bilan bog'liqligini ta'minlash. O'quvchilarda yaxlitlik ilmiy dunyoqarashni shakllantirish. Dars mavzusini o'lkashunoslik tamoyiliga asoslanib o'rgatish.
11. O'quvchilarda dars mavzusiga mos ravishda iqtisodiy, xuquqiy, ekologik ma'daniyatni tarkib toptirish.
12. Darsda Davlat ta'lim standartlarida o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalariga qo'yilgan talablarni to'liq bajarilishiga erishish.
13. O'quvchilar o'zlashtirilgan bilim sifatini xolisona baxolanishiga erishish.

XULOSA. Interfaol mashg'ulotlarni amalda qo'llash bo'yicha ayrim tajribalarini o'rganish asosida bu mashg'ulotlarning sifat va samaradorligini oshirishga ta'sir etuvchi ayrim omillarni ko'rsatishimiz mumkin. Ularni shartli ravishda tashkiliy-pedagogik, ilmiy-metodik hamda o'qituvchiga, o'quvchilarga, ta'lim vositalariga bog'liq omillar deb atash mumkin. Ular o'z mohiyatiga ko'ra ijobiy yoki salbiy ta'sir ko'rsatishini nazarda tutishimiz lozim. Yuqorida interfaol darsni tashkil etish bilan bog'liq talablar mazmunidan shunday xulosa qilish mumkinki, maktab amaliyotida mustahkam o'rnatilgan an'anaviy darslar ushbu talablarni bajarish imkoniyati yo'q. Demak, o'quvchilarga bilim berishni maqsad qilib qo'ygan an'anaviy darslarni mazmunan hamda shaklan o'zgartirish zarurati paydo bo'ldi.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Yo‘ldoshev J., Yo‘ldosheva F., Yo‘ldosheva G. Interfaol ta’lim - sifat kafolati. - Toshkent, 2008.
2. O‘. Q. Tolipov va M. Usmonboyeva .Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari – Toshkent.Fan. 2006.-260bet
3. Okhunov, M., & Minamatov, Y. (2021). Application of Innovative Projects in Information Systems. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 11, 167-168.
4. Adkhamjonovna, K. M. (2022). DEVELOPMENT OF LOGICAL THINKING OF JUNIORSCHOOL CHILDREN. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(10),914-919
5. Adkhamjonovna, K. M., & Sarvinoz, K. (2022). WAYS OF DEVELOPMENT OF CREATIVE THINKING OF JUNIOR SCHOOLCHILDREN. Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL), 3(10), 104-107.
6. Alimdjanovna, X. M. (2022). CLIMATE CONTROL AND LIGHT CONTROL IN A SMART HOME. European Journal of Interdisciplinary Research and Development, 8, 149- 155.
7. Dadabaeva, S. (2020, December). COMPARISON APPROACH AND ITS EXPRESSOR LANGUAGE TOOLS. In Конференции.
8. Jo‘rayev, V. T. (2019). The advantage of distance learning courses in the process of education. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(9), 220-224.
9. Jo‘rayev Vohid Tojimamatovich, A. M. (2022). Working With Geospatial and Descriptive Data in A Geoinformation System. Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities, 11, 113-116.
10. Jurayev, V. T. (2020). PEDAGOGICAL SOFTWARE IN THE PREPARATION OF FUTURE TEACHERS OF INFORMATICS IN AN INNOVATIVE ENVIRONMENT. Theoretical & Applied Science, (4), 182-185.
11. Kuchkarova, M. A. THE IMPORTANCE OF LOGICAL PROBLEMS IN DEVELOPING CRITICAL THINKING OF CHILDREN. Zbiór artykułów naukowych recenzowanych., 171.
12. Muhammadkadirovna, G. D., Abdulhamitovna, S. H., & Qizi, R. D. T. (2022). The Role of Innovative Training Methods in Individualization Training. Spanish Journal of Innovation and Integrity, 6, 272-279.
13. Mukhtoralievna, Z. S. (2021). The Use Of Vocabulary Words In The Dictionary Given In The Textbook Of The 1st Class Native Language And Reading Literacy. International Journal Of Culture And Modernity, 10, 39-42.

14. Mukhtoraliyevna, Z. S. (2022). Develop Students' Speech by Working on Synonyms and Antonyms in Grades 3-4 in their Native Language Classes. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 6, 125-130.
15. Muxtoraliyevna, Z. S. (2022). ENANTIOSEMANTIK KONGRUENTLIK. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(11), 105-109.
16. Qizi, Rustamova Davlathon Toyirjon, and Mamajonova Feruzakhon Mamirjon Qizi. "Developing the critical thinking of primary school students." *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal* 11.10 (2021): 769-772.
17. Qo'chqarova, M. A. (2021). SOLVING TEXT PROBLEMS IN SIMPLE AND CONVENIENT WAYS. *Theoretical & Applied Science*, (4), 234-236.
18. Shuhratovna, D. S. (2022). COGNITIVE LINGUISTICS AND NEUROLINGUISTICS. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(10), 308-321.

O‘ZBEKISTONDA SOLIQ –BYUDJET SIYOSATI VA SOLIQ TIZIMINING XUSUSIYATLARI

Anvarov Nozimjon Maxsudbek o‘g‘li

Andijon iqtisodiyot va qurilish instituti

Iqtisodiyot va qurilish fakulteti

Ijtimoiy-iqtisodiy fanlar kafedrasasi asssenti

***Annotatsiya.** Davlat soliq siyosati orqali respublika iqtisodiyotini barqarorlashtirish va rivojlanishiga har tomonlama faol ta’sir ko‘rsatish mumkin. Ushbu maqolada iqtisodiy siyosatning tarkibiy qismi bo‘lgan soliq siyosati keng yoritib o‘tilgan.*

***Kalit so‘zlar:** bozor iqtisodiyoti sharoiti, moliyaviy munosabatlarni rivojlantirish, soliq siyosatining o‘rni, soliqlarning obyektiv zarurligi, O‘zbekiston soliq siyosatining mazmuni, strategiya va taktikasi, O‘zbekiston soliq tizimi, uning tartibi, vazifalari, soliqlarning tasnifi.*

Soliq siyosati davlatning soliq munosabatlarini tashkil qilishdagi chora-tadbirlari, faoliyatlar yig‘indisidir. Shunday ekan, faqat mustaqil davlatgina o‘z mustaqil soliq siyosatiga ega bo‘la oladi.

Soliq siyosatini ishlab chiqish moliya-iqtisodiy munosabatlardan kelib chiqadi. Davlat soliq siyosati orqali respublika iqtisodiyotini barqarorlashtirish va rivojlanishiga har tomonlama faol ta’sir ko‘rsatish mumkin. Soliqlar pul munosabatlari bo‘lib, iqtisodiy munosabatlarning tarkibiy qismi ekan, soliq siyosati ham iqtisodiy siyosatning tarkibiy qismidir.

Soliq tizimi deganda moxiyati jixatidan bir xil bo‘lgan va markazlashgan pul fondiga tushadigan soliq turlarining yig‘indisi tushuniladi.

Tizim - bu yig‘ma tushunchadir. Bu tushunchada soliqlarning bir-biri bilan bog‘liqligi xam ifoda etilgan. Soliq tizimini quyidagi guruxlarga bo‘lish mumkin:

Soliq tizimini soliq obyektiga qarab uch guruxga bo‘lish mumkin: oborotdan, daromaddan va mulklar qiymatidan olinadigan soliqlar. Oborotdan olinadigan soliqlarga ko‘shilgan qiymat solig‘i, aksiz solig‘i, konlardan foydalanganligi uchun solig, bojxona boji kiradi. Daromaddan olinadigan soliqlarga foyda solig‘i va daromad soliglari kiradi. Mulklardan olinadigan soliqlarga mol-mulk solig‘i va yer soliqlari kiradi. Iqtisodiy moxiyatga qarab to‘g‘ri va egri soliqlarga bo‘lish mumkin. To‘g‘ri soliqlar bevosita daromad oluvchimulk egasining daromadlaridan (foydalaridan)

olinadi. Bunday soliqlar huquqiy va xaqikiy soliq to'lovchi bitta shaxs bo'ladi. Soliq ilgari aniq belgilangan bo'ladi. Uning manbai bo'lib korxonalar va tashkilotlarning xo'jalik faoliyati natijasida erishilgan moliyaviy yakun hisoblanadi. Axoli soliqlarida esa soliq manbai bo'lib to'g'ridan-to'g'ri axolining daromadi hisoblanadi. Foyda (daromad) solig'i, yer solig'i va daromad solig'i to'g'ri soliqlarning eng yirik daromadidir.

Egri soliqlar korxonalar va tashkilotlar faoliyatining moliyaviy yakuniga bog'liq bo'lmaydi. Ular sotilayotgan tovarlar va xizmatlar oborotiga (baxosiga) ustama tarzda belgilanadi. Ular so'zsiz tovar qiymati va xizmat summasini oshiradi va iste'molni kamaytiriladi. Bu soliqlarni ba'zan iste'mol soliqlari deb ham ataladi. Bundan qaraganda ularni guyo maxsulot sotuvchi yoki xizmat ko'rsatuvchi to'laetgan bo'ladi. Aslida esa ularning xaqiqiy to'lovchisi tovar va xizmatlarni iste'mol qiluvchilar bo'ladi. Egri soliqlar guruxiga ko'shilgan qiymat solig'i, aksiz solig'i va bojxonalar bojlari kiradi. Soliq solish tizimining bir qancha elementlari mavjud va bular quyidagilardan iboratdir: soliq subyekti, obyekt, manbasi, soliq stavkasi, soliq solish birligi, soliqlardan imtiyozlar va boshqalar kiradi.

Biz avvalo soliq tizimi va soliq solish tizimi tushunchalarni bir-biridan farqini bilishimiz zarur. Bu yerda nazariy jihatdan soliq tizimi soliqlar yig'indisi tushuniladi. Soliq solish tizimi esa tashkiliy jihatdan, tuzilish usullari yig'indisi tushuniladi, Ya'ni soliq solish tizimi amaliy uslublar yig'indisidir.

Shunday qilib, soliq solish tizimi deb, Oliy majlis tomonidan belgilangan va ijrochi idoralar tomonidan undiriladigan soliqlarni tuzilish usullari va tamoyillari yig'indisiga aytiladi. Bu tizimning urni jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy tizimi bilan aniqlanadi.

Soliq solish tizimining bir qancha elementlari mavjud va bular quyidagilardan iboratdir: soliq subyekti, obyekt, manbasi, soliq stavkasi, soliq solish birligi, soliqlardan imtiyozlar va boshqalar kiradi.

Soliq subyekti bu soliq munosabatlarni tashkil qiluvchilar. Bularga asosan soliq to'lovchilar:

yuridik shaxslar korxonalar, tashkilot, firma va jismoniy shaxslar-axoli kiradi. Ikkinchi tomondan soliq subyektiga davlat kiradi, Ya'ni soliq oluvchi.

Soliq obyekt - bu soliq solinadigan daromad, narsa (buyum), mulk, qiymati, tovar, yer maydoni, ot kuchi va boshqalar. Ko'pincha soliq nomi obyekt nomi bilan ataladi. Masalan, yer solig'ida yoki daromad solig'ida.

Ma'lumki biz o'tgan mahrumimizda soliq tizimi va soliqqa tortish tizimi tushunchalari o'rtasida farq bor degan edik. Soliq tizimi nazariy jihatdan soliqlar turlarining yig'indisidan iborat, soliq solish tizimi esa soliqqa tortish amaldagi

uslublari yig'indisidan iborat deb tushuntirgan edik. O'tgan mahruzada aytganimizdek bozor iqtisodiyoti yo'lini tanlagan ekanmiz soliqqa tortish tizimi bilan bir qatorda soliq tizimini xam islox qilish zaruriyatiga aylandi.

O'zbekiston Respublikasining 1992 yil 14 yanvarda qabul qilingan "Korxonalar, birlashmalar va tashkilotlarning soliqlari to'g'risida" gi qonunga binoan 1992 yildan boshlab yangi soliq tizimi joriy etildi. Bu tizimning shu davrgacha amal qilgan tizimdan tub farqi shundaki Respublikamiz xududida ayrim soliq turlari bekor qilinib, ularning qrniga yangilari kiritildi.

1992 yilgacha 62 yil davomida o'zgarmsdan xizmat qilgan korxonalar va tashkilotlarning asosiy salmog'i bo'lgan oborot solig'i qrniga qo'shilgan qiymat solig'i, foydadan ajratma to'lovi qrniga yalpi daromaddan daromad solig'i va yangidan Respublikadan chetga chiqarib sotiladigan tovarlarga soliq, cheklangan tovar turlariga aksiz solig'i va mol-mulk soliqlari joriy etildi.

Soliq tizimiga bunday o'zgartirishlar kiritishning zaruriyati nimada?

Birinchidan, Ma'muriy - buyruqbozlik uslubiga asoslangan sobiq ittifoq davrida davlat korxonalar daromadlarini xoxlagan istagi bo'yicha taksimlar edi. Soliq stavkalarini davlat xoxlagan paytda va xoxlagan miqdorda o'zgartirar edi. 90 - yillarga qadar foydadan ajratma stavkasi orqali korxonalar foydasining 90 % gacha byudjetga olib qo'yilar edi. Bozor iqtisodiyoti qonunlari bunday o'zgartirishlar qilinishiga yo'l qo'ymaydi, sababi korxonalarda moddiy manfaatdorlik va rag'batlantirish yuqolganligi bo'lib, ular ishlab chiqarishni rivojlantirishga qiziqmay qo'yadilar, ishlarida o'sish bo'lmaydi, korxonalarda boqimandalik kayfiyati, davlat dotatsiyasiga ko'z to'tish kabi illatlar tug'iladi. Bu illatlardan qutulishning yagona yo'li soliq tizimini qayta qurish xisoblanadi. Ikkinchidan, korxonalar moliyaviy erkinlikka ega emas edilar. Qancha maxsulot ishlab chiqarilish kerak, ularning xom ashyosi qaerdan olinadi, maxsulot birligiga qancha xom ashyo ishlatilishi kerak, ishchilar soni, ish xaqi miqdori, elektr energiya va yoqilg'i sarfi, tovarlar baxosi markaz tomonidan boshlab berilar edi. Bu bozor iqtisodiyoti talablariga zid bo'lganligi uchun xam korxonalar moliyaviy erkinlik berilishi zarurligi tug'ildi.

Uchinchidan, ish xaqi xarajatlarining oshib ketishi natijasida davlat g'aznasiga tushadigan foydadan ajratmalar miqdori kamayib ketganligi sababli uning qrniga yalpi daromaddan soliqqa tortish zaruriyati paydo bo'ldi. To'rtinchidan, bozor iqtisodiyotiga o'tish davrida ishlab chiqarish darajasining pasayishi, inflyatsiya, ishsizlarning ko'payishi, moliyaviy tanqislik, baxolarning keskin oshib ketishi kabi xodisalar yuz berdi. Ularni qoplash uchun zarur daromadlar bo'lishligi talab etiladi. Bu daromadlarni faqat to'g'ri soliqlar orqali byudjetga jalb qilish etarli bo'lmay qoladi. Shuning uchun, to'g'ri soliqlardan tashqari egri soliqlarni xam qo'llash zaruriyati tug'uldi.

Beshinchidan, mustaqillikka yerishgan xar bir davlat o'zining mustaqil soliq tizimiga ega bo'lishi kerak. Bu xam iqtisodiy, xam maonaviy jixatdan zaruriyat xisoblanadi. Shu sababli xam soliq tizimi isloxati amalga oshirilmoqda.

Shunday qilib soliq tizimi muayyan sharoitda davlat foydasiga undiriladigan soliqlar majmuidir, ularni yig'ib olish yo'llari va usullarining tashkil etilishidir.

Soliq tizimiga soliq turlari, soliq miqdori, soliq undiriladigan daromadlarni aniqlash kabilar kiradi. Endi soliq tizimining vazifasi to'g'risida gaplashaylik. Ular:

Soliq to'lovchilar bilan davlat o'rtasida daromadlarni taqsimlash va qayta taqsimlash vazifasi;

Iqtisodiy va ijtimoiy soxadagi faoliyatini rag'batlantirish yoki cheklab qo'yish;

Axolining muayyan tabaqalariga ijtimoiy imtiyozlar berish vazifalari.

O'zbekiston bozor iqtisodiyotiga o'tishning o'ziga xos va o'ziga mos yo'lini tanlab oldi va uni jamiyatda bosqichma-bosqich muvaffaqiyatli amalga oshirilmokda. Ushbu tanlangan yo'lning moxiyati O'zbekiston Respublikasining Prezidenti I.A.Karimovning besh tamoyilida taxriflab berilgan. Bu qoida O'zbekiston davlat qurish va iqtisodiy islox qilish dasturining o'zagi bo'lib ularning moxiyati quyidagichadir:

Birinchidan, iqtisodiyotning siyosatdan ustivor bo'lishi va uning uchun iqtisodiyot mafkuradan xoli qilinishi;

Ikkinchidan, davlat bosh islohotchi bo'lishi;

Uchinchidan, qonunlarga rioya qilishning xamma narsadan ustivor bo'lishi;

To'rtinchidan, kuchli ijtimoiy siyosat o'tkazilishi;

Beshinchidan, bozorga iqtisodiyotiga o'tishni bosqichma-bosqich amalga oshirilishi;

Iqtisodiyotning siyosatdan ustivor bo'lishi va uning uchun iqtisodiyot mafkuradan xoli qilinishi:

Bu tamoyilning mahnosi shuki, iqtisodiy islohotlar xech qachon siyosatning ta'siri ostida bo'lmasligi, Ya'ni biror bir mafkuraga buysundirmasligi kerak. Bu esa iqtisod xamisha siyosatdan ustun turmogi kerak. Na siyosat, na mafkura iqtisodiyotni nazorat qilish, unga tayzik o'tkazish darajasiga kutarilmasligi, xam ichki, xam tashki iqtisodiy munosabatlar xar qandaymafkuradan xoli bo'lishi lozim. Avval iqtisodiyot keyin siyosat, "avval taom, badaz kalom" degan xikmalar bekorga aytilmagan. Butun insoniyat tajribasi shuni ko'rsatadiki, xar bir ishchi, muxandis, texnik o'z ish joyida korxonada, birlashmada, tsexlarda o'zini xujayin deb xis qilish, o'z mexnatining pirovard natijasidan moddiy jixatdan manfaatdor bo'lishi kerak. Ular ishlab chiqarilgan traktor, mashina, taer va boshqa maxsulotlar ichki bozorda va jaxon bozorida, bozorning o'zi belgilab beradigan narxlar bo'yicha erkin sotilish kerak.

Bozor qoidasiga ko'ra kimning maxsuloti yuqori sifatli, kurinishi yaxshiroq va narxi arzonlik bo'lsa, qsha maxsulotga talab boshqa maxsulotlarga nisbatan ko'proq bo'ladi. Bunday vaziyatda bozorga xech qanday siyosat yoki mafkura o'z ta'sirini o'tkaza olmaydi. Soliq tizimi Respublikamiz ijtimoiy iqtisodiy xayotidagi xarakatiga qarab xilma xil guruxlarga bo'linadi. Soliq tizimi iqtisodiy moxiyatiga qarab, kelib tushish manbaiga qarab, byudjetga o'tkazish nuqtai nazaridan qo'llaniladigan stavkalarga va soliq imtiyozlariga qarab guruxlanadi. Ularni aloxida-aloxida ko'rib chiqamiz.

Iqtisodiy moxiyatiga qarab guruxlanish. Iqtisodiy moxiyatiga qarab O'zbekiston soliqlarini to'g'ri va egri soliqlarga bo'lish mumkin. To'g'ri soliqlar xaqikiy daromad oluvchi yoki mulk egasidan olinadi. Ularning oboekti yalpi daromad, mulk qiymati, yer maydoni, ot kuchi va boshqalar xisoblanadi.

Egri soliqlar esa sotilayotgan tovar, bajarilayotgan ish, ko'rsatilayotgan xizmat qiymati ustiga ustama qo'yiladi. Egri soliqlarni to'lovchilar sotilgan tovar va ko'rsatilgan xizmatni dastlabki iste'mol qiluvchi korxonalar va yakuniy iste'mol chilar, Ya'ni, axoli xisoblanadi. Byudjetga kelib tushish manbaiga qarab huquqiy va jismoniy shaxslardan olinadigan soliqlarga bo'linadi. Huquqiy shaxslardan QQS, aksiz solig'i, Respublikadan tashqariga chiqarib sotiladigan tovarlar va maxsulotlar solig'i, qimmatli qog'ozlar opreatsiyalariga solinadigan soliq, daromad solig'i, korxonalar mol-mulki solig'i, korxonalar transport vositalari solig'i, yer solig'i, jamoa a'zolarining mexnat xaqi fondi solig'i, sanoat ko'rilishi solig'i va boshqalar olinadi.

Jismoniy shaxslardan daromad solig'i, axolining mol-mulk solig'i, transport solig'i, yer solig'i, reklama solig'i, maishiy va xisoblash texnikalarini qayta sotish solig'i va boshqalar olinadi.

Byudjetga o'tkazish nuqtai nazardan soliqlar umumdavlat soliqlari va maxalliy soliqlarga bo'linadi.

Soliq qonunchiligida soliqlarning qaysi turlari to'g'ri davlat byudjetiga, qaysilari esa maxalliy byudjetga tushishi aniq ko'rsatib qo'yilgan. Ammo shu aniqki davlat byudjetiga tushgan mablag'larning bir qismi maxalliy byudjetlarga ajratib beriladi.

Soliq turlariga qarab bevosita va bilvosita soliqlarga bo'linadi. Bunday guruxlanish Soliqqa tortish oboektiga, to'lovchi bilan davlatning o'zaro munosabatlariga bog'liq buladi. Bevosita soliqlar to'g'ridan-to'g'ri daromadga va mol-mulkka belgilanadi. Tovarning baxosida to'lanadigan yoki taxrifga kiritiladigan tovarlar va xizmatlardan olinadigan soliqlar bilvosita soliqlarga kiradi.

Bevosita soliqlar real va shaxsiy soliqlarga bo'linadi. Real soliqlar soliq to'lovchining mol-mulkining ayrim turlaridan kadastr asosida undiriladi.

Xar qanday tadbir, ish va faoliyat ilgaridan belgilanib, aniqlanib ishlab chiqilgan siyosat bilan amalga oshiriladi. Siyosat deganda davlatning ilgaridan belgilab, aniqlab

qo‘ygan chora-tadbirlari yig‘indisi tushuniladi. Soliq ishlarini tashkil qilishda xam shu siyosat bilan ish yuritiladi. Soliq siyosati davlatning moliya siyosatini eng muxim, tarkibiy ajralmas qismidir.

Xar qanday iqtisodiy kategoriyaning bajaradigan funksiyasi bo‘ladi. Funksiya - bu soliq kategoriyasining amaliyotdagi xarakatidir va soliqlarning moxiyatini ochib beradi. Funksiya deganda kategoriyaning xaetda ko‘p tarkaladigan va takrorlanadigan doimiy xarakatlarini tushunamiz. Bizni fikrimizga kura soliq quyidagi funksiyalarni bajaradi: - xazina (fiskal) funksiyasi:

" Fiskal funksiyasi

" Rag‘batlantirish funksiyasi

" Nazorat funksiyalari mavjuddir. Ayrim iqtisodchilar fikrlari bo‘yicha taqsimlash va iqtisodiyotni tartibga solishlarni xam ko‘shadilar. Lyokin bizni fikrimizga kura soliqlar asosan 3 - ta funksiyani bajaradi, taqsimlash va iqtisodiyotni tartibga solish asosan uchta funksiyani ichiga kirib ketadi. Xazina (fiskal) funksiyasi. Fiskal (lotincha Fiscus so‘zidan olingan bo‘lib, gazna degan mahnoni anglatadi) xusuiyatiga ega ekanligidir.

Fiskal funksiya davlatning iqtisodiyotga aralashuvi uchun obyektiv shart-sharoit vujudga keltiradi. Byudjet daromadlarini ta‘minlash soliq tizimi vazifalaridan bittasi xolos. Soliq tizimi ana shu vazifani xal etar ekan, jamgarma va ishlab chiqarishning usish jarayonlariga tuskinlik kilmasligi, ijtimoiy adolatni bo‘zmasligi, xalq xo‘jaligi to‘zilishida buzilishlar va chetga chikishlar sodir bo‘lishiga yo‘l kuymasligi, bozor jarayoniga putur etkazmasligi zarur.

Soliqlarning nazorat funksiyasiga kelsak, bu funksiya orqali soliqlar ijtimioy maxsulot qiymatini qanchaga tushganligi, milliy daromadning salmogini nazorat qilib bilib olgandan so‘ng undan qancha qismini soliqlar orqali byudjetga tuplash zarurligi, ularning obyektlarini, soliq to‘lovchilarini, soliq stavkalarini to‘g‘ri belgalish hamda soliqlarni o‘z vaqtida to‘g‘ri xisoblab byudjetga o‘tkazish jarayonini nazorat qilib boradi. Bu nazorat doimo taqsimlash funksiyasi bilan yonma-yon olib boriladi. Soliqlarning nazorat funksiyasi ba‘zan taqsimlash funksiyasidan xam kengayib ketadi. Chunki taqsimlashda faqat pul munosabatlari bilan chegaralanib qolinsa, soliqlarning nazorat funksiyasi pul munosabatlari orqali taqsimlashdan tashqari soliq obyektlarini buyum shaklida xam to‘liqligi, maxsulotlar koldiklari xom ashe va yoqilgilardan boshqa manbalardan foydalanish ustidan xam nazoratga aylanadi. Demak, soliqlarning nazorat funksiyasi soliq idoralarini xodimlarining kundalik olib boradigan umumiqtisodiy nazoratining nazariy asosini tashkil etadi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida soliq idoralarining nazorati asosan yagona iqtisodiy qonunlar talabiga javob beradigan nazoratga aylanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. O‘zbekiston Respublikasi Qonunlari. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining [Farmon va Qarorlari](#), Vazirlar [Mahkamasining Qarorlari](#)
2. Алиев Б.Х. Налоги и налогообложение. Учебник. –М.: “Финансы и статистика”, 2018
3. Alimardonov M., Kuziyeva N. “Soliqlar va soliqqa tortish” o‘quv-uslubiy qo‘llanma Toshkent “Iqtisod-Moliya” 2007-yil 8-bet
4. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya Darslik. –T.: “Noshir”, 2011
5. Jo‘raev T. Soliqsiyosatini takomillashtirishning asosiy yo‘nalishlarini vatamoyillari. //Soliqlar va bojxonaxabarlari. – 2018 .– № 48.
6. Jo‘raev A.S., Toshmatov Sh.A., Abduraxmanov O.Q. Soliqlar va soliqqa tortish: O‘quv qo‘llanma. –T.: NORMA, 2016

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛГОР МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Эргашев Илҳомжон Икромович

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти, “Ижтимоий-иқтисодий фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.ф.д., (PhD).

Шаробиддинов Ахрорбек Қосимжон ўғли

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти, Бухгалтерия хисоби ва аудит
йўналиши 2-босқич талабаси.

***Аннотация.** Мақолада туризмнинг иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти, туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилган. Ривожланган мамлакатларнинг ҳуқуқий қиёсий таҳлиллари ҳамда илгор тажрибаси асосида юртимизда туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар келтирилган.*

***Калит сўзлар:** туризм, виза, визасиз режим, сайёҳлар, инфраструктура, гидлик фаолияти, хорижий давлатлар, қонун ва қонуности ҳужжатлар.*

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб – қувватлаш, соҳа корхоналарига имтиёзлар яратиб бериш, шунингдек, туризм соҳаси учун инфратузилмани шакллантириш борасидаги ишлар жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон 1993 йил 4 октябрда Бутунжаҳон туризм ташкилотига Маркази Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб аъзо бўлди. Бу ўз навбатида Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш ишларига катта ижобий туртки берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ 5611 сонли қарорида “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”га мувофиқ Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси, ташиладиган йўловчилар сони ва инвестицияларни кўпайтириш учун республикадаги транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилаш мақсадида хорижий алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди¹.

¹ “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil 261 6/2020 (№ 00050) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>

Таҳлиллар шундан далолат берадики, кўпгина ривожланган мамлакатларда туризмдан келадиган даромад бошқа соҳаларга қараганда анча кўпроқ валюта тушумларини келтиради. Масалан: Туркия йилига 4-5 млрд. долларлик товар экспорт қилса, туризм фаолиятдан 10 млрд. доллардан ортиқ даромад олади. Австрия, Англия, Италия, Франция, Испанияларда ҳам худди шундай юқори кўрсаткичларни кўришимиз мумкин.

Мазкур соҳа кузатувчилари сайёҳлик ва туризм иқтисодий ривожланишнинг драйвери – ҳаракатлантирувчи кучи экани ҳақида яқдил фикр билдирмоқда, ушбу соҳалар янги иш ўринларига замин яратиш баробарида (ИКАО маълумотиغا кўра, 2017 йилда ҳар 10 иш ўрнининг биттаси шу соҳага тегишли бўлган) ижтимоий ривожланишга катта ҳисса қўшади.

Туризм хизмат кўрсатишга асосланган иқтисодиётни яратиш ва ривожлантиришни рағбатлантиради. Ушбу фаолият доираси Тошкентдаги йирик меҳмонхоналардан тортиб, Самарқанддаги кичик хостеллар, халқаро аэропортлардаги бутиклар, Бухоро ва Хиванинг хушманзара кўчаларидаги кичик ҳунармандчилик дўконларигача бўлган қамровни қамраб олади. У инсонларда иқтисодий кўникмаларни оширади, билим уфқларини кенгайтиради. Бугунги кунда аксарият мамлакатларда, жумладан, энг ривожланган 10 та мамлакатда бутун саъй-ҳаракатлар чет эллик сайёҳларни жалб этишга қаратилмоқда. Туризм ривожланаётган мамлакатлар учун, айниқса, пул оқимини оширишда фойдали бўлиши ҳаммага маълум¹.

Изланишлар натижалари Бирлашган Миллатлар Жаҳон Туризм Ташкилоти (United Nations World Tourism Organization (UNWTO)) маълумотларига кўра, бутун жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10,4%и (2017 йилда унинг ҳажми 8,3 трлн. АҚШ долларига тенг бўлди), дунёдаги инвестицияларнинг 7%и, солиқ тушумларининг 5%и, жаҳондаги истеъмолчилик харажатларининг 11%и ва ҳар 16 та янги яратилаётган иш ўрнининг биттаси айнан туризм ва меҳмондўстлик индустриясининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур тармоқда аҳолининг иш билан бандлик даражаси 2016 йилга нисбатан 103% га ўсди ва 2017 йилда туризм ва сайёҳлик соҳасида бевосита 118,4 миллион киши (жаҳондаги умумий бандларнинг 3,8%и) иш билан банд бўлган бўлса, билвосита (туризмга хизмат кўрсатадиган тармоқлар билан бирга) 313,2 миллион киши фаолият кўрсатмоқда². Грузия сўнгги бир неча йилда чет эллик туристлар сонини уч марта оширгани билан мақтовга сазовор бўлди³. Ушбу мамлакат ажойиб

¹ <https://uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/6667>

² Travel & Tourism Economic Impact 2018 world.

³ <https://www.worldbank.org/en/news/feature/2017/10/31/central-asia-tourisma-driver-for-development>

таомлари, ноёб маданий мероси, самимий ва ҳаётсевар халқи билан машхур. Бироқ бошқа кўплаб мамлакатларнинг гастрономик ва маданий мероси ҳам шундай ноёб бўлишига карамай, улар дунё сайёҳлари назаридан четда қолмоқдалар. Грузиянинг аксарият давлатлар учун визани бекор қилгани ўз навбатида сайёҳлар сонининг кескин ошишига сабаб бўлди. Аввал мамлакатга ҳар йили 100 мингдан камроқ сайёҳ келган бўлса, сўнгги 20 йилда уларнинг сони 6,5 миллион кишига етди. Аҳолининг кам таъминланган қисми 2006 йилда 32,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб, 1,63 фоизга қадар, яъни икки баробарга қисқарганлиги кузатилган. Мустақил кузатувчилар фикрича, бунга, асосан, туризм соҳасининг ривожланиши сабаб бўлган ва 2018 йилда мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоиз ўсган¹.

Мамлакатимизда ҳам туризмни ривожлантириш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг минтақавий тузилмалари штат бирликларининг оширилгани, ҳудудларда туризм департаментлари ва бошқармалари, ҳоким ўринбосарлари лавозимлари ташкил этилгани мазкур ташкилотларнинг имкониятларини кенгайтганда катта рол ўйнамоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни 2019 йил 18 июлда қабул қилинган, унда соҳанинг ҳозирги ривожланиш босқичидан келиб чиққан ҳолда янги тушунчалар киритилди, туризм бўйича давлат сиёсатининг принциплари ва асосий йўналишлари белгиланди. Шунингдек, туристик фаолият субъектлари тоифаларга ажратилиб, 47 та давлат фуқаролари учун виза режими бекор қилинди ҳамда визасиз режимга эга мамлакатлар сони 86 тага етди. Бундан ташқари виза жараёнларини соддалаштириш мақсадида электрон виза олиш имкониятига эга мамлакатлар сони 57 ни ташкил этди. Қўшимча равишда, “Ватандош”, “Талаба”, “Академик”, “Зиёратчи” ва “Тиббиёт” виза турлари жорий этилди. Қилинган ишлар натижаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўтган давр билан солиштирганда 2019 йилда мамлакатимизга келган сайёҳлар сони 26,2 фоизга кўпайди. Визасиз режим жорий этилган давлатлардан ташриф буюрган сайёҳлар сонидан эса 58 фоиз ўсиш кузатилди. Натижада, сайёҳларни жойлаштириш масканларининг юкланиш даражаси 62 фоиздан 84 фоизга кўпайди. Охириги йилларда туризм соҳасидаги янги тенденцияларга мос ва кенг сегмент талабларига жавоб берадиган хостеллар бозорини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда 2019 йилда мамлакатда кам бюджетли туризм инфратузилмаси ва хостеллар

¹ <https://uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/6667>

бизнесини янада рағбатлантириш учун хостелларни мажбурий сертификациялаш тартиби бекор қилинди ва бошқа бир қатор талаблар соддалаштирилди. 2019 йилнинг ўзида республикада 161 та янги хостеллар куриб фойдаланишга топширилди. Улар томонидан бир вақтнинг ўзида 5666 нафар сайёҳга хизмат кўрсатиш имконияти яратилди¹. Олинган натижалар муҳокамаси Туризмни ривожлантириш омилларига чипталарининг нархи арзон бўлган авиакомпаниялар - лоукостерлар (lowcosters) ҳам таъсир кўрсатади. Польшада туризм ривожланишига авиакомпанияларнинг таъсир этувчи жиҳатлари ўрганилганда, тадқиқот натижасига кўра, лоукостерлар унчалик машҳур бўлмаган жойларда туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшган ҳамда кичик шаҳарларда ушбу соҳанинг тараққий этишига хизмат кўрсатган. Мазкур тадқиқотда бошқа омиллар ҳам ўрганилган. Масалан, қишқи туризмга нисбатан талабнинг юқори даражаси ҳамда янги йўналишларга хизмат кўрсатувчи лоукостерларнинг янги маршрутлари пайдо бўлгани сабабли 2005 йилда Норвегияга келувчи сайёҳлар сони кескин ошган. 2005 йилда туризм манзиллари ўртасида улкан муваффақият қозонган шаҳарлар сифатида Валенсия, Барселона (Испания) ҳамда Дубровникни (Хорватия) мисол қилиб келтириш мумкин. Сайёҳлар сонининг жадал ошишига чипта нархлари паст авиакомпаниялар сонининг жадал ортиши сабаб бўлди, натижада Буюк Британиядан келувчилар сони икки баробар ўсди². Республикада туризм соҳасини ривожлантириш бўйича мавжуд имконият ва шароитлардан самарали фойдаланишда қийинчиликлар бўлиб, халқаро туризм йўналишида республикага ташриф буюрувчиларнинг талаб эҳтиёжларини қондириш талаб даражасида эмас. Бунинг асосий тўсиқларидан бири, ҳали бу соҳада инфраструктуранинг етарли даражада ривожланмаганлиги ва туризмни давлат томонидан бошқаришнинг энг самарали усуллари жорий қилиш билан боғлиқ бўлган муаммолар чуқур ўрганилмаганлигидир. Мазкур тадқиқот доирасида, Республикада туризм соҳасини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги номувофиқлик ва муаммолар мавжудлигига гувоҳ бўлдик:

1. Туризм соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларда хизмат кўрсатувчи гидлар фаолияти, уларга қўйиладиган талаблар, уларни сертификатлаштириш ҳамда малакасини ошириш масалалари бўйича махсус тартиблар ишлаб чиқилган. Аммо мустақил тарзда гидлик фаолияти билан шуғулланиш, уларга

¹ <https://review.uz/oz/post/turizm-soasini-rivozlantiris-bujica-2019-jilda-amalgaosirilgan-islal>

² ETC 2005, European Travel Commission, European Tourism Insights 2005. Including Outlook for 2006, A report of the Market Intelligence Group of the ETC no. 2006/1, Brussels, April 2006.

қўйиладиган талаблар, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг малакасини ошириш бўйича соҳага оид бирорта юридик ҳужжатда тўхталиб ўтилмаган.

2. Туристларга мамлакатимиздаги тарихий обидалар, тарихий шахслар, давлатнинг ҳудудий ва маъмурий тузилиши, шунингдек, урф-одатлар ва анъаналар тўғрисида маълумот берувчи гид-таржимонлар ўзлари бераётган маълумотларнинг тўғрилиги ва асосланганлиги учун шахсан жавобгарлиги масаласи ҳамда уларга бериладиган жазо тури қонун ва қонун ости ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилмаган ва ҳоказо.

Юқорида келтириб ўтилган камчилик ва номувофиқликларни бартараф этиш бевосита соҳанинг янада ривожланиши ва мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамланишига ёрдам беради. Тадқиқот доирасида Австрия Республикасининг туризм тизими ва соҳани давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш масалалари таҳлил қилинди ҳамда ўрганиш натижалари асосида Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тартибга солиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Австрия Федератив Республикаси Марказий Европада жойлашган давлат бўлиб, 9 та федерал ҳудудлардан ташкил топган. Мамлакат туризм соҳасида дунёнинг етакчи давлатларидан бири ҳисобланиб, мамлакат ЯИМ нинг 35 % туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади¹. Мамлакатнинг туристик марказлари Вена ва Залсбург шаҳарлари ҳисобланади. Австрия Федерал Республикасида туризм соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича махсус федерал қонун қабул қилинмаган. Лекин ҳар бир федерал ҳудуд бўйича махсус қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган. Мамлакатдаги туризм соҳасини ривожлантириш ва тартибга солиш масалалари солиқ қонунчилиги, божхона қонунчилиги, халқаро савдо ва иқтисодий муносабатлар қонунчилиги асосида тартибга солинади. Австрияда туризм соҳасини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги энг асосий ҳужжат “Европа туризмини рақобатбардош ва барқарор тарзда ривожлантириш бўйича” Европа иттифоқи Дастури ҳисобланади. Австрия Европа Иттифоқига аъзо давлат сифатида бу Дастурнинг бажарилишини таъминлайди². Мамлакатда туризм соҳаси Австрия миллий туризм ташкилоти (Austrian National Tourist Office, Österreich Werbung) ҳамда Австрия Иқтисодиёт, оила ва ёшлар вазирлиги (Ministry of Economy, Family and Youth) томонидан ривожлантирилади ва тартибга солинади. Бунда Австрия миллий туризм ташкилоти мамлакатда туризм маркетинги соҳасини ривожлантириш билан шуғулланади ва мазкур соҳа бўйича энг асосий ташкилот ҳисобланади. Австрия Иқтисодиёт, оила ва ёшлар

¹ Annual tourism report of Austria 2010.

² Annual tourism report of Austria 2010.

вазирлиги эса туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тартибга солиш, назорат қилиш, молиялаштириш ва бошқа вазифаларни бажаради¹. Австрияда туризмни ривожлантириш бўйича миллий дастур қабул қилинган бўлиб, у давлат томонидан туризмни қўллаб қувватлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизми бўлиб хизмат қилади. Дастурдаги асосий вазифалар:

-Солиқ имтиёзлари, субсидия ва дотациялар;

-Туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қўллаб қувватловчи миллий қонунчилик ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш;

-Мамлакатга кириш ва ундан чиқиш пайтида виза чекловларини камайтириш;

-Нархларни қисқартириш ва бошқа турли имтиёзлар бериш йўли билан номавсумий туризмни рағбатлантириш;

-Ижтимоий туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

-Туристлар ҳавфсизлигига қўйиладиган талабларни кучайтириш ва ва бу соҳадаги ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш;

-Давлат томонидан атроф муҳитни муҳофаза қилиш, маданий ва тарихий меросни асраб-авайлаш бўйича қонунчиликни мустаҳкамлаш². Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари бирмунча кенг ва атрофлича, аммо Австрия давлат дастурида кўпроқ самарадорлик ва инновацияга эътибор қаратилган. Юқорида келтирилган, Ўзбекистонда туризм соҳасини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги муаммо ва номувофиқликлар бўйича Австрия тажрибасини ўрганиш натижаларини келтириб ўтамиз:

1. Австрияда туризм соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи ва ривожлантирувчи ташкилотлар ҳуқуқий мақоми бўйича номувофиқликлар мавжуд эмас, яъни Австрия Иқтисодиёт, Оила ва Ёшлар вазирлиги соҳани давлат томонидан тартибга солувчи, назорат қилувчи ва қўллаб қувватловчи давлат органи ҳисобланади. Австрия Миллий Туризм Ташкилоти эса мамлакатда туризм соҳасини ривожлантиришни услубий жиҳатдан таъминловчи ташкилот ҳисобланади. У назорат ва лицензиялаш ваколатларига эга эмас ҳамда вазирлик тасарруфидаги ташкилот ҳисобланади.

2. Таҳлил жараёнида шунинг гувоҳи бўлдики, Австрия Республикасига хорижий сайёҳларнинг келиш тартиби, Австриялик сайёҳларнинг чет давлатларга чиқиш тартиби ва мамлакат ичкарасида шаҳарлараро

¹ www.bundestkanzleramt.at

² Official Journal L 384, 31/12/1986 P. 0052 – 0053.

ҳаракатланувчи туристларнинг ҳаракатланиш тартиби тўғрисида алоҳида актлар қабул қилинган.

3. Туризм соҳаси ходимларини (гидларни) сертификатлаштириш ҳамда уларнинг малакасини ошириш масалалари билан боғлиқ талаблар Австрия миллий туризм ташкилоти томонидан ишлаб чиқилади ва Австрия Иқтисодиёт, оила ва ёшлар вазирлиги томонидан ҳар йили тасдиқланиб, амалга оширилиши таъминланади. Мустақил гидлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича масалалар алоҳида федерал ҳудудлар қонунчилиги асосида тартибга солинади. Масалан, Юқори Австрия федерал парламенти томонидан 1992 йилда қабул қилинган “Туризм тўғрисида” ги қонунда мустақил гидлик фаолияти билан шуғулланиш ва гидлар тайёрлаш марказларини ташкил этиш масаласи келтириб ўтилган.

4. Туристларга мамлакатдаги тарихий обидалар, тарихий шахслар, давлатнинг ҳудудий ва маъмурий тузилиши тўғрисида маълумот берувчи гид-таржимонлар ўзлари бераётган маълумотларнинг тўғрилиги ва асосланганлиги учун шахсан жавобгарлиги масаласи ҳамда уларга бериладиган жазо тури Австрия қонунчилигида ҳам ўз аксини топмаган. Таҳлил жараёнида шу нарсага амин бўлдики, Австрияда туризм соҳасининг ривожлантирилиши учун ҳукумат томонидан жуда катта ҳуқуқий ва иқтисодий имкониятлар яратиб берилган. Буни солиқ имтиёзлари – туристик фирмаларнинг хорижий валютадаги даромадларининг 20%и солиққа тортилмаслиги¹, назорат қилувчи иқтисодий ва бошқа тизимларнинг камайтирилганлиги, соҳага кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси, узоқ муддатли барқарор режаларнинг мавжудлиги, жамият барча соҳаларининг туризм ривожидида иштирок этиши ва янгидан янги турхизматларнинг яратилганлиги, шунингдек, мамлакатда соҳани бошқариш тизимининг тўғри танланганлиги ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланганлиги мисолида кўришимиз мумкин. Хулоса ва таклифлар Бугунги кунда ривожланган давлатларда “Европанинг ақлли туризм пойтахти” ташаббуси (The European Capital of Smart Tourism initiative) илгари сурилмоқда. Ушбу ташаббус “ақлли туризм” воситаларини, чора-тадбирларини қамраб олади ҳамда шаҳарларда тўртта тоифа: бақарорлик, ногиронлиги бор инсонлар учун махсус имкониятлар яратиб бериш, рақамлаштириш, маданий мерос ва ижодкорона ёндашув бўйича амалга оширилаётган лойиҳалардан хабардорликни оширишни назарда тутди. Туризмни ривожлантириш стратегияси маҳаллий ҳамжамятларни мазкур соҳа орқали қанчалик кўп қўллаб-қувватласа, у мамлакатда шунчалик барқарор бўлади. Олинадиган даромадлардан фойдаланишнинг энг яхши йўли ёдгорликларни таъмирлаш, ҳамжамятни қўллаб-қувватлаш, одамларга ҳуқуқ ва

¹ www.freddy.de-buyscherses.eu.int, Inventory of taxes in the EU.

имкониятлар бериш, камбағаллик даражасини пасайтириш. Барқарор туризм ҳам меҳмонларнинг, ҳам уларга мезбонлик қилувчи шаҳарларнинг хавфсизлигини таъминлаши, атроф-муҳитнинг ифлосланишига ва аҳоли тиқилинч бўлишига йўл қўймаслиги керак. Туристлар оқимини адолатли тақсимлаш ҳам барқарорлик учун муҳим аҳамиятга эга. Бу ривожланган мамлакатлар учун ҳам, ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам бирдай муҳим. Хулоса сифатида, ўрганилган хорижий тажриба, эгалланган назарий билимлар ҳамда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқилган қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтириб ўтамиз:

1. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий туризмни ривожлантириш мақсадида мамлакат ҳудудида ҳаракатланувчи сайёҳларнинг ҳаракатланиш тартиби, уларга яратиб бериладиган шароитлар ва имтиёзлар бўйича алоҳида ҳужжат ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
2. Туризм соҳасида фаолият юритувчи гидлар малакасини ошириш, уларнинг кўникма ва билимларини баҳолаш бўйича махсус дастурий тизим яратиш, бунда гидларни имтиҳонлардан ўтказиш ва малакасини ошириш ишларида инсон омили иштирокини имкони борича чеклашга қаратилган алоҳида лойиҳа ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
3. Мустақил гидлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда гид-таржимонлар тайёрлаш махсус ўқув марказлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда бу жараёнга нодавлат-нотижорат ташкилотларини кенг жалб этиш;
4. Туристларга мамлакатимиздаги тарихий обидалар, тарихий шахслар, давлатнинг ҳудудий ва маъмурий тузилиши, шунингдек, урф-одатлар ва анъаналар тўғрисида маълумот берувчи гид-таржимонлар бераётган маълумотларнинг тўғрилиги ва асосланганлиги жавобгарлик масаласини туризм қонунчилигида аниқ белгилаб қўйиш ҳамда уларга бериладиган жазо турини Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодексида мустаҳкамлаб қўйиш;
5. Туристик ташкилотлар томонидан хорижий валюталарнинг Ўзбекистонга киритилишини янада рағбатлантириш мақсадида, уларга солиқ имтиёзлари бериш, яъни уларнинг хорижий валютадаги даромадларининг маълум қисмини солиқлардан озод қилиш. Бу нарса тадбиркорларнинг соҳага янада кўпроқ инвестиция ажратишига олиб келади.
6. Ўзбекистон Республикасида туристик фаолиятни лицензиялаш тартибини қайта кўриб чиқиш ва янада соддалаштириш;

7. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш учун секторлараро муносабатларни тартибга солувчи ва ривожлантирувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш. Бунда соҳа ривожига нодавлат секторнинг иштирокини кенгайтириш масалаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш;
8. Туризм соҳасига ажратилаётган сармоялар ҳажмини янада кенгайтириш ва мазкур фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларга кредит имкониятларини кенгайтириш мақсадида “Туризм тараққиёт банки”ни ташкил этиш;
9. Ўзбекистонда туризм соҳасига янги ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича махсус лойиҳа ишлаб чиқиш ва шу мавзуда халқаро конференциялар ташкиллаштириш;
10. “Ақлли туризм” воситаларидан самарали фойдаланиш;
11. Ҳар бир туристик фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектида, туризм соҳасида фаолият юритишда асос бўлувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси яратилиши ва доимий тарзда янгилаб борилиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш ва давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш борасида катта ютуқларга эришилди. Мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга жуда катта имтиёз ва имкониятлар яратиб берилганлиги соҳа ривожининг асосий омили бўлди. Шу билан бир қаторда баъзи бир камчилик ва фойдаланилмаётган имкониятлар борки, уларни бартараф этиш ва бу йўлда ривожланган хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611 Фармони.
2. <https://uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/6667>
3. Barnabé Walheer, Linjia Zhang . Profit Luenberger and Malmquist-Luenberger indexes for multi-activity decision-making units: The case of the star-rated hotel industry in China //International Journal of Tourism Management. Pages 1-604 (December 2018) pp.1- 11.
4. Кужеля Ю. Л. Туризм и гостеприимство. Учебник:- М. : Издательство Юрайт, 2018. — 439 с. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil 268 6/2020 (№ 00050) <http://iqtisodiyot.tsue.u>
5. I.Ergashev, Z.Alimqulova. Role of family in enhancement of entrepreneurship capacity of the young generation. european journal of innovation in nonformal education. 2022/7/25. pages 91-93
6. Н.Хайдаров. Туризмни ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси. Очiq иқтисодиёт: соғлом рақобат, бизнес муҳити инвестицион муҳит жозибadorлиги / Халқаро амалий анжуман / ТДИУ
7. Travel & Tourism Economic Impact 2018 world.
- 8.<https://www.worldbank.org/en/news/feature/2017/10/31/central-asia-tourisma-driver-for-development>
9. <https://review.uz/oz/post/turizm-soasini-rivozlantiris-bujica-2019-jilda-amalgaosirilgan-islal>
10. ETC 2005, European Travel Commission, European Tourism Insights 2005. Including Outlook for 2006, A report of the Market Intelligence Group of the ETC no. 2006/1, Brussels, April 2006.
11. Annual tourism report of Austria 2010.
12. www.bundeskanzleramt.at
13. Official Journal L 384, 31/12/1986 P. 0052 – 0053.
14. www.freddy.de-buyscherses.eu.int, Inventory of taxes in the EU.

MAKTABGACHA KATTA YOSHDAGI BOLALARDA FORTEPIANINO ORQALI NEYROPROFILAKTIKA JARAYONLARINI OLIB BORISHNING USUL VA VOSITALARI

Jalilova Nazokat Axmed qizi

TERDPI Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (maktabgacha ta'lim)
mutaxassisligi 2-kurs magistranti

Annotatsiya: Maktabgacha yoshdagi bolalarda neyropedagogik jarayonlarni olib boorish, bolalarning bosh miya yarimsharlari faoliyatini faollashtirishda Matabgacha ta'lim tashkilotlarida olib boriladigan pedagogik- psixologik ishlar hamda fortepiano orqali neyropofilaktika jarayonlarini olib boorish usul va vositalari haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: "MTT", neyropedagogika, neyrodiagnostika, ijodkorlik, musiqa, qobiliyat, talant, neyropofilaktika.

METHODS AND MEANS OF NEUROPROPHYLAXIS PROCESSES THROUGH THE FORTEPINO IN PRE-SCHOOL CHILDREN

Jalilova Nazokat

TERDPI 2nd year master's degree in theory and methodology of education and training (preschool education)

Abstract: It is discussed about the methods and means of conducting neuropedagogical processes in preschool children, the pedagogical and psychological work carried out in preschool educational organizations to activate the activity of children's cerebral hemispheres, and neuroprophylactic processes through the piano.

Key words: "MTT", neuropedagogy, neurodiagnostics, creativity, music, ability, talent, neuroprophylaxis.

МЕТОДЫ И СРЕДСТВА НЕЙРОПРОФИЛАКТИКИ ПРОЦЕССОВ ПОСРЕДСТВОМ ФОРТЕПИНО У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Джалилова Назокат

ТЕРДПИ 2 курс магистра теории и методики воспитания и обучения
(дошкольное к образование)

Аннотация: Рассмотрены методы и средства проведения нейропедагогических процессов у дошкольников, проводимая в дошкольных образовательных организациях педагогико-психологическая работа по активизации деятельности больших полушарий головного мозга детей, нейропрофилактические процессы через фортепиано.

Ключевые слова: «МТТ», нейропедагогика, нейродиагностика, творчество, музыка, способности, талант, нейропрофилактика.

Hozirgi kunda ta'lim tizimida boy tajribalar yig'ilgan. Shaxsning rivojlanishi qiyin va murakkab jarayon bo'lib, u ko'plab ichki va tashqi ta'sirlar va omillar orqali ro'yobga chiqadi. Zero bugungi globallashuv jarayonlarida turfa xil axborot oqimlarining vujudga kelishi yosh avlod tarbiyasiga sezilarli ta'sir ko'rsatib kelmoqda. Bunda musiqa ta'limining shaxsni shakllantirishdagi o'рни beqiyos.

Musiqa – estetik tarbiya, demokratik jamiyat kishisini garmonik tarbiyalash yo'lida olib borilayotgan ulkan ishning tarkibiy qismiga aylanmog'i kerak. Bolalar bilan musiqali ish olib borish ayniqsa katta ahamiyat kasb etadi. Musiqa bola qalbida kuchli emotsional tuyg'u uyg'otadi.

Psixologiyaning ko'rsatishicha, inson bolasi tayyor qobiliyat bilan emas, balki biron – bir qobiliyatning ro'yobga chiqish va rivojlanish manbayi layoqat bilan tug'iladi. Layoqat o'z holicha rivojlana olmaydi, uning rivojlanishi uchun qulay muhitkerak. Bola musiqaga layoqat bilan tug'ilishi mumkin, lekin uning musiqiy xususiyatlari shakllanishi uchun qulay muhit yaratilmasa, musiqaga bo'lgan layoqati rivojlanmay qoladi. Insonning shaxs sifatida shakllanishida yetakchi omillardan biri muhitdir. Inson bolasi, agar insoniy muhitga tushmay, hayvonlar muhitiga tushib qolsa, unda irsiy belgilarning ayrim biologik ko'rinishlari saqlanadi, lekin insoniy fikr, faoliyat, xatti – harakat shakllanmaydi. Odob, axloq, fe'l – atvor –shaxsning barcha ruhiy sifatleri faqat muhit va tarbiyaning o'zaro ta'siri asosida vujudga keladi. Bolalarning musiqa ijrochiligi malakalarini rivojlantirishdagi eng muhim shartlardan biri – ularning musiqiy qobiliyatlarini shakllantirishdir. Chunki, musiqiy qobiliyatlar – musiqani ritmik his qilish, ladni his qilish, musiqiy eshitish, musiqiy xotira, musiqaga emosional ta'sirchanlik bolalarda ijrochilik malakalarini rivojlantirish omili hisoblanadi.

Pedagog N.V.Vetlugina «... musiqiy kechinmalar aslini olganda, doimo sensor qobiliyatga asoslanadi, chunki musiqa eng oddiy ohanglar, murakkab obrazlar va eng avvalo hissiyotlar orqali idrok etiladi va musiqiy qobiliyat rivojlanadi» – deb ta'kidlagan. [5,67-b] Qobiliyatning eng yuqori darajasi – talantdir. Talant – insonga qaysidir murakkab faoliyatni muvaffaqiyatli, mustaqil va o'ziga xos ravishda amalga

oshirish imkoni qobiliyatidir. [6,52-b] Inson bolasi, agar insoniy muhitga tushmay, hayvonlar muhitiga tushib qolsa, unda irsiy belgilarning ayrim biologik ko‘rinishlari saqlanadi, lekin insoniy fikr, faoliyat, xatti – harakat shakllanmaydi. Odob, axloq, fe‘l – atvor –shaxsning barcha ruhiy sifatlari faqat muhit va tarbiyaning o‘zaro ta’siri asosida vujudga keladi. Bolalarning musiqa ijrochiligi malakalarini rivojlantirishdagi eng muhim shartlardan biri – ularning musiqiy qobiliyatlarini shakllantirishdir. Chunki, musiqiy qobiliyatlar – musiqani ritmik his qilish, ladni his qilish, musiqiy eshitish, musiqiy xotira, musiqaga emosional ta’sirchanlik bolalarda ijrochilik malakalarini rivojlantirish omili hisoblanadi.

Musiqa rahbari katta hamda maktabga tayyorlov guruhi tarbiyalanuvchilari bilan integratsiyalangan musiqa mashg‘ulotlari jarayonida qo‘llashi mumkin bo‘lgan ba’zi bir treninglarni keltirib o‘tamiz. Masalan: “Tinglaymiz va tahlil qilamiz” metodi; “notali oyinlar” metodi; “ovozidan top” metodi; “tarmoqlar” metodi; “interviyu” texnologiyasi; “multimedia” texnologiyasi va boshqalar.

Albatta, tarbiyalanuvchilarda musiqaga nisbatan motiv hosil qilishda didaktik o‘yinlarning o‘rni beqiyosdir. Bolalarda o‘yinsiz tom ma’nodagi aqliy rivojlanish bo‘lishi mumkin emas. O‘yin ularda bilimga ishtiyoq va qiziqishni uyg‘otadigan uchqundir. Ushbu didaktik oyinlarni biz multimedia texnologiyasi orqali integratsiyalangan musiqa mashg‘ulotlarida qo‘llashning nazariy va amaliy mazmunini yoritishga harakat qilamiz. Shuni xulosa qilib aytishimiz mumkinki, maktabgacha ta’lim dargohlarida musiqa mashg‘ulotlari samaradorligini oshirish uchun integratsiyalangan multimedia mashg‘ulotlaridan unumli foydalanish tarbiyalanuvchilarning musiqiy savodxonlik darajalarini o‘stiribgina qolmay, balki musiqa o‘qituvchilarining kasbiy kompetensiyalarini ham shakllantiradi.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

- 1."Science and Education" Scientific Journal Volume 1 Issue 3 “Musiqqa psixologiyasi” - Toshkent.; 2005 .(O‘quv qo‘llanma)
2. Yusupova N. Musiqqa savodi metodikasi va ritmika.- Toshkent.; 2010.“Musiqqa” nashriyoti. .(o‘quv qo‘llanma)
3. Boltayev B. ”Maktabgacha ta’lim muassasalarida musiqqa tarbiyasi”-“SamDU” nashriyoti .(o‘quv qo‘llanma) -2019 .
- 4.Soipova D.”Musiqqa o‘qitish nazariyasi va metodikasi” - Toshkent. 2009. (o‘quv qo‘llanma)
5. Adilova S. Multimedia va ularni ta’lim jarayonida qo‘llash. T.: TDPU, 2001.

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI MA'NAViy-AXLOQiy TARBIYALASHDA INTEGRATSION YONDASHUV SAMARADORLIGI

Abdualimova Shabnam Hasan qizi

TERDPI Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (maktabgacha ta'lim)
mutaxassisligi 2-kurs magistranti

Annotatsiya: Maktabgacha yoshdagi bolalarda ma'naviy-axloqiy tarbiya berishning muhim ekanligi, bolalarga axloqiy va ma'naviy tarbiya berishda rivojlangan mamlakatlar tajribasiga asoslangan holda integratsiyalashgan usul va vositalardan foydalanish orqali yuqori sifat ko'rsatkichlariga erishish mumkinligi haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: Axloq, me'yor, samaradorlik, ma'naviy tarbiya, ta'lim-tarbiya, usul, integratsiya, maktabgacha ta'lim, vosita.

EFFECTIVENESS OF THE INTEGRATED APPROACH IN SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN

Abdualimova Shabnam

TERDPI 2nd year master's degree in theory and methodology of education and training (preschool education)

Abstract: It is said that it is important to give moral and moral education to children of preschool age, it is possible to achieve high quality indicators by using integrated methods and tools based on the experience of developed countries in giving moral and moral education to children.

Key words: Ethics, standard, efficiency, moral education, education, method, integration, preschool education, tool.

Zamonaviy o'quvchiga yo'naltirilgan ta'lim ko'p bosqichli makon, shaxsning rivojlanishi uchun sharoit yaratuvchi murakkab jarayon sifatida qaraladi. Uning asosiy vazifasi bolaning axloqiy madaniyatini shakllantirishga, insonparvarlikka yo'naltirilgan shaxsni shakllantirishga yordam beradigan yangi qadriyatlar tizimini yaratishdir. Maktabgacha yoshdagi bolalarning ma'naviy-axloqiy rivojlanishi muammosi zamonaviy jamiyatdagi mavjud vaziyat tufayli dolzarb bo'lib bormoqda. Qadriyatlarni asrab-avaylash va yetkazish usuli sifatida insonning madaniyatdan

yroqlashuvi natijasida vujudga kelayotgan qadriyat bo'shlig'i, ma'naviyatning yo'qligi yosh avlod o'rtasida ezgulik va yovuzlikni anglashning o'zgarishiga olib keladi va jamiyatni xavf-xatar oldiga qo'yadi. Maktabgacha yoshdagi bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash zamonaviy maktabgacha ta'lim tashkilotlari sharoitida ta'limning eng qiyin vazifalaridan biridir. Maktabgacha ta'limning deyarli barcha dasturlarining eng muhim vazifasi ma'naviy-axloqiy tarbiyadir. Ushbu dasturlarning xilma-xilligi bilan tarbiyachilar bolalarning tajovuzkorligi, shafqatsizligi, hissiy karliklari, o'zlariga va o'z manfaatlariga nisbatan izolyatsiyasining kuchayishini qayd etadilar. Ayniqsa, shafqatsizlik va zo'rvonlik tez-tez uchrab turadigan hozirgi paytda ma'naviy-axloqiy tarbiya muammosi tobora dolzarb bo'lib bormoqda. Shu munosabat bilan shaxsning ma'naviy-axloqiy fazilatlarini tarbiyalashning turli usullarini tanlash va ulardan oqilona foydalanish hozirgi kunda maktabgacha ta'lim tashkilotlarining asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Ma'naviy-axloqiy tarbiya, bola tarbiyasi masalalari jamiyatni doimo va doimo tashvishga solgan. Ko'pgina pedagoglarning fikriga ko'ra (L.S.Vigotskiy; D.B.Elkonin; L.I.Bojovich, A.V. Zaporjets; Ya.Z. Neverovich va boshqalar) axloqiy instantsiyalar, axloq va axloq me'yorlarining paydo bo'lishi va shakllanishi davri maktabgacha yoshdir. Katta yoshdagi maktabgacha yoshdagi bolani axloqiy tarbiyalash jarayonida axloq normalari va talablari to'g'risidagi bilimlarni to'plash muhim ahamiyatga ega. Shuning uchun har qanday axloqiy sifatni tarbiyalashda tarbiyaning turli vositalari va usullaridan foydalaniladi. Axloqiy tarbiyaning umumiy tizimida mulohazalar, baholar, tushunchalarni shakllantirishga, axloqiy e'tiqodlarni tarbiyalashga qaratilgan vositalar guruhi muhim o'rin tutadi.

Keyingi vaqtlarda maktabgacha talim tashkilotlarida mashg'ulotlarni amalga oshirishda integrallashgan ta'lim metodlaridan foydalanish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Sababi, bolada ona -vatanga muhabbat, insoniy fazilatlarni shakllantirish mashg'ulotlarning asosiy maqsadi sanaladi. Shu ma'noda ma'naviy-axloqiy tarbiya bo'yicha integrallashgan mashg'ulotlar keng rasm bo'lishi qonuniy tus oldi.

Integrallashgan estetik jihatdan tashkil etilgan mashg'ulotlarda, san'at predmetlarini integratsiyalashi, bolalarni sanat predmetlarni o'qitishning muqobil tizimi, ekanligini ta'kidlash imkonini beradi. Integratsiya – tarbiyachining turli fanlar bo'yicha kuzatishlari va xulosalarni tasdiqlab yoki chuqurlashtirib beruvchi yangi dalillarni topib berish manbaidir. Ular faoliyatning turli shakllari almashib turishi orqali tarbiyalanuvchilar charchashi va asabiylashishining oldini oladi.

Barcha mamlakatlarda pedagoglar faoliyati uchun maksimal qulay sharoitlarning yaratilgani, pedagogning ijodiy erkinligi, katta hajmdagi

hisobotlarning yo'qligi, davlat bog'chalari pedagoglari ijtimoiy statusining yuqoriligi, bolalar o'zlarini namoyon qilishlari uchun yaratilgan ijodiy muhit, jumladan xonalarning hatto kichik detallarigacha qulay dizayni va jihozlangani, ular uchun boy adabiyotlar va rivojlantiruvchi o'yinlarning mavjudligi, erta bolalikdan jamiyatda o'zini tutish va shaxsiy gigiena ko'nikmalarini tarbiya qilish maktabgacha ta'lim tizimi muvaffaqiyatining asosini tashkil etadi. Quyida biz ba'zi bog'chalarning faoliyatiga nazar tashlaymiz.

Koreya bog'chalarda asosan musiqa, rasm, hisoblash mashg'ulotlari integratsion shaklda tashkil etiladi. Koreys bog'chalarida bolalarda mustaqillik, tashabbuskorlik, ijodkorlik kabi ma'naviy-axloqiy sifatlarni shakllantirishga katta e'tibor berilishi, ta'lim-tarbiya jarayonini uzviylikda olib borilishi, O'zbekistonda maktabgacha ta'lim tizimida Koreya tajribasidan foydalanish imkoniyatlarini kengligini ko'rsatadi.

Xitoy bog'chalarida bolalar tarbiyasi integratsion ko'rinishga ega ya'ni, jismoniy rivojlanish bilan uyg'unlikda olib boriladi, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarni jismonan, aqlan, estetik rivojlanishlarida ko'mak beradi, bu bilan bolani eng kichik yoshidan barkamol shaxs bo'lib rivojlanishini ta'minlaydi. Bolalar bog'chasida tarbiyaning asosiy vositasi o'yin hisoblanadi, u yerda bolalarning rivojlanishi uchun butun sharoitlar yaratilgan, o'z qobiliyatlarini namoyon qilish imkoniyatlari ta'minlangan. Bolalar bog'chasida qat'iy tartib va intizom o'rnatiladi, bolalar erkaliklari ta'qiqlanadi. Tarbiyachilar bolaning shaxsiy hususiyatini yaxshi biladilar, lekin bu hususiyatlari tug'ma deb hisoblamaydilar. Bolalar bog'chasida o'zaro urushlar, erkaliklar, kattalar talabiga bo'ysunmaslikka yo'l qo'yilmaydi, yomon intizom ilk ko'rinishidayoq bartaraf etiladi, agar bola o'zini yomon tutsa, tarbiyachi uning yoniga kelib, bu holatini sezganini bildiradi, lekin gapirmaydi. Bola o'z aybini tushungachgina tarbiyachi uning nomini aytib chaqiradi. Urush, xonadan haydab chiqarish, umuman jazolash man etiladi. Intizomni yaxshi ushlab turishning samarali yo'li bu - taqqoslash va rag'batdir, deb hisoblashadi. Bolalarni yoshligidan boshlab o'z xulq-atvorlarini tahlil etishga o'rgatib boriladi. Bolalar diqqat bilan eshitadilar va to'g'ri hayotiy misollarni eslab qoladilar. Har bir tartibsizlikka tanbeh beriladi, aks holda bola bu tarbiyasizlikni to'g'ri hisoblab, o'ziga singdirib olishi mumkin deb hisoblanadi. Xitoy bolalaridagi qat'iylik va mehnatsevarlik an'anaviy fazilatlarga aylangan.

Xulosa sifatida maktabgacha ta'lim tizimida ta'limiy va tarbiyaviy mashg'ulotlarni integratsiyalash to'g'risida ko'p so'z yuritilmoqda. Olimlar va amaliyotchi tarbiyachilar bolalarda qanday qilib dunyo to'g'risida yaxlit tushuncha hosil qilish va turli fanlar bo'yicha bilimlarni yaqinlashtirish uchun bir butun dasturni tuzish

to'g'risida bosh qotirishyapti. Integratsiyalashgan mashg'ulotdan kutiladigan maqsad faqat ma'lum bilimlarni egallashga emas, balki tasvirli fikrlashni rivojlantirishga qaratiladi. Olamning umumiy ko'rinishi tovushlar, tasvirlar, ranglar orqali tanishtiriladi, bola esa ham dunyoni, ham o'zini o'rganuvchi, tekshiruvchi o'ringa qo'yadi. Asosiy bilimlarni o'zlashtirish va olamdagi bor narsalarning qonuniyatlarini tushunishda predmetlar ichidagi va predmetlar aro aloqalarini o'rnatish ta'limga integratsiyalashga yondoshuvning metodik asosidir. Bunga turli mashg'ulotlarga tushunchalarga ko'p marotaba qaytishi, ularni chuqurlashtirish va boyitish, shu yoshga tushunarli bo'lgan muhim belgilarni aniqlash orqali erishish mumkin. Shunday qilib yaxshi shakllangan tuzilish va o'tkazish tartibiga ega bo'lgan, tarkibiga shu o'quv predmetiga tegishli bo'lgan tushunchalar guruhi kiritilgan har qanday mashg'ulot integratsiyaga asos qilib olinishi mumkin. Lekin integratsiyalangan mashg'ulotga boshqa mashg'ulot, boshqa o'quv predmetlari bilan bog'liq tushunchalar tahlil qilishning natijalari kiritiladi. Masalan, «tabiat», «suvlar», «gozallik», kabi tushunchalar tabiatshunoslik, musiqa, tasviriy sanat mashg'ulotlarida ko'rib chiqiladi. Tushunchalarning tahlil qilish boshqa o'quv mashg'ulotlarida o'zlashtirilgan bilimlarga murojaat qilinadigan darslar integratsiyalangan hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Mavlonova R. A. Boshlang'ich talimning integratsiyalashgan pedagogikasi (metodik qo'llanma). - T.: 2005.
2. Adilova S. Multimedia va ularni ta'lim jarayonida qo'llash. T.: TDPU, 2001. № 2. 20-21
3. Abdurahmonovna, N. M. (2021). Pedagogical and Psychological Aspects of Professional Sustainability of Future Teachers.
4. Manzura, N. (2021). Sustainable Activity in the Teaching Profession and Its Foundations. *Psychology and Education Journal*, 58(2), 1339-1345.
5. "Science and Education" Scientific Journal Volume 1 Issue 3 June 2020 606 www.openscience.uz
6. Maktabgacha ta'lim muassasalari uchun modullar T-2012 y, ikkinchi nashr 126

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI MAKTAB TA'LIMIGA TAYYORLASHDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI

Mamayusupova Charos Alisherovna

TERDPI Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (maktabgacha ta'lim)
mutaxassisligi 2-kurs magistranti

***Annotatsiya:** Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarni maktab ta'limiga sifatli tayyorlash borasida amalga oshirilayotgan ishlar mazmuni va bu ta'lim-tarbiya samaradorligiga tez erishish maqsadida interfaol usullardan foydalanish hamda bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda an'anaviy va zamonaviy interfaol usullar vositalari haqida so'z yuritiladi.*

***Kalit so'zlar:** Davlat talablari, maktab ta'limi, "MTT", jismoniy, psixologik, axloqiy, interfaol metodlar, usul, samaradorlik, AKT.*

EFFECTIVENESS OF USING INTERACTIVE METHODS IN PREPARING PRESCHOOL CHILDREN FOR SCHOOL EDUCATION

Mamayusupova Charos

TERDPI 2nd year master's degree in theory and methodology of education and
training (preschool education)

***Abstract:** The content of the work carried out in pre-school education organizations on quality preparation of children for school education and the use of interactive methods in order to quickly achieve the effectiveness of education and training, as well as questions about the tools of traditional and modern interactive methods for preparing children for school education. is maintained.*

***Key words:** State requirements, school education, "MTT", physical, psychological, ethical, interactive methods, method, efficiency, ICT.*

So'nggi yillarda maktabgacha ta'lim tizimini takomillashtirish, ta'lim tarbiya mazmuni, shakli, vosita va metodlarini engilashga alohida e'tibor berilmoqda. Davlat va jamiyat maktabgacha yoshda bo'lgan bolalarni yagona talab asosida rivojlantirish vazifasini qo'ydi. Shunga ko'ra maktabgacha yoshdagi bolalar ta'lim-tarbiyasiga qo'yiladigan davlat talablariga tayangan holda maktabgacha yoshdagi bolalarga

integral tarzda ta'lim-tarbiya berish maqsadida tayanch dasturlari taqdim etilmoqda. Bu tayanch dasturlari bugungi kunda maktabgacha ta'lim tashkilotlariga jalb etilmagan bolalarni ham rivojlantirish va yagona davlat talablari asosida maktabga tayyorlash imkonini beradi. Ta'lim-tarbiya jarayoni yakunida mustaqil fikrlaydigan, erkin, bilimli, bir so'z bilan aytganda barkamol shaxsni voyaga etkazish asosiy maqsad qilib belgilandi. Bu o'zluksiz ta'lim tizimining ilk turi – maktabgacha ta'limga o'ziga xos yondoshuvni talab etar edi. Bola dunyoga kelgan kundan boshlab, davlat va jamiyat hamda ota-ona zimmasiga uni sog'lom, aqlli, xush xulqli qilib tarbiyalash vazifasi qo'yiladi. Bolalarda aqliy faoliyatni dastlab muomila orqali, so'ng ta'limiy faoliyatlar, o'yinlar, bilim berish orqali amalga oshiriladi. Bola har doim buyumlar, hodisalar orasida bo'ladi. Sezgi bolalarda ayrim xossalarni bilib olishga yordam beradi. Bolada aqliy malaka va ko'nikmalarni rivojlantirish, eng oddiy faoliyat usullari predmetlarini tekshirish, ulardagi muhim va muhim bo'lmagan belgilarni ajratib ko'rsatish boshqa predmetlar bilan taqqoslash maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda aqliy tarbiya berish vazifalaridan biridir. Bu ko'nikma, malakalar bilish faoliyatining tarkibiy qismlarga bo'lib, bor bilimlarni chuqur egallab olishga yordam beradi. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarining asosiy vazifalaridan bir bu bolani sifatli maktab ta'limiga tayyorlab berishdir. Bu jarayonda albatta hozirgi zamon talabi asosida interfaol metod va usullardan foydalanish yuqori natijalarga tez erishish imkonini beradi.

Interfaol o'rganish, shubha yo'qki, pedagogikaning qiziqarli, ijodiy, istiqbolli yo'nalishidir. Bu ularning psixologik imkoniyatlarini hisobga olgan holda maktabgacha yoshdagi bolalarning barcha imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishga yordam beradi. Pedagogika sohasida bir nechta o'quv modellari farq qiladi:

1) Passiv – bola mashg'ulotning “ob'ekt” sifatida ishlaydi (tinglash va tomosha qilish)

2) faol – bola mashg'ulotning “mavzusi” sifatida ishlaydi (mustaqil ish, ijodiy vazifalar)

3) Interfaol – bola va o'qituvchining o'zaro ishlashi.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalar, asosan, maktab ta'limiga maktabgacha ta'lim tashkilotlarida va oilada tayyorlanadi. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarni rivojlantirish va maktab ta'limiga tayyorlash 3 bosqichda amalga oshiriladi.

1. Bolalarni nutqini rivojlantirish.

2. Jismonan rivojlantirish.

3. Ma'nan rivojlantirish.

Maktabgacha yoshdagi bolalar ta'lim-tarbiyasiga qo'yiladigan davlat talablari sog'lom va yetuk, maktabga, o'qishga tayyorlangan tarzda shakllantirib borishdan iboratdir.

Bolalarni maktabga tayyorlash, birinchidan bolalar bog'chasida tarbiyaviy ishni maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarni umumiy, har tomonlama rivojlantirishning yuqori darajasini ta'minlaydigan, ikkinchidan bolalarni maktabning boshlang'ich sinflarida o'zlashtirishlari lozim bo'lgan o'quv fanlarini egallashga maxsus tayyorlashni ta'minlaydigan qilib tashkil etilishini nazarda tutadi. Shunga ko'ra zamonaviy psixologik-pedagogik adabiyotda (A.V.Zaparojets, A.A.Venger, G.M.Lyamina, G.G.Petrogenko, J.V.Taruntaeva va boshqalar) tayyorgarlik tushunchasi bola shaxsining rivojlantirish sifatida aniqlanadi va ikkita o'zaro bog'langan jihatlarda: «Maktabga o'qishga umumiy psixologik tayyorgarlik» va «Maxsus tayyorgarlik» tarzida ko'rib chiqiladi. Maktabga umumiy tayyorgarlik MTT ning maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni har tomonlama tarbiyalashga oid davomli, maqsadga muvofiq ta'limtarbiyaviy ishning muhim yakuni sifatida namoyon bo'ladi. Maktabgacha yoshdagi bolalar bilan ishlash uchun interfaol texnologiyalarni joriy etish asta-sekin amalga oshiriladigan jarayon, bu, albatta, maktabgacha yoshdagi bolalarning yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda amalga oshiriladi. Bugun yurtimizdagi maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bir necha interfaol texnologik mashg'ulotlardan foydalaniladi. Misol uchun: "Zanjir" Ushbu texnologiyaning asosi bitta vazifaga har bir ishtirokchining izchil yechimi qidirishi hisoblanadi. Umumiy maqsadning mavjudligi, va o'zaro bir-birlariga yordam ko'rsatish muhitini bir-birlari bilan qamrab olishga, vazifani hal qilish imkoniyatlarini taqdim etadi, bolalarda jamoada ishlash imkoniyatini shakllantiradi.

Maktabgacha tarbiyachi uchun o'yin – bu asosiy faoliyat va u orqali bolaning yoshida zarur bo'lgan hamma narsani o'rgatishingiz mumkin. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tarbiyachilar tomonidan o'tkaziladigan ta'limiy faoliyat jarayonida bolalarda mustaqil fikrlash ko'nikma va malakalari hosil qilinadi, tarbiyachining so'zini tinglash, o'rtoqlari bilan gaplashmaslik, har bir tarbiyachi tomonidan berilgan savollarga javob berishga harakat qilish, tarbiyachi tomonidan aytilgan fikrlarni takrorlashga o'rgatib boriladi. Har bir yosh guruhlarda qancha ta'limiy faoliyat o'tkazish MTT ta'lim-tarbiya dasturida belgilab qo'yilgan. Tarbiyachi ta'limiy faoliyatlar jarayonida yangi pedagogik texnologiya materiallaridan va tarbiyaning samarali metod va usullaridan foydalana, bolaning yosh, ruhiy-fiziologik xususiyatlari inobatga olinsa, tarbiya berishning samaradorligi oshadi. Ba'zi maktabgacha ta'lim tashkilotlari bolalarga STEM (Fan, texnologiya,

muhandislik va matematika) ko'nikmalarini rivojlantirishga yordam berishga ahamiyat berishadi. STEM-ga asoslangan dasturlar bolalardan faqat faktlarni yodlashni talab qilish o'rniga, mustaqil fikrlaydiganlarni yaratishga intiladi. Tayyorlov guruhi bolalari muammolarni hal qilish, savollar berish, tajribalar o'tkazish va kuzatuvlar o'tkazish haqida bilib oladi.

Xulosa o'rnida shuni keltirib o'tmoqchimizki, maktabgacha tayyorlov yoshidagi bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda nafaqat zamonaviy interfaol usullardan foydalanish balki, an'anaviy ta'lim-tarbiya berish usullarini ham birdek amalga oshirish lozim. Bu usullar bir-birini yaxlit holda to'ldirib boradi. Bolalarni maktabga tayyorlik darajasi albatta uning jismoniy, axloqiy, psixologik hamda maxsus tayyorgarlik kabi ko'rsatkichlar asosida tahlil qilinadi. Hozirgi jamiyatimizda faoliyat yuritayotgan MTT lari barcha shart-sharoitlarga ega va tarbiyachilar hamda arbiyalanuvchilar uchun zamonaviy axborot texnologiyalari bilan ta'minlangan desak xato qilmaymiz albatta. Maktabgacha yoshdagi bolalar ta'lim-tarbiyasiga qo'yiladigan Davlat talablarida belgilangan ko'rsatkichlarga erishish 6-7 yoshdagi bolalarni maktabga to'la-to'kis tayyorlashga, maktabda beriladigan ta'limni mukammal o'zlashtirishga, mustaqil O'zbekistonning ravnaqi uchun xizmat qiladigan barkamol inson bo'lib yetishishlariga zamin hozirlaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. M. Vohidov. Bolalar psixologiyasi. – Toshkent. «O'qituvchi» – 1882.
2. A.V. Petrovskiy va boshqalar. Umumiy psixologiya. – T.: «O'qituvchi». – 1992.
3. Yagyaeva, E. B. (2021). Tourism resources as a condition for the tourism development. Middle European Scientific Bulletin, 12, 323-327.
4. Yagyaeva, E. B. (2019). PORTFOLIO AS AN ASSESSMENT TOOL FOR INDIVIDUALIZED INSTRUCTION. Достижения науки и образования, (5), 83-84.
5. Yagyaeva, E. B. (2019). THE MAIN PROBLEMS ENCOUNTERED IN A SECOND/FOREIGN LANGUAGE ACQUISITION IN TECHNICAL HIGHER INSTITUTION EDUCATIONAL. Проблемы современной науки и образования, (11-2), 61-62.
6. <https://singapore.globalindianschool.org/blog-detail/5-preschool-teachingmethods-to-improve-the-quality-of-early-care-and-education>
7. <https://www.bachpanglobal.com/blog/different-preschool-teachingmethods-techniques-used-worldwide298>
8. Turdiyeva I. S. MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARGA INTERFAOL METODLARNI QO'LLASH USULLARI Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences Scientific Journal Impact Factor SJIF 2021: 5.423298

MUAMMOLI KREDITLAR VA UNI MONITORING QILISH TARTIBI

L.Ergasheva

Magistrant, Toshkent moliya instituti

***Annotatsiya:** Ushbu maqola O‘zbekiston Respublikasida faoliyat olib borayotgan tijorat banklarida kredit monitoringgi va muammoli kreditlar haqida bo‘lib, unda bugungi kundagi tijorat banklari kredit portfeli monitoringidagi kamchiliklar, yutuqlar va xorij tajribasini qo‘llashda qaysi jihatlari mamlakatimiz iqtisodiy muhiti uchun munosib ekanligi haqida qisqacha fikr bildirilgan.*

***Kalit so‘zlar:** Kredit monitoringgi, kredit riski, kredit portfeli, muammoli kreditlar (NPL).*

KIRISH

Muammoli kreditlar (NPL) - bu qarz oluvchi belgilangan muddat davomida rejalashtirilgan to‘lovlarni amalga oshirmaganligi sababli to‘lanmagan kredit. Ishlamaydigan holatning aniq elementlari kreditning muayyan shartlariga qarab farq qilishi mumkin bo‘lsa-da, "to‘lovsiz" odatda asosiy qarz yoki foizlarning nol to‘lovlari sifatida aniqlanadi.

Belgilangan muddat sanoat va kredit turiga qarab ham farq qiladi. Biroq, odatda, muddat 90 kun yoki 180 kun. Muammoli kreditlar (NPL) - bu qarz oluvchi majburiyatni bajarmagan va ma‘lum vaqt davomida asosiy qarz yoki foizlarni rejalashtirilgan to‘lovlarni amalga oshirmagan kredit. Bank sohasida, agar qarz oluvchi 90 kun o‘tgan bo‘lsa, tijorat kreditlari muammoli hisoblanadi. Xalqaro Valyuta Jamg‘armasi, agar kelajakdagi to‘lovlar bilan bog‘liq yuqori noaniqlik mavjud bo‘lsa, muddati 90 kundan kamroq muddat o‘tgan kreditlarni muammoli deb hisoblaydi. Biroq, NPLlarning standarti yoki ta‘rifi yo‘q. Ba‘zi banklar kapitalni bo‘shatish va/yoki daromad keltiradigan kreditlarni bajarishga e‘tibor qaratish uchun boshqa banklar yoki investorlarga NPL sotishni afzal ko‘radilar.

Asosiy qism

Muammoli kredit (NPL) defolt yoki defoltga yaqin deb hisoblanadi. Kredit to‘lanmagan bo‘lsa, qarzdor uni to‘liq to‘lash ehtimoli ancha past bo‘ladi. Agar qarzdor NPL bo‘yicha to‘lovlarni qaytadan boshlasa, qarzdor o‘tkazib yuborilgan barcha to‘lovlarni uddalamagan bo‘lsa ham, u qayta ishlaydigan kreditga (RPL) aylanadi. Bank sohasida, agar qarzdor 90 kun ichida foizlar yoki asosiy qarzni nol to‘lagan bo‘lsa

yoki muddati 90 kun o'tgan bo'lsa, tijorat kreditlari muammoli deb hisoblanadi. Iste'mol krediti uchun muddati 180 kun o'tgan bo'lsa, uni NPL sifatida tasniflaydi.

Agar asosiy qarz yoki foizlar to'lanmagan yoki o'tkazib yuborilgan bo'lsa, kredit kechiktirilgan hisoblanadi. Qarz beruvchi kredit shartnomasini buzilgan deb hisoblasa va qarzdor o'z majburiyatlarini bajara olmagan hisoblanadi.

Muammoli kreditlar turlari (NPL)

Qarz bir necha usul bilan muammoli kredit holatiga tushishi mumkin. NPLlarga misollar quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- 90 kunlik foizlar kapitallashtirilgan, qayta moliyalashtirilgan yoki kelishuv hamda dastlabki shartnomaga kiritilgan o'zgartirish tufayli kechiktirilgan kredit.
- To'lovlar 90 kundan kam kechikkan kredit, lekin qarz beruvchi endi qarzdor kelajakda to'lovlarni amalga oshirishiga ishonmaydi.
- Asosiy qarzni to'lash muddati tugagan, ammo kreditning bir qismi to'lanmaganligicha qolgan kredit.

Kreditni boshqarishning asosiy qismi bu muammoli kreditlarni erta aniqlash va faol boshqarish, kreditorni nomaqbul tavakkalchilikdan himoya qilish. Muammoli kreditlarni o'z balansida olib borish kreditorlarning pul oqimini qisqartirishi, byudjetni buzishi va daromadlarni kamaytirishi mumkin. Bunday yo'qotishlarni qoplash kreditorlarning keyingi kreditlar uchun mavjud bo'lgan kapitalini kamaytirishi mumkin.

Ko'pgina kompaniyalar muammolar va ishlamaydigan kreditlarni olishda biznes imkoniyatini ko'rishadi. Ushbu kreditlarni moliya institutlaridan chegirma bilan sotib olish foydali biznes bo'lishi mumkin. Kompaniyalar muntazam ravishda umumiy kredit qoldig'ining 1% dan 80% gacha to'laydi va qonuniy egasi (kreditor) bo'ladi. Ushbu chegirma kreditning yoshiga, aktivning garovli yoki garovsiz ekanligiga, qarzdorning yoshiga, shaxsiy yoki tijorat qarzlari tasnifiga va yashash joyiga bog'liq. Kreditorlar o'z yo'qotishlarini turli yo'llar bilan qoplashga harakat qilishadi. Agar kompaniya o'z qarziga xizmat ko'rsatishda muammoga duch kelsa, kreditor pul oqimini saqlab qolish va uni muammoli kredit sifatida tasniflashdan qochish uchun o'z kreditini qayta tuzishi mumkin. To'lanmagan kredit bo'yicha, qarz beruvchi o'z zararlarini qoplash uchun qarz oluvchining garovga qo'yilgan har qanday aktivlarini sotishi mumkin. Banklar, shuningdek, garov bilan ta'minlanmagan yoki yo'qotishlarni qoplash iqtisodiy jihatdan samarali bo'lmagan muammoli kreditlarni sotishi mumkin. Subprime ipoteka inqirozi va 2007-2009 yillardagi tanazzul banklarning o'z kitoblarida bo'lgan muammoli kreditlar sonining ko'payishiga olib keldi. Iste'molchilarga qarzlarni to'lashda yordam berish uchun bir nechta federal dasturlar qabul qilindi, ularning aksariyati ipoteka kreditlariga qaratilgan.

Ushbu muammoli kreditlar ko‘pincha mulkni tortib olish, qaytarib olish yoki boshqa noxush huquqiy harakatlarga olib keldi. Bugungi kunda ipoteka muammosidan xalos bo‘lishga tayyor bo‘lgan ko‘plab kredit sarmoyadorlari baxtlidir, chunki ular ba‘zan dollarda tiyinlarga aktivlarni sotib olishlari mumkin.

Xulosa qiladigan bo‘lsak O‘zbekistonda “substandart”, “qoniqarsiz”, “shubhali” va “umidsiz” sifatida tasniflangan aktivlar bo‘yicha ehtimoliy zararlarni qoplashga mo‘ljallangan zaxiralar ajratiladi. Ular majburiy zaxiralar hisoblanadi. Bank ustav kapitali miqdori 100,0 mlrd so‘mdan kam bo‘lmasligi kerak. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki banklardan ularning faoliyatiga xos tavakkalchilik, iqtisodiy shart-sharoit va moliyaviy ahvolidan kelib chiqib, kapital monandligining yanada yuqori koeffitsiyenti ta‘minlanishini talab qilishi mumkin. Bunday tavakkalchiliklar muammoli kreditlarning katta hajmi, sof zararlar, aktivlarning yuqori darajada o‘sishi, foiz stavkalari bo‘yicha yuqori darajali tavakkalchilikning yuzaga kelishi yoki tavakkalchilikka asosalangan faoliyatga jalb qilinish kabilarni o‘z ichiga oladi, biroq ular bilan cheklanib qolmaydi.

Kreditlarni monitoring qilishda muammoli kreditlarni yuzaga kelishini oldini olish zarur. AQSH tajribasiga ko‘ra muammoli kreditlarni bartaraf qilish va muammoli kreditlarni default ko‘rinishga yetib bormasligini ta‘minlash maqsadida muammoli kreditlarni yopish uchun berilgan foizga 2 % qo‘shib kreditni yopish uchun yangi kredit liniyasini chib beradi. Bunda albatta tadbirkorning moliyaviy holati o‘rganiladi.

Quyidagi jadvalda Markaziy bankning 2022-yil 1-noyabr holatiga muammoli kreditlarning jami kreditlardagi ulushi foizda va so‘mda keltirilgan qiymati keltirilgan. Unga ko‘ra, banklardagi jami kredit portfeli 375,3 trln so‘mgacha yetgan. Bu o‘tgan oyga nisbatan 12,4 trln so‘mga ko‘proqdir. Oktabr oyida banklardagi umumiy muammoli kreditlar (NPL) miqdori qariyb 968 mlrd so‘mga kamayib, 16,1 trln so‘mni tashkil qilgan.

Iyul oyida bu ko‘rsatkich 250 mlrd so‘mga, avgust oyida esa 500 mlrd so‘mga oshgan edi. Sentabr oyida muammoli kreditlar kamaya boshlagan edi — 300 mlrd so‘mga. O‘tgan oyda umumiy kredit portfelidagi NPL ulushi 0,4 foizga tushib, 4,3 foiz bo‘lib turibdi. Muammoli kreditlarning keskin kamayishi tugatilgan banklar — “Turkistonbank” (619 mlrd so‘m) va “Hi-tech bank” (109 mlrd so‘m) hisobiga sodir bo‘ldi.

Banklar orasida NPL miqdori eng ko‘p “Xalq bank”ida saqlanib qolmoqda va o‘tgan oyga nisbatan biroz pasaygan — 3,3 trln so‘m. NPL ulushi bo‘yicha eng baland ko‘rsatkich “O‘zagroeksporbank”da — bankning jami kreditlardagi NPL ulushi 88,2 foizni tashkil qildi.

**Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида
2022 йил 1 ноябрь ҳолатига маълумот**

№	Банк номи	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	млрд. сўм	
				Муаммоли кредитларнинг жами	Муаммоли кредитларнинг жами
Жами		375 297	16 145	4,3%	
Давлат ўлуши мавжуд банклар		314 066	14 535	4,6%	
1	Ўзмилийбанк	86 902	3 079	3,5%	
2	Ўзсаноатқурилишбанк	47 360	1 697	3,6%	
3	Агробанк	39 564	1 710	4,3%	
4	Асака банк	36 168	1 684	4,7%	
5	Ипотека банк	32 401	885	2,7%	
6	Халқ банки	21 182	3 313	15,6%	
7	Қишлоқ қурилиш банк	19 869	875	4,4%	
8	Микрокредитбанк	12 617	672	5,3%	
9	Турон банк	9 320	352	3,8%	
10	Алоқа банк	8 607	262	3,0%	
11	Итаҳт банк	70	1	1,1%	
12	Ўзғроэкспортбанк	6,3	5,5	88,2%	
Бошқа банклар		61 231	1 609	2,6%	
13	Капитал банк	13 794	256	1,9%	
14	Хамкор банк	11 206	63	0,6%	
15	Ипак йўли банк	8 013	238	3,0%	
16	Ориент Финанс банк	5 042	35	0,7%	
17	Инвест Финанс банк	4 495	39	0,9%	
18	Траст банк	3 387	139	4,1%	
19	Давр банк	2 679	54	2,0%	
20	Азия Альянс банк	2 070	35	1,7%	
21	Тенге банк	2 006	204	10,2%	
22	ЎзКДБ банк	1 978	0	0,0%	
23	Анор банк	1 943	35	1,8%	
24	Тибиси банк	1 200	28	2,3%	
25	Гарант банк	1 047	104	10,0%	
26	Зираат банк	1 011	49	4,9%	
27	Универсал банк	802	30	3,8%	
28	Равнақ банк	369	271	73,4%	
29	Мадад инвест банк	167	28	16,7%	
30	Эрон Содерот банк	21	1	4,1%	
31	Апельсин банк	0	0	0,0%	

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdulkarimova D.R "Bank garov ta'minotini baholash" Monografiya -T <Iqtisod-Moliya>,2016
2. Abdulkarimova D.R "Bank garov ta'minotini baholash zarurligi va asosiy tamoyillari Monografiya -T <Iqtisod-Moliya>,2015
3. www.stat.uz
4. www.Cbu.uz

O'QUVCHILARGA TANQIDIY FIKRLASHGA O'RGATISH VA UNING SAMARASI

Muhammadjonova O'g'iloy Bahodirjon qizi

FarDU talabasi

Sherqo'ziyeva Zarnigor Farhodjon qizi

FarDU talabasi

Annotatsiya: Mazkur maqolada, tanqidiy fikrlash haqida tushuncha, tanqidiy fikrlashning samarali tomonlari va tanqidiy fikrlash masalalarini o'rgangan olimlar, pedagoglar haqida shuningdek, talaba yoshlarga va o'quvchilarga tanqidiy fikrlashni o'rgatish va bu fikrlashning ijobiy va salbiy tomonlari haqida keng ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: tanqid, tanqidiy fikrlash, ijodiy fikrlash, kognitiv yo'nalish, analiz qilish, fikrlash jarayoni, pedagog yoshlar, davlat ta'lim standarti, shaxsiy rivojlanish, madaniy bilimlar, konsepsiya.

Аннотация: В этой статье дается обширная информация о понимании критического мышления, продуктивных аспектах критического мышления и ученых, педагогов, изучающих вопросы критического мышления, а также о том, как научить студенческую молодежь и студентов критическому мышлению, а также о плюсах и минусах этого мышления.

Ключевые слова: критика, критическое мышление, творческое мышление, познавательная ориентация, анализ, мыслительный процесс, педагог молодежи, государственный образовательный стандарт, личностное развитие, культурные знания, концепция.

Annotation: this article provides extensive information about the concept of critical thinking, the productive aspects of critical thinking, and about scientists, educators who have studied critical thinking, as well as teaching student youth and students critical thinking and the pros and cons of this thinking.

Keywords: criticism, critical thinking, creative thinking, cognitive orientation, analysis, thinking process, pedagogical Youth, state educational standard, personal development, cultural knowledge, concept.

Tanqid- (lot) – hukm qilish mahorat - inson faoliyatining biror sohasiga aloqador hodisani baholash, analiz qilish. U xatolarni topish va muhokama qilishdan iboratdir. Tanqid- nimagadir, yoki kimningdir kamchiliklarni baholash nima yoki kimdir haqida salbiy fikr yuritish ham hisoblanadi. Bu fikrlash jarayonida narsa va hodisalarni analiz qilib, asosli xulosalar chiqarish nimaqsadidagi mulohazalar sistemasi bo‘lib u tanqidiy baholash xarakteriga ham ega. Ya’ni u tanqidga aylangan analistik fikrdir. Tanqidiy fikrlash haqida juda ko‘p ta’riflar berilgan jumladan, bu fikrlashning alohida turi bo‘lib, faktlarni tahlil qilish orqali xulosalar hosil qiladi. Ya’ni, o‘z- o‘zini boshqaradigan, o‘zini o‘zi tarbiyalaydigan, o‘zini o‘zi nazorat qiladigan va o‘zini o‘zi to‘g‘irlaydigan fikrlash shaklidir. Uning zaruriy sharti ongni takomillashtirishning qat’iy me’yorlariga rozi bo‘lish va ularni qo‘llashdir. Hozirgi kunda yurtimiz rivojlanishida Sharqda tarbiya mazmunini o‘zida mujassam etgan ta’lim muassasasidagi o‘quvchi – yoshlarni o‘rta asr buyuk mutafakkirlari Xorazmiy, Forobiy, Ibn Sinolar ta’kidlaganlaridek, mustaqil tanqidiy fikrlashga o‘rgatish hamda ushbu tanqidiy fikrlashni jarayonida o‘zlashtirilgan bilimlar biror bir manbadan tayyor holda olingan bilimlar bilan qiyoslanganda katta afzalikka ega ekanligini uqtirish bugungi globallashuv jarayonida o‘rni muhim sanaladi.

Ayniqsa, to‘liqroq va tezroq rivojlangan bu bilimlar o‘quvchilar e’tiqodiga aylanadi va ularning tafakkuri hamda faol amaliy tanqidiy fikrlashi quroli hisoblanadi. Tanqidiy fikrlash masalalarini tadqiq etish bilan ko‘plab zamonaviy olimlar, pedagoglar, psixologlar va metodislar shug‘ullangan. Xususan, V.V. Davidov, M. G. Davlatshin, I. Y. Lerner, M. I. Mahmutov, S. Rajabov ishlarida tanqidiy fikrlashning tuziishlari, aqliy faoliyatning umumlashgan usullari va o‘ziga xos xususiyatlari tahlil etiladi.

Shu o‘rinda Prezidentimiz Sh. M. Mirziyoyevning quyidagi gaplari yodimizga tushadi: “ Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib- intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak ”. O‘sib kelayotgan o‘quvchi- yoshlarimizda ham davlatimiz rahbari aytganlaridek, tanqidiy- tahlil haqida ularga yoshligidan ma’lumotlar berilishi kerak. Tanqidiy fikrlash talabalarga axbarotlarni qayta ishlash, tartibga solish, o‘z fikrlarini tez va aniq ifodalash imkonini beradi. Shuningdek, mustaqil ravishda o‘z bilimlarini jalb qilish va boshqalar bilan konstruktiv munosabatda bo‘lish qobiliyatini rivojlantiradi. Tanqidiy fikrlash axbarot bilan samarali ishlash imkonini beradi, demak, avvalo u bilan ishlashni o‘rganish muhim. Axbarot makonining kengaygan zamonaviy davrida tanqidiy fikrlashni rivojlantirish alohida ahamiyatga ega.

Shunday qilib, tanqidiy fikrlash texnologiyasi Davlat Ta'lim Standartiga muvofiq zamonaviy ta'lim maqsadlariga javob beradi:- o'quvchilarning umumiy, madaniy shaxsiy va kognitiv rivojlanishi, bu talimning asosini ta'minlaydi. –“o'rganishga o'rgatish” va amaliy amalga oshirilishini ta'minlaydi. Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyasi mustaqil qarorlar qabul qilish va mavzuni o'rganishda yo'nalish tanlashga qaratilgan. O'quvchi yoshlar tanqidiy fikrlashni o'rganishda zamonaviy didaktika o'qish jarayonida o'quvchilar psixik tanqidiy fikrlashi bilan shug'ullanuvchi ta'lim psixologiyasi yutuqlaridan foydalanadi. Tanqidiy fikrlashning o'rganish g'oya va tajribalarning turli- tumanlilikini pedagoglar tushungan va qadrlagan vaqtdagina amalga oshadi. Tanqidiy fikrlash, “yakka-yu yagona to'g'ri javob” ni qabul qiladigan, jarayonida yuz bermaydi. Bu fikrlashni rivojlantirish oson ish emas. Lekin tanqidiy fikrlashchilarning shakllanishiga yordam beruvchi muayyan o'quv sharoitlari to'plami mavjud. Bular:

- tanqidiy fikrlash tajribasini egallashi uchun vaqt va imkoniyat berish;
- o'quvchi- yoshlarga fikr yuritish uchun imkoniyat berish;
- yoshlarning o'quv jaroyinadagini faolligini ta'minlash;
- har bir o'quvchi- yoshlarning tanqidiy fikr yuritishga qodir ekanligiga

o'zlarida ishonch hissini uyg'otish;

hisoblanadi. O'z tanqidiy fikrlashlarini maqsadga qaratish va motivlashtirish qobiliyatiga ega bo'lish, o'z istak- mayllarini faol boshqarishga qobillik, har bir daqiqa o'z shaxsini takomillashtirishda foydalanish uchun vaqtni qadrlash eng muhimdir.

Tanqidiy fikrlashning ijobiy tomonlari bo'lganidek salbiy tomonlari ham bor. Demak, tanqidiy fikrlash maqbul yechimni topishning yaxshi usullaridan biri bo'lsada undan doimo foydalanish maqsadga muvofiq emas. Barcha qarorlarni qabul qilish uchun ham tanqidiy fikrlash zarur bo'lavermaydi. Ko'pincha tanqidiy fikrlashdan ko'ra “ijodiy fikrlash” elementlarini qo'llagan ham ma'qul. “Ijodiy fikrlash” esa muammoni yechimini topish maqsadida yangi narsani yaratish maqsadidagi fikrlashdir. Fikrlash narsalarning yaxshi tomoni va ularni yanada yaxshilashga qaratilgan bo'lmog'i kerak. Shu nuqtayi nazardan “tanqidiy fikrlash” fikrlashning eng yaxshi usuli ham bo'lmasligi mumkin. O'quvchilarga har qanday vaziyatda ham voqeani ijodiy tomonlarini topishga o'rgatish kerak. Ular ba'zan aniq, ba'zan esa ong ostida yashirin bo'ladilar.

Pedagogika fani kontekstida tanqidiy fikrlash quyidagi mantiqiy qobiliyatlarni shakllantirishni nazarda tutadi:

- axbarot bilan ishlash qobiliyati: axbarot sifatini tahlil qilish;
- vaziyatni uning alohida daqiqalarini emas, balki butun sifatida ko'rib chiqish;

-muammoni aniqlash, uni aniq belgilash, sabab va oqibatlarini aniqlashtirish, mantiqiy xulosalar qurish;

Tanqidiy fikrlashni rivojlantirishning pedagogik texnologiyasi mualliflari semantik bosqichini amalga oshirish jarayonida asosiy vazifa talabalarning faolligini, ularning qiziqishi va yaratilgan harakat intertetsiyasini saqlab qolish ekanligini ta'kidlaydilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sh. M. Mirziyoyev "Tanqidiy tahlil qa'tiy tartib- intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak" . Vazirlar mahkamisining kengaytirilgan majlisdagi ma'ruzasi 2017- yil 17- yanvar.
2. SOROS xalqaro ochiq jamiyatining "Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish asoslari" fanlararo dasturi" T.2004.
3. Nishonov A, Xaydarov B, Nuriddinov B. va boshqalar o'quv metodik qo'llanma. T., 2003 190-bet.
4. Z. F. Sharapova "Ta'lim texnologiyalari", "Navro'z", Toshkent. 2019.
5. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). NEED TO FORM CREATIVE COMPETENCE IN EDUCATORS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 162-165.
6. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). USE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE EDUCATIONAL ACTIVITY OF EDUCATIONAL ORGANIZATIONS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 166-169.
7. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). DIFFERENT APPROACHES TO THE DEVELOPMENT OF CHILDREN'S SPEECH. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 158-161.
8. Oyatillokh Alishero'g'li, E. (2022). Ways and Methods of Formation of Communicative Competence in Future Teachers. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 63-65.
9. Oyatillokh Alishero'g'li, E. (2022). Ways and Methods of Formation of Communicative Competence in Future Teachers. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 63-65.
10. Iqboljon O'g'li, T. J., & Alisher o'g'li, E. O. (2022). THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL HEALTH OF A PERSON. *PEDAGOGS jurnali*, 9(3), 4-7.

11. Alisher o'g'li, E. O. (2022). Issues of Retraining and Professional Development of Pedagogical Personnel. *The Peerian Journal*, 5, 192-194.
12. Yusufovich, A. A., & Alisher o'g'li, E. O. (2022). PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL OPPORTUNITIES FOR THE FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(6), 1157-1161.
13. Alisher o'g'li, E. O., & Zokirjon o'g'li, M. J. (2022). The Role of Psychology in the Treatment of Heart Failure in Humans. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 5, 500-502.
14. Ахмедов, А., Эгамбердиев, А., & Сотволдиева, О. (2022). The role of pedagogical technologies in improving the quality of education. *Zamonaviy innovatsion tadqiqotlarning dolzarb muammolari va rivojlanish tendensiyalari: yechimlar va istiqbollar*, 1(1), 59-60.
15. Alisher o'g'li, Y. O. (2022). IJTIMOIIY MUHITNING SHAXS RIVOJLANISHIGA TA'SIRI. *PEDAGOGS jurnali*, 18(1), 220-225.
16. Yusufovich, A. A. (2022). PEDAGOGICAL ASPECTS OF FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS. *Science and Innovation*, 1(4), 136-138.
17. Egamberdiyev, O., Kholdarova, Z., & Khusanova, M. (2022). THE ORDER OF THE APPEARANCE OF THE PEOPLE'S DIPLOMACY OF THE GREAT SILK ROAD COUNTRIES.
18. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). NEED TO FORM CREATIVE COMPETENCE IN EDUCATORS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 162-165.
19. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). USE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE EDUCATIONAL ACTIVITY OF EDUCATIONAL ORGANIZATIONS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 166-169.
20. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). DIFFERENT APPROACHES TO THE DEVELOPMENT OF CHILDREN'S SPEECH. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 158-161.
21. Oyatillokh Alishero'g'li, E. (2022). Ways and Methods of Formation of Communicative Competence in Future Teachers. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 63-65.

22. Oyatillokh Alishero‘g‘li, E. (2022). Ways and Methods of Formation of Communicative Competence in Future Teachers. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 63-65.
23. Iqboljon O‘g‘li, T. J., & Alisher o‘g‘li, E. O. (2022). THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL HEALTH OF A PERSON. *PEDAGOGS jurnali*, 9(3), 4-7.
24. Alisher o‘g‘li, E. O. (2022). Issues of Retraining and Professional Development of Pedagogical Personnel. *The Peerian Journal*, 5, 192-194.
25. Yusufovich, A. A., & Alisher o‘g‘li, E. O. (2022). PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL OPPORTUNITIES FOR THE FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(6), 1157-1161.

МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛТИРИШДА ПЕДАГОГИКАНИНГ ЎРНИ

Сотволдиева Орзигул Маъруфжон қизи

Фарғона давлат университети педагогика ва
психология факултети 3-курс талабаси

Махаммаджонов Жаҳонгир Зокиржон ўғли

Фарғона давлат университети педагогика ва
психология факултети 2-курс талабаси

Собирова Азизахон Марибжон қизи

Фарғона давлат университети педагогика ва
психология факултети 2-курс талабаси

***Аннотация:** Ушбу ишда мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш зарурияти, ҳамда йнинг ўзига хос хусусиятлари борасида фикр юритилади.*

***Калит сўзлар:** ахлоқ, маънавий-ахлоқий тарбия, ахлоқий онг, ахлоқий хулқ атвор, маънавий-ахлоқий ривожланиши, ахлоқий ҳис-туйғу, тасаввур, маданий хулқ-атвор.*

Ахлоқ сўзи – лотинча «морос», яъни морал, мантиқ сўзидан келиб чиқиб, у ҳеч қаерда қатъий ёзиб қўйилмаган ижтимоий қонундир. Инсон кундалик ҳаётида ундан (ахлоқ нормаларидан) норма сифатида фойдаланади. Ахлоқий тарбия нормалари ҳар бир жамиятнинг ҳуқуқий нормаларига асос бўлади. Ахлоқий тарбияда киши ахлоқий билимларни ўзлаштирибгина қолмай, ҳар қандай вазиятларда ўзини ана шу нормаларга муносиб тута оладиган кишилар ахлоқий тарбияланган ҳисобланади. Ахлоқий тарбияланган кишида барқарор маънавий мотивлар шаклланиб бўлади. Бу мотивлар эса ўша кишини жамиятда муносиб хулқ-атворга рағбатлантиради. Ёш авлодни жамиятга, меҳнатга, ўзига муносабатни очиб берувчи маънавий фазилатларга мувофиқ равишда тарбиялаш тарбияланувчи шахсни, ахлоқий тарбиянинг педагогик ва психологик асосларини чуқур билишни талаб қиладиган мураккаб жараён дир. Ахлоқий билимларни онгли равишда ўзлаштириб олишгина болаларга атрофдаги

кишилар хатти-ҳаракатидаги қайси жиҳатлар яхши-ю, қайсилари ёмон эканлигини англаб олишга ёрдам беради.

Мактабгача таълим ташкилотларида маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш ижтимоий тарбиянинг муваффақиятини таъминловчи энг муҳим омил саналади. Маънавий-ахлоқий таълим ва тарбия ўзаро боғлиқлик, узвийлик, алоқадорлик ҳамда диалектик характерга эга бўлиб, шахс маънавий-ахлоқий камолотини шакллантириш асоси ҳисобланади. Маънавий-ахлоқий таълим болаларга маънавий-ахлоқий муносабатлар моҳияти тўғрисида тизимланган билимларни бериш, уларда маънавий-ахлоқий билимларни егаллашга бўлган еҳтиёжни юзага келтириш маънавий-ахлоқий онгини шакллантириш жараёни бўлиб, изчил, узлуксиз, тизимли тарзда ташкил этилиши лозим.

Қадимги файласуфлар-у, донишмандлар ижодида одоб-ахлоқ маласалари марказий ўринни эгаллаб келган. Улар ахлоқ-одобни жамиятнинг «пойдевори» деганлар. Шунинг учун жамиятнинг ҳар бир аъзосининг хулқи-одобига алоҳида еътибор билан қаралади. Маънавий- ахлоқий билимларни онгли равишда ўзлаштириб олишгина ўқувчиларга атрофдаги кишилар хатти-ҳаракатидаги қайси жиҳатлар яхши-ю, қайсилари ёмон эканлигини англаб олишга ёрдам беради. Ахлоқий тушунчаларнинг турли ёш даврларида шаклланиш даражаси турличадир.

Жумладан: 1. Ахлоқий онглилик, 2. Ахлоқий қадриятлар, 3. Ахлоқий ҳис-туйғулар.

Ахлоқ ижтимоий онг шаклланишидан бири бўлиб, муайян жамиятда яшовчи кишилар амал қилиши зарур бўлган маълум хатти-ҳаракат қоидалари йиғиндисидир. Ахлоқ одамларнинг бирбирига, жамиятга, давлатга, халқ мулкига, оилага муносабатини муайян тартибга соладиган хаттиҳаракат қоидалари тизимида намоён бўлади. Ахлоқ- кишининг ички олами, эътиқоди, фазилатлари сифатида мавжуд бўлса, одоб-шахснинг кўзга ташланадиган мулозамати, хулқ-атвори, муомаламуносабатларида намоён бўлади.

Мактабгача педагогика ёш авлодни маънавий - ахлоқий ривожланишида тарбия ва тарбияни муҳим омил деб ҳисоблайди. Педагогика ва руҳиятга оид тадқиқотлар натижаларининг ко'рсатишича, мактабгача тарбия даври боланинг маънавий шаклланишида энг муҳим бошқичидир. Шу даврда маълум мақсадга йўналтирилган тарбия-тарбия таъсирида шахснинг ахлоқий сифатлари шакллана бошлайди. 6-7 ёшда ижобий хулқ нормаларининг анча барқарор шакли юзага келади. Бола атрофдагилар билан бўладиган муносабатларида егаллаб олган ахлоқ нормаларига асосланган ҳолда иш тутадиган бўлиб қолади. Шунинг учун болаларга илк ёшдан бошлаб маънавий- ахлоқий тарбия бериб бориш муҳимдир.

Мактабгача таълим ташкилотларида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш вазифаси ва мазмуни боланинг маънавий дунёсини, унинг онгини, ахлоқий ҳисларини, шахсий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришни тақозо этади.

Кичик ёшли болалар ахлоқий тасаввур ва билимларни фақат уйин машғулотларида яхши ўзлаштириб оладилар. Болалар томонидан ўзлаштириб олинган ахлоқий тасаввурларни улар онгли равишда тушуниб йетишлари дастлаб машғулотларда, кейинчалик ўйин, меҳнат жараёнларида, сайрда, мусатқил фаолиятлар орқали амалга оширилади.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларга ахлоқий тарбия беришда ҳар хил метод ва усулларни қўллаш муҳим аҳамиятга егадир. Ахлоқий тарбия методлари - болаларнинг ахлоқий тасаввур ва билимларни егаллаб олишга қаратилган фаолият усулидир. Мактабгача ёшдаги болалар тарбияланадиган ахлоқий хусусиятлар, ҳулқ-атвор қоидалари орасида инсонпарварлик муҳим ўрин тутаяди. Инсонпарварлик ҳисси ахлоқ нормалари ва қоидаларини ўргатиш асосида ривожланади.

Бунинг учун болаларни яхши ишларни қилишга ўргатиб бориш керак. Инсонпарварликни тарбиялашда болаларнинг ёшини эътиборга олиш зарур. Кичик болага яхши бўл деганингиз билан яхши бўлиб қолмайди, чунки унда яхшилик билан ёмонликни тўғри таҳлил қилиш ҳаётий тажрибаси йетишмайди. Бу ёшдаги болаларни яхши ишлар қилишга ўргатилади: йиқилиб тушган болани турғазиб қўйишга ёрдам бериш, унинг устки кийимларини қоқиб қўйиш, юпатиш, ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиш, ўйинчоғини ўртоғига бериб туриш, тик турган кишига жой кўрсатиш, энг муҳими бошқаларга кўрсатилган хизматдан хурсанд бўлишга ўргатиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://old.lex.uz/docs/>;
2. <https://anticorruption.uz/uz/item/what-is-corruption>;
3. Vazirlar Mahkamasining “Tibbiyot xodimlari malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash tizimini takomillashtirish to‘g‘risida” 2009-yil 18-dekabrdagi 319-son qarori;
4. O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi O‘RQ-684-sonli “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonuni;
5. Egamberdiyev, O. A. O., Turdaliyev, A. Y. O., & Maxamadjonov, J. Z. O. (2021). Kasbiy kompetentlikni shakllantirishning pedagogik asoslari. *Science and Education*, 2(11), 985-991.

6. Zarnigor, R. A. Q., Egamberdiyev, O. A. O. G. L., & Sotvoldiyeva, O. M. R. Q. (2021). Pedagogik kompetentlikning: nazariy va amaliy tahlili. *Science and Education*, 2(9), 309-314.
7. Egamberdiyev, O. A. O., Sotvoldiyeva, O. M. Q., & Turdaliyev, A. Y. O. (2021). PEDAGOGIK MAHORATNING MUAMMOLI O'ZLASHTIRISH YO'LLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 535-542.
8. Yusufovich, A. A., & O'G'Li, E. O. A. (2022). BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOIK ASOSLARI. *Science and innovation*, 1(B3), 40-46.
9. Alisher o'g'li, E. O. (2022). O 'ZBEKISTONDA MADANIYAT VA SAN'AT TARIXI MASALALARI. *Journal of new century innovations*, 14(3), 33-36.
10. Alisher o'g'li, E. O. (2022). O'QUVCHILARNI TANQIDIY FIKRLASHGA O'RGATISH DOLZARB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA. *Journal of new century innovations*, 4(1), 52-59.
11. Alisher o'g'li, Y. O. (2022). IJTIMOY MUHITNING SHAXS RIVOJLANISHIGA TA'SIRI. *PEDAGOGS jurnali*, 18(1), 220-225.
12. Yusufovich, A. A. (2020). ISSUES OF FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE, WHICH IS AN INTEGRAL PART OF PROFESSIONAL-PEDAGOGICAL TRAINING OF FUTURE TEACHERS IN THE EDUCATIONAL PROCESS. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 8(7).
13. Tojimamatov, J., & Egamberdiyev, O. (2022). THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL HEALTH OF A PERSON.
14. Egamberdiyev, O., Kholdarova, Z., & Khusanova, M. (2022). THE ORDER OF THE APPEARANCE OF THE PEOPLE'S DIPLOMACY OF THE GREAT SILK ROAD COUNTRIES.
15. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). NEED TO FORM CREATIVE COMPETENCE IN EDUCATORS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 162-165.
16. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). USE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE EDUCATIONAL ACTIVITY OF EDUCATIONAL ORGANIZATIONS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 166-169.

- 17.ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). DIFFERENT APPROACHES TO THE DEVELOPMENT OF CHILDREN'S SPEECH. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 158-161.
- 18.Oyatillokh Alishero'g'li, E. (2022). Ways and Methods of Formation of Communicative Competence in Future Teachers. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 63-65.
- 19.Oyatillokh Alishero'g'li, E. (2022). Ways and Methods of Formation of Communicative Competence in Future Teachers. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 63-65.
- 20.Iqboljon O'g'li, T. J., & Alisher o'g'li, E. O. (2022). THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL HEALTH OF A PERSON. *PEDAGOGS jurnali*, 9(3), 4-7.
- 21.Alisher o'g'li, E. O. (2022). Issues of Retraining and Professional Development of Pedagogical Personnel. *The Peerian Journal*, 5, 192-194.
- 22.Yusufovich, A. A., & Alisher o'g'li, E. O. (2022). PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL OPPORTUNITIES FOR THE FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(6), 1157-1161.

КИНО—ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Тилепов Қуатбай Нукусбаевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

2 курс магистранти

Kolya_2292@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада кино санъатининг томошабинлар оmmasига таъсир қилишининг янги усуллари ҳақида сўз юритилади. Бу усуллар қорақалпоқ, ўзбек ва жаҳон киноижодкорлари томонидан тасвирга олинган кино маҳсулотлари кенг таҳлил этилди ва кўрсатиб берилди.

Калим сўзлар: кино, усуллар, характер, хусусият, лавҳа.

ABSTRACT

This article discusses new ways in which cinema can influence the audience. These methods have been widely analyzed and demonstrated by Karakalpak, Uzbek and world filmmakers.

Keywords: movie, methods, character, feature, clip.

Инсоният қадим-қадимдан санъатга, ижодга ўзига ҳос иштиёқ билан қораган. Одамзот аввалдан ёриқ кунга ишониш ва бу ишонишни тарбияловчи ва мустаҳкамловчи восита бўлган санъатга асрлар давомида яшаш учун курашишда ҳам фақат олга интилишга асос бўлган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Жаҳон миқёсида ҳар қил идея ва идеологиялар кураши, одамлар айниқса ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун ҳар хил кўчлар ўртасида рақобат кескин тус олган бугунги кунда энг оммавий санъат бўлган кинонинг беқиёс имкониятларидан самарали фойдаланишимиз керак»!¹

Давлатимиз раҳбарининг кино соҳасига боғлиқ қабул қилган фармон ва қарорлари миллий кино санъатимизнинг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, идеологик бадий савиясини орттириш йўлидаги аҳамиятли воқеа бўлди.

¹ Халқ сўзи. 2017 йил 29 декабрь №47-сон

Бу кўрсатилган эътибор фақат ўзбек киноси, балки қорақалпоқ киноси учун ҳам аҳамиятли воқеа бўлиб, унинг янада ривожини учун яна бир асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Кино ўзининг оммавий ва томошавинлиги билан кенг тарқалган санъат тури. Ҳозирги кунда пойтахтда, туман марказларида ҳам давлат ва нодавлат киностудиялар ташкиллаштирилган.

Қорақалпоғистон киноҳужжатчилар ҳар доим миллий ва янада кенгрок томошабинлар оммасига таъсир қилишининг янги усуллари кашф қилаётганликлари ва изланишда эканликлари барчамизга маълум. Бу янги методларни қўллашда англандиган узлуксиз ва табиий ижодий жараёнлар. Киноплакат образлиқ шакллари ичида асосий ўрин эгаллайди.

«Кино» сўзига муаллифлари ҳужжатшунослар фаолиятида кинолавҳаларнинг муҳимлигини атаб ўтадилар. Вьетнам ва Кубалик киноҳужжатчилар мисолида улар панорамаликнинг яна бир хусусияти – етказилаётган образнинг лавҳалилигига (плакатлиги) диққат қаратади.

Улар ўткир публицистик франсуз калонизаторлари ва америкалик агрессияга қарши кураш йилларидаги мураккаб шароитларда тасвирга олинган. Вьетнам ҳужжатли фильмларига хос Жаҳон ҳужжатли киносида кубалик режиссёр С.Альвари ижоди алоҳида аҳамиятга эга. («Ханой, Сешамба 13», 1967, «Генерал қайтарзда ва не учун ўлдирилди?», 1970 ва х), унинг фильмларида ижтимоий-сиёсий тақминнинг теранлиги ўткир плакатли, кескин зиддиятли монтаж ритми билан боғланади.¹

Биз плакатлиқ, яъни бирор нарсани (кема, саксовул, қумлар, бош кийим, ояқ кийим, қора уй ва х.) баъзан бир неча бор яқиндан тасвирланиши умумий видео тасвирнинг асосий хусусиятидир. Бу айниқса, овозли-расмли, матнли ва аналитик сафга киритилган, аниқроғи, махсус ҳужжатли кино учун, характерли. Плакатлиқ, назарга ташланувчанлиқ, ёрқинлиқ, бадийлиқ билан баробар. У релефли ўзига хосликка эга, кўргазмалилиги, хусусияти билан кўзга ташланади.

Бу характер «Қорақалпоқфильм» киностудияси томонидан ишлаб чиқилган кўпчилик фильмларда учрашади. Масалан, «Фидойилар», «Муינוқ дўстлиқ ўлкаси» фильмларида яққол кўзга ташланади.

Қорақалпоғистонда ҳозирги вақтда кино соҳаси бўйича «Қорақалпоқфильм» киностудияси давлат унитар кархонаси ўз фаолиятини олиб бормоқда.

«Қорақалпоқфильм» киностудиясининг асосий вазифаси кино санъатининг миллий маданиятини ривожлантириш, бадий-ҳужжатли, илмий-публицистик,

¹ Кино: энциклопедический словарь. Гл. ред. С.И.Юткевич. – М.: Сов.энциклопедия, 1986. – С. 129

мультипликацион кинофильмлар ишлаб чиқариш, киновидеофильмларни ўзбек, рус тилларига дубляж этишдан иборат.

Миллий ҳужжатли фильмларнинг кинообразлиги ҳақидаги фикрларимизни қуйидагича хулосаламоқчимиз. Қорақалпоғистондаги ҳужжатли фильмлар соф ахборот устиворлигини бажармайди-бу газета-журналларнинг, интернет ва телевидениенинг вазифаси. Замонавий медиа воситаларининг ўзига хослиги шундан иборатки, айнан улар республикада, юртимизда ҳамда жаҳонда юз бераётган янгиликлар, воқеа-ҳодислар тўғрисида материалларни биринчи, тезкор равишда ва қисқа лўнда шаклда етказиб бериш лозим. Шунингдек, бу ОАВ маълумотларининг ижодий ва техник хусусиятларига кўра буни кенг томошабин аудиториясига мос ҳолда қулай форматда намойиш қилиш имкониятига эга.

Сўнги даврда миллий бадиий ва ҳужжатли фильмларнинг тематикаси ҳилма-ҳиллиги анча ривожланиб мазмун моҳияти, савияси яхшиланди.

Натижада ёшларнинг тарбияси билан боғлиқ миллий фильмларга талаб ва таклиф ортиб, унга қўйиладиган маъсулият ҳам юқорилаб бормоқда. Қорақалпоқ киноижодкорлари томонидан ишлаб чиқилган «Қурғон» ўзбек киноижодкорлари билан ҳамкорликда тасвирга олинган «Тенгиз» бадиий фильмларида замон қаҳрамонларининг қиёфаси ошиб берилиб, бу орқали ёшларимизга намуна бўладиган қаҳрамон характери яратилади.

«Тенгиз» бадиий фильми асосан, Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ шаҳрида истиқомат қилувчи Манзура Ернийёзова ва унинг жасоратига бағишланади. Фильмда бадиий тўқималар мавжуд. Лекин фильм сюжетида бу аёлнинг тушкунликка тушмай тикувчиликни ўрганиб, тadbиркорга айлангани, ёшларга ибрат бўлаётгани, ирода ва матонати асос қилиб олинган. Бахтсиз ҳодиса туфайли ўнг оёқ-қўлидан ажралган Тенгиз исмли келиннинг бир зумда тўқис кўринган бахтидан айрилиши ҳақидаги воқеа билан бошланса, фильмда келгуси саҳналар анча кўтаринки тус олади. Тўғри, у севган ёридан, бахтидан воз кечади, лекин ўзининг тиришқоқлиги ва меҳнати туфайли яна ҳаётга қайтади.

Фильмда айнан Қорақалпоқ этник калорити, фақат уларгагина хос анъаналар кўпроқ очиб берилармикан деган ўйга борсанг. Ўтов ва кўк кўйлак билан боғлиқ кадрларни инобатга олмаса, бу масалада ҳам янгилик йўқ. Оролнинг бугунги ҳолати, кемалар қабристонидан ташқари экологик муаммолар қуршовида қолган одамлар ҳаётини Тенгизнинг тақдирига ҳамоханг тарзда очиб берилган.

Фильмда энг зўр топилма кадр - Тенгизнинг уйи олдида осилган эълон бўлди: "Қайиқ сотилади!" Орол муаммосини шу иккитагина сўз борича, рўйи рост ифодалаган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қанақа бадий ва ҳужжатли фильмлар томошабинга визуал оламга тасвирланаётган воқеа ҳодисани намойиш феноменига чуқурроқ кириб бориши билан таъсир қилади. Натижада кино ОАВ ларидан ўзига ҳослиги билан ажралиб турадиган санъат тури ва кучли тарбия воситаси ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2021, 464б.
2. Кино: энциклопедический словарь. Гл. ред. С.И.Юткевич. – М.: Сов.энциклопедия, 1986. – С. 129.
3. Хайдеггер М. Время картины мира (1938, 1950) // Хайдеггер М. Исток художественного творения. Избранные работы разных лет. М.: Академический проект, 2008. – С. 274.
4. Тешабоев Ж. «Ўзбек киноси: изланишлар ва ишончлар» (1984);
5. Абулкосимова Х, Тешабоев Ж, Мирзамухамедова М. «Ўзбекистон киноси» (1985);

MA'LUMOTLARNI YASHIRISHDA ZAMONAVIY Fayl TIZIMLARINING VAQT BELGILARIGA ASOSLANGAN STEGANOGRAFIYANI QO'LLASH

Nuriddin Akbarovich Jabbarov

Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti,
o'qituvchi-stajyor

nuriddinjabbarov2696@gmail.com

Ilyos Hamidulla o'g'li Vaydullayev

Geologiya fanlari universiteti, o'qituvchi

vaydullayevi@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu tadqiqod ishida raqamli steganografiyaning so'nggi yutuqlari orasida turli xil fayl tizimlarining tuzilishidagi imkoniyatlarni hisobga olgan holda ma'lumotlarni yashirish usullari alohida tahlil qilib o'tilgan. Bu usullar ma'lumotlarni saqlash vositalari xususiyatlari bilan bevosita bog'langan. Tadqiqotimizning asosiy maqsadi - klasterli fayl tizimlarida ma'lumotlarni yashirish usullarining tahlilini o'tkazish, ularning imkoniyatlarini tadqiq qilish va ma'lumotlarni steganografik himoya qilishning samarali mexanizmlarini yaratishdan iborat. Ushbu ishimizda asosiy e'tibor steganografiya sohasining kiberxavfsizlik muammolarini yechishdagi ahamiyatiga qaratilgan.

Kalit so'zlar: *Steganografiya, NTFS, FAT va ext4 fayl tizimlari, TOMS tizimi, MFT yozuvlari.*

ABSTRACT

In this research paper, among the latest advances in digital steganography, data hiding methods are analyzed separately, taking into account the possibilities in the structure of various file systems. These methods are directly related to data storage media. The main purpose of this study is to analyze the methods of data concealment in cluster file systems, to study their capabilities and to create effective mechanisms for steganographic data protection. In this paper, we focus on the role of steganography in solving cybersecurity problems.

Keywords: *Steganography, NTFS, FAT and ext4 file systems, TOMS system, MFT records.*

KIRISH

Fayllarning vaqt belgilarini steganografik kanal sifatida ishlatib maxfiy axborotlarni fayl tizimining qismlariga yashirish mumkin. Yuqori aniqlikka ega taymerlarga asoslangan zamonaviy operatsion tizimlarining vaqt belgilari saqlanish va ishlatilish jarayonlarida informatsion uzilishlar vujudga keladi. Shu jarayonlarni hisobga olib ma'lumotlarning maxfiyligini, ishonchligini va foydalanuvchanligini ta'minlovchi ko'p sathli steganografik tizimni shakllantirishni amalga oshirsa bo'ladi. Quyida taqdim etilgan usul turli xil fayl to'plamlaridan iborat millionlab fayllarga ega NTFS fayl tizimi yordamida nazariy va amaliy tahlillarga ko'ra baholanadi. Fayl tizimidan oddiy foydalanish jarayonida ushbu usuldan foydalanib yashiringan ma'lumotlarning aniqlab olish deyarli imkonsiz. Qolaversa, taqdim etilgan usul raqamli kriminalistika sohasida ham ma'lumotlarni yashirish va ularni mavjudligini fosh etishda qo'llanilishi mumkin.

ASOSIY QISM

Fayl tizimi asosida ma'lumotlarni yashirish uchun "fishy" tizimi natijalari yordamida hozirgi kunda eng ommabop fayl tizimlari bo'lgan NTFS, FAT va ext4 fayl tizimlari uchun ma'lumotlarni yashirish usullarini tahlil qilish mumkin. Tahlil natijalari 1-jadvalda berilgan. Jadvalda ✓ belgisi bilan belgilangan maydonlar tekshirish o'tkazilgan usullarni, X belgisi bilan belgilangan maydonlar hali o'rganish jarayoni kechayotganini va - belgisi bilan bu usul boshqa fayl tizimlarida mavjud emasligini bildirish uchun ishlatilgan. Bundan tashqari jadvalda ma'lumotni yashirish usullarning yashirin axborot hajmi, bardoshlilik va aniqlanish ehtimolliklari ham baholangan.

Fayl tizimining texnik xususiyatlari ma'lumotlarni tavsiflash uchun qo'shimcha ma'lumotlar tuzilmalarining (ya'ni "metama'lumotlar") asl nusxasi kabi kirish huquqlari va muhim fayl voqealari sodir bo'lgan sana va vaqtni aniqlaydi.

1-jadval. Fayl tizimi maydonlarida ma'lumotni yashirish usullari haqida umumiy ma'lumot

Usul nomi	Ta'rif	Yashirilishi mumkin bo'lgan ma'lumot hajmi	Aniqlanish ehtimolligi	Bardoshlili gi	Fayl tizimi		
					FAT	NTFS	EXT4
fileslack	File Slack dan foydalanish	yuqori	o'rtacha	past	✓	✓	✓
Mftslack	MFT Slack dan foydalanish	yuqori	yuqori	past	-	✓	-
Ads	AltDS ni qo'llash	yuqori	yuqori	o'rtacha	-	✓	-
Addcluster	Qo'shimcha klaster/Blok joylash	yuqori	o'rtacha	past	✓	✓	✓
Badcluster	Nosoz klasterlar/ Blok joylash	yuqori	o'rtacha	yuqori	✓	✓	✓
Reserved gdt blocks	Zahira GDT bloklardan foydalanish	yuqori	yuqori	o'rtacha	-	-	✓
Superblock slack	Superblok maydonidan foydalanish	o'rtacha	yuqori	yuqori	-	-	✓
superblock reserved	Zahira superblok maydonidan foydalanish	past	o'rtacha	yuqori	-	-	✓
superblock backups	Superblok zahira nusxalaridan foydalanish	o'rtacha	o'rtacha	yuqori	-	-	✓
osd2	Foydalanilmagan osd2 inod maydonidan foydalanish	past	o'rtacha	yuqori	-	-	✓
obso faddr	Foydalanilmagan Obso_faddr inod maydonidan foydalanish	past	o'rtacha	yuqori	-	-	✓
Bootsector	Yuklovchi sektor maydonidan foydalanish	past	yuqori	yuqori	✓	✓	✓
null_dir_entries	Nulli dir yozuv maydonidan foydalanish	yuqori	o'rtacha	past	-	-	✓
gdt_slack	Gdt yozuvlari katalogidan foydalanish	o'rtacha	yuqori	o'rtacha	-	-	✓
groupdesc_reserved	Group-desc dagi zahira maydonidan foydalanish	past	o'rtacha	yuqori	-	-	✓
gdt backups	Gdt zahira nusxalaridan foydalanish	yuqori	o'rtacha	o'rtacha	-	-	✓
blockbitmap slack	Block Bitmap zahira maydonidan foydalanish	past	yuqori	yuqori	-	-	✓
inodebitmap slack	Inode Bitmap zahira maydonidan foydalanish	past	yuqori	yuqori	-	-	✓

inode slack	Indekslangan inode zahiralardan foydalanish	yuqori	o'rtacha	o'rtacha	-	-	✓
inode reserved	Inode tuzilmasida zahira maydondan foydalanish	yuqori	o'rtacha	yuqori	-	-	✓
uninit data structure	Uninitialized Block Groups maydonidan foydalanish	yuqori	o'rtacha	past	-	-	✓

Umumiy metama'lumotlar ham faylning ishlash davrini tavsiflovchi vaqtinchalik ma'lumotlar kabi foydalanuvchi harakatlariga va operatsion tizimning o'ziga juda sezgir bo'lishadi. Masalan fayllar hodisalarining ma'lum vaqt belgilarini istalgan vaqtda fayl tizimidan normal usulda yozib olinishi mumkin. Bunga faylning oxirgi modifikatsiyasi va oxirgi kirish vaqt belgisi kirishi mumkin. Bizning ma'lumotimizga ko'ra vaqtinchalik ma'lumotlarning nozikligi vaqt belgilarining hali ham steganografik vosita sifatida o'rganilmaganiga sabab bo'lishi mumkin.

Zamonaviy fayl tizimidagi vaqt belgilari. Zamonaviy fayl tizimlari vaqt belgilarini qanday ishlatishini quyidagi bo'limda tahlil qilinadi. Olg'a surmoqchi bo'lgan taxmin shuni anglatadiki vaqt belgilarida foydalanilmagan (ortiqcha) bo'shliqlar mavjud bo'lib, ular steganografik quvvatga ega bo'lgan mantiqiy kanalni yaratish uchun yetarli. Ko'pgina zamonaviy fayl tizimlari vaqt belgilari sifatida 64 bitli qiymatlardan foydalanganligi va ikkinchi soniyali bo'laklash usulini taklif qilishini 1-jadval yordamida aniqlashimiz mumkin. Ushbu jadval ma'lumotlari bugungi kunda iste'molchilarning asosiy foydalanadigan operatsion tizimlari yoki unga kiradigan barcha fayl tizimlarini qamrab oladi (masalan, Apple OS X, Google Android, GNU/Linux va Microsoft Windows). *Vaqt belgilarini yaratish noyob hodisa hisoblanib ma'lumotning katta statik qismi hisoblanadi [1]. Har safar faylga murajaat qilinganda yoki unga o'zgartirish kiritilganda vaqt belgilarining kirish va o'zgartirish qismlari ham yangilanadi. Vaqt belgilari qismlariga ma'lumot yashirishning ikkita yangi vositasi mavjud. Timestamp-Magic tizimi ext4 fayl tizimining bir necha vaqt belgilari indeks ro'yxatining nanosekund qismiga ma'lumotlarni yashirish imkoniyatiga ega [2]. TOMS tizimi esa aynan shu usulni NTFS fayl tizimining MFT yozuvlarining filename atributiga ma'lumotlarni yashiradi. Quidagi jadvalda eng keng tarqalgan fayl tizimlarining vaqt belgilari haqidagi ma'lumotlar keltirilgan.*

2-jadval. Eng keng tarqalgan fayl tizimlarining vaqt belgilari

Fayl tizimi	Fayl vaqt belgisi	Hajmi	Vaqt bo'laklari
NTFS	Yaratish	64 bit	100 nsek
	Kirish	64 bit	100 nsek
	O'zgartirish	64 bit	100 nsek
	MFT yozuvini o'zgartirish	64 bit	100 nsek
ext4	Yaratish	64 bit	1 nsek
	Kirish	64 bit	1 nsek
	O'zgartirish	64 bit	1 nsek
	O'zgartirish atributi	64 bit	1 nsek
Btrfs	Yaratish	64 bit	1 nsek
	Kirish	64 bit	1 nsek
	O'zgartirish	64 bit	1 nsek
	O'zgartirish atributi	64 bit	1 nsek
ZFS	Yaratish	64 bit	1 nsek
	Kirish	64 bit	1 nsek
	O'zgartirish	64 bit	1 nsek
	O'zgartirish atributi	64 bit	1 nsek
FAT32	Yaratish	32 bit	2 sek
	Kirish	16 bit	1 kun
	O'zgartirish	32 bit	2 sek
HFS+	Yaratish	32 bit	1 sek
	Kirish	32 bit	1 sek
	O'zgartirish	32 bit	1 sek
	O'zgartirish atributi	32 bit	1 sek
	Zahira nusxalash	32 bit	1 sek
ext3	Kirish	32 bit	1 sek
	O'zgartirish	32 bit	1 sek
	O'zgartirish atributi	32 bit	1 sek

Jadvaldagi ma'lumotlarga asosan tahlil qilingan barcha fayl tizimlari quyidagi 3 ta vaqt belgisini qo'llab quvvatlaydi. Bular yaratish, kirish va o'zgartirish. Uchala vaqt belgilari ham sana va vaqt bilan bog'liq bo'lgan ma'lumotlarni sekund aniqligida saqlaydi.


MUHOKAMA VA NATIJA

Fayllarni nusxalash, ularga o'zgartirish kiritish kabi operatsion tizimning standart yangilanishlaridan tashqari fayl tizimining vaqt belgilari oddiy foydalanuvchilar tomonidan manipulyatsiya qilinishga operatsion tizim tomonidan cheklab qo'yilgan. Ammo buzg'unchi shaxslar turli xil usullarni qo'llab ushbu vaqt belgilarini o'zgartirishlari mumkin. Bunga eng keng tarqalgan usul sifatida fayl tizimi vaqt belgilarini o'zgartiruvchi dasturiy vositalar misol bo'la oladi.

Win.ATT	✓	11.12.2021 19:04
favicon.ico	✓	11.12.2021 18:50
Karresand2020_Article_DiskClusterAllocat...	✓	24.05.2021 17:39
mohamed2019.pdf	✓	26.04.2021 16:41
shekhanin2018.pdf	✓	24.05.2021 10:26
socialstegdisc.pdf	✓	24.05.2021 10:04
Win.ATT.sln	✓	09.06.2021 17:41

1-rasm. Windows 10 operatsion tizimida minut aniqligidagi vaqt belgilarining ko'rinishi

Nanosaniyadagi aniqlik fayl tizimiga kiradigan oxirgi foydalanuvchilarga aniq yoki bilvosita yetkazilmaydi. Ular 1-rasmda tasvirlanganidek, sekund aniqligidagi bo'laklashga erishadigan fayl vaqt belgisi ma'lumotlari sifatida taqdim etilmoqda. Shunday qilib, vaqt belgilari qanday saqlanishi va ulardan foydalanish o'rtasida axborot uzilishi mavjud bo'lishi mumkin.



2-rasm. NTFS fayl tizimida vaqt belgilarining 100 nanosekund aniqlikdagi ko'rinishi

Demak, Windows operatsion tizimi barcha vaqt belgilarini \$MFT ya'ni fayllarning asosiy jadvalida saqlaydi. Har bir NTFS fayl tizimli mantiqiy disk o'zining \$MFT fayliga ega va bu fayl joriy mantiqiy diskning maxsus MFT maydonida saqlanadi. NTFS fayl tizimi vaqt belgilari 64 bitli butun sonlar ko'rinishidagi baytlar ketma-ketligi sifatida saqlandi. Vaqt belgilarining kengaytmasi 100 nanosekund bo'lib,


u 1601 yil 1-yanvardan boshlab UTC (Coordinated Universal Time-muvofiqlashtirilgan universal vaqt) vaqti bilan hisoblanadi. Vaqt belgilarining bunday aniqlikdagi kengaytmasi jarayonlarni osonlik bilan farqlash va ularni tartibga solish imkonini beradi. FAT tizimidan farqli ravishda NTFS tizimidagi vaqt belgilarining aniqlik darajasining yuqoriligi ularni tartiblash bilan bog'liq muammolarni keltirib chiqaradi.

NTFS fayl tizimi vaqt belgilari ikki xil atributda \$STANDARD_INFORMATION va \$FILE_NAME atributlarida saqlanadi. Bu atributlar turli metama'lumotlarni o'zida saqlaydi va yozuv uchun faqat bitta \$STANDARD_INFORMATION atributi mavjud bo'lsada, fayl uchun bir nechta \$FILE_NAME atributi mavjud bo'lishi mumkin. Vaziyatga qarab bir nechta \$FILE_NAME atributlari mavjud bo'lishi mumkin, chunki to'rtta nom maydoni mavjud bo'lib, ular DOS 8.3 nomlari, Windows nomlari, POSIX nomlari hamda DOS va Windows bilan mos keladigan fayl nomlari uchun umumiy nomlar maydonlaridan iborat bo'lishi mumkin. Shunday qilib, yozuv bir vaqtning o'zida uchta \$FILE_NAME atributiga ega bo'la oladi.

Muhim farqlardan biri shundaki, \$STANDARD_INFORMATION atributi foydalanuvchi darajasidagi jarayonlar tomonidan o'zgartirilishi mumkin, shuning uchun vaqt belgisini boshqarish vositalarining aksariyati faqat ushbu qiymatni o'zgartiradi. \$FILE_NAME atributi esa faqat tizim yadrosi tomonidan o'zgartirilishi mumkin. Ma'lumotlarga ko'ra, hali birorta antikriminalistik dasturiy vosita \$FILE_NAME qiymatlarini o'zgartira olmaydi. Lekin buni \$MFT fayliga to'g'ridan-to'g'ri kirish orqali amalga oshirish mumkin [3].

Demak, uchta fayl vaqt belgisi ya'ni yaratish, kirish va o'zgartirish deyarli barcha tahlil qilingan fayl tizimlari tomonidan qo'llab-quvvatlanadi. Uchala vaqt belgilari sana va vaqtni ikkinchi darajali granularlik (bir yoki 100 ns) bilan saqlaydi. Vaqt belgilarining nanosekund aniqlikdagi qiymatlari fayl tizimi foydalanuvchilari bevosita taqdim etilmaydi. Lekin maxsus dasturlar yordamida NTFS fayl tizimi uchun vaqt belgilarining 0,1mikrosekund aniqlikdagi qiymatlarini olishimiz mumkin. Yuqoridagi 2-rasmda vaqt belgilarining nanosekund darajasi ko'rinishidagi qiymatlar bilan taqdim etiladi. Microsoft Windows operatsion tizimi foydalanuvchilari fayl vaqt belgilarini quidagi 3-rasmda aks ettirilgandek ko'rishadi.

Yaratish (create) vaqt belgisi faylning yaratilishi bilan bog'liq unikal jarayon bo'lganligi uchun statik ma'lumot turiga tegishlidir. Kirish (access) va o'zgartirish (modification) vaqt belgilari esa har safar faylga murojaat qilinganda yoki unga o'zgartirish kiritilganda yangilanadi.



3-*rasm. Windows foydalanuvchilarida vaqt belgilarining namoyon bo'lishi.*

Zamonaviy operatsion tizimlari yuqori samaradorlikni ta'minlash maqsadida ma'lumotlarni saqlash qurilmalari texnologiyalaridagi so'nggi yutuqlardan harajatlarni kamaytirish bilan bir qatorda ishonchlilik va bardoshlilikni ta'minlash uchun ham foydalanmoqda. Buni SSD va flesh xotira qurilmalari misolida ko'rishimiz mumkin. Bu qurilmalarda vaqt belgilariga xizmat ko'rsatishda fayl tizimlarining unumdorligini oshirish sozlamalarining borligi bunga yaqqol namuna bo'ladi. Bu sozlamalar yordamida faylga oxirgi kirish yoki unga o'zgartirish kiritish vaqt belgilarini o'chirib qo'yish mumkin. Bunday yondashuv ma'lumotlarni saqlash qurilmasining ish unumdorligini va albatta hayot davrini ham oshirish imkonini beradi. Shunga qaramay, ko'pchilik foydalanuvchi darajasidagi holatlarda faqatgina kirish vaqt belgisi sozlamalari o'zgarishsiz qoladi.

XULOSA

Yuqoridagi tahlil natijalari fayl tizimi vaqt belgilarilarini steganografik kanal sifatida ishlatilishi mumkin degan taxminimizni to'raligicha oqladi. Fayl tizimi vaqt belgilari filtrlarida foydalanilmaydigan yoki ortiqcha maydonlarning mavjudligi ushbu usuldan foydalanib ma'lumotlarni yetarlicha hajmlarda yashirish imkoniyatini yaratib beradi. Fayl tizimi turiga va foydalanish senariysiga qarab bu sig'im har bir fayl uchun birdan to'qqiz baytgacha bo'lgan hajmlarda bo'lishi mumkin. Hozirgi kunda yuzlab, minglab va hattoki millionlab fayllarga ega zamonaviy fayl tizimlari har bir kompyuterimizda borligi hech kimga sir emas. Albatta bu maydonlarga bir necha megabayt qo'shimcha ma'lumotlarni xavfsiz yashirish va ulardan kerakli paytga qiyinchiliksiz foydalanish imkoniyati ushbu tadqiqod ishining asosiy maqsadidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Gyu-Sang Cho, 2016. Data Hiding in NTFS Timestamps for Anti-Forensics. International Journal of Internet, Broadcasting and Communication Vol.8 No.3 31-40
2. Göbel, T. and Baier, H., 2018. Anti-forensics in ext4: On secrecy and usability of timestamp-based data hiding. Digital Investigation, 24, pp.S111-S120.
3. Neuner, S., Voyiatzis, A., Schmiedecker, M., Brunthaler, S., Katzenbeisser, S. and Weippl, E., 2016. Time is on my side: Steganography in filesystem metadata. Digital Investigation, 18, pp.S76-S86.

GIDRAVLIK YURITMANING TASHQI TARMOQ TAVSIFINI HISOBLASHNI ASOSLASH

Turdiyev Sardorjon Abdumuminovich

Navoiy davlat konchilik va texnologiyalar universiteti “Konchilik elektr mexanikasi”
kafedrasida dotsenti, PhD.

e-mail: sardor_kem@mail.ru

ANNOTATSIYA

Hozirgi kunda gidravlik tizimga ega bo‘lgan konchilik, qurilish va qishloq xo‘jaligida bir qator mashina va uskunalardan keng qo‘llanilib kelinmoqda. Ushbu mashinalarning gidravlik tizimlarining barqaror va ishonchli ishlashini oshirish maqsadida ularni tashqi tarmoq tavsiflarini qurish muhim ahamiyat kasb etib, ushbu maqolada gidravlik yuritmalarning tartibga solishni hisoblash asoslari ko‘rib chiqilgan.

***Kalit so‘zlar:** throttle, hydraulic drive, zolotnik, distribution device, auxiliary device, description of external network, loading, dependence.*

JUSTIFICATION OF CALCULATING THE DESCRIPTION OF THE EXTERNAL NETWORK OF HYDRAULIC OPERATION

ABSTRACT:

***Abstract:** Nowadays, a number of machines and equipment with a hydraulic system are widely used in mining, construction and agriculture. In order to increase the stable and reliable operation of the hydraulic systems of these machines, it is important to construct the descriptions of their external networks, and the basics of calculating the regulation of hydraulic processes are considered in this article.*

***Keywords:** throttle, hydraulic drive, spool, switchgear, auxiliary device, flow, load, dependence.*

KIRISH

Gidravlik yuritma bu gidravlik mashinalar, gidravlik uskunalari, gidroliniyalar (quvurlar) va yordamchi qurilmalar to‘plami bo‘lib, energiya uzatish va harakatni suyuqlik orqali aylantirish uchun mo‘ljallangan gidravlik tizimga ataladi [1]. Shu bilan birga, chiqish qurilmasidagi tezligini tartibga solish va teskari yo‘naltirish, shuningdek

harakatning bir turini boshqasiga o'tkazish bir vaqtning o'zida amalga oshirilishi mumkin.

Gidravlik yuritmaning bir qismi bo'lgan gidravlik mashinalar nasoslar va gidrodvigatellar bo'lib, ular bir nechta bo'lishi mumkin [2].

Gidravlik qurilmalar-bu gidravlik yuritmani boshqarish moslamalari, ular yordamida u tartibga solinadi, shuningdek uni suyuqlikning yuqori va past bosimlaridan himoya qilish vositalaridir. Gidravlik qurilmalar uskunalariga drossellar, turli maqsadlar uchun klapanlar va gidravlik suyuqlik oqimi yo'nalishini o'zgartirish uchun taqsimlovchi qurilmalar ham kiradi [3,4].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Yordamchi qurilmalar uning sifati va holatini ta'minlash uchun xizmat qiladigan ishchi suyuqlikning konditsionerlari deb ataladi. Bular turli xil zarrachalar ajratgichlari (filtrlar), issiqlik almashinuvchilari (isitgichlar va sovutgichlar), gidrobaklar va akkumulyatorlardir [5,6].

Gidravlik yuritmalarni hisoblash hozirgi kunda zarur va muhim ahamiyat kasb etib, quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- gidravlik yuritmaning prinsipial sxemasini tuzish, chiqish bo'g'inidagi tezlikni boshqarish usulini tanlash;
- gidravlik dvigatelni tanlash va uning parametrlarini aniqlash;
- nasosni tanlash, gidravlik apparatlarni tanlash va gidravlik tizim quvurlarini hisoblash;
- tizimlarni gidravlik hisoblash;
- gidravlik yuritmaning tashqi tarmoq tavsifini qurish va hisoblash.

NATIJALAR

Gidravlik yuritmaning tashqi tarmoq xarakteristikasi (1 - rasm) chiqish bo'g'inidagi harakat tezligining tashqi yuklamaga bog'liqligi va shaklga ega [7]:

- gidromotlar uchun:

$$n_m = f(M)$$


- quyiluvchi gidrosilindrlar uchun:

$$v = f(F)$$

- momently gidrosilindrlar uchun:

$$\omega = f(M)$$

Tashqi tarmoq xarakteristikasi qattiq (agar harakat tezligi yuklamaning o'zgarishi oralig'ida deyarli doimiy bo'lsa) va qattiq emas bo'lishi mumkin [8].



1 – rasm. Gidravlik yuritmaning tashqi tarmoq tavsifi:

a – qattiq; b – qattiq emas

Gidravlik yuritmani hajmiy tartibga solish bilan tashqi tarmoq xarakteristikasi qattiq bo‘ladi. Nasos va gidravlik dvigatelda nominal ish hajmlari bo‘yicha hajmiy yo‘qotishlarni hisobga olgan holda aniqlanadi [9,10]:

$$n_m q_{mn} = n_n q_{nn} - K_{Q_n} p K_{Q_m} p, \quad (1)$$

bu yerdagi ko‘rsatkichlar:

$$K_{Q_n} = \frac{(1-\eta_{Q_n})q_{nn}n_{nn}}{p_{nn}}; \quad (2)$$

$$K_{Q_m} = \frac{(1-\eta_{Q_m})q_{mn}n_{mn}}{p_{mn}}; \quad (3)$$

K_{Q_n} va K_{Q_m} bu nasos va gidravlik dvigatel xususiyatlarining qattiqligini aniqlaydigan koeffitsientlar bo‘lib hisoblanadi.

P yuklama bosimining kattaligi miqdori tashqi moment bilan belgilanadi [11]:

$$p = \frac{2\pi M}{q_{mn}}.$$

Gidromotor sifatida ishlatilganda tashqi tarmoq xarakteristikani hisoblash quyida keltirilgan formulaga muvofiq jadval shaklida amalga oshiriladi [12,13]:

$$n_m = n_n \frac{q_{nn}}{q_{mn}} - \frac{2\pi}{q_{mn}^2} (K_{Q_n} - K_{Q_m}) M.$$

Gidravlik dvigatel sifatida kuch gidravlik silindridan foydalanganda tashqi tarmoq xarakteristikani hisoblash quyidagi formula bo‘yicha amalga oshiriladi [14]:

$$v = n_n \frac{q_{nn}}{F} - \frac{K_{Q_n} + K_{Q_s}}{F^2} R; \quad (4)$$

momentli gidrosilindrlar uchun:

$$\omega = \frac{2\pi}{z} \left[\frac{n_n q_{nn}}{q_0} - \frac{2\pi}{q_0^2} (K_{Q_n} + K_{Q_s}) M \right]. \quad (5)$$

(4) va (5) formulalardagi koeffitsiyent quyidagicha:

$$K_{Q_s} = \frac{(1-\eta_{Q_s})Q_{dqs}}{P_{hay}},$$

bu yerda, gidravlik silindrning hajmiy foydali ish koeffitsienti samaradorligini $\eta_{Q_s} = 0,9$ ga teng deb olish mumkin.

An'anaviy drossel oqimining regulyatori sifatida foydalanilganda gidravlik yuritmani drosselli tartibga solishda (1,2 va 3 jadvallari) tashqi tarmoq xarakteristikasi qattiq emas holatga ega bo'ladi.

1 – jadval.

Nominal bosimi $p_H = 12,5$ MPa uchun Γ 77-3 tipidagi drossellarning ko'rsatkichlari

Ko'rsatkichlar	Turlari va o'lchamlari				
	Γ 77-31	Γ 77-32A	Γ 77-32	Γ 77-33	Γ 77-34
Nominal sarf Q_{nom} , l/min	8	12	18	35	70
Minimal sarf Q_{min} , l/min	0,25	0,25	0,25	0,25	0,25
Shartli o'tish d_y , mm	10	10	12	16	20
Q_{nom} da bosimning yo'qotilishi Δp , MPa	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2

2 – jadval

Nominal bosimi $p_H = 12,5$ MPa bo'lgan ΔO tipidagi o'qiy drossellarning ko'rsatkichlari

Ko'rsatkichlar	Turlari va o'lchamlari					
	ΔO 16/20	ΔO 20/20	ΔO 25/20	ΔO 32/20	ΔO 40/20	ΔO 50/20
Nominal sarf Q_{nom} , l/min	40	63	100	160	250	400
Shartli o'tish d_y , mm	16	20	25	32	40	50
Q_{nom} da bosimning yo'qotilishi Δp , MPa	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2

3 – jadval

Nominal bosimi $p_H = 32$ MPa bo'lgan ΔP tipidagi drossellarning ko'rsatkichlari

Ko'rsatkichlar	Turlari va o'lchamlari					
	ΔP -10	ΔP -12	ΔP -16	ΔP -20	ΔP -25	ΔP -32
Nominal sarf Q_{nom} , l/min	16	25	40	63	100	160
Minimal sarf Q_{min} , l/min	1,5	1,5	2,0	2,0	3,0	3,0
Shartli o'tish d_y , mm	10	12	16	20	25	32
Q_{nom} da bosimning yo'qotilishi Δp , MPa	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2

Xarakteristikasi sozlanishi drossel orqali oqim sarfini aniqlash formulasi yordamida hisoblanadi:

$$Q_{dr} = \mu\psi F_{dr_0} \sqrt{\frac{2\Delta p_{dr}}{\rho}}, \quad (6)$$

bu yerda, μ - drossel orqali oqib o'tuvchi sarf koeffitsienti (hisoblashda $\mu = 0,62$ deb qabul qilinadi);

Ψ - drosselning nisbiy ochilishi (hisoblashda $\Psi = 1$ ga teng deb amalga oshiriladi); F_{dr_0}

- drossel to'liq yopilgan holda o'tish qismining maydoni: $F_{dr_0} = \pi dy x$;

dy - shartli o'tish;

$x = 0,02 dy$ du – drossel bo'shlig'ining o'tish joyi;

Δp_{dr} - drosseldagi bosimlar farqi.

MUHOKAMA

Tashqi tarmoq tavsifini hisoblash formulalar bo'yicha jadval shaklida amalga oshiriladi:

a) ketma-ket drosselli boshqarish uchun:

- gidromotorlar:

$$n_m = \frac{Q_{dr}}{q_{mn}} = \frac{\mu\psi F_{dr_0}}{q_{mn}} \sqrt{\frac{2}{\rho} (p_{nn} - p_{sl} - \frac{2\pi M}{q_{mn}})} \quad (7)$$

- quyiluvchi gidrosilindrlar uchun:

$$v = \frac{Q_{dr}}{F} = \frac{\mu\psi F_{dr_0}}{F} \sqrt{\frac{2}{\rho} (p_{nn} - p_{sl} - \frac{2\pi M}{F})} \quad (8)$$

- momentli gidrosilindrlar uchun:

$$v = \frac{2\pi Q_{dr}}{zq_0} = \frac{2\pi\mu\psi F_{dr_0}}{zq_0} \sqrt{\frac{2}{\rho} (p_{nn} - p_{sl} - \frac{2\pi M}{zq_0})} \quad (9)$$

b) parallel drosselli boshqarish uchun:

- gidromotorlar:

$$n_m = \frac{Q_n - Q_{dr}}{q_{mn}} = \frac{Q_n}{q_{nn}} - \frac{\mu\psi F_{dr_0}}{q_{mn}} \sqrt{\frac{4\pi M}{\rho q_{mn}}}; \quad (10)$$

- quyiluvchi gidrosilindrlar uchun:

$$n_m = \frac{Q_n - Q_{dr}}{F} = \frac{Q_n}{F} - \frac{\mu\psi F_{dr_0}}{F} \sqrt{\frac{2R}{\rho F}}; \quad (11)$$

- momentli gidrosilindrlar uchun:

$$n_m = \frac{2\pi(Q_n - Q_{dr})}{zq_0} = \frac{2\pi Q_n}{zq_0} - \frac{2\pi\mu\psi F_{dr_0}}{zq_0} \sqrt{\frac{4\pi M}{\rho zq_0}}; \quad (12)$$

XULOSA

Qattiq tashqi tarmoq xarakteristikani olish uchun ketma-ket drosselli nazorati ostida maxsusdrossel regulyatorlari kontaktlarning zanglashiga olib keladi, bu yerda bosim farqi tashqi yuklamaga bog'liq emas. Bunday holda, tashqi tarmoq xarakteristikasini hisoblash quyidagi formulalar bo'yicha amalga oshiriladi:

- gidromotorlar:

$$n_m = \frac{\mu\psi F dr_0}{q_{mn}} \sqrt{\frac{2(p_{nn}-\Delta p)}{\rho}} - \frac{2\pi}{q_{mn}^2} (K_{Q_n} + K_{Q_m})M ; \quad (13)$$

- quyiluvchi gidrosilindrlar uchun:

$$v = \frac{\mu\psi F dr_0}{F} \sqrt{\frac{2(p_{nn}-\Delta p)}{\rho}} - \frac{K_{Q_n}+K_{Q_s}}{F} R ; \quad (14)$$

- momentli gidrosilindrlar uchun:

$$\omega = \frac{2\pi}{z} \left[\frac{\mu\psi F dr_0}{q_0} \sqrt{\frac{2(p_{nn}-\Delta p)}{\rho}} - \frac{2\pi}{q_0^2} (K_{Q_n} + K_{Q_s})M \right] ; \quad (15)$$

bu yerda, $\Delta p - Q=Q_{nom}$ bo'lganda drossel ichidagi bosimning yo'qolishi.

Tashqi tarmoq xarakteristikani hisoblashda $0 \div R_{max}$ yoki $0 \div M_{max}$ oralig'idagi tashqi yuklamaning beshtadan oltitagacha bo'lgan qiymatlari bilan belgilanadi va (13) - (15) formulalari tegishli parametrlarning qiymatlarini aniqlaydi. Hisoblash natijalariga ko'ra quyidagi bog'liqlikdagi grafikalar tuziladi:

$$n_m = f(M); \quad v = f(R); \quad \omega = f(M).$$

Gidravlik yuritmaning tashqi tarmoq tavsifini tuzishda kerak bo'ladigan yuqoridagi tuzilgan bog'liqliklar asosida bir qancha ko'rsatkichlarga bog'liqligini ko'rishimiz mumkin. Yuqoridagi natijalar asosida hajmiy gidravlik yuritmaning tashqi tarmoq tavsifi quriladi va bu tashqi tarmoq orqali gidravlik yuritmaning optimal ish ko'rsatkichlarini aniqlash mumkin bo'ladi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. N.A. Abduazizov, A.S. Jurayev, S.A. Turdiyev, S.X. Abdullayev . [Gidroekskavatorning gidrobakdagi havo filtrining ichida changlangan havo oqimlari harakatini modellashtirish](#). Academic research in educational sciences 2 (3), 294-304.
2. Абдуазизов Н. А. Турдиев Сардоржон Абдумуминович, Жураев Акбар Шавкатович. Разработка математическая модель тепловых процессов в регулирующем контуре гидрообъемной силовой установки карьерного комбайна (44-47) //Евразийский Союз Ученых. Технические науки. – 2019. – Т. 62. – №. 1. – С. 44-47.
3. Jurayev A. S., Rahmatova Z., Rahmatova F. GIDRAVLIK KONCHILIK MASHINALARNING GIDRAVLIK TIZIMIDAGI ULANISH QISIMLARIDA

BOSIM YO‘QOTILISHLARNING TAHLILI //Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – T. 1. – №. 4. – С. 377-383.

4. Raxmatova Z., Raxmatova F., Jurayev A. GIDRAVLİK TIZIMLARNING EKSPLUATATSIYASI GIDRAVLİK EKSKAVATORINING UMUMIY ISHLASHIGA TA‘SIRINI O‘RGANISH //Zamonaviy dunyoda pedagogika va psixologiya: Nazariy va amaliy izlanishlar. – 2022. – T. 2. – №. 17. – С. 1-6.

5. Raxmatova F., Jurayev A. GIDRAVLİK EKSKAVATORNING GIDRAVLİK TIZIMIDAGI BOSIM YO‘QOTILISHLARNING NAZARIY TAXLILI //Zamonaviy dunyoda pedagogika va psixologiya: Nazariy va amaliy izlanishlar. – 2022. – T. 2. – №. 17. – С. 7-14.

6. Жураев А. Ш. и др. Исследование метода центрифугирования с флиртующим перегородками для очистки рабочей жидкости //european research: innovation in science. – 2017. – С. 291-292.

7. Jurayev A. S. et al. Gidravlik ekskavatorlarni keskin iqlim sharoitida ishlatilishining tahlili //МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ. – 2021. – С. 214-217.

8. Turdiyev Sardorjon Abdumuminovich, & Akhmedov Sahib Tojiboyevich. (2023). ANALYSIS OF EFFICIENCY OF CONTROL METHODS OF HYDRAULIC DRIVE MOTORS. *RESEARCH AND EDUCATION*, 2 (2), 109-115.

9. Turdiyev Sardorjon Abdumuminovich, & Axmedov Sohob Tojiboyevich. (2023). GIDRAVLİK YURITMALARNI TARTIBGA SOLISH USULLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISH. *Journal of Integrated Education and Research*, 2(2), 8–14.

10. Jurayev A. S., Raxmatova Z. M. Q., Raxmatova F. M. Q. KONCHILIK MASHINALARINI GIDRAVLİK TIZIMDAGI ISHCHI SUYUQLIGINI TOZALASH UCHUN G‘OVAKLI FILTRNING TAYORLASH METODIKASI //Academic research in educational sciences. – 2022. – T. 3. – №. 4. – С. 1000-1005.

11. Shavkatovich Z. A. Study Of The Effect Of Hydraulic Systems Operation On The General Performance Of A Hydraulic Excavator //The American Journal of Engineering and Technology. – 2021. – T. 3. – №. 10. – С. 36-42.

12. Жураев А. Ш. АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ ЭКСПЛУАТАЦИИ ГИДРАВЛИЧЕСКИХ ЭКСКАВАТОРОВ НА ЦЕНТРАЛЬНЫХ КЫЗЫЛКУМСКИХ МЕСТОРОЖДЕНИЯХ //The 4 th International scientific and practical conference—Achievements and prospects of modern scientific research (March 7-9, 2021) Editorial EDULCP, Buenos Aires, Argentina. 2021. 306 p. – 2021. – С. 160.

13. Jurayev A. S. et al. ZAMONAVIY DVIGATEL AGREGATINI YARATISH IMKONIYATLARINI TADQIQOT QILISH //ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ. – 2021. – С. 49-53.

14. Jurayev A. S. GIDRAVLİK EKSKAVATORLARNI RIVOJLANISHINI TAHLIL QILISH //Academic research in educational sciences. – 2021. – T. 2. – №. 8. – С. 286-294.

BO‘LAJAK O‘QITUVCHILARNI KREATIV FIKRLASHGA O‘RGATISH

Ravshanova G.A.,

Jizzax davlat pedagogika universiteti,

Pedagogika-psixologiya va musiqa yunalishlarida masofaviy ta’lim kafedrası
o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA

Maqolada kreativ fikrlash qobiliyati tushunchasi, uning mazmuni va tarkibiy qismlarining mazmun mohiyati hamda uni rivojlantirishda mediata’lim texnologiyalarining o‘rni ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: *texnologiya, qobiliyat, fikrlash, kreativ fikrlash, intellekt, qobiliyat, iste’dod, aql, ijodiy, intellektuallik.*

АННОТАЦИЯ

В статье раскрывается понятие способности к креативному мышлению, содержательная сущность ее содержания и компонентов, а также роль технологий медиаобразования в ее развитии.

Ключевые слова: *технология, способности, мышление, креативное мышление, интеллект, способности, талант, интеллект, интеллектуальность.*

Zamonaviy axborotlarning shiddat bilan tarqalishi, ijtimoiy ahamiyatga molik (ilmiy, texnologiyaga oid, madaniy va boshqalar) axborotlarning nihoyatda oshib borishi har qanday jamiyatga o‘z ta’sirini o‘tkazmay qo‘ymaydi. Axborot kommunikatsion texnologiyalari ishlab chiqarishdagi rivojlanish axborotlarni yaratish, uzatish, saqlash, ishlash, ko‘paytirish va jarayonlarini avtomatlashtirishga bo‘lgan talab, axborotni kitoblar, gazetalar, foto va kino ko‘rinishida taqdim etishga asoslangan an’anaviy axborot texnologiyalari bilan bir qatorda yangi turdagi axborot texnologiyalari vujudga kelishiga sharoit yaratdi. Yangi axborot texnologiyalari an’anaviylarini siqib chiqarayotgani yo‘q lekin shu bilan birga axborotlar miqdori kamayayotgani ham yo‘q. Jamiyatda esa insonning axborotlarga moslashuvi yoki boshqacha aytadigan bo‘lsak adaptatsiya muammosi yuzaga kelmoqda. Ko‘p sondagi belgili tizimlarni paydo bo‘lishi va rivojlanishi, uning natijasi o‘laroq ko‘pkomponentli “axborot maydoni”ni tashkil topishi, insonning o‘ziga xos axborotlar olamini tashkil etadi. Vizual va audiovizual axborotdan foydalanish ko‘nikmasini shakllantirish muammolari bilan zamonaviy pedagogikada vizual savodxonlik deb nomlangan yo‘nalish tadqiq qiladi. Vizual savodxonlik tushunchasi turli nuqtai nazardan qaralishi

mumkin: idrok etuvchi ob'ekt va sub'ekt o'rtasida kommunikatsiya jarayoni sifatida; obrazlarni ko'rish, uning elementlarini qabul qilish, sub'ekt bilan o'zaro ta'sirlashuvi va sub'ektning ko'rish obrazlarini mutanosib qabul qila olish qobiliyati sifatida [24;25; 27].

Yurtimizda so'nggi yillarda yoshlar tarbiyasi, ularning o'sib ulg'ayishi va har tomonlama kamol topishi uchun barcha qulay shart-sharoitlar yaratib berilgan. Birgina maktab ta'lim tizimini takomillashtirish yuzasidan so'nggi besh yil ichida ko'plab qaror va farmonlar imzolandi. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 29 apreldagi "O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimini 2030 yilgacha

"Pedagogik innovatsiyalar va ularning amaliy tadbirlari: muammolar va yechimlar" mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to'plami. 226 rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5712-son farmoni qabul qilindi. Konetsepsiyada qayd etilishicha, o'quvchilarni intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy jihatdan har tomonlama rivojlantirish uchun sharoitlarni yaratish maktablarda ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil qilishning mavjud tartibini qayta ko'rib chiqishni hamda maktab ta'lim xizmatlarini ko'rsatishning zamonaviy usullarini joriy etishni talab qiladi [1].

Ta'lim-tarbiya jarayonini takomillashtirish bolalarning rivojlanganligi darajasini va ularning umumiy boshlang'ich ta'limga tayyorligini, shuningdek, ularning ijtimoiy, shaxsiy, hissiy, nutqiy, jismoniy va ijodiy rivojlanishini baholash asosida amalga oshirilishi lozim. Bunda bolalarda Vatanga muhabbat hissini, oilaga, o'z xalqining milliy, tarixiy, madaniy qadriyatlariga hurmat, atrof-muhitga nisbatan ehtiyotkorona munosabatni shakllantirishga alohida e'tibor qaratilishi lozim.

So'nggi yillarda mediata'limning rivojlanishi va jamiyatni qamrab olishi natijasida turli mafkuraviy tahdidlar kuchaydi. Mafkuraviy tahdidlar mediatahdidga aylandi.

Internet orqali firibgarliklar, odam savdosi, kiberlyudomaniya, internet qaramligi kabi illatlar rivojlandi. Media orqali tarqatilayotgan axborotlarni to'g'ri tahlil qila olmaslik va mustaqil, tanqidiy fikrning mavjud emasligi oqibatida jamiyat kelajagi bo'lgan yoshlar og'ir xulqlilikka uchramoqda. Vaholanki, zamonaviy barkamol shaxsga qo'yiladigan talablar asosini "o'z mustaqil fikriga egalik, tashqi ta'sirlarga qarshi tura olish qobiliyati" tashkil etadi. Mediamadaniyat haqida Marshall Maklyuen "Inson tom ma'noda savodli bo'lishi uchun avvalo media olamida savodli bo'lishi kerak" – degan [2].

Hozirgi vaqtda dunyo psixologlari ta'kidlaganidek, «indigo» bolalar dunyoda sodir bo'layotgan voqea-hodisalarni kattalardanda tez sezmoqdalar. Shuning uchun

bugungi kun tarbiyachilari oldida bir qator dolzarb vazifalar turibdi. Shulardan biri ta'lim jarayonida mediata'lim metodlaridan foydalanish orqali o'quvchilarni kreativ fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishdir.

Kreativlik tushunchasi, uning tuzilishini nazariy modellashtirish jarayonida biz J.Renzullining ta'lim modellari va amaliy muammolarni ijod va iste'dod nuqtai

“Pedagogik innovatsiyalar va ularning amaliy tadbirlari: muammolar va yechimlar” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to'plami. 227 nazaridan ishlab chiqishda faol qo'llaniladigan konsepsiyasiga suydik. Bir qator tadqiqotlarda qobiliyatlar asosiy intellektual qobiliyatlar, “intellekt” sifatida qaraladi.

Biroq, A.I.Savenkovning fikriga ko'ra, “intellekt” tarkibiy qismlaridan biri sifatida ko'rsatilgan modellar iste'dodni faqat bilim olish sohasida tasvirlash uchun mos keladi xolos. Boshqacha qilib aytganda, bu holatda biz xususiy yoki maxsus iste'dod turlaridan birini kuzatamiz.

J.Renzullining ijodida o'rtacha darajadagi qobiliyatlarning turli sohalarida namoyon bo'ladigan hodisa sifatida tasvirlangan. Bunga o'xshash nuqtai nazar X.Gardnerga tegishli bo'lib, muallif “intellekt” tarkibiy qismini yetti toifaga (kategoriyaga) ajratadi:

- musiqiy intellekt;
- mantiqiy-matematik intellekt;
- lingvistik intellekt;
- fazoviy intellekt;
- ichki shaxsiy intellekt;
- shaxsdan tashqari intellekt [4].

Bizga ma'lumki, maktab yoshidagi bolalar bilimlarni jadal sur'atlar bilan o'zlashtirib boradi. Mutaxassislar tomonidan o'tkazilgan tadqiqotlarda besh yoshgacha bolalarda juda katta hajmdagi bilishga bo'lgan faollik kuzatiladi. Maktabgacha yoshdagi bolaning olgan bilim va ko'nikmasi uning umri davomida shakllanadigan intellektning 80% iga tenglashtiriladi.

Intellekt – aql keng ma'noda sezish va idrok etishdan boshlanib, tafakkur va hayotni o'z ichiga oladigan bilish jarayonlari yig'indisidir. Aqliy faoliyat diqqatning har doim ma'lum maqsadga qaratilgan bo'lishini talab etadi. Kishining aqli uning asosiy faoliyatida erishgan muvaffaqiyati xususiyati bilan bog'lanadi.

AQSHlik psixolog F.Frimen intellekt oltita tarkibdan iborat degan g'oyani ilgari suradi va uning diagnostikasini quyidagi guruhlariga ajratadi:

- sonli operatsiyalarga nisbatan qobiliyatlilik;
- lug'at boyligi ko'lami;

“Pedagogik innovatsiyalar va ularning amaliy tadbirlari: muammolar va yechimlar”

mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to‘plami.

228

- geometrik shakllar o‘rtasidagi o‘xshashlik va farqli tomonlarini ajratishga nisbatan uquvchanlik;
- shaxs nutqining tezligi yoki sur‘ati;
- shaxsning fikrlashga, mulohaza yuritishga qobiliyatligi;
- xotiraning mahsuldorligi yoki noyob xislatligi [3].

Yuqoridagi intellekt tarkibiga kiruvchi umumiy aqllilik tushunchasi nimalarda ifodalanadi va uni o‘lchash mumkinmi degan savol tug‘iladi. Shunda biz asosiy e‘tiborni “ziyraklik”, “farosatlik”, “uquvchanlik” kabi tushunchalariga qaratib ushbu tushunchalar aqlning mahsuli sifatida e‘tirof etish mumkin ekanligini tushunamiz. Aqlli inson ziyrak bo‘ladi, aqllilik uquvlilikda va farosatlikda ifodalanadi.

Bolaning aqliy rivojlanishi deganda hayotiy ta‘sir etish va oqibatlarning barcha miqdoriy imkoniyatlari natijasida kelib chiqadigan aql kuchi hamda fikrlashning rivojlanish jarayonini tushunish mumkin. Aqliy rivojlanish atamasi bir qatorda “aqliy kamolot” atamasi ham qo‘llaniladi. Aqliy kamolot – bu yoshning o‘sib, tajribaning boyib borishi munosabati bilan bolaning aqliy faoliyatida ro‘y beradigan miqdor va sifat o‘zgarishlarining majmuasidir.

Intellektual qobiliyatlar – bu ularning aqliy faoliyatining oldindan to‘plangan barcha tajribalaridan foydalanish malakasidir [5]. Aqliy qobiliyatning rivojlanishi aqliy tajriba boyigan sari, inson bajarishi mumkin bo‘lgan intellektual funksiyalarning soni va sifatining oshishi bilan amalga oshadi. Intellektual funksiyalar sifatining oshishi mavjud intellektual qobiliyatlarning rivojlanishini, intellektual funksiyalar sonining ortishi esa yangilarining paydo bo‘lishini ko‘rsatadi. Bundan kelib chiqadiki, bolalarga ta‘lim tarbiya berishdan maqsad faqat avlodlar tomonidan to‘plangan tajribani o‘tkazish emas, balki bolalarning aqliy faoliyat tajribasini shakllantirishdan iborat bo‘lishi kerak.

Bundan tashqari, bolalarning shaxsiy tajribasi imkon qadar boy bo‘lishi uchun harakat qilish kerak.

Intellektual qobiliyatning rivojlanishi uchun qulay davr bu o‘quvchilik davridan boshlanadi. Bolaning biror bir voqeani mustaqil ravishda tahlil qilishi va uning sabab“

Pedagogik innovatsiyalar va ularning amaliy tadbirlari: muammolar va yechimlar” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to‘plami. 229 oqibatlarini bilishi uning aqliy rivojlanishining bir qismi hisoblanadi. Shu sababli, bolalarning maktab davri o‘quv jarayonining eng muhim bosqichlaridan biridir.

Mutaxassislarning fikriga ko‘ra, “maktabga tayyorgarlik” tushunchasi bolani maktabga tayyorlashning jismoniy, shaxsiy (ruhiy), aqliy va maxsus tayyorgarlik yo‘nalishlarini o‘z ichiga qamrab oladi.

Jumladan:

- **jismoniy tayyorgarlik** – bolaning sog‘lomligi, harakat ko‘nikmalari, ko‘rish va qo‘l mushaklarining o‘zaro muvofiq tarzda rivojlanishi bilan izohlanadi;

- **shaxsiy tayyorgarlik** – bolaning oilada yoki biror bir ta’lim-tarbiya maskanida tarbiyalanganligiga ko‘ra turlicha bo‘lishi mumkinligi nazarda tutiladi;

- **maxsus tayyorgarlik**ning asosiy ko‘rsatkichlari bu faoliyatning tushunib yetilishi va erkinligi, ijodiy tasavvurlarning rivojlanganligi hisoblanadi;

- **aqliy tayyorgarlik**da maktabgacha yoshning ilk davridan boshlab bolalarda sensor, mantiqiy tasavvurlarni rivojlantirish, qurish-yasash, rasm chizish, loydan narsalar yasash orqali ko‘nikma va malakalar shakllantirib boriladi.

Yuqorida sanab o‘tilgan bolaning maktabga tayyorgarlik ko‘nikmalari asta sekinlik bilan takomillashib, rivojlanib borgandan so‘ng ularda maktab davrida “ijodiy rivojlanish” davri boshlanadi. Mazkur jarayon quyidagilarda namoyon bo‘ladi:

- san’at va madaniyatga qiziqishni namoyon qiladi;

- milliy an’analarni qadrlaydi va ularni kundalik hayotining bir qismi sifatida idrok etadi;

- san’atning muayyan turini afzal ko‘rishini mustaqil ravishda ifodalaydi;

- olingan bilim va ko‘nikmalardan turli hayotiy vaziyatlarda o‘z ijodiy rejalarini tuzish va tatbiq qilish uchun foydalanadi;

- insonning dunyoni o‘zgartirishdagi yaratuvchanlik rolini tushunadi.

Pedagogik jarayonda o‘quvchilarning kreativ qobiliyatini rivojlantirish shartsharoitlari quyidagilar: 1) psixofiziologik xususiyatlar; tug‘ma xususiyatlar; yosh bilan bog‘liq xususiyatlar va kreativlikni shakllantirishning senzitiv davrlari; 2) pedagogik hamkorlikni ijodiy erkinlik sifatida tashkil etish; o‘qituvchining kreativligi; tartibga

“Pedagogik innovatsiyalar va ularning amaliy tadbirlari: muammolar va yechimlar” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to‘plami. 230

solinadigan xulq-atvorni engillashtirish, ijodiy xulq-atvorni qabul qilish va mustahkamlash, o'qituvchining o'quvchining kreativligini yaqin kelajakda shakllantirish hududidagi ishi; 3) ijtimoiy muhit; oilaning rivojlanish vaziyati. Ushbu shart-sharoitlarning majmui ixtisoslashgan tashxis qo'yish usullarini yaratish, kreativ qobiliyatni rivojlantirilganlik darajalarining mezonlari va darajalarini aniqlash, tajriba dasturlarini ishlab chiqish va sinovdan o'tkazish uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

Xulosa qilib aytganda o'quvchilarning intellektual va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda mediata'lim texnologiyalariga asoslangan mashushg'ulotlar nisbatan ta'sirli va samarali ekan. O'quvchilarning intellektual va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda ularning "aqliy", "ijodiy", "kreativ", " mantiqiy" kabi fikrlashlariga motivlashtiruvchi mediatexnologiyalar ularni oldiga qo'yilgan topshiriqlarni yechishda imkoniyatlarini oshiruvchi pedagogik xususiyat sifatida namayon bo'ldi.

Mediata'limning umumiy mohiyati yosh avlodni uning hayotida tobora mustahkam o'rin egallab, unga keng ko'lamli axborot muhitini taqdim etayotgan ommaviy axborot vositalari materiallari yordamida tarbiyalashdan iborat. Bu jarayonda: shaxsning media vositalari orqali boshqa sub'ektlar bilan muloqotini tashkil etish; media vositalari tomonidan keng ko'lamli, katta hajmdagi axborotlarning uzatilishi; media tomonidan uzatilayotgan axborotlarning shaxs tomonidan ijodiy, tanqidiy baholanishiga erishish; shaxsning mediamatnlarni sharhlay olish, tahlil qilish va sintezlash ko'nikma, malakalarining o'zlashtirilishi; yoshlarda media bilan oqilona, ongli munosabat (ulardan foydalanishda suiste'molga yo'l qo'ymaslik)ni qaror toptirish; media texnikalar yordamida muayyan jarayon, voqelik, hodisalarga nisbatan shaxsiy yondashuvini ifodalashga o'rgatish kabi holatlar yaqqol namoyon bo'ladi.

Mediata'limni shaxsda media tomonidan tarqatilayotgan axborotlar bilan ishlash borasidagi bilim, ko'nikma, malakalar negizida ijtimoiy tajriba hosil qilish vositasi sifatida e'tirof etish mumkin. Mazkur ta'limning ilmiy-nazariy va amaliy-metodik asoslarining puxta asoslanishi, amaliyotga izchil tatbiq etilishi yoshlarni xavfli, o'ta xavfli axborotlardan himoyalash, ijobiy mazmundagi axborotlarni tanqidiy baholash va o'z faoliyati (kundalik hayoti, kasbiy va shaxsiy faoliyati)da ularni samarali qo'llashga tayyorlashga xizmat qiladi. Mediata'limni tashkil etishda o'qituvchi – o'quvchi, o'quvchi – media tomonidan tarqatilgan axborot, o'quvchi – media xodimlari, tegishli muassasa vakillari o'rtasida keng ko'lamli munosabatlarga tayanib ish ko'riladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 29 apreldagi «O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida»gi PF-5712-son Farmoni. QHMMB: 06/19/5712/3034-son, 29.04.2019 y.

2. Tulodziecki, G. (1997): Medien in Erziehung und Bildung. Grundlagen und Beispiele einer handlungs und entwicklungsorientierten Medienpädagogik. Bad Heilbrunn, p.120.

3. Frolova E., Ryabova T., Rogach O. Interactive Technologies of Forming the Students' Media Competence: Opportunities and Limitations of Their Use in Contemporary Educational Practice. Media Education (Mediaobrazovanie), 2018. 58(4), 22-29 pp.

4. Qaxxorov S.Q., Jo'raev H.O. Mediata'limning rivojlanish bosqichlari // Pedagogik mahorat. – Buxoro, 2017. №1. – B.36-39.

5. Qodirov X.SH. Kasb ta'limi o'qituvchilarining bilim va ko'nikmalarini shakllantirishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llash

“Pedagogik innovatsiyalar va ularning amaliy tadbirlari: muammolar va yechimlar” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to'plami. 231metodikasini takomillashtirish. Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)dissertatsiyasi avtoreferati. – T., 2017.

6. Sharipov Sh., Isyanov R. Kasbiy ko'nikma va malakalarni rivojlantirishda virtual trenajrlarning ahamiyati // Ta'lim tizimiga axborot texnologiyalarini tatbiq etishning zamonaviy muammolari: Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. Guliston: GulDU, 2009. – B. 346-348.

ПРОБУЖДЕНИЕ ИНТЕРЕСА СТУДЕНТОВ К МАТЕМАТИКЕ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Шодмонов Хусниддин Бахриддинович.

преподаватель, ЖизПИ, Узбекистан

Гадаев Дониер

преподаватель кафедры дистанционного образования

по естественным и точным наукам ЖГДУ

Эсиргапов Жамшид

преподаватель кафедры дистанционного образования по естественным и

точным наукам ЖГДУ

АННОТАЦИЯ

В педагогической науке до сих пор нет единого определения фундаментальности должно быть присуща любому образовательному процессу. Обратим внимание на то, что фундаментальности образования, прежде всего, является признаком содержания образования и именно поэтому понимание фундаментальности во многом зависит от трактовки содержания образования.

Ключевые слова: ученых, воспринимает, фундаментальность, образования, умений и навыков,

Другая группа ученых воспринимает фундаментальность образования более узко, считая ее характеристикой только высшего образования, которая представляет собой некий противовес профессиональной направленности обучения. По мнению В.В.Краевского [3], есть три концепции содержания образования, в соответствии с этим три его определения. Однако при этом в стороне остаются такие важные качества личности, как способность к самостоятельности, творчеству, и их формирование должно быть обязательной характеристикой фундаментального образования. Согласно другому определению, содержание образования представляется как совокупность знаний, умений и навыков, необходимым для усвоения обучающимися, но сущность их не определяется [4]. Согласно первой концепции содержание образования представляется как педагогически адаптированные научные дисциплины, изучаемые как в рамках средней школы, так и высшей. По мнению В.А.Тестова, с мировоззренческой позиции такое представление содержания образования

придает науке главенствующую роль в формировании целостной культуры индивида. В рамках этой трактовки представляется целесообразным уточнение понятия фундаментальности образования. Выделяют два важных подхода.

Первый рассматривает фундаментальность образования как более углубленную подготовку по определенному направлению, тщательную проработку всего спектра направлений и вопросов внутри каждого направления.

Второй подход представляет фундаментальное образование как разностороннее гуманитарное и естественнонаучное образование, основанное на овладении обучающимися фундаментальными знаниями, методами их получения, изучении широкого спектра вопросов по различным областям знаний (как специальных, так и общеобразовательных). Это позволит сформировать у выпускников такие личностные качества, которые способствовали бы более успешной адаптации их в современных условиях. Выделение системы основополагающих законов и понятий, являющихся фундаментом для изучения других дисциплин, представляется достаточно сложным. Эта система может изменяться, дополняться, поскольку постоянное развитие науки изменяет приоритеты между отдельными теориями, достижениями. Поэтому жесткое структурирование знаний практически невозможно.

При таком подходе понятие фундаментального образования, особенно для высшего профессионального, является относительно новым, и поэтому педагогам необходимо определить, какое знание может быть отнесено к фундаментальному. Наиболее распространенное мнение по этому поводу – это такие науки, теории, законы, определения и понятия, которые являются первичными, непосредственно отражают и синтезируют в закономерности или законы изучаемые факты, явления окружающей действительности и не представляют собой следствия других наук.

Согласно третьей концепции, “содержание образования определяется как педагогически адаптированный социальный опыт человечества”. Подобное понимание отражено в работах В.В.Краевского и И.Я.Лернена.

Причем, все составляющие системы “знания – умения - навыки” должны быть логически связаны между собой, последующее следует из предыдущего и является фундаментом к усвоению нового.

Фундаментальность – многогранное явление с позиции классической дидактики, характеризуется принципами системности, научности и последовательности, в соответствии с которыми содержание образования должно быть научным, отражать современное состояние и направления развития соответствующих научных областей.

В этой связи можно констатировать, что фундаментальность образования это ориентированность его содержания на важные методологически и профессионально элементы культуры личности. Они способствуют развитию творческого потенциала обучающегося, обеспечивают качественный, более высокий уровень его культуры, как интеллектуальной, что в целом позволяет им более успешно адаптироваться в современных условиях.

Совершенно очевидно, что полноценное образование предполагает овладение обучающимися такими знаниями, которые представляют собой некий фундамент и являются важными, необходимыми и обязательными для изучения вне зависимости от склонностей, предпочтений и профиля выбранной специальности.

В этой связи обеспечение фундаментальности, возможно в том числе если повысить уровень их математической подготовки.

В нашем понимании, фундаментализация означает углубление общеобразовательной, общенаучной и общепрофессиональной подготовки студентов.

Таким образом, фундаментализация в области гуманитарного образования позволит обучающимся овладеть не только сугубо специальным, узко гуманитарными знаниями, но и математическими, которые влияют на их творческое развитие на возможности продолжения образования и самообразования.

Фундаментальное знание с точки зрения его общекультурной ценности: должно носить методологический, системообразующий и мировоззренческий характер;

представлять собой мета предметные учебные действия;

должно обучать главным мыслительным операциям: анализу, синтезу, абстрагированию, обобщению;

должно формировать интегрированный способ мышления и научное мировоззрение.

И важным становится выделение того самого фундаментального ядра в математическом знании. Для успешности этого процесса необходимо определить теоретическую основу отбора содержания, критерии и на этой основе сформулировать фундаментальные математические составляющие.

Теоретической основой отбора содержания являются сформулированные в отечественной педагогике идеи культурологического подхода к содержанию образования (М.Н.Скаткин, И.Я.Лернер, В.В.Краевский) и системно –

деятельностного (Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, Д.Б.Эльконин, П.Я.Гальперин, Л.В.Занков, В.В.Давыдов).

Представление содержание образования как педагогически адаптированного процесс, чтобы обучающиеся могли приобрести опыт различных видов деятельности и отношений. Согласно концепции культурологического подхода к формированию содержания образования, источником формирования является культура, т.е. наиболее значимые формы социокультурного опыта.

3. Creating multimedia presentations. Often, teachers claim that it is very difficult to find the necessary visual material for the lesson. To solve this problem, teachers create their own presentations on the topics they need. Using presentations in the classroom is a very effective way to have a positive impact on students. Tables, animations, video and audio recordings can be created and placed in the presentation. New vocabulary can be well explained with photos and pictures, fixation of new material is done with the help of pre-prepared exercises.

4. Use of ICT in extracurricular activities. Currently, ICT is widely used not only for traditional classes, but also for conducting extracurricular activities with students. When working on educational projects, students refer to various sources of information: electronic encyclopedias, Internet search engines. Students use text and image editors, and present their work using presentations, photos, or videos.

5. Use of Internet resources. The Internet is a global international network that allows you to search for necessary information and use information from various information sources. There are many e-learning programs for learning a foreign language. In the process of teaching a foreign language, the use of relevant information via e-mail is also very popular.

Multimedia technologies allow listening to speech in a foreign language, which also allows you to separate words into words and compare the pronunciation and spelling of words. It is also possible to record the student's spoken word or phrase for later review and correction. Using multimedia technology, sound cards allow users to record their speech and then compare it with the pronunciation of other speakers. The graphics capabilities of computers can represent any type of activity in the form of pictures or animations. This is especially important when learning new vocabulary. Using ICT in grammar lessons is very useful in learning any subject. Properly placed material, successfully used color design, the use of tables and charts will help teachers to conduct their lessons in a more interesting and colorful way. In addition, it can be more interesting to manage the level of grammar skills learned with the help of ICT.

Conclusion

In conclusion, the introduction of information and communication technologies has become an important direction in learning foreign languages. Power Point presentation, e-mail correspondence, educational programs on CD-ROM, Internet resources in teaching foreign languages help students to develop language and communicative competences, increase interest in independent learning activities.

References

1. Voitko S.A. On the use of information and communication technologies in the English lesson / Internet magazine "Festival of Pedagogical Ideas" - Open Lesson, 2018.
2. Zakharova I. G. Information technologies in education: a textbook for higher educational institutions, institutions. M.: Academy, 2018. - S. 338.
3. Cavanaugh, C. S. (2001). The effectiveness of interactive distance education technologies in K-12 learning: A meta-analysis. *International Journal of Educational Telecommunications*, 7 (1), 73-88.
4. Harding, K (2007). *English for Specific Purposes*, Oxford University Press Warschauer, M., & Healey, D. (1998). *Computers and language learning: An overview. Language Teaching*, 31, 57-71.
5. I. Aldashev The importance of using modern methods in teaching russian as a foreign language. "Экономика и социум" №11(78) 2020 www.iupr.ru
6. S. Jabborova. The problem of increasing the interest of students in the Russian language at the university "Economics and Society" No. 12 (79) 2020 www.iupr.ru
7. M. Ch. Aliyev. "Information technologies" study guide (in Uzbek and Russian languages). T.: UzDJTU 2018.
8. I. Aldashev. To use the specific properties of the computer, allowing to individualize the educational process and turn to fundamentally new cognitive means. "Economy and society" №6(73) 2020 www.iupr.ru

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЛЕЧЕНИЕ ХРОНИЧЕСКОГО ПАРОДОНТИТА

Жураева Сожида Рустам кизи

магистр 2-курс, Ташкентский Государственный

Стоматологический Институт jorayevasojida669@mail.com

Аннотация. В настоящее время имеется высокая встречаемость заболеваний пародонта. В практики врача стоматолога часто встречаются пациенты с наличием патологий пародонта. Причинами их возникновения могут служить различные факторы. Такие как физические, механические, химические, вирусные и патологические. В настоящее время не до конца изучены причины развития заболеваний пародонта. Частота встречаемости этого заболевания в мире равна 70-98%. Это и является для нас пусковым механизмом в углубленном изучении этого заболевания, его этиологии, клиники, патогенеза и дальнейшего лечения. Основной причиной развития этого заболевания являются микробная бляшка, которая имеет в своем составе большое количество различных микроорганизмов. Такие как *Str.sanguis*, *Str.mutans*, *P.gingivalis*, *P.melaninogenica*, *A.Actinomicetescomitans*, *F.necroform*, *F.nucleatum*.

Начало воспалительных изменений отмечается в области края десны зуба, в области полости десны клинического зуба, где эпителиальное сращение повреждается отходами микробного налета и токсинами микроорганизмов; развивается венозная гиперемия, нарушение микроциркуляции, сопровождающееся укорочением капиллярных петель и повышением проницаемости стенки сосуда, что сказывается на нормальной трофике соединительного эпителия. В дальнейшем на альвеолярно-волокнутом опорном аппарате пародонтального сустава происходит деструкция и формируется пародонтальный карман.

Наше внимание привлек комплексный противовоспалительный препарат местного действия "Холисал-гель", в состав которого входит нестероидное противовоспалительное средство салицилат холина и антисептическое средство хлорид Цеталкония. Обладает противовоспалительным и обезболивающим действием. Противовоспалительное и болеутоляющее действие обеспечивает основной компонент этого препарата - салицилат холина, ингибирующий циклооксигеназу, снижающий синтез простагландинов.

Ключевые слова: холисал гель, пародонт, воспаление, *Str.sanguis*, *Str.mutans*, *P.gingivalis*, *P.melaninogenica*, *A.Actinomicescommitans*, *F.necroform*, *F.nucleatum*, патогенез.

Annotation. Currently, there is a high incidence of periodontal diseases. In the practice of a dentist, patients with the presence of periodontal pathologies are often found. The reasons for their occurrence can be various factors. Such as physical, mechanical, chemical, viral and pathological. Currently, the causes of periodontal diseases are not fully understood. The incidence of this disease in the world is 70-98%. This is the trigger for us in an in-depth study of this disease, its etiology, clinic, pathogenesis and further treatment. The main cause of the development of this disease is a microbial plaque, which has a large number of different microorganisms in its composition. Such as *Str.sanguis*, *Str.mutans*, *P.gingivalis*, *P.melaninogenica*, *A.Actinomicescommitans*, *F.necroform*, *F.nucleatum*. *commitans*, *F.necroform*, *F.nucleatum*.

The onset of inflammatory changes is noted in the area of the gum margin of the tooth, in the area of the gum cavity of the clinical tooth, where epithelial fusion is damaged by microbial plaque waste and microbial toxins; venous hyperemia develops, microcirculation disturbance, accompanied by shortening of capillary loops and increased permeability of the vessel wall, which affects the normal trophism of the connective epithelium. In the future, destruction occurs on the alveolar-fibrous supporting apparatus of the periodontal joint and a periodontal pocket is formed.

Our attention was attracted by a complex anti-inflammatory drug of local action "Holisal-gel", which includes a non-steroidal anti-inflammatory agent salicylate of choline and an antiseptic agent Cetalkonium chloride. It has an anti-inflammatory and analgesic effect. Anti-inflammatory and analgesic effect is provided by the main component of this drug – salicylate.

Keywords: holisal gel, periodontal disease, inflammation, *Str.sanguis*, *Str.mutans*, *P.gingivalis*, *P.melaninogenica*, *A.Actinomicescommitans*, *F.necroform*, *F.nucleatum*, pathogenesis.

Введение: Воспалительные заболевания пародонта являются одной из важнейших проблем стоматологии, так как отмечается тенденция неуклонного роста их частоты при значительной распространенности. Их распространенность достигает 98%, а течение характеризуется частыми (2-4 раза в год) обострениями и короткими периодами ремиссий. Распространенность ПП в Республике Узбекистан колеблется от 69,4 до 87,4% и не имеет тенденции к

снижению . Лечение воспалительно-деструктивных заболеваний пародонта в связи с их высокой частотой и интенсивностью является актуальной проблемой современной стоматологии, не только медицинское, но и социальное значение. выявить терапевтический эффект препарата "Холисал-гель " в комплексном лечении заболеваний пародонта и разработать методику его применения.

Материалы и методы исследования:

Всего было обследовано 36 человек обоего пола в возрасте от 20 до 55 лет, которые составили основную группу лиц и группу сравнения. Основную группу составили люди, получавшие препарат «Холисал-гель».

Результаты и обсуждение. Особенности выявления реакций микроциркуляции десен у практически здоровых людей и больных пародонтитом путем введения препарата "Холисал-гель". Оценка противовоспалительной эффективности препарата "Холисал-гель" при пародонтите в клинике. Определение показаний к применению "Холисал-геля" при лечении хронических пародонтитов.

Холисал является комбинированным препаратом, обладающим противомикробным, противовоспалительным и обезболивающим действием. Клинический эффект препарата обусловлен входящими в его состав ингредиентами. Так, холина салицилат, входящий в состав Холисала, обладает анальгезирующим и выраженным противовоспалительным эффектом при местном применении. Холина салицилат угнетает активность циклооксигеназы, функциональную активность нейтрофилов и макрофагов, а также продукцию интерлейкина-1. Реализация противовоспалительного эффекта Холисала объясняется также и способностью холина салицилата подавлять синтез простагландинов. Немаловажное значение имеет тот факт, что холина салицилат быстро всасывается с поверхности слизистой оболочки полости рта, проникая к нервным окончаниям, а также кроме противовоспалительного оказывает противогрибковое и противомикробное действие. Цеталкония хлорид, входящий в состав Холисала является антисептиком, проявляющим активность в отношении грамположительных и грамотрицательных микроорганизмов, вирусов и грибов.

Пропилоксибензоат и метилоксибензоат, которые содержатся в гелевой основе Холисала, также обладают противогрибковым и антибактериальным эффектами.

Гелевая основа Холисала и цеталкония хлорид уменьшают поверхностное натяжение тканей, усиливая тем самым проникающую способность основного действующего вещества -холина салицилата.

Гелевая основа способствует прочной фиксации препарата Холисал на слизистой оболочке полости рта, препятствуя смыванию его слюной.

Заключение: таким образом, препарат «Холисал гель», обладая большими преимуществами перед традиционными способами лечения заболеваний пародонта, может быть весьма перспективным и внедрен в отечественную медицину.

Литература

1. Леонова Л.Е., Таболина Е.Н. Клинико-микробиологическая оценка эффективности препарат «Холисал» при лечении пародонтита Проблемы стоматологии. — 2005 г.; 1:31-3.

2. Маланин И.В., Попова И.К. Оценка эффективности препарата холисал в комплексе лечение заболеваний пародонта. - Международный журнал прикладных и фундаментальных Исследовать. - 2013; 6:71-

3. Масумова В.В., Булкина Н.В. Сравнительная характеристика эффективности лечение гингивита гелем Холи Сал и бутадионовой мазью. — Современные наукоемкие технологии. — 2007 г.; 12:64-5.

4. Михальченко В.Ф., Темкин Е.С., Чижикова Т.С. Применение препарата «Холисал» в комплексное лечение заболеваний слизистой оболочки полости рта и пародонта. - Бюллетень ВолгГМУ. — 2004 г.; 12:78-80.

5. Перламутрова В.Ю. Применение препарата «Холисал®» в комплексном лечении воспалительных заболеваний пародонта: дис. ... с.м.с. - М., 2005. - 120 с.

6. Питерская Н.В., Рукавишников Л.И., Радышевская Т.Н., Алешина Н.Ф. Лечение лишая слизистой оболочки полости рта с помощью лазеротерапии в сочетании с гелем Холисал. - Бюллетень ВолгГМУ. - 2013; 2 (46): 118-9.

7. Страхова С.Ю., Мартынова О.В. Применение препарата «Холисал» в комплексном лечении острого герпетического стоматит у детей. — Практическая медицина. — 2009 г.; 1:98-100

STILIZATSION FOLKLORIZMNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Najimova Xumora

BuxDU adabiyotshunoslik yo‘nalishi II bosqich magistranti

x.d.najimova@buxdu.uz

***Annotatsiya:** Yozma adabiyotda folklorga xos motiv, ritm, obrazdan foydalanish, folklor janrini o‘zlashtirish orqali stilizatsion folklorizmni yuzaga keltirish an’anaga aylanib bormoqda. Bu holatning tadqiqi ham amalga oshirilmoqda. Ushbu maqolada stilizatsion folklorizmlarning o‘ziga xos xususiyatlari tahlil etildi.*

***Kalit so‘zlar:** stilizatsion, folklorizm, ritm, motiv, janr, ohangdorlik, analitik.*

Dunyo yaralibdiki, har bir jon, har bir mavjudot, jamiyki borliq bir birini boyitib, to‘ldirib keladi. Gulning go‘zalligiga suv va havo sabab bo‘lsa, tabiat ajoyiboti nabodot-u hayvonot sababdir. Daraxtlar quyoshdan nur olib yashnagani kabi, ijod olami ham bir birini boyitib, to‘ldirib keladi. Adabiyotning eng asosiy oziq manbayi xalq va uning ijodiyotidir. Dastavval og‘zaki shaklda yaralgan adabiyotimiz mana necha asrlardirki yozma manbalar uchun poydevor vazifasini o‘tab kelmoqda. Xalqning bor boyligi, so‘zining go‘zalligi adabiyotda namoyon bo‘ladi. Uning gullab yaxshnamog‘ida, taraqqiy topmog‘ida esa xalq og‘zaki ijodi ya’ni folklorning o‘rni beqiyosdir.

Yozma adabiyotga folklorning kirib kelishi turli istilohlar bilan nomlandi. Xususan, “folkloridan foydalanish”, “folklor ta’siri”, “folklor an’analari” va “folklorizm” atamalari shular jumlasidandir. Turli baxs munozaralar, olimlarimizning izlanishlari yakuni o‘laroq xalq og‘zaki ijodining yozma adabiyotga ta’siri, ijodkorning folkloridan foydalanish maxorati “Folklorizm” atamasi bilan yuritila boshlandi.

Ijodkor folklor materialidan g‘oyaviy niyati va maqsadiga, qaysi turda ishlatishiga qarab, turlicha yo‘nalish va maqsadlarda foydalanishi mumkin. U xohlasa, folklor materialini shaklan o‘zgartirmay aynan qo‘llashi yoki qayta ishlab, o‘z asarining ruhiga singdirib keltirishi mumkin¹.

Shu kungacha o‘zbek adabiyoti namunalarida uchraydigan folklorizmlarni adabiyotshunos, olim L.Sharipova to‘rt jihatiga ko‘ra tasnif qilgan:

- 1) qo‘llanish davriga ko‘ra: a) mumtoz folklorizm; b) zamonaviy folklorizm;
- 2) qo‘llanish o‘rniga ko‘ra: a) badiiy folklorizm; b) publitsistik folklorizm;

¹ Sharipova.L. XX asrning 70-80-yillari o‘zbek she’riyatida folklorizm. – Toshkent: Fan, 2011. – B.144.

3) folklorizmlarning sifatiga ko'ra: a) oddiy folklorizm; b) murakkab folklorizm; 4) qo'llanish yo'nalishi va vazifasiga ko'ra: a) uslubiy-nutqiy folklorizm; b) kompozitsion folklorizm; v) ijtimoiy-etnografik folklorizm. Oxirgisi A.A.Gorelov tasnifiga asoslangan¹.

Biz o'rganayotgan stilizatsion folklorizmlar murakkab folklorizmning bir turi bo'lib, adabiyotshunos, olim, B.Sarimsoqov murakkab folklorizmlarni tabiati va vazifasiga qarab: a) analitik folklorizm; b) sintezlashgan folklorizm; v) stilizatsiya xarakteridagi folklorizmlar tarzida uch guruhga bo'ladi².

Analitik folklorizmlar asarning badiiy to'qimasi, uning yetakchi g'oyasi bilan organik birikib keta olmasligi jixatidan xarakterlansa, sintezlashgan folklorizmlar o'zaro chirmashib, qorishib ketishni ifodalaydi. Sintezlashgan folklorizm yuzaga kelishi uchun tanlangan folklor materialini asar syujetiga singib ketishi lozim. Analitik folklorizm asardan olib tashlansa ham, asar mohiyatiga jiddiy zarar yetmaydi, lekin asardagi o'ziga xos jozibaga sezilarli putur yetadi. Kitobxon ruhiga tasir qiluvchi vositalardan biri boy beriladi, biroq asar g'oyasi, mazmuni, syujetida jiddiy o'zgarish bo'lmaydi.

Folkloridan yozma adabiyotga ko'chgan janr, motiv, obraz ritm kabilar o'zlashtirilib yoki aynan qo'llanilishidan qat'iy nazar, folklorligini yo'qotib, adabiyotning tarkibiy uzviga aylanadi, ya'ni folklorizmni yuzaga keltiradi. Ijodkor folklor materialiga ishlov berishi jarayonida rang-barang shakllar yuzaga keladi, uslub xilma-xilligi kelib chiqadi. Shu asosda stilizatsion folklorizmning ichki ko'rinishlari shakllanadi. "Stilizatsiya" so'zi "uslubga monandlik", "unga o'xshatib asar yaratish" degan ma'nolarni ifodlaydi³.

Analitik va sintezlashgan folklorizmida ijodkor folklor materialidan aynan foydalansa, stilizatsion folklorizmlarda aynan takror emas, balki xalqona usul, xalqona uslub yetakchilik qiladi. Bunday usulda yaratilgan asarlar bizga xalq usulini, xalqona shaklni yodga solishi bilan xarakterlanadi. Stilizatsion folklorizmlar yozuvchi, shoir mahoratini, uning xalq ijodi bilimdoni ekanligini belgilovchi muhim vosita desak yanglishmagan bo'lamiz. Ijodkor xalq og'zaki ijodiga mansub janr, motiv, ohang yoki obrazni o'z usulida, yangicha uslubda qayta yaratar ekan u nafaqat yozma adabiyot rivojiga balki, og'zaki adabiyot umrboqiyiligiga ham o'z hissasini qo'shgan hisoblanadi.

Xalq og'zaki ijodiga mansub asar syujeti, mazmuni, shakli, ohangi aynan saqlanib, yangicha usulda, shaklda yaratilgan asarlar stilizatsion folklorizmlarni

¹ Sharipova L. XX asrning 70-80-yillari o'zbek she'riyatida folklorizm. – Toshkent: Fan, 2011. – B. 35.

² Sarimsoqov B. Folklorizmlar biologiyasiga doir // O'zbek tili va adabiyoti. 1980. № 4. 42-44-betlar

³ Sharipova L. XX asrning 70-80-yillari o'zbek she'riyatida folklorizm. – Toshkent: Fan, 2011. – B. 21.

vujudga keltiradi. Yozma adabiyotimizda folklorizmlarning barcha turini uchratishimiz mumkin. Tadqiqotchilar tomonidan folklorizm va uning turlari, badiiy adabiyotda aks etishi turli tomonlardan tadqiq qilindi.

Adabiyotshunos I.Yormatov o'zining "Stilizatsiya xarakteridagi folklorizmlar" nomli maqolalarida stilizatsion folklorizmlarni murakkab folklorizmlarning keng tarqalgan ko'rinishlaridan biri sifatida e'tirof etadi. Ularning fikricha, stilizatsiya jarayonida yozuvchi folklorshunoslik qonuniyatlariga qat'iy amal qilishi, folklor materialining g'oyaviy-kompozitsion butunligiga putur yetkazmasligi, folklorga xos rivoyaviy bayon uslubini o'zgartirmasligi lozim¹.

Ammo, adabiyotshunos, olim L.Sharipovning fikricha, o'zlashtirish chog'ida janr tanlash erkinligi va huquqi saqlanadi. Shuning uchun ijodkor o'zi tanlagan xalq ertagi syujetini xohishiga qarab, yo ertak, yo doston shaklida qayta ishlashi mumkin. Folklor material janrining o'zgarishi esa uning kompozitsion butunligini ham o'zgarishga olib keladi. Hatto buning oqibatida an'anaviy janrni takrorlamaydigan yangi oraliq janr paydo bo'lishi kuzatiladi. Agar epik turdagi folklor materialiga dramatik asar sifatida ishlov berilsa, folklorga xos epik bayon uslubiga, albatta, putur yetadi. Olima I. Yormatovning bu boradagi nazariy fikri yozma adabiyotda mavjud misollar mohiyatiga to'la-to'kis mos kelmasligini, mavjud asarlardagi stilizatsiya holati juda rang-barangligi bois stilizatsiya xarakteridagi folklorizmni bu qadar chegaralash o'rinli emasligini ta'kidlaydi².

I.Yormatov stilizatsion folklorizmlarni ikki turga bo'lib tasnif qiladi: 1. Progressiv (ijobiy xarakterdagi) stilizatsiya. 2. Regressiv (salbiy xarakterdagi) stilizatsiya.

Progressiv (ijobiy xarakterdagi) stilizatsiyada ijodkor folklor asarining syujet va motivlariga erkin yondashib uni qayta ishlaydi. Uning mazmunini rivojlantirish, syujet va obrazlarni boyitish imkoniga ega.

Regressiv stilizatsiyada ijodkor folklorga xos asar materialini shaklan kengaytirib, asar g'oyasini aynan saqlaydi, unga o'z g'oyasini singdirmaydi. Shu bois bu usul salbiy xarakterdagi stilizatsiya ham deb yuritiladi.

Adabiyotshunos, olim L.Sharipova stilizatsion folklorizmlar folklor janrlari (doston, ertak, afsona, rivoyat, ko'shik, yig'i, yo'qlov, alla kabilar)ning asosiy motivlari va badiiy shaklini ifoda uslubini hamda ularga aloqador yuksak g'oyaviy motivlarni, an'anaviy epik obrazlarni, ko'tarinki ritmni ijodiy o'zlashtirish natijasida yuzaga keladi, deya ta'kidlaydi va stilizatsion folklorizmlarni shu asosda to'rt turga

¹ Yormatov I. Stilizatsiya xarakteridagi folklorizmlar // O'zbek adabiyoti. 1984. №3 - B. 31.

² Sharipova L. XX asrning 70-80-yillari o'zbek she'riyatida folklorizm. – Toshkent: Fan, 2011. – B. 87.

bo'ladi: 1. Janr stilizatsiyasi. 2. Motiv stilizatsiyasi. 3. Obraz stilizatsiyasi. 4. Ritm stilizatsiyasi¹.

Xalq og'zaki ijodiga xos janr ijodkorlar tomonidan o'zlashtirilib, uni yozma adabiyotga olib kirilishi janr stilizatsiyasini vujudga keltirdi. Bilamizki, janr o'zlashuvi har ikki adabiyotda ham yuz beruvchi jarayondir, ya'ni og'zaki adabiyot ham, yozma adabiyot ham o'zaro janr almashib kelganlar.

Folklor janrlarining o'zlashuvi turli jihatlaridan talqin qilingan. Jumladan, O.Safarov, T.Abdikulov kabi olimlar ertak janrining yozma adabiyotda o'zlashuvi, adabiy ertakning turli ko'rinishlarini yuzaga keltirganligi haqida fikr yuritadilar². O.Safarov e'tiroficha, folklordagi janriy rang-baranglik va ifodaviy vositalardan ijodiy foydalanishda asosan ikki yo'nalish ustuvordir:

Birinchi yo'nalish – folklor namunalari (ertaklar, masallar, rivoyatlar, latifalar va hokazolarni) bolalar yoshi, saviyasi va ruhiga moslashtirib qayta ishlash yoki tabdil (interpretatsiya) qilish. Buning bosh sharti asarning xalqona ruhiga putur yetkazmagan holda g'oyaviy- badiiy barkamolligini ta'minlash va shu asosda axloqiy-tarbiyaviy qimmatini oshirish hisoblanadi.

Ikkinchi yo'nalish – folklor syujetlari asosida she'riy, nasriy va drammatik asarlar yaratish yoki stilizatsiya xarakteridagi folklorizmlar. Bu yo'nalish barcha xalqlar bolalar adabiyoti ravnaqida yetakchi omillardan hisoblanadi³.

Adabiyotshunos N.Sharopova og'zaki lirika janrlariga murojaat etish tamoyili haqida fikr yuritib, "Xalq she'riy shakllariga murojaat tamoyili haqiqiy ma'nodagi ijobiy hodisa", – deb e'tirof qiladi⁴. L.Sharipova yozma adabiyotda dastlab doston, maqol, topishmoq, yo'qlov, yig'i, keyinchalik yor-yor, alla kabi folklor janrlari stilizatsiya qilingan deb hisoblaydi va doston janri stilizatsiyasining debochasi deya "Qutadg'u bilig" va "Hibat-ul haqoyiq" asarlarini e'tirof etadi⁵. Xalq dostonlari bilan yozma dostonlar orasida jiddiy o'xshashlik va tafovutlar bor. Bu o'xshashlik va tafovutlar turli davrlarda turlicha kechdi.

Yozma adabiyotimizga ertak, doston, naql, afsona, rivoyat, qo'shiq, alla, yor-yor, o'lan, lapar, aytishuv, yig'i yo'qlov, marsiya, topishmoq, tez aytish, hukmlagich, erkalama, askiya, latifa kabi folklor janrlari stilizatsiya qilingan.

Xalq ijodiga xos bo'lgan motivlarni ijodiy o'zlashtirish motiv stilizatsiyasini vujudga keltiradi. Ijodkor o'z asarida folklorga xos oshiq-ma'shuqlik,

¹ Sharipova L. O'sha manba. – B. 88.

² Safarov O. Folklor va bolalar adabiyoti // O'zbek tili va adabiyoti. 2003. №6. 20-26-betlar. Abdikulov T. Bolalar poemachiligi va xalq og'zaki ijodi / O'zbek tili va adabiyoti. 1975. №5 29-34-betlar

³ O.Safarov, R.Barakayev, B.Jamilova. Bolalar adabiyoti. Buxoro. Durdona nashriyoti, 2019. – B. 174.

⁴ Sharopova N. Og'zaki lirika janrlariga murojaat etish tamoyili// O'zbek tili va adabiyoti. 1998. №2. 28-32-betlar.

⁵ Sharipova L. XX asrning 70-80-yillari o'zbek she'riyatida folklorizm. – Toshkent: Fan, 2011. – B. 90.

qahramonlarning g'ayritabiiy tug'ilishi, farzand tilab sarson-sargardonlik, toj-u taxt, boyluk taqsimoti, yoxud yor izlab yo'lga tushmoq, ovga, safarga chiqmoq, tush ko'rmoq, o'gaylik, yetimlik, xalqqa xos urf-odatlar, turmush tarzi bilan bog'liq bir qancha motivlardan ijodiy foydalanar ekan, asarga xalqona ruh va go'zallikni ham singdiradi. Barchamizga ma'lum bo'lgan xalq ertaklari, dostonlari-yu afsonalariga xos bo'lgan bunday motivlar yozuvchilar tomonidan juda keng foydalanib kelingan.

T.Mirzaev "motiv" istilohini ikki ma'noda qo'llaydi va dostonlarda el-u yurtga muhabbat motivlari urug' birligi g'oyasi bilan birlashib ketishini ta'kidlaydi. Bu o'rinda "motiv" "mavzu", "g'oya" ma'nosini ifodalaydi. Shu tadqiqotning o'zida motiv syujetning bir bo'lagi sifatida ham e'tirof etiladi. "Alpomish" eposining syujet sostavini atroflicha qarab chiqishda uning motivlari haqida fikr yuritish, doston syujeti to'qimasidagi o'rni va ahamiyatini belgilash ham muhim rol o'ynaydi", – deb yozadi olim¹. Zero, "motiv" fransuzcha so'z bo'lib "tema, mavzu", ayni chog'da, "ohang, kuy" ma'nolarini ham anglatadi². Adabiyotshunoslik istilohi sifatida "syujet tarkibidagi xalqalardan biri" yoki asarning asosiy mavzusi va g'oyasini to'ldirishga xizmat qiluvchi qo'shimcha mavzu yoki g'oyaviy yo'nalish ma'nosini anglatadi. Aytaylik, xalq og'zaki ijodida qahramonning g'ayritabiiy tug'ilishi yoki ovga yo safarga chiqishi alohida-alohida motivlar bo'lib, an'anaviyligi bilan diqqatni tortadi. Demak, "motiv" istilohi ham g'oya, ham syujetning bir bo'lagi ma'nosida ishlatiladi.

L.Sharipova XX asrning 70-80-yillari o'zbek she'riyatida uchrovchi folklorizmlarni tadqiq qilar ekan, ushbu davr she'riyatida folklorga xos motivlarning stilizatsiya qilinganligini quyidagicha turlarga bo'lib tasnif qiladi:

- 1) dostonga xos motivlar stilizatsiyasi;
- 2) ertakka xos motivlar stilizatsiyasi;
- 3) xalq hayoti, turmush tarzi bilan bog'liq motivlar stilizatsiyasi³.

Olima dostonga xos motivlar stilizatsiyasini eng ko'p uchrovchi turi sifatida e'tirof etadi. "Alpomish" va "Go'ro'g'li" turkumiga kiruvchi dostonlarning motivlari ijodkorlar tomonidan salmoqli darajada stilizatsiya qilinganligini misollar orqali keltirib o'tadi. Ertakka xos motivlar stilizatsiyasi haqida fikr yuritar ekan, shoirlar ko'proq uch og'ayni botirlar bilan bog'liq motivlarga murojaat qilishganini ta'kidlaydi. Xalq hayoti, turmush tarzi bilan bog'liq motivlar stilizatsiyasiga to'xtalar ekan, ularni etnografik motivlar deb ataydi va bunday motivlar ko'proq xalqning irimlari, urf-odatlari, ijtimoiy hayoti bilan bog'liqligini e'tirof etadi.

¹ T. Mirzayev. "Alpomish" dostonining o'zbek variantlari. Toshkent:Fan, 1968 91-93-betlar.

² Ruscha-o'zbekcha lugat. 2 tomlik. T. 2. Toshkent : O'zbek Sovet Ensiklopediyasi Bosh redaksiyasi, 1984. - B. 573.

³ Sharipova L. XX asrning 70-80-yillari o'zbek she'riyatida folklorizm. – Toshkent: Fan, 2011. – B. 111.

Bir soʻz bilan aytganda motiv stilizatsiyasi oʻquvchini ham izlanishga xalq ijodi bilan tanishishga undaydi, qolaversa, ijodkorning badiiy maqsadiga koʻrk bagʻ ishlaydi, adabiyotni boyitadi, ifoda uslubini goʻzallashtiradi.

Xalq ogʻzaki ijodiga xos boʻlgan obrazlardan yozma adabiyotda foydalanish obraz stilizatsiyasini vujudga keltiradi. Ijodkor folklorga xos boʻlgan obrazlardan oʻz ijodiy niyati va gʻoyasi yoʻlida foydalanar ekan, undan aynan nusxa koʻchirmay, har qanday obrazdan oʻz maqsadi yoʻlida erkin foydalanmogʻi, unga oʻz ijodiy niyatini singdirmogʻi lozim. Yozma adabiyot folklor obrazidan foydalansa, aynan oʻxshatish asosida obrazni koʻchiradi. Ammo identifikatsiya shunchaki nusxa koʻchirish boʻlmay, ijodkor folklor obrazini oʻz maqsadi yoʻlida xizmat qildirishini anglatadi.

“Obraz identifikatsiyasi” tushunchasidan kelib chiksak, folklor obrazlarining yozma adabiyotga koʻchishini stilizatsion folklorizm deb hisoblash mumkin¹. Adabiyotshunos L.Sharipova folklor obrazlari stilizatsiyasi haqida fikr yuritir ekan, toʻrt xil koʻrinishga ega deya tarmoqlaydi:

1. Epik obrazlar stilizatsiyasi.
2. Ramziy obrazlar stilizatsiyasi.
3. Mifologik obrazlar stilizatsiyasi.
4. Dramatik tur janrlari obrazlari stilizatsiyasi².

Epik turga mansub doston, ertak, asotir, afsona, rivoyat, naql, latifa janrlariga xos obrazlarni yozma adabiyot asrlar davomida ijodiy oʻzlashtirib, oʻz adabiy obraziga aylantirib, folklor obrazlariga yangicha ruh, yangicha vazifa yuklamoqda. Rivoyatlar, afsonalar obrazlari sifatida Toʻmaris, Kir, Spitamen, Shiroq, Layli, Majnun, Shirin, Tohir, Zuhro kabi obrazlar yozma adabiyot tomonidan oʻzlashtirilgan boʻlsa, doston qahramonlari sifatida Goʻroʻgʻli, Alpomish, Barchin, Hasanxon, Avazxon, Gulqiz, Qaldirgʻoch, Qorajon, Boychibor, Gʻirot kabi obrazlar stilizatsiya qilindi. Latifa qahramonlari Kal, Nasriddin Afandi, Aldar koʻsa; ertak qahramonlari Toʻngʻich botir, Oʻrtancha botir, Kenja botir, Zumrad, Qimmat, Noʻxotpolvon kabi qahramonlar yozma adabiyot gʻoyalarini tashishda xizmat qilgan boʻlsa, xalq qoʻshiqlaridagi ramziy obrazlar yozma sheʼriyatga xos poetik obrazlarni yuzaga keltirishda poydevor boʻlayotir.

Xalq qoʻshiqlarida daraxt, soch, terak, choy, suv, daryo, gul, olov, shuʼla kabi yuzlab ramziy obrazlar orqali lirik qahramon ruhiyati ochib berilgan boʻlsa, yozma sheʼriyatda bu obrazlar oʻzlashtirilganda ularning haqiqiy mohiyati goh saqlab qolindi, goh boshqa vazifa va boshqa maʼnoda talqin qilindi³.

¹ Sharipova L. XX asrning 70-80-yillari oʻzbek sheʼriyatida folklorizm. – Toshkent: Fan, 2011. – B. 121.

² Sharipova L. Oʻsha manba. – B. 121.

³ Sharipova L. Oʻsha manba. – B. 122.

Mifologik obrazlar sifatida, dev, pari, ajdaho, yalmog‘iz kampir, sehrli kuchlar va farishtalar, yovuz maxluqlar, yengilmas pahlavonlarni aytishimiz mumkin. Drammatik turga xos bo‘lgan obrazlar, epik obrazlar bilan uzviy bog‘liq hisoblanadi. Biz bilgan ko‘plab doston va ertaklar, latifalar sahnalashtirilgan bo‘lib, ularda ishtirok etuvchi obrazlar ham stilizatsiya qilingandir.

Folklor obrazlarining yozma adabiyot tomonidan o‘zlashtirilishi, ijodkor fikrining, maqsad va g‘oyasining chuqurroq, teranroq anglanishiga xizmat qiladi. Folklor obrazlari yozma adabiyot obrazlar olamini yanada boyitishga xizmat qiladi. Obraz stilizatsiyasi odatda motiv, janr stilizatsiyasi bilan yonma-yon tarzda qo‘llaniladi.

Ijodkorlarning xalqona ohangda ijod qilishga bo‘lgan intilishi, xalq yo‘lida, xalqona usulda asar yaratishi, shoirlarning xalq qo‘shiqlari, xalq ohanglari ta‘sirida yaratgan she‘rlari ritm stilizatsiyasini vujudga keltiradi. Ritm stilizatsiyasi stilizatsion folklorizmlar orasida eng ko‘p uchrovchi turi hisoblanadi.

L.Sharipova o‘z monografiyasida ritm stilizatsiyasi ikki xil yo‘l bilan hosil qilinishini ta‘kidlaydi:

1. Bilvosita yuzaga kelgan folkloriy ritm stilizatsiyasi.
2. Bevosita yuzaga kelgan folkloriy ritm stilizatsiyasi.

Bilvosita yuzaga kelgan folkloriy ritm stilizatsiyasi tazmin bog‘lash yoki janr stilizatsiyasi jarayonida yuzaga keladi. Shoir xalqning biror asariga tazmin bog‘lar ekan, undagi ritmikani ham stilizatsiya qiladi. Shoir xalq dostoni va xalq qo‘shig‘i ritmini stilizatsiya qilishi mumkin. Shoir dostonidan, xalq qo‘shiqlaridan bayt yoki satr keltirib, uni davom ettiradi. Oqibatda folklorga xos ritm stilizatsiyasi bilvosita yuzaga keladi.

Bevosita yuzaga keladigan folkloriy ritm stilizatsiyasi haqida fikr yuritish bir muncha mushkul. Negaki, folkloriy ritm manbayi aniq bo‘lmasa, uni his qilish mumkinu, ammo izohlash oson emas. O‘ynoki yoki mungli ritmni xalq she‘riyatida vazn, so‘z takrori, tovush takrori, turli sheva unsurlari, epik obrazlar, folkloriy ruh kabi bir qator vositalar yuzaga keltirar ekan, yozma she‘riyat ulardan foydalansa, folkloriy ritm bevosita, to‘g‘ridan-to‘g‘ri stilizatsiya qilinadi¹.

Ritm stilizatsiyasi badiiy asarni xalqqa, uning qalbiga, yurak-yuragigacha yetib borishini ta‘minlovchi yetakchi omillardan biridir. Xalqona soddalik, o‘ynoqilik asarga o‘zgacha ruh va joziba bag‘ishlaydi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, stilizatsion folklorizmlar xalqona ohang, obraz, motiv va janrning ikkinchi umri, ikkinchi hayotining boshlanishidir. Bu jarayonni xalqdan olib, qayta ishlab, yana xalqqa bermoq deb ta‘riflash mumkin.

¹ Sharipova L. XX asrning 70-80-yillari o‘zbek she‘riyatida folklorizm. – Toshkent: Fan, 2011. 141-143-betlar.

Folklorga xos uslubda yaratilgan asarlar o‘zining go‘zalligi, jozibasi, xalqonaligi, ko‘ngilga yaqinligi bilan ajralib turadi. Shu bois bunday asarlarning o‘quvchisi ham, ishtiyoqmandi ham bisyor.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdiqulov T. Bolalar poemachiligi va xalq og‘zaki ijodi / O‘zbek tili va adabiyoti. 1975. №5 29-34-betlar
2. Safarov O. Folklor va bolalar adabiyoti // O‘zbek tili va adabiyoti. 2003. №6. 20-26-betlar.
3. O.Safarov, R.Barakayev, B.Jamilova. Bolalar adabiyoti. Buxoro. Durdona nashriyoti, 2019. – B. 174.
4. T. Mirzayev. "Alpomish" dostonining o‘zbek variantlari. Toshkent:Fan, 1968 91-93-betlar.
5. Yormatov I. Stilizatsiya xarakteridagi folklorizmlar // O‘zbek adabiyoti. 1984. №3 – B. 31.
6. Sharipova L. XX asrning 70-80-yillari o‘zbek she’riyatida folklorizm. – Toshkent: Fan, 2011. – 153 b.
7. Sharipova L. She’riyat va folklor. – Toshkent: Navro‘z, 2019. – 204 b.
8. Sharopova N. Og‘zaki lirika janrlariga murojaat etish tamoyili// O‘zbek tili va adabiyoti. 1998. №2. 28-32-betlar.
9. Ruscha-o‘zbekcha lugat. 2 tomlik. T. 2. Toshkent : O‘zbek Sovet Ensiklopediyasi Bosh redaksiyasi, 1984. - B. 573.

КАТТА ҚУЁШ ҚУРИЛМАСИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

А.И. Мустафоев, М.О.Мустафоева,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети Жиззах филиали.
mustafoevakmal@gmail.com

Б.Г. Кодиров, Ф.Рахманова
Самарқанд давлат тиббиёт университети.

Энергиядан турли шаклларда фойдаланиш глобал иқтисодий тараққиёт ва саноатлантиришда муҳим рол ўйнайди. Қуёш энергияси барқарор ривожланиш ва глобал иқлим ўзгаришини бошқариш жараёнида тобора ортиб бораётган эҳтиёжни қондириш учун энергиянинг муҳим манбаи ҳисобланади, чунки у бемалол, чексиз, экологик тоза энергия манбаидир. Ҳозирги кунда энг қиммат энергия турларидан бири иссиқлик энергиясидир. Бунинг сабаби, уни ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва ёнилғи нархининг доимий ошиб бориши, иссиқлик энергиясини иссиқлик алмаштиргичларга кўп марта айлантириш натижасида келиб чиқадиган иссиқлик электр станцияларининг самарадорлиги пастлиги, истеъмолчига иссиқлик етказиб бериш жараёнида самарадорлик тахминан 40-70% ни ташкил этади.

Тошкент вилояти Паркент тумани тоғ этакларида 1050 метр баланликда жойлашган катта қуёш печи бу тадқиқотларда қўл келади. Бу иншоатнинг тасвири 1-расмда келтирилган.

Бу иншоатдан кундузи қуёш энергиясидан кунига 3000°C гача бўлган печда назорат қилинадиган ҳароратни яратиш мумкин. Бунда 54-54 метрли асоси параболик нометалл, диаметри 1.2 метр бўлган, йўналтирилган нурни ташкил этади. 2-расм.

Марказда ойна матолари, ортида металлни эритиш жараёни мониторинги ўтказиладиган жойда тадқиқотлар маркази мавжуд. Уядаги кўзгу элементлар сони 10700 тани ташкил этади. 3-расм. Бунга қуёшдан келаётган ёруғлик нурини тўғридан-тўғри 62 та 6.5-7.5 метр ҳажмли гелиостатлар маълум бурчаклар остида етказиб беради. 4-расм.

Бу иншоатда ўчоққа ўзи қарама-қарши жойлашган минора технология маркази, шунингдек исталган 800 дан 3000°C даражадаги нур шаклини олиш ва

ҳарорат таъсир давомийлигини назорат қилиш имконини беради. Биринчидан бундай қуёш печкаси албатта металлни оддий эритиш учун эмас, гарчи у бундай функцияни бажариш мумкин бўлса ҳам комплекснинг асосий мақсади илмий тадқиқотлардир.

Тошкент вилояти Кумушкон тоғларидан топилган керамик серпентинни катта қуёш печида эритиб ундан иссиқликка чидамли оловбардош керамик плиталарни ишлаб чиқаришда катта қуёш печидан фойланаиш маҳаллий хом-ашё асосида импорт ўрнини босадиган керамикаларни оптималлаштиришга ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини асослаб беради. Чинни буюм тайёрлаш плиталарини импорт йўли билан келтирилган ҳолати билан катта қуёш қурилмасида маҳаллий хом-ашёларга асосланиб тайёрланган керамик плиталарни таннархи сифат даражасини ҳисобга олиш тартиби билан фарқ қилади.

Қайта тикланадиган энергия ресурсларидан оқилона эҳтиёжга кўра фойдаланишни таъминлайдиган иссиқликка чидамли керамик плиталарни ишлаб чиқариш технологик жараёнини бошқаришнинг янги тизими катта қуёш қурилмасидан фойдаланишдир. Маҳаллий хом-ашёларга асосланган керамик плиталарни катта қуёш қурилмасида тайёрлашнинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган ва мазкур конструкциянинг тажрибавий тадқиқотлари асосида чинни буюм тайёрлаш плитаси тайёрланишидаги иш режимида электр энергияси сарфини камайтириш имкониятини берди.

Энди қуёш нурланишини Ер юзига тушишини қараб чиқамиз. Ерга тушувчи қуёш нурлари ўзаро идеал параллел эмас. Қуёш ердан анча узоқ ва диаметри ерниқидан 109 марта катта бўлгандан унинг бурчак диаметри 32^0 га тенг. Шунинг учун ҳам қуёш нурлари параболоид қайтаргич юзининг исталган нуқтасига қуёшнинг турли нуқтасидан энг кўпи билан $\phi_0=32^0$ бурчак остида тушади.

Агар қайтарувчи юзи параболоид бўлганда эди, у вақтда параболоид юзига тушиш ва қайтиш бурчаклари ўзаро тенг бўлар эди. Аммо амалда параболоид сирти идеал параболоид бўлмайди. Шунинг учун қайтиш бурчаги ϕ ҳар доим ϕ_0 дан катта бўлади. Натижада параболоиддан қайтган нурлар дастаси параболоид фокусдан симметрия ўқиға тик равишда ўтувчи текислик фокал текисликдаги фокус нуқтада аниқ кесишмасдан, балки фокус нуқтага нисбатан диаметри d бўлган ёруғ доғ ҳосил қилади. Энергиянинг ўртача геометрик тўпланиши (концентрацияси) деб концентратор кесим юзи $\frac{\pi D^2}{4}$ нинг ёруғ доғ юзи $\frac{\pi d^2}{4}$ га нисбатига айтилади. Агар ўртача геометрик концентрацияни n ҳарфи билан белгиласак, у ҳолда ушбу ифодани ёза оламиз:

$$n = \frac{\pi D^2}{\frac{4}{\pi d^2}}, R = \left(\frac{n}{i}\right)^2 F \quad (1)$$

Бу ерда R - кўзгу моддасининг қайтариш коэффициентини. (1) ифодани n нинг максимал қийматини топишга қулайлик 2 – ифода келиб чиқади:

$$\frac{d}{2} = F \sin \frac{\varphi}{2}; \quad \frac{D}{2} = F \sin \frac{\alpha}{2} \quad (2)$$

Бу ерда α параболоиднинг икки четини фокус нуқтаси билан туташтирган чизик.

Юқоридагилардан $\frac{D}{d} = \frac{\sin \frac{\alpha}{2}}{\sin \frac{\varphi}{2}}$ уoki $\frac{D}{d} = \frac{\sin \alpha}{\sin \varphi}$ деб ёза оламиз. Бу ифодадан

кўринадикки, φ кичиклашиши ва $\sin \alpha$ оша бориши билан фокал доғнинг диаметри ҳам шунчалик кичрайиб боради. $A=90^\circ$ бўлганда максимал концентрация бўлишлигини пайқаш қийин эмас, идеал ҳолда $\varphi=\varphi_0=32^\circ$ га тенг бўлади:

$$\frac{D}{d} = \frac{\sin 90^\circ}{\sin 32^\circ} = \frac{1}{0.01} = 100 \text{ деб ёза оламиз. Демак (1) ифодани шиша параболоид}$$


учун қуйидагича ёзиш мумкин ($R=0.8$ га тенглигини эътиборга олган ҳолда):

$$n = \left(\frac{D}{d}\right)^2 R = (100)^2 * 0.8 = 8000$$

Шундай қилиб, идеал параболоид туридаги кучайтиргичларнинг максимал концентрацияси 8000 га тенг бўлади.



1-расм. Тошкент вилояти Паркент тумани тоғ этакларида 1050 метр баланликда жойлашган катта қуёш печи.



2-расм. Катта күёш печининг структураси.



3-расм. 10700 донани ташкил этган күзгү.



4-расм. 6.5-7.5 метр ўлчамдаги 62 та гелиостатлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов А. А., Мустафоев А. И. Технология керамики для материалов электронной промышленности: монография //Ташкент: Типография ТИИИМСХ.–2020. – 2020.
2. Mustafoyev A. Технология керамики для материалов электронной промышленности //Scienceweb academic papers collection. – 2020.
3. Мустафоев А. И. и др. Влияние нагрева на фазовые превращения в геомодификаторе трения на основе слоистого серпентина //AGRO ILM» журналы. – Т. 4. – С. 97-99.
4. Каманов Б. М., Маматкосимов М. А., Мустафоев А. И. Юқори хароратга чидамли оловбардош плитани ишлаб чиқариш //Irrigatsiya va melioratsiya" jumali. – 2019. – Т. 4. – С. 18.
5. Suvanova L. et al. Study of the technological possibilities of the large sole furnace in localization of imported electric heaters //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – Т. 2432. – №. 1. – С. 020017.
6. Sapaev J. et al. Development of automated water detection device //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – Т. 2432. – №. 1. – С. 020018.
7. Мустафоев А. Маҳаллий хом-ашёларга асосланган юқори иссиқликка чидамли керамик плиталар //Современные инновационные исследования актуальные проблемы и развитие тенденции: решения и перспективы. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 378-380.
8. Мустафоев А. Юқори иссиқликка чидамли керамик плиталар учун оловбардош материаллар //Современные инновационные исследования актуальные проблемы и развитие тенденции: решения и перспективы. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 380-382.
9. Isaqulovich M. A. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA 17000C HARORATDA ISHLAYDIGAN TERMOSTATLANGAN ELEKTR PECHINI ISHLAB CHIQRISH //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 389-391.
10. ISHLANGAN I. M. A. Q. Q. MAHALLIY XOM-ASHYOLAR ASOSIDA TAYYORLANGAN KERAMIK PLITANING TEXNIK-IQTISODIY KO ‘RSATKICHLARI //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 404-406.
11. Isaqulovich M. A. QUYOSH QURILMASIDA QAYTA ISHLANGAN MAHALLIY XOM-ASHYOLAR ASOSIDA TAYYORLANGAN KERAMIK PLITANING TEXNIK-IQTISODIY KO ‘RSATKICHLARI //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 404-406.

12. Akmal B. M. et al. MANUFACTURE OF HIGH-TEMPERATURE ELECTRIC HEATERS BASED ON THE SOLAR ENERGY //Журнал иностранных языков и лингвистики. – 2022. – Т. 6. – №. 6. – С. 269-286.

13. Мустафоев А. И. и др. ИЗГОТОВЛЕНИЕ ЭЛЕКТРОНАГРЕВАТЕЛЕЙ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ БОЛЬШОЙ СОЛНЕЧНОЙ ПЕЧИ //SCHOLAR. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 167-171.

14. Мустафоев А. И. и др. КУМУШКОН СЕРПЕНТИНИНИНГ КАТТА ҚУЁШ ПЕЧИГА АСОСЛАНГАН ТАДҚИҚОТЛАРИ //SCHOLAR. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 98-103.

15. Мустафоев А. И. и др. ҚУЁШ ҚУРИЛМАСИДА ҚАЙТА ИШЛАНГАН МАҲАЛЛИЙ ХОМ-АШЁЛАР АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН КЕРАМИК ПЛИТАНИНГ ХОССАЛАРИ //SCHOLAR. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 56-61.

16. Mustafoyev A. I. et al. QUYOSH QURILMASIDA TAYYORLANGAN KERAMIK PLITANING TEXNIK-IQTISODIY KO 'RSATKICHLARI //SCHOLAR. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 51-55.

17. Мустафоев А. И. и др. ПОДГОТОВКА МАТЕРИАЛА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СЕРПЕНТИНА НА ОСНОВЕ БОЛЬШОЙ СОЛНЕЧНОЙ ПЕЧИ //Innovative Development in Educational Activities. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 67-73.

18. Мустафоев А. Informatika fanini o'qitishda masofaviy ta'lim tizimidan foydalanishning qulayliklari //Современные инновационные исследования актуальные проблемы и развитие тенденции: решения и перспективы. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 191-193.

19. Abduganiyev A., Mustafoyeva M. Educational resources based on virtual reality //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 2035-2042.

20. Мустафоева М. Talabalarni individual ta 'lim trayektoriyasi orqali oqitishning samaradorligi //Современные инновационные исследования актуальные проблемы и развитие тенденции: решения и перспективы. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 88-90.

21. Мустафоева М. Individual ta 'lim trayektoriyasi-talabaning ta 'lim sohasidagi shaxsiy imkoniyatlarini amalga oshirishning individual yonalishi //Современные инновационные исследования актуальные проблемы и развитие тенденции: решения и перспективы. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 87-88.

22. Oltinbekovna M. M. PSYCHOLOGICAL APPROACH TO TEACHING A FUTURE PHYSICS TEACHER //Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 86-92.

23. Oltinbekovna M. M. KOMPETENSIYAGA ASOSLANGAN TA'LIM: NAZARIYA VA AMALIYOT MUAMMOLARI //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 622-625.

24. Suvanov L. S. et al. Studying the technological possibilities of the large sun face in the localization of imported jewelry stones //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – Т. 2432. – №. 1. – С. 020016.

25. Муратов И. М. и др. СУПЕРОКСИДНЫЙ КАТАЛИЗ МЕТАЛЛОКОМПЛЕКСАМИ ПОРФИРИНОВ И ФТАЛОЦИАНИНОВ //Universum: химия и биология. – 2022. – №. 6-2 (96). – С. 41-44.

26. Мукумов И. У. и др. Распространение рода Шренкия во флоре Узбекистана //Вестник современных исследований. – 2019. – №. 5.2. – С. 25-27.

27. Рахманова Ф. Э., Холмуродова Д. К. ПРИМЕНЕНИЕ ОКСИДА АЗОТА ДЛЯ АНТИМИКРОБНЫХ, РАНОЗАЖИВЛЯЮЩИХ КОЖНЫХ ЛЕЧЕБНЫХ МАЗЕЙ //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF NATURAL SCIENCES AND MEDICINE. – 2022. – С. 8-20.

28. Холмуродова Д. К., Рахманова Ф. Э. ОКСИД АЗОТА В КАЧЕСТВЕ РАНОЗАЖИВЛЯЮЩИХ КОЖНЫХ ЛЕЧЕБНЫХ ПРЕПАРАТОВ //Биотехнология и биомедицинская инженерия. – 2022. – С. 164-168.

29. Mamadiyarova H., Yusupova S., Rahmanova F. ABOUT STUDY OF THE PROCESS OF PRODUCING DEFOLIANT BASED ON SODIUM CHLORATE AND AMINOGUANIDINE PHOSPHATE //InterConf. – 2021. – С. 430-436.

INTERFAOL METODLAR ORQALI O'QUVCHILARNING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH

Mo'minova Moxidilxon Axmadjon qizi

KIUT PRI-1U magistri

***Annotatsiya.** Maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilariga interfaol metodlar orqali ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish faoliyati yoritib berilgan. Boshlang'ich sinf o'quvchilari ijodiy faoliyatini rivojlantirishda interfaol metodlar va o'yinlardan foydalanish muhokama qilingan.*

***Kalit so'zlar:** ijodiy qobiliyat, interfaol, ta'lim, interfaol ta'lim shakllari, interfaol ta'limning turlari, interfaollik ijodiy faoliyat sifatlari, ta'lim samaradorligi, darsni loyihalash.*

***Аннотация.** В статье освещена деятельность по развитию творческих способностей младших школьников с помощью интерактивных методов. Обсуждалось использование интерактивных методов и игр в развитии творческой деятельности младших школьников.*

***Ключевые слова:** творческие способности, интерактивные, образовательные, интерактивные формы обучения, виды интерактивного обучения, интерактивность качества творческой деятельности, образовательная эффективность, конструирование урока.*

***Annotation.** The article highlights the activities of Primary School students to develop their creative abilities through interactive techniques. The use of interactive techniques and games in the development of creative activity of Primary School students was discussed.*

***Key words:** creative abilities, interactive, educational, interactive forms of learning, types of interactive learning, interactive qualities of creative activity, educational efficiency, lesson design.*

Buyuk kelajak taraqqiyoti tomon rivojlanib borayotgan mamlakatimizda yosh avlod tarbiyasi birinchi o'rindagi muhim masalalar qatorida bo'lib qolmoqda. Zamonaviy ta'lim olishning o'zi har bir shaxs zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi. Zeroki, ta'lim-tarbiya jarayoni shaxsni har tomonlama kamol toptirish, yuksak g'oyali, milliy g'ururli, chuqur ma'lumotli, ma'naviy va jismoniy

yetuk qilib yetishtirish maqsadini ko'zda tutadi va o'z harakatlarini shu nuqtai nazardan yo'lga qo'yadi.

Bugungi kunda bir qator rivojlangan mamlakatlarda ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini kafolatlovchi zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llash borasida katta tajriba asoslarini tashkil etuvchi metodlar interfaol metodlar nomi bilan yuritilmoqda. Interfaol ta'lim metodlari hozirda eng ko'p tarqalgan va barcha turdagi ta'lim muassasalarida keng qo'llanayotgan metodlardan hisoblanadi. Shu bilan birga, interfaol ta'lim metodlarining turlari ko'p bo'lib, ta'lim-tarbiya jarayonining deyarlik hamma vazifalarini amalga oshirish maqsadlari uchun moslari hozirda mavjud. Amaliyotda ulardan muayyan maqsadlar uchun moslarini ajratib tegishlicha qo'llash mumkin. Bu holat hozirda interfaol ta'lim metodlarini ma'lum maqsadlarni amalga oshirish uchun to'g'ri tanlash muammosini keltirib chiqargan.

Buning uchun dars jarayoni oqilona tashkil qilinishi, ta'lim beruvchi tomonidan ta'lim oluvchilarning qiziqishini orttirib, ularning ta'lim jarayonida faolligi muttasil rag'batlantirib turilishi, o'quv materialini kichik-kichik bo'laklarga bo'lib, ularning mazmunini ochishda aqliy hujum, kichik guruhlarda ishlash, bahs-munozara, muammoli vaziyat, yo'naltiruvchi matn, loyiha, rolli o'yinlar kabi metodlarni qo'llash va ta'lim oluvchilarni amaliy mashqlarni mustaqil bajarishga undash talab etiladi.

Interfaol metod biror faoliyat yoki muammoni o'zaro muloqotda, o'zaro bahs-munozarada fikrlash asnosida, hamjixdtlik bilan hal etishdir. Bu usulning afzalligi shundaki, butun faoliyat o'quvchi-talabani mustaqil fikrlashga o'rgatib, mustaqil hayotga tayyorlaydi.

O'qitishning interfaol usullarini tanlashda ta'lim maqsadi, ta'lim oluvchilarning soni va imkoniyatlari, o'quv muassasasining o'quv-moddiy sharoiti, ta'limning davomiyligi, o'qituvchining pedagogik mahorati va boshqalar e'tiborga olinadi.

Interfaol metodlar deganda – ta'lim oluvchilarni faollashtiruvchi va mustaqil fikrlashga undovchi, ta'lim jarayonining markazida ta'lim oluvchi bo'lgan metodlar tushuniladi(1). Bu metodlar qo'llanilganda ta'lim beruvchi ta'lim oluvchini faol ishtirok etishga chorlaydi. Ta'lim oluvchi butun jarayon davomida ishtirok etadi. Ta'lim oluvchi markazda bo'lgan yondashuvning foydali jihatlari quyidagilarda namoyon bo'ladi:

- o ta'lim samarasi yuqoriroqbo'lgan o'qish-o'rganish;
- o ta'lim oluvchining yuqori darajada rag'batlantirilishi;
- o ilgari orttirilgan bilimlarning ham e'tiborga olinishi;
- o ta'lim jarayoni ta'lim oluvchining maqsad va extiyojlariga muvofiqlashtirilishi;
- o ta'lim oluvchining tashabbuskorligi va mas'uliyatining qo'llab-quvvatlanishi;
- o amalda bajarish orqali o'rganilishi;

- o ikki taraflama fikr-mulohazalarga sharoit yaratilishi.

Shunday qilib, fanlarni o'qitish jarayonida interfaol metodlardan foydalanish o'ziga xos xususiyatga ega. Ta'lim amaliyotida foydalanilayotgan har bir interfaol metodni sinchiklab o'rganish va amalda qo'llash o'quvchi-talabalarning fikrlashini kengaytiradi hamda muammoning to'g'ri yechimini topishlariga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. O'quvchi-talabalarning ijodkorligini va faolligini oshiradi. Yuqorida aytilganlardan interfaol ta'lim metodlarini tegishlicha tahlil qilish va shu asosda ularni tasniflash zarurati ma'lum bo'ladi. Quyida ushbu masala yuzasidan umumiy mulohazalarni keltiramiz. Bu metodlarni tasniflashda ularni interfaol metodlar, interfaol ta'lim strategiyalari, interfaol grafik organayzerlarga ajratish mumkin.

Hozirgi kunda eng ommaviy interfaol ta'lim metodlari quyidagilar sanaladi:

«Zigzag» metodi: Sinf o'quvchilari 4-7 guruhga bo'linadilar va guruhlar nomlanadi. Guruhlarda yangi mavzu mohiyatini yorituvchi matn qismlarga ajratiladi va ajratilgan qismlar mazmuni bilan tanishib chiqish vazifasi guruhlariga topshiriladi. O'quvchilar matnlarni diqqat bilan o'rganadilar va gapirib beradilar. Vaqtni tejash maqsadida guruh a'zolari orasidan liderlar belgilanadi va qayd etilgan vazifa ular tomonidan bajariladi. Liderlarning fikrlari guruh a'zolari tomonidan to'ldirilishi mumkin. Barcha guruhlarining o'quvchilari o'zlariga topshirilgan matn mazmuni xususida so'zlab berganlaridan so'ng, matnlar guruhlararo almashtirilib, avvalgi faoliyat takrorlanadi. Guruhlarga bir necha matnlar taqdim etiladi. SHu tarzda barcha matnlar mazmuni guruhlar tomonidan o'rganib chiqilgach o'quvchilar o'tilgan mavzu bo'yicha asosiy tushunchalarni ajratadilar, ularning o'zaro mantiqiy bog'liqligini aniqlaydilar, yuzaga kelgan g'oyalar asosida mavzuga oid sxema ishlab chiqiladi. So'ngra o'zlashtirilgan bilimlar asosida o'quvchilarning o'zlariga shunday sxemalarni ishlab chiqish vazifasi topshiriladi(1).

Muzyorar metodi: Muzyorar – muomaladagi to'siqlarni yengib o'tishga va o'zaro munosabatlardagi «muzni» yorishga qaratilgan mashqdir. Muzyorar, birinchidan, tanishuv jarayonini rivojlantiradi, ikkinchidan, ishtirokchilarni o'zini bemalol his qilishlariga yordam beradi(4).

Aqliy xujum metodi: «Aqliy hujum» biror muammoni yechishda gurux qatnashchilari tomonidan bildirilgan erkin fikr va mulohazalarni to'plab, ular orqali ma'lum bir yechimga kelinadigan eng samarali usuldir. Uto'g'ri va ijodiy qo'llanilganda shaxsni erkin, ijodiy va nostandart fikrlashga o'rgatadi.

FSMU texnologiyasi:

(F) – Fikringizni bayon eting.

(S) – Fikringiz bayoniga biron sabab ko'rsating.

(M) – Ko'rsatilgan sababni tushuntiruvchi misol keltiring

(U) – Fikringizni umumlashtiring

Ushbu texnologiya tinglovchilarni o'z fikrini himoya qilishga, erkin fikrlash va o'z fikrini boshqalarga o'tkazishga, ochiq holda bahslashishga, egallangan bilimlarni tahlil qilishga, qay darajada egallaganliklarini baholashga hamda tinglovchilarni bahslashish madaniyatiga o'rgatadi.

“Zinama-zina” texnologiyasi: o'qituvchi o'quvchilarni mavzular soniga qarab 3-5 kishidan iborat kichik guruhlariga ajratadi (guruhlar soni 4 yoki 5ta bo'lgani ma'qul); o'quvchilar mashg'ulotning maqsadi va uning o'tkazilish tartibi bilan tanishtiriladi. Har bir guruhga qog'ozning chap qismida kichik mavzu yozuvi bo'lgan varaqlar tarqatiladi; o'qituvchi guruh a'zolarin tarqatma materialda yozilgan kichik mavzular bilan tanishishlarini va shu mavzu asosida bilganlarini flomaster yordamida qog'ozdagi bo'sh joyiga jamoa bilan birgalikda fikrlashib yozib chiqish vazifasini beradi va vaqt belgilaydi; guruh a'zolari birgalikda tarqatma materialda berilgan kichik mavzuni yozma(yoki rasm, yoki chizma) ko'rinishida ifoda etadilar. Bunda guruh a'zolari kichik mavzu bo'yicha imkon boricha to'laroq ma'lumot berishlari kerak bo'ladi. Tarqatma materiallar to'ldirilgach, guruh a'zolaridan bir kishi taqdimot qiladi. Taqdimot vaqtida guruhlar tomonidan tayyorlangan materiallar, albatta, sinf doskasiga mantiqan tagma-tag(zina shaklida) ilinadi;

O'qituvchi guruhlar tomonidan tayyorlangan materiallarga izoh berib, ularni baholaydi va mashg'ulotni yakunlaydi.

Ha-yo'q mashqi :O'qituvchi bir nima (raqam, predmet, adabiy yoki tarixiy qahramon va sh. o'.) ni o'ylab qo'yadi. O'quvchilar esa unga savol berib, u nimani o'ylab qo'yganligini topishga harakat qiladilar. O'qituvchi ularning savollariga faqat “Ha”, “Yo'q”, “Ham ha, ham yo'q” so'zlari bilan javob beradi. Savol nojo'ya berilgan yoki o'qituvchi didaktika maqsadlaridan kelib chiqib, savolga javob berishni xohlamaydigan vaziyatlar yuzaga kelishi mumkin. SHunda u oldindan belgilangan ishora bilan javob berishdan voz kechadi. Mashq yakunlanganidan so'ng albatta qanday savollar kuchli, qandaylari kuchsiz va nima uchunligi yuzasidan qisqa muhokama o'tkazish shart.

Mashqning maqsadi – bolalarni savollarni tartibsiz berishga urintirmasdan, ularni izlash strategiyasini ishlab chiqishga o'rgatishdan iboratdir.

“Kungaboqar”: O‘quvchilar 4-5 kishidan iborat guruhlarga bo‘linadi. O‘qituvchi fanning mavzusidan kelib chiqib, o‘rtaga bitta muammoni tashlaydi. Har bir guruh kungaboqar yasab, uning markaziga doira joylashtirib, barglar yopishtiradi. Mavzuga qarab, doiraga har bir guruhga yoki umumiy bitta muammo yozilib, doskaga yopishtiriladi. Ajratilgan vaqt ichida guruhlar birgalikda fikrlarini bargga yozib, uni o‘sha guruh muammosi yozilgan gulga joylashtirib qo‘yadilar. Bu uslubdan o‘tilgan mavzuni tushuntirish, uni mustahkamlash va takrorlash hamda talabalar egallagan bilimlarni aniqlashda foydalanish mumkin(5).

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. O.U.Avlayev, S.N. Jo‘rayeva, S.P.Mirzayeva “Ta’lim metodlari” o‘quv-uslubiy qo‘llanma, “Navro‘z” nashriyoti, Toshkent – 2017
2. Shuhratbek. uz
3. BAXTIYOR. UZ
4. Ziyonet. uz

BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QITUVCHILARIDA KREATIVLIKNI SHAKLLANTIRISH MASALALARI VA ULARGA QO‘YILADIGAN TALABLAR

Akramova Gulnoza Baxodir qizi

KIUT 1-kurs magistranti

***Annotatsiya:** Ushbu maqolada boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarida kreativlikni shakllantirish masalalari va ularga qo‘yiladigan talablarni o‘rgatish orqali ularning aqliy faoliyatini rivojlantirish masalalariga to‘xtalib o‘tilgan.*

***Kalit so‘zlar:** kreativlik, ijodiy, stimuly, intellektual, ravonlik, moslashuvchanlik, o‘ziga xoslik, yaratuvchanlik, yondashuv, metodlar, kreativ fikrlash.*

***Abstract:** This article focuses on the issues of the formation of creativity in primary school teachers and the development of their mental activity by teaching them the requirements for them.*

***Keywords:** creativity, creative, stimulus, intellectual, fluency, flexibility, identity, creativity, approach, methods, creative thinking.*

***Аннотация:** В данной статье рассматриваются вопросы формирования креативности у учителей начальных классов и развития их умственной деятельности через обучение предъявляемым к ним требованиям.*

***Ключевые слова:** креативность, креативность, стимул, интеллектуальность, беглость, гибкость, оригинальность, креативность, подход, методы, креативное мышление.*

Zamonaviy kasbiy pedagogik ta‘limning muhim kamchiliklaridan biri bu uning bo‘lg‘usi o‘qituvchilarning ijodiy salohiyatini, shu jumladan tarixni rivojlantirishga zaif ta‘siridir. Zamonaviy o‘qituvchilarning faoliyati tahlili shuni ko‘rsatadiki, ularning kreativ qobiliyatlarini rivojlantirishga qaratilgan pedagogik amaliyot darajasi yetarli darajada emas. Aksariyat o‘qituvchilarning kelajakdagi kasbiy va pedagogik faoliyatda ijodkorlik ish tizimida, o‘qituvchilarning algoritmik harakatlariga qaratilgan stereotipli usul va uslublar ustunlik qiladi.

O‘zbekiston Respublikasining ta‘lim sohasini isloh qilishdagi sa‘y harakatlarining biri – bu pedagoglarning zamon talablariga hamnafas tarzda faoliyat yuritishlari, har tomonlama rivojlangan komil shaxsni tarbiyalashga doir chuqur bilim, pedagogik

mahorat, ko'nikma, malaka va madaniyatga ega bo'lishlarini talab etmoqda. Bu esa o'z-o'zidan ta'lim va tarbiya ishlarining qonuniyatlarini o'rganuvchi pedagogika faniga «kreativlik» degan tushunchani olib kirdi. Ayniqsa, umum ta'lim maktablarida o'qituvchi kadrlarning kreativligini rivojlantirishga bo'lgan ijtimoiy buyurtma vujudga kelmoqdaki, bu borada ilmiy pedagogik izlanishlar olib borish talab etiladi. Shu bilan bir qatorda kreativlik masalasini ilmiy tushunishda turli fikrlarning mavjudligi, yaxlit xulosaga kelinmaganligi maqolamiz mavzusi dolzarbligining yana bir ko'rinishi hisoblanadi. Vaholanki, bu muammo bugungi kunga qadar ko'plab G'arb mamlakatlarida turlicha tahlil etilgan va o'rganilgan. Masalan, N.N. Nechaev, Y.A. Ponomarev, D.V. Ushakov singari olimlar kreativlik masalasini umumiy tarzda o'rgangan bo'lsalar, N.A. Berdyaev, V.S. Bibler, V.N. Drujinin, P.A. Florenskiylar kreativlikning ma'naviy, psixologik jihatlarini tahlil etgan.

XXI asrga kelib O'zbekiston Respublikasining ta'lim sohasida ham ushbu termin ishlatila boshladi. Ayniqsa, pedagogika fanining alohida va yosh tarmog'i sifatida shakllanib boshlagan Innovatsion pedagogikada Ushbu terminga bod-bod duch kelmoqdamiz. **R.A.Mavlanova** o'zining «**Boshlang'ich ta'limda pedagogika, innovatsiya, integratsiya**» nomli o'quv qo'llanmasida kreativlikning o'zi nima, uning shakllanishi masalalariga alohida to'xtalib o'tgan. Qo'llanmada kreativlik tushunchasining mazmuni va mohiyati chuqur tahlil etilgan. Ammo kreativlik masalasining ilmiy-nazariy, ilmiy-pedagogik jihatlarini maxsus ilmiy tatqiqot ob'ekti sifatida tatqiq etilmagan. Bugungi kundagi zamonaviy uzluksiz ta'lim tizimi kreativ yondoshuvni talab etadi. Ayniqsa, boshlang'ich ta'lim – bu har bir bolaning hayotida chuqur iz qoldiruvchi ta'lim turidan biri bo'lib, ta'limning bu bosqichida pedagog o'qituvchilarga katta mas'uliyat yuklatiladi. Ya'ni boshlang'ich sinf o'qituvchilarining kreativlik faoliyati hali maxsus o'rganishni talab etmoqda. Ko'plab ilmiy adabiyotlarning tahlili shuni ko'rsatadiki, kreativlik tushunachiga nisbatan bir-biriga zid bo'lgan quyidagi turli xil qarashlar majud. Bular:

1. Kreativlik – bu insonning butun hayoti davomidagi sifatlari majmuidir.
2. Kreativlik – bu insonning o'ziga topshirilgan muayyan topshiriq va vazifalarni bajarish usulidir.
3. Kreativlik – bu intellekt (aql) ning mahsulidir.
4. Kreativlik – bu insonga xudo tomonidan berilgan qobiliyat, kashfiyotlardir.
5. Kreativlik – bu ijodiy faoliyatdir.
6. Kreativlik – bu ijodkor insonlarning ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy adaptatsiyalanishidir.
7. Kreativlik – bu madaniyat bilan uzviy bog'liq bo'lgan kategoriyadir.

Pedagog olimi R.A.Mavlanova an'anaviy psixologiya va pedagogikada kreativlikka shaxs kategoriyasi sifatida qaralishini, uni talqin qilish, aniqlash borasida bahslar yuritilganligi haqida quyidagicha fikr bildirganlar:

- kreativlik tafakkur sifatida (J.Gilford, Y.K.Tixomirov) yoki intellektual faollik sifatida (D.B.Bogolevskaya, L.B.Yermolayeva-Tomina),

- yoki shaxs sifatlarining integratsiyalashuvi (Y.A.Ponomarev va boshqalar). Kreativlikni o'rganishda amalga oshirilgan nazariy tahlil uni kasbiy anrogogikada qo'llashning umumiy qonuniyatlari va o'ziga xosligini aniqlash imkonini beradi (V.M.Morozov). Biz kreativlikning tizimlilik tuzilishidan kelib chiqib, unga shaxsning o'ta intellektual-evristik jihati sifatida emas, balki shaxsni qadrllovchi, tabaqalashtirilgan ta'lim sifatida qaraymiz.

Kreativlik- shaxsni rivojlantiruvchi kategoriya sifatida inson ma'naviyatining ajralmas qismi bo'lib, shaxsni o'z-o'zini rivojlantirish omili, shaxsiy jonbozlikning asosi, shaxs ega bo'lgan bilimlarning ko'p qirrali ekanligida emas, balki yangi g'oyalarga intilishda va o'rnatilgan stereotiplarni yangilik yaratish jarayonini isloh qilish va o'zgartirishda, hayotiy muammolarni yechish jarayonida kutilmagan va noodatiy qarorlar chiqarishda namoyon bo'ladi. Kreativlik bevosita innovatsiyalar bilan bog'liq jarayondir. Negaki o'qituvchining kreativlik faoliyat yuritishi uchun, u albatta o'zining sohasidagi eng so'nggi yangiliklardan, shu bilan bir qatorda butun jamiyatdagi voqea va hodisalardan boxabar bo'lishi, innovatsion yangiliklarni o'z faoliyatida o'rinli foydalana olishi lozim. Demak, boshlang'ich sinf o'qituvchisi har qanday vaziyat, har qanday jarayon va har qanday paytda eng samarali yo'lni izlab topishi va uni amaliyotga joriy qilish orqali dars jarayonini samarali tashkil etishi, boshlang'ich sinf o'quvchilari ongiga tez, tushunarli, qulay, oson va samarali tarzda yetkazib berishi ham kreativlikning bir ko'rinishi deyish mumkin. O'qituvchining kreativligi, ushbu kreativlikning mohiyatini beruvchi ijodkorlik ustuvor xarakterga egadir. Bu esa bizning maqolamiz ob'ekti bo'lgan o'qituvchining kreativlik faoliyatining naqadar muhimligidan dalolat beradi. Yuqoridagi pedagog olimlar, ayniqsa olimi **R.A.Mavlanova** tomonidan olib borilgan tatqiqotlar bilan tanishar ekanmiz, ularning barchasini umumlashtirgan holda **biz quyidagi fikrlarni e'tirof etmoqchimiz:**

1. Kreativlik o'qituvchilarni innovatorlikka undovchi pedagogik kategoriya hisoblanadi.

2. Kreativlik o'qituvchining kasbiy va shaxsiy sifatining integratsiyasidir. Chunki tabiatan qiziquvchan, intiluvchan bo'lmas ekan, o'qituvchi hech qachon ijodkorlikni namoyon eta olmaydi.

3. Kreativlik o'qituvchilarda o'z-o'zidan paydo bo'ladigan sifat emas, u o'qituvchining yangiliklarga intilishi, yangiliklarni o'zlashtirish va o'zining pedagogik faoliyatida qo'llay olish jarayonlarida duch keladigan qiyinchiliklarni yenga olishi, innovatsion yangiliklarni o'z faoliyatida faol, ijodkorona foydalana olish va o'z mualliflik g'oyalari, echimlarni (evristik) topa olishi bilan bog'liqdir.

4. O'qituvchining kreativligining shakllanishi «ehtiyotlar, yo'nalishlar va «Men» kontseptsiya»laridan kelib chiqadi. O'qituvchining kreativlik faoliyati pedagogik faoliyatning barcha turlarida namoyon bo'lishi davr talabidir. O'qituvchining kreativlik faoliyati, avvalo, pedagogik mahorat bilan bog'liq degan xulosaga kelishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyot va internet saytlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida» gi Qonuni. // Barkamol avlod –O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T. Sharq. 1997
2. Mavlanova R.A, Raxmonqulova N.X."Boshlang'ich ta'limda innovatsiya".T.,TDPU 2007-y.
3. Mavlanova R.A, Raxmonqulova N.X."Boshlang'ich ta'limda pedagogika, innovatsiya, integratsiya." T., 2013.
4. Azizxo'jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. – T. : TDPU, 2003.
5. <http://ziyonet.uz/>
6. <http://pedagog.uz/>
7. <http://edu.uz/>

PREVENTION OF ACCIDENT INCIDENTS IN GAS SUPPLY SYSTEMS AND IMPROVING PERFORMANCE

K.R.Aytbayev (KARSU)
A.J.Qurbaniyazov (KARSU)

Annotation: This article provides information on the creation of a system of their design and use and the laying of gas pipelines in determining the strength of gas supply networks.

Keywords: Gas Networks, pipeline, pipes, voltages, corrosion

ПРЕДОТВРАЩЕНИЕ АВАРИЙНЫХ СИТУАЦИЙ В СИСТЕМАХ ГАЗОСНАБЖЕНИЯ И ПОВЫШЕНИЕ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ

К.Р. Айтбаев (КГУ)
А.Ж.Курбаниязов (КГУ)

Аннотация: В данной статье представлена информация о создании системы их проектирования и использования и прокладке газопроводов при определении прочности сетей газоснабжения.

Ключевые слова: Газовые сети, трубопровод, трубы, напряжения, коррозия

Information about the authors

1. **Aytbaev Kobeyzin Ramatullaevich** was born in 1984. Senior teacher of the "Engineering Communications Construction" department of Karakalpak State University. City of Nukus. Chimboy guzari street, house 5. kolya2200@mail.ru

2. **Qurbaniyazov Alisher Jalgashovich** was born in 1996. 1st year graduate student of Karakalpak State University. Address: Qungirotdistrict, M.Qudaynazarov street . a.qurbaniyazov@internet.ru

Currently, in the implementation of economic reforms in the continuous quality supply of the population with gas, gas and water, the main priority of this area is established [1].

Gas supply is a large branch of the national economy. The consumption of natural gas among primary energy resources is the first in the Republic of Uzbekistan (83%).

The total length of the gas networks currently in use in Nukus is 793.9 km, including the length of the low-pressure pipelines is 482.4 km, the middle pressure is 248.8 km and the high pressure is 62.7 km. During the period of use of gas pipelines, they are subject to an accident, the reason for which includes corrosion (absorption) of pipes during the use of pipes, disconnection from welded seams, mechanical damage to pipes.

The reliable operation of network gas supply systems is determined by the full supply of the amount of gas consumption supplied to consumers through pipelines. When the reliable operation of the gas supply system is not fully carried out, the failure of the pipes to an accident state, not only economic and moral damage to consumers can harm [2].

Reliable operation of gas supply systems of urban networks is of social and economic importance. When assessing the reliable operation of a gas supply system on the basis of the strength theory of technical devices, their operation without an accident during the time (t) and unit is determined by $P(t)$. The volume of the internal capacity of the pipeline in urban Gas Networks is at most 3-4% at the gas pressure in each step, 10-12% of the total charge. The connection between the transmission of gas in the urban gas network and the reception of gas from consumers from the network has a very tight connection in practice [3].

When determining the strength of gas supply networks, it is necessary to create a system for their design and use. Taking into account the conditions for laying gas pipelines, engineering communications carried out in a horizontal and vertical direction around the pipeline, as well as the requirements of current building standards and regulations (QMQ) when determining distances in relation to buildings, structures, natural and artificial barriers;

Strength and stability calculations of the construction of gas pipelines, as well as hydraulic calculations of gas pipelines, carry out in accordance with the relevant documents;

When calculating the voltages that affect the pipeline, take into account the weight of the pipe and fittings, the state of the pipeline under the initial voltage, sudden temperature changes, the effect of additional voltages in landslides and precipitation;

When passing gas pipes between the walls, it is necessary to transfer them between steel sheaths. The inner diameter of the heap should not be higher than 10 mm in the diameter of the gas pipeline, however, taking into account the deformation of buildings and structures. Tightening of the gap between the gas pipes and the heatsink with elastic materials [3].

List of sources used

1. "Gas supply systems" Y.K.Rashidov. Tashkent 2010.
2. The rules for the safety of gas distribution and gas consumption systems "were found to be a technical document in agreement with the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan. August 16, 2011, 6-24/13-8885/No. 6».
3. Materials of the international scientific and technical conference on the topic "modern issues of design, construction and modernization of Engineering Communication Systems". Samarkand-2014.

OYBEK HAYOTI VA IJODIY FAOLIYATI

Rixsiboyeva Muborak Rustam qizi, talaba
Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o'zbek adabiy tanqidchiligi muammolari, Oybek va uning tanqidchilikdagi faoliyati, Oybek ilmiy qarashlarining o'zbek adabiyotshunosligida o'rganilishi haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: *Tanqidchilik, ilmiy-tanqidiy faoliyat, Oybekning badiiy-estetik qarashlari, sotsialistik realizm, o'zbek adabiy tanqidchiligi, munaqqid tahlili, davrlashtirish.*

ABSTRACT

This article talks the problems of Uzbek literary criticism, Oybek and his work in criticism, the study of Oybek's scientific views in Uzbek literary studies.

Keywords: *Criticism, scientific and critical activity, Oybek's artistic and aesthetic views, socialist realism, uzbek literary criticism, a critic's analysis, periodization.*

KIRISH (Introduction)

O'zbek adabiy tanqidchiligi shakllanishi va ravnaq topishi o'zining ma'lum davrlariga ega. Adabiyotshunoslik, tanqidchilik, badiiy ijod taraqqiyotiga munosib hissa qo'shgan ijodkorlar orasida Muso Toshmuhammad o'g'li Oybekning o'rni alohida. Uning chuqur mushohada va tahlilga asoslangan ilmiy ishlari bugungi kunga qadar adabiyotimiz rivoji uchun xizmat qilib kelmoqda. Taniqli munaqqid Ozod Sharafiddinov adib ijodiga baho berar ekan, "Oybek iste'dodining olmos qirralaridan biri-uning adabiyotshunoslik va tanqidchilik faoliyatida yarqirab ko'rinadi"-deb yozadi. Darhaqiqat, Oybek badiiy ijodda qanchalik mohir, o'z ishining ustasi bo'lsa, ilmiy faoliyatda ham shunday talabchan va bilimdon edi. Oybekning estetik qarashlari o'zbek adabiyotshunosligida yangi yo'nalishga yo'l ochib berdi. Ammo bu izlanishlarni to'liq o'rganish nisbatan kechroq amalga oshirildi. Ozod Sharafiddinovning "Iste'dod jilolari" (1976) kitobidan o'rin olgan "So'z san'atiga fidoyi sadoqat" nomli maqolasi Oybekning adabiy-tanqidiy qarashlarini o'rganishdagi ilk qadamlardan bo'ldi. Unda adibning Navoiy lirikasiga bag'ishlangan maqolasi, "Alisher Navoiy" tadqiqoti, "A.Qodiriyning ijod yo'li" risolasi haqida so'z yuritiladi. Olim o'z ishida Oybekning mahoratli adabiyotshunos ekanligiga ahamiyat qaratadi,

boy ilmiy-tanqidiy merosini tahlil etadi. U keyinchalik ham ko‘plab maqola va tadqiqotlarida Oybek ijodiga o‘zining munosabatini bildirib bordi. Yana bir adabiyotshunos olim, akademik Baxtiyor Nazarov nomzodlik dissertatsiyasini Oybekning adabiy-tanqidiy qarashlarini o‘rganishga bag‘ishladi. Uning “Bu sehrli dunyo”(1980) nomli kitobi Oybek hayoti, ijod olamiga kirib kelishi va mahoratli yozuvchi bo‘lib yetishishi haqidagi voqealarni bayon qiladi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Shu bilan birga Oybekning adabiy-tanqidiy qarashlarini ham tahlilga tortadi. Olimning “Hayotiylik bezavol mezon” (1985) kitobidan o‘rin olgan “Quyoshdek yashagan ichdagi sevgi” nomli maqolasida Oybekning ijodiy va ilmiy faoliyati o‘rganiladi. Maqola nomini uning she‘rlaridan biridagi dilbar misradan oladi. Sababi Oybekning adabiyotga, ijodga bo‘lgan mehri uning qalbida quyoshdek yashagan edi. Faqat Oybekgagina xos bo‘lgan uslub, mahorat munaqqid e‘tiborini tortadi va o‘z fikrlarini adibning hatto ilmiy maqola yozishda ham badiiylik va ilmiylikni uyg‘unlashtira olgani bilan isbotlaydi. So‘ngra shunday xulosaga keladi: Ilmiy maqolani bu qadar badiiy chechaklar bilan bezash, yozilayotgan masalani, xodisotni suratlashtirish, jonlantirish, tanqidiy ishni ham imkonicha badiiy asar yanglig‘ o‘qimishli qilish, mantiqiy va obrazli fikrlash orasida hukm surmish sarhadlarni ajib bir ustalik bilan yoritib, yozayotgan maqolasi to‘qimasiga ifor tuyg‘ularini singdirib yuborish olim Oybek uslubiga xos bo‘lgan fazilatlardan biridir.

Munaqqid ta‘kidlab o‘tganidek, Oybekning ilmiy ishlari va adabiy-tanqidiy maqolalari xuddi badiiy asardek ehtiyoj farzandlari, zarurat xosilasi sifatida maydonga keldi.

“Bolalik” asari yozuvchining bolalik davriga to‘g‘ri kelgan. XX asr boshlaridagi Turkiston hayoti, Toshkent hayoti hikoya qilinadi. Bu masalaning bir tomoni. Ikkinchidan, Oybek o‘zi tug‘ilib o‘sgan muhit kartinalarini chizadi. Shuning uchun unda ham shahar, ham qishloq hayoti, bolalar o‘yinlari, ota-onalari va boshqa yaqinlari mashg‘ul bo‘lgan kosibchilik mashg‘ulotlari hikoya qilingan. Binobarin, ana shu hayotni ifoda etuvchi so‘zlar va atamalar keng o‘rin olganligi uchun ham “Bolalik” qissasining tili Oybekning boshqa asarlaridan farqlanadi. Buning sabablari, eng avvalo, unda hikoya qilinayotgan odamlar hayoti, voqealar, joylar bilan bog‘liq. Asar avtobiografik xarakterda bo‘lgani tufayli tasvir etilayotgan voqealar yosh Musoning oilasi, oiladagi yaqin kishilari, qarindosh urug‘lari, mahalladoshlari, tanish-bilishlari, birga o‘qiydigan va o‘ynaydigan jo‘ralar hayoti, ular yashaydigan, umrguzaronlik, tirikchilik qiladigan Toshkent dahalari, guzarlari, mahallalari, bozorlari, ko‘chalari, atrof qishloqlar, ularda yashaydigan kishilar va ularning kasbi bilan bog‘liq so‘zlar, iboralar, maqollar asosiga qurilgan.

Oybekning qirq olti yoshida og‘ir va bir umrli xastalikka yo‘liqqanida, shunday ijodiy kuchga to‘lgan edi. Ammo xastalik uning tiliga kishan solib, o‘ng qo‘lidagi qalamni bir umrga tortib oldi. Oybek ko‘pgina asarlarini, jumladan, "Bolalik" qissasini ham oila a‘zolariga aytib yozdirdi. Oybekning "Bolalik" qissasi estetik janrda yozilgan. Asarda bosh qahramonning biografiyasi xalq hayoti, davr hodisalari, ijtimoiy o‘zgarishlar bilan uzviy bog‘liq holda tasvirlangan.

Qissada bosh qahramon Musaboyning biografiyasini hikoya qilish orqali o‘sha yillardagi xalq hayotining keng haqiqiy manzarasi chizilgan.

Oybek bu qissani yozish bilan birga o‘zining bolalar dunyosini, kichkintoylar psixologiyasini qanchalik chuqur bilishini namoyish etadi. Chunki bu asarda bolalar xarakteri va psixologiyasining turli xil, hatto ba‘zan ko‘z ilg‘amas darajada nozik bo‘lgan murakkab tomonlari ham mohirlik bilan ochib berilgan.

Oybek xalq tili boyligini ruhini mukammal bilgan va ulardan ustalik bilan foydalana oladigan san‘atkor bo‘lganligi uchun ham "Bolalik"ning tili shirali, sodda va ravon ekanligini mohirona ifodalagan. Asar tilining bu fazilati, eng avvalo adibning tabiiylikni ta‘minlashi bilan o‘lchanadi.

Ustoz Oybek har bir asarida xalqimiz taraqqiyoti tarixidagi xarakterli davrni qalamga oladi. Uni butun murakkabligi bilan juda haqqoniy ifodalaydi. Natijada ko‘p qirrali ijtimoiy, siyosiy va madaniy hayotimiz munavvar ko‘zgu sifatida namoyon bo‘ladi.

Sevimli adib har bir tarixiy jarayonini haqqoniy aks ettirar ekan, xalq qalbi va ruhini butun to‘laligi bilan ijodlashga va badiiy mahsul qaddini tiklovchi tasviriy vositalarning tabiiyligiga alohida e‘tibor beradi.

Yozuvchini niyatini, nimaga urg‘u berayotganini anglatishda ayrim so‘zlar alohida funksiya o‘tashi tabiiy. Bunday so‘zlar ijobiy qahramon nutqida ham, salbiy qahramon nutqida ham, go‘zallikni, xunuklikni xarakterlashda ham qo‘llaniladi va ma‘noni yorqin namoyon etishga, tasvirni ixchamlashtirishga katta imkoniyat beradi. Oybek xalq tilidagi mavjud so‘zlarni mohirona tanlaydi, saralaydi, nutq davrasida alohida yuk ko‘taruvchi elementni topib ishlatadi.

"Navoiy" romani haqida. Oybek shoir, nosir, adabiyotshunos olim sifatida ham Navoiy hayotiga ko‘p bor murojaat etgan. Uning 1942-yil Ikkinchi jahon urushining qizg‘in bir paytida "Navoiy" romanini yozib tugatgani tasodif emas. Nafaqat ulug‘ shoir, balki XV asrdagi Xuroson hayotini ham puxta o‘rgangan. Adib bu asarda Navoiyning shoir va inson sifatidagi gumanizmi - insonparvarlik mohiyatini katta mahorat bilan gavdalantirib bergan. Oybek Navoiy obrazini XV asr Xurosonida ro‘y bergan muhim tarixiy voqealar fonida gavdalantirar ekan, shu davrda Temuriylar davlatini harakatga keltirgan, keyinchalik esa uni tanazzulga olib kelgan kuchlar va

ularning o‘zaro kurashini xaqqoniy aks ettirgan. Oybek mazkur asari bilan o‘zbek adabiyotida tarixiy-biografik roman janrini boshlab, uning asosiy tamoyillarini belgilab berdi. "Navoiy" romani keyinchalik o‘zbek adabiyotida "Ulug‘bek xazinasini", "Ko‘hna dunyo" Odil Yoqubov, "Yulduzli tunlar", "Avlodlar dovoni" Pirimqul Qodirov singari tarixiy-biografik romanlarning maydonga kelishiga zamin hozirladi.

"Quyosh qoraymas" romani Oybekning nasriy asarlari orasida o‘zbek xalqining Ikkinchi jahon urushidagi jasorati tasviriga bag‘ishlangan. "Quyosh qoraymas" (1943-1959) romani alohida e‘tiborga loyiq. Adib mazkur romanini garchand G‘arbiy frontga qilgan safaridan qaytib oq yoza boshlagan bo‘lsada, urush to‘g‘risidagi dahshatli haqiqatni aytishning iloji bo‘lmagani uchun, uni 50-yillarda - xastalik paytida yozib tugatdi. Oybek Bektemir va uning ikki jangovar do‘stining obrazini yaratish orqali Sovet davlatining urushga tayyorgarliksiz kirgani va sarkardalarning qo‘pol xatolari tufayli millionlab kishilar, shu jumladan, o‘zbek jangchilarining "top yemi" bo‘layotgani haqidagi haqiqatni badiiy mujassamlantirib berdi. Oybek qalamiga mansub roman va qissalar qaysi davr hayotidan olingan bo‘lmasin, adib shu davr hayotini mukammal o‘rgangan, ayniqsa, tarixiy davr va tarixiy shaxs hayoti bilan birlamchi manbalar asosida yaqindan tanishgan yozuvchi sifatida namoyon bo‘ladi. Oybekning nasriy asarlariga xos muhim xususiyatlardan yana biri shundaki, u asar qahramoni yoki tarixiy shaxsni Vatan va xalq manfaatlarini yo‘lida kurashuvchi, mehnatkash xalq orzu-armonlarining ro‘yobga chiqishi yo‘lida zahmat chekuvchi siymo sifatida tasvirlaydi.

Maqolalari. Oybek adabiy faoliyatining muhim qismini adabiyotshunoslikka oid tadqiqot va maqolalar tashkil etadi. O‘zbek xalqi tarixi va o‘zbek mumtoz adabiyotining ulkan bilimdoni Oybek o‘zining adabiy-tanqidiy faoliyatida adabiyotimizning eng qadimgi davridan to‘tgan asrning 60-yillariga qadar kechgan shakllanish va taraqqiyot yo‘liga bag‘ishlangan ko‘plab maqolalar e‘lon qildi. Bu maqolalarning katta bir qismi Alisher Navoiy yashagan davr, shoir hayoti va ijodini o‘rganishga bag‘ishlangan bo‘lib, ular keyinchalik Oybekning "Navoiy gulshani" maqolalar to‘plamini tashkil etdi. Bu maqolalar navoiyshunoslikning o‘zbek adabiyotshunosligining muhim bir sohasi sifatida shakllanishi va rivojlanishiga hissa bo‘lib qo‘shildi. Shu bilan birga Oybek Yozuvchilar uyushmasi va Fanlar akademiyasi gumanitar bo‘limining raisi sifatida Navoiyning 500 yillik yubileyini tashkil etish va o‘tkazishga rahbarlik qildi. A. Deych bilan birga rus tilida Navoiyga bag‘ishlangan turkum maqolalar chop etdi. Bu maqolalar mualliflarning 1968-yilda nashr etilgan "Alisher Navoiy. Literaturno-kriticheskiy ocherk" kitobidan o‘rin olgan.

XULOSA (Conclusion)

Oybek ilmiy faoliyatini o'rganish bo'yicha olib borilgan ishlar, tadqiqotlar ayrim yoritilmagan jihatlarni ochdi. Adibning badiiy-estetik qarashlari turkumlarga bo'lindi va unga ko'ra Oybek ijodini o'rganishda yangicha yo'nalishlar aniqlandi. Tajribali adabiyotshunoslar, taniqli munaqqidlar o'z izlanishlarida adib ijodiga oid bir qancha yangiliklarni aniqlashdi, boshlab qo'yilgan ishlarni to'liq o'rganib adabiyot olamiga taqdim etishdi. Ularda Oybekning turli yo'nalishlardagi ijodiy merosi o'rganiladi. Oybek dahosini kashf etish, ba'zi o'rganilmagan masalalar bo'yicha izlanishlar bundan keyin ham davom etadi degan umiddamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

- 1.Mahmudov N. Va boshq. O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi. T.,1991.
- 2.Mahmudov N. Nurmonov A. O'zbek tilining nazariy grammatikasi (sintaksis). T.: O'qituvchi, 1995.
- 3.Mahmudov N. Kesimning gapdagi maqomi. //O'zbek tili va adabiyoti. -T., 2009 №1.B. 44-55
- 4.Nurmonov A. Gap haqida sintaktik nazariyalar. -T., 1988.
- 5.Rixsiyeva G. Metafora haqidagi diss. Avtoreferati.
- 6.Qurbonova M. O'zbek tilshunosligida formal-funksional yondashuv va soda gap qurilishining talqini: Filol. fanlari d-ri dis... avtoref. - T., 2001. - 48 b.
- 7.G'ulomov A. Asqarova M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. -T.: O'qituvchi, 1987.
- 8.<http://www.edu.uz/>
9. <http://ziyo.edu.uz/>

DUNYODA VA O‘ZBEKISTONDA MICE TURIZMINING RIVOJLANISHI TAHLILI

Ergashev Shoxrux Jamolovich

TDAU SF Agrobiznes va logistika fakulteti talabasi

Shokhrukhergashev@yandex.com

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada MICE turizmi orqali boshqa turizm turlarining rivojlanishi va uning ahamiyati, mintaqalar iqtisodiyotini o‘shida asos bo‘lishi, MICE turizmiga bo‘lgan talab va uni rivojlantirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan ishlar tahlil etilgan. Rivojlangan dunyo mamlakatlarining ilgo‘r tajribasi asosida mintaqamizda MICE turizmini rivojlantirish bo‘yicha takliflar berilgan. MICE turizmi yangi rivojlangan turizm turi bo‘lib bu hozirgi kunda butun rivojlangan davlatlarda keng ko‘lamda foydalanilmoqda.

Kalit so‘zlar: turizm, MICE, tadbirlar, maqsadli auditoriya, infratuzilma, gastronomiya, festival, marketing, iste‘molchi xulq-atvorio

ABSTRACT

This article analyzes the development of other types of tourism through MICE tourism and its importance, the basis for the growth of the regional economy, the demand for MICE tourism and the ongoing work on its development. Based on the advanced experience of the developed world countries, proposals are made for the development of MICE tourism in our region. MICE tourism is a newly developed type of tourism, which is now widely used in all developed countries.

Keywords: tourism, MICE, events, target audience, infrastructure, gastronomy, festival, marketing, consumer behavior.

Kirish (Introduction)

Dunyoda biznes va ishbilarmonlar soni kundan kunga oshib bormoqda bu esa butun dunyoda MICE turizmi ham o‘z navbatida rivojlanishiga olib keldi.

MICE (uchrashuv, rag‘batlantirish, konferentsiya, tadbir) ya‘ni bu uchrashuvlar, rag‘batlantirishlar, konventsional va ko‘rgazmalar, shu jumladan konferentsiyalar, kongresslar va ko‘rgazmalar tashkillashtiruvchilar yangi turizm yo‘nalishi ochildi va shu maqsadda ular rivojlanayapti. Bu esa turizm sanoatining muhim yo‘nalishlaridan ko‘ra biznesga ko‘proq etibor qaratishiga olib keldi. MICE turizmi 115 dan ortiq

mamlakatlar tomidan ishlab chiqilgan, uning eng foydali tomonlaridan biri daromad olish va ish bilan band qilish orqali mamlakat iqtisodiyotini o'sishiga qaratilgan turizm turi hisoblanadi.

Jahon sayyohlik va turizm kengashi kelgusi o'n yil ichida biznes turizmining yillik aylanmasi 3,7 foizga o'sishini va 2016 yildagi 1,15 milliard dollardan 2027 yilda 1,7 milliard dollargacha o'sishini taxmin qilmoqda [1]. Ushbu maqolani o'rganish ob'ekti dunyodagi va O'zbekistondagi MICE kabi turizm bo'limi doirasidagi tadbirkorlik faoliyati hisoblanadi. Tadqiqot mavzusi Silk Road Destinations sayyohlik kompaniyasi misolida O'zbekistonda biznes va MICE turizmining rivojlanish istiqbollari va to'siqlari. Maqsad tadqiqot muammosi xalqaro turizmning o'ziga xos sohasi sifatida MICE turizmining rivojlanishini tahlil qilishning past darajasi bilan bog'liq. O'zbekiston hali ham "boshlang'ich sayyohlik maskani" bo'lib, u jahon MICE turizm bozorida deyarli mavjud emas. MICE imkoniyatlari va uning O'zbekistondagi rivojlanishidagi to'siqlarga oid tadqiqotlar kam, shuning uchun biz tomonidan olib borilayotgan tadqiqotlar O'zbekistonning ushbu turizm sohasidagi istiqbollarini tahlil qilingan. Tadqiqotni o'tkazish uchun muallif jahon sayyohlik va turizm Kengashi iqtisodiy ma'lumotlaridan foydalangan holda o'z takliflarini kiritgan.

Ushbu maqola orqali butun dunyoda MICE turizmini tatqiq qilish va uni dam olish turizmi bilan farqi, keltiradigan foydasi, tahliliy jihatdan mualliflar tomonidan o'rganilgan.

Middlton va Klark ta'rifiga ko'ra "biznes turizmi bu – ish bilan bog'liq holda tartibsiz sayohatdir" va Svarbruk va Xornerga fikrlariga ko'ra "biznes turizmi – ish bilan bog'liq holda sayohat qilishdir". [2][3] Dam olish maqsadida dunyo bo'ylab ko'plab insonlar hordiq chiqarish uchun kezishadi ularni asosini oilalilar, juftliklar, bolali oilalar, yolg'iz kishilar yoki do'stlar bilan sayohat qiluvchi kishalardir. Lekin MICE turizmida esa ular yuzlab hatto minglab kishilarni o'z ichiga oladi. GBTA ma'lumotlariga ko'ra har yili 480 milliondan ortiq korporativ sayohatlar amalga oshiriladi. Tajribali yoshi kattaroq tashkilotchilar yiliga 12 ta, yoshroq tashkilotchilar 14 ta sayohatni amalga oshiradilar, bu esa o'z navbatida MICE turizmini rivojlanganligidan dalolatdir. [4] BJTT ma'lumotlariga ko'ra 2006 yilda 4,4 mln biznes vakillari safarda 5100\$ sarflashgan, shaxsiy maqsadlarda sayohat qilgan 17,8 mln kishi esa 3800\$ mln sarflashgan [5]. Shuni takidlash joizki boshqa turizm turlari kabi MICE turizmi mavsumga bog'lanib qolgani yuq. Bu turizm turi vaqt ham mavsumam tanlamaydi.

TADQIQOT METODOLOGIYASI VA EMPIRIK TAHLIL

Dam olish turizmi va MICE turizmini bir-biridan farqi: (1- jadval)

	Dam olish turizmi	MICE turizmi
Ishtirokchilar	Turistlar	Professionallar, mutaxassislar, ishbilarmonlar. Ba'zan hamkorlar hamrohlik qilishi mumkin
Guruhlar hajmi	Individual yoki kichik guruh	Millongacha ishtirokchilar bo'lishi mumkin
Ishtirokchilarning asosiy maqsadi	O'yin-kulgi, dam olish, yangi narsalarni o'rganish, manzillar va yangi madaniyatlarni o'rganish	Biznes masalasida yoki maslahat almashish,
To'lovchi	Turist	Ish beruvchi yoki tashkilot
Qaror qabul qiluvchi	Sayyohlar, sayyohlik ulgurji savdogarlari, sayyohlik agentlari	Uchrashuv tashkilotchisi/rag'batlantirish/konferentsiya/tadbir
Vaqt	Bayramlarda yokimaxsus kunlarda	Yilning xoxlagan vaqti
Asosiy iqtisodiy ta'sir	To'g'ridan to'g'ri xarajatlar	Investmenlar yoki biznesmenlar

Ma'umotlarga qaraganda butun dunyoda ishlaydigan kompaniya hodimlari yiliga 5 martan ko'proq biznes uchrashuvlar, k'orgazmalar, konfirensiyalarda qatnashishadi. Bu esa kompaniya ishchilariga juda yoqadi va ish samaradorligini oshiradi. Biznes sayohatga chiqan kishilarni kun davomida 20% vaqti bo'sh bo'ladi, ular esa bundan foydalanib sayohat qilishga vaqtlari bo'larkan ya'ni biznes maqsadida borgan insonam o'sha borgan joyini sayohat qilishi mumkin bo'ladi.

Ishtirokchilar soniga qarab Kongress tadbirlarini quyidagilarga bo'lish mumkin:

Kichik (250 dan kam ishtirokchi);

Oddiy (250 dan 1000 ishtirokchigacha);

Katta (1000 dan ortiq ishtirokchilar).

Hozrigi kunda O'zbekistonda MICE turizmini rivojlanishiga bir qancha omollar ta'sir ko'rsatmoqda, bularga: mexmonxonalarining kongress zallari dunyo standartlariga javob bera olasligi, transport, yo'l infratuzilmasining yaxshi emasligi, joylashtirish masalasi katta mehmonxonalarining yo'qligi, servis xizmat ko'rsatishning yuqori darajada emasligi va kadrlar masalasi kabu muammolar bor. Toshkentdagi to'rtta asosiy xalqaro aeroport, Samarqand, Buxoro va Urganch qayta qurildi, mamlakatning asosiy avtomagistrali yangilanmoqda. Bugungi kunda O'zbekiston havo yo'llari muntazam faoliyat yuritmoqda, dunyoning 40 dan ortiq yetakchi davlatlariga

reyslar Rossiya, Belarus, AQSh, Italiya, Germaniya, Fransiya, Latviya, buyuk Britaniya, Hindiston, Tailand, BAA, Xitoy, Malayziya, Koreya, Singapur, Turkiya, Isroil, Ozarbayjon, Qirg'iziston va Qozog'iston kabi davlatlarga mavjud. Ammo O'zbekistonda MICE turizmini rivojlantirish istiqbollari mavjud faqat uni rivojlantirish va shakllantirish kerak. Buning uchun MICE turistik korxonalarini ko'proq ochish va avvalambor ichki biznesni rivojlantirishda qo'llash keyin esa raqobat muhitini yaratgan holda dunyo standartlariga chiqib olish zarur. Lekin mexmonxona sonlari, undagi kongres zallar, restaranlar, malakali kadrlarni tayorlash va ularni biznes turizmiga yo'naltirish kerakligini rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyotida ko'rsatilgan. O'zbekiston o'zining betakror obidalari, milliy taomlari va go'zal tabiatini o'zida mujassam etgan diyor, faqat buni to'g'ri rivojlantirish zarur.

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations)

MICE turizmning asosiy maqsadi mamlakatda yagona sayyohlik makonini shakllantirishga hissa qo'shib, jahondagi turistik yo'nalishlar reytingida yuqori o'rinlarni egallashdir. Biznes turizmini rivojlantirish uchun bir qancha takliflarni ko'rib chiqish zarur:

Rivojlangan mamlakatlarning MICE turizmini rivojlantirishdagi bosqichlarini targ'ib etish;

Katta 300-500 ta mijozlarni o'ziga sig'dira oladigan mexmonxonalarini qurish;

Xizmat ko'rsatish sohasi bo'yicha malakali kadrlarni tayyorlash;

MICE turistik firmalarini ochish ;

Firma xodimlarini xorijiy tillarda bemalol gaplasha olishini ta'minlash;

Transport soxasida biznes joylarini ko'paytirish;

Havo yo'llariga narx masalasini ko'rib chiqish;

Xalqaro ko'rgazmalar, konferensiyalar, uchrashuvlarni tashkil etish va yuqori darajada o'tkazish;

Toshkent, Samarqand, Buxoro, Xiva, Shaxrisabz, Farg'ona viloyatlarida tashkilotchilarga hukumat tomonidan chet el davlatlari bilan aloqa o'rnatishda yordam berish;

MICE turistik firmasining reklama masalasini ko'rib chiqish.

Kabi takliflar mavjud. Dunyo tajribasi shuni ko'rsatadiki, MICE turizm kichik hududlar uchun ham rivojlantirishning asosiy elementi hisoblanadi. Shaharlar o'z hududining xususiyatlari va imkoniyatlarini hisobga olgan holda turistik tadbirlarni yaratishlari lozim.

REFERENCES

- [1] World travel and Tourism Council: Maximizing Opportunities for Business Travel Growth 2017 Executive summary
- [2] Middleton V, Clarke J 2001 Marketing in Travel and Tourism, Third Edition, Elsevier ButterworthHeinemann, Great Britain
- [3] Swarbrooke J, Horner S 2001 Business travel and tourism Butterworth-Heinemann, Oxford
- [4] 5 Stats About the Current State of Corporate Travel E-source: <http://www.dcsplus.net/blog/5-stats-about-the-current-state-of-corporate-travel> (viewed on 05.03.2019)
- [5] Rybakov F 2010 Reliable partnership in business execution Tourism: practice, problems, perspectives 10

HISTORY OF ORIGIN AND FACTORS OF DEVELOPMENT OF BAYOZ

Shukurova Zilola

a teacher of Tashkent State University of Uzbek Language
and Literature named after Alisher Navoi, Ph.D

Abstract: *This article gives the information about the place of origin, time, and characteristics of Bayoz. Analytical comments are also given about the introduction of Bayoz tradition and its development in our country.*

Key words: *Bayoz, the science of Bayoz, Abu Tammam, literary genres, manuscript, lithograph.*

In Uzbek classical literature, bayozs, which are composed of poets' creations and serve as an invaluable means of their works, have a special value. The importance of Bayozs in Uzbek literature is that, together with famous poets, you can find examples of works of poets who are not famous or who, despite being famous, could not create a devon due to financial difficulties and other reasons. That is why, bayoz can be called a factory that discovers poets. This factory has had a great influence to discover many poets in Uzbek literature.

Bayoz (Arabic - white, whiteness) means a collection of poems.¹ The history of the appearance of bayoz dates back to the long past, and it can be found in Arabic literature. However, there are different views of scientists about the period in which it was created. In particular, some scholars cite the emergence of bayaz as the most flourishing period of literature in the Arab countries in the VIII-XII centuries,² others say that the first bayaz appeared in the period when Arabic poetry developed (750 - 1055),³ according to some sources, the tradition of bayoz was established in the Muslim East in the VIII-IX centuries.⁴ It is noted that it took its first forms in the literature. A. Habibullaev reported that bayozs appeared in Arabic classical literature in the 9th

¹ National Encyclopedia of Uzbekistan. (Letter B) - Tashkent: "National Encyclopedia of Uzbekistan" state scientific publishing house, p22

² Look. History of Uzbek literature. - Tashkent: Science, 1976. p80; X. A. Gibb. Arabic literature (classical period), M., IVL, 1960, p 36-80.

³ National Encyclopedia of Uzbekistan. (Letter B) - Tashkent: "National Encyclopedia of Uzbekistan" state scientific publishing house. p. 22

⁴ Look. Joraboev O. Secrets of textuality of the text. - Tashkent: Tamaddun, 2017. p. 85; Krachkovsky I. Yu. Izbrannye sochineniya. Volume 2. -, L., 1956. p21.

century (poet Abu Tammam).¹ In order to make the above-mentioned periods more clear and come to a single conclusion, a need is felt for a wider coverage of the issue.

